

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРИЗМ АСОСЛАРИ

(Ўқув қўлланма)

Тошкент - 2006

Масъул мухаррир: проф. А. М. Абдувоҳидов

Тақризчилар:

1. проф. А .К. Алиев
2. проф. Ф.К.Камилова.

Тузувчилар:

доц. М. А. Мирзаев., доц. М. Т. Алиева

Туризм асослари: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2006.

МУНДАРИЖА

1 - боб. "Туризм асослари" фанининг мақсади ва вазифалари

- 1.1."Туризм асослари" фанининг мақсад ва вазифалари
- 1.2. Фаннинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги давлат сиёсати
(меъёрий ҳужжатлар асосида)

2 - боб. Туризм тушунчаси

- 2.1. Илк саёҳатлар ва саёҳатчилар тарихи
- 2.2. Туризм тушунчаси, унинг бошланиши, шаклланиши ва тарихи

3 - боб. Туризм мақсадлари

- 3.1. Туризм мақсадлари ҳақида маълумот
- 3.2. Дам олиш ва даволаниш мақсадлари
- 3.3. Туристик ресурслардан фойдаланиш мақсади
- 3.4. Ижтимоий мақсадлар ва сиёсат

4 - боб. Туризмнинг ташкилий шакллари ва асосий категориялари

- 4.1. Ички ва халқаро туризм тушунчалари ҳақида маълумот
- 4.2. Ички ва халқаро туризмнинг ривожланишидаги айrim муаммолар ва кўрсаткичлар

5 - боб. Туризм турлари ва асосий кўринишлари

- 5.1. Актив (фаол) ва пассив (нофаол) туризм ҳақида тушунча
- 5.2. Туризм турларининг кўринишлари
- 5.3. Махсус ва ижтимоий туризмнинг ўзига хос хусусиятлари

6 - боб. Турист тушунчасининг моҳияти

- 6.1. Турист тушунчасининг таърифи
- 6.2. Туристнинг мақсадлари
- 6.3. Туристнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари
- 6.4. Туристнинг ирқи, миллати, жинси, ёши, тили, дини

7 - боб. Туристик индустря (саноат)

- 7.1. Туристик индустря (саноат) ҳақида тушунча
- 7.2. Туроператорлар ва турагентликлар
- 7.3. Ташиб ва жойлаштириш индустряси
- 7.4. Овқатлантиришни ташкил этиш

8 - боб. Туризм инфратузилмаси

- 8.1. Туризм инфратузилмаси ҳақида тушунча
- 8.2. Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора - тадбирлари

9 - боб. Туристик хизматлар

- 9.1. Туристик хизматлар ҳақида тушунча
- 9.2. Туристик хизматлар таркиби

10 - боб. Туристик товарлар

- 10.1. Туристик товарлар ҳақида тушунча
- 10.2. Давлат божи олинмайдиган товарлар

11 - боб. Туристик маҳсулотлар

- 11.1. Туристик маҳсулотлар ҳақида тушунча
- 11.2. Хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш
- 11.3. Тур ва турист йўналиши (маршрути)

12 - боб. Туристик ресурслар

- 12.1. Туристик қизиқиши объектлари
- 12.2. Туристик ресурслар

13 - боб. Экология ва туризм

- 13.1. Экология ва туризмнинг ўзаро алоқадорлиги
- 13.2. Туризм экологияси ва экологик туризмнинг ўзига хос хусусиятлари
- 13.3. Миллий парк ва захираларнинг экотуризмда тутган ўрни

14 - боб. Миллий парк ва резервациялар

- 14.1. Миллий парк ҳақида тушунча
- 14.2. Миллий парк ва резервацияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг туризмга даҳлдорлиги

15 - боб. Туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш

- 15.1. Саёҳат давомида туристларнинг ҳаётига таъсир этувчи омиллар
- 15.2. Туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш чора – тадбирлари

16 - боб. Туристик суғурта

- 16.1. Суғурта ҳақида тушунча
- 16.2. Туристик суғурта ва унинг турлари

17 - боб. Туристик ҳужжатлар

- 17.1. Туристик фирмадаги услубий таъминот
- 17.2. Асосий туристик ҳужжатлар мажмуаси

СОДЕРЖАНИЕ

Раздел 1. Цели и задачи предмета "Основы туризма"

- 1.1. Цели и задачи предмета "Основы туризма"
- 1.2. Место предмета среди других наук
- 1.3. Государственная политика по туризму Республики Узбекистан
(на основе нормативных документов)

Раздел 2. Понятие о туризме

- 2.1. История о первых путешествий и путешественников
- 2.2. Понятие о туризме, история ее формирования

Раздел 3. Цели туризма

- 3.1. Информация о целях туризма
- 3.2. Цели отдыха и лечения
- 3.3. Цель использования туристических ресурсов
- 3.4. Социальные цели и политика

Раздел 4. Организационные формы и основные категории туризма

- 4.1. Информация о внутренним и внешним туризме
- 4.2. Некоторые проблемы и показатели развития внутреннего и внешнего туризма

Раздел 5. Основные виды туризма

- 5.1. Понятие об активным и пассивным туризме
- 5.2. Виды туризма
- 5.3. Особенности специального и социального видов туризма

Раздел 6. Сущность понятия о туристе

- 6.1. Определение понятия о туристе
- 6.2. Цели туриста
- 6.3. Права и обязанности туриста
- 6.4. Национальность, раса, пол, возраст, язык, религия туриста

Раздел 7. Индустрия туризма

- 7.1. Понятие об индустрии туризма
- 7.2. Туроператоры и турагентства
- 7.3. Индустрия перевозок и размещения
- 7.4. Организация питания

Раздел 8. Инфраструктура туризма

- 8.1. Понятие об инфраструктуре туризма
- 8.2. Меры по развитию инфраструктуры туризма в Республики Узбекистан

Раздел 9. Туристические услуги

- 9.1. Понятие о туристических услугах
- 9.2. Структура туристических услуг

Раздел 10. Туристические товары

- 10.1. Понятие о туристических товаров
- 10.2. Товары не облагаемые государственной пошлиной

Раздел 11. Туристические продукты

- 11.1. Понятие о туристических продуктов
- 11.2. Стандартизация и сертификация услуг
- 11.3. Тур и туристический маршрут

Раздел 12. Туристические ресурсы

- 12.1. Туристические объекты интереса
- 12.2. Туристические ресурсы

Раздел 13. Экология и туризм

- 13.1. Взаимосвязь экологии и туризма
- 13.2. Экология туризма и особенности экотуризма
- 13.3. Роль национальных парков в экотуризме

Раздел 14. Национальные парки и резервации

- 14.1. Понятие о национальном парке
- 14.2. Особенности национальных парков и резерваций и их причастность туризму

Раздел 15. Обеспечение безопасности туристических путешествий

- 15.1. Факторы влияющие на самочувствие туристов
- 15.2. Меры по обеспечению безопасности туристических путешествий

Раздел 16. Страхование туризма

- 16.1. Понятие о страховании
- 16.2. Страхование туризма и её виды

Раздел 17. Туристические документы

- 17.1. Методическое обеспечение в туристической фирме
- 17.2. Основные туристические документы

CONTENTS

Chapter 1. Aims of the subject “Basis of tourism”

- 1.1. Aims of the subject “Basis of tourism”
- 1.2. Relations of the subject “Basis of tourism” with another sciences
- 1.3. The tourism policy of the government of Uzbekistan

Chapter 2. Definition of tourism

- 2.1. History of ancient travels and travellers
- 2.2. History of tourism's definition

Chapter 3. Goals of tourism

- 3.1. Information of tourism's goals
- 3.2. Goals of recreations
- 3.3. Utilization's goals of touristic resources
- 3.4. Social goals and policy

Chapter 4. Main forms and categories of tourism

- 4.1. Information of domestic and international tourisms' definition
- 4.2. Some problems and indicators of domestic and international tourisms' development

Chapter 5. Main kinds of tourism

- 5.1. Definition of active and passive tourism
- 5.2. Kinds of tourism
- 5.3. Specific features of special and social tourism development

Chapter 6. Essence of tourist's definition

- 6.1. Definition of tourist
- 6.2. Targets of tourist
- 6.3. Rights and duties of tourist
- 6.4. Race, nationality, sex, age, language and religion of tourist

Chapter 7. Tourism industry

- 7.1. Definition of tourism industry
- 7.2. Tour operators and tour agents
- 7.3. Transport and hospitality industries
- 7.4. Arrangements of nourishment

Chapter 8. Infrastructure of tourism

- 8.1. Definition of tourism's infrastructure
- 8.2. The development actions of tourism's infrastructure of Uzbekistan

Chapter 9. Touristic services

- 9.1. Definition of touristic services
- 9.2. Contents of touristic services

Chapter 10. Touristic goods

- 10.1. Definition of touristic goods
- 10.2. Duty free touristic goods

Chapter 11. Touristic products

- 11.1. Definition of touristic products
- 11.2. Standardization and certification of services
- 11.3. Tour and tourist's itinerary

Chapter 12. Touristic resources

- 12.1. Attraction objects of tourism
- 12.2. Touristic resources

Chapter 13. Ecology and tourism

- 13.1. Relations of ecology and tourism
- 13.2. Ecology of tourism and specific features of ecological tourism
- 13.3. The role of national parks in ecotourism

Chapter 14. National parks and reservations

- 14.1. Definition of national park
- 14.2. Specific features of national parks and reservations and their role in tourism

Chapter 15. Security arrangements of travels

- 15.1. Influence factors on tourists' security
- 15.2. Security arrangements' actions of travels

Chapter 16. Tourism insurance

- 16.1. Definition of insurance
- 16.2. Kinds of tourism insurance

Chapter 17. Touristic documents

- 17.1. Methodical arrangements in touristic firms
- 17.2. Main touristic documents

Кириш

Мустақиллик иқтисодиёт таълими тизимини мисли кўрилмаган даражада модернизациялаштириб юборди. Янги -янги йўналишлар ва ихтисосликлар замон талабига мослаштирилмокда. Туризм фаолиятини ташкил этувчи мутахассислар шулар жумласидандир. Бўлажак кадрлар эса соҳани мукаммал эгаллашлари учун муҳим адабиётлар билан таъминланмоқдалар. Хусусан, "Туризм асослари" фани фикримизнинг далили бўлиб, у Ўзбекистонда ҳали ўрганилмаган, янги ва келажаги порлоқ фанлардан бири ҳисобланади. Уни бакалавриатнинг дастлабки босқич ўқув дастурларига киритилиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Студентлар бошқа ижтимоий фанлар билан бир каторда мутахассислик фани сифатида "Туризм асослари"ни илк курсларданоқ ўргана бошлайдилар.

"Туризм асослари" ўқув қўлланмасида республикамиизда ушбу соҳага бўлаётган эътиборнинг ортаётганлиги, туризм фаолиятининг иқтисодиёт тизимидағи аҳамияти муҳимлиги далиллар асосида кўрсатиб ўтилди. Қўлланмани тайёрлаш жараёнида амалий иш фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлардан фойдаланилиб, туризмга оид турли меъёрий - ҳукуқий хужжатлар жамланди, атамалар шарҳланди. Хусусан, республикамиз ҳукуматининг туризм соҳасидаги қатор хужжатлари таҳлил этилди, тарихий - маданий ёдгорликлар ва туризм тарихи, туризм мақсадлари, ташкилий шакллари ва асосий категориялари, турлари, инфратузилмаси, турист тушунчаси, туристик хизматлар, маҳсулотлар ва товарлар, туристик индустрия, туристик ресурслар ўрганилди.

"Туризм асослари" фанини бошланғич курсларда машғулот олиб борилишига асосий сабаб шуки, у ўрта мактаб таълими дастурларига яқин туради. Фанни тайёрлаш жараёнида мураккаб мавзулар ва ўта қийин тушунчалар берилишидан четга чиқилган. Шунингдек, у мактаб ўқув дастурларидаги тарих, география ва бошқа фанлар билан узвий алоқададир.

Маълумки, туризм соҳасини халқаро миқёсда қўриб чиқадиган бўлсак, у дунёning турли минтақалари ва мамлакатларида турлича ривожланмоқда ҳамда ўша давлатларнинг иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис, "Туризм асослари" фанини ёритиш жараёнида мазкур мамлакатлардаги туризм фаолияти имкони қадар ўрганилди, ижобий жиҳатлари ва салбий томонларини очиб берилишига харакат қилинди, республикамиизда келажакда туризм соҳасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр билдирилди.

"Туризм асослари" ўқув қўлланмасини ишлаб чиқиша хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассислари томонидан ихтисосликка оид яратилган адабиётлар ўрганилди, таҳлил этилди ҳамда керакли ўринларда уларнинг таржима матнларидан тўлиқ фойдаланиб, республикамиз шароитига мослаштирилди.

"Туризм асослари" мутахассислик фанлари ичида ўз ўрнига эга бўлиб, унинг

мавзулари кейинги курсларда таълим бериладиган туризм йўналишидаги фанларнинг ўзагини ташкил этади.

Энг муҳими - ўзига хос, мутахассислар анча йиллардан буён орзиқиб кутаётган, туризм таълими соҳасида янги ихтисослик адабиёти ўзбек тилида юзага келди. Бу ишнинг дебочасидир. Ҳар бир ижод намунасида муаллиф эътиборидан четда қоладиган айrim камчиликлар бўлиши табиий. Ушбу ўқув кўлланма ҳам ундан мустасно эмас. Келажакда соҳамизнинг илмий тадқиқотчилари мазкур кўлланмадан унумли фойдаланадилар ва уни янги маълумотлар билан бойитадилар, - деган умиддамиз.

1 - боб. "Туризм асослари" фанининг мақсад ва вазифалари

1. 1. "Туризм асослари" фанининг мақсад ва вазифалари
1. 2. Фанинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги давлат сиёсати (меъёрий ҳужжатлар асосида)

1. 1. "Туризм асослари" фанининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришни ўзининг асосий мақсади қилиб белгилаб олди. Бу ишда туризм соҳаси ҳам етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Туризм нафақат ўтмишни ўрганиш, ўзга ҳалқлар ва элатлар билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш, шунингдек, у катта бизнес ҳамдир. Мазкур фаолиятни йўлга қўйиш эса мутахассисларга боғлиқ. Бунинг учун малакали кадрларни тайёрлаш ҳозирги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг "Халқаро туризм" факультети ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, қолаверса, қатор Туризм касб - хунар коллежлари бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу ўқув масканларида қатор фанлар, жумладан, мутахассислик фанлари ҳам бўлиб, уларда касб илмига тааъллуқли муаммолар ўз ечимини топади. Шундай фанлар ичida "Туризм асослари" ўз ўрнига эга янги ўқув фанларидан бири бўлиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг "Халқаро туризм" факультетида 2002 - 2003 ўқув йилидан эътиборан машғулотлар олиб борилмоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, туризм тарихи, унинг асосий йўналишлари, турлари, категориялари, туристик хизматлар, умуман туризм илми билан боғлиқ барча масалалар ҳақида билим бериш, ҳатто туризмга оид тушунча ва атамаларнинг ҳар бирини таърифу таснифлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу алоҳида предмет даражасидаги масала ҳисобланади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, "Туризм асослари" туризмга оид барча мутахассислик фанларининг алифбоси сифатида ташкил этилди. Маълумки, туризм йўналишидаги фанларининг ҳаммасида ҳам ўрганиладиган

масалага тўғридан - тўғри ёндашилади, яъни соҳанинг ибтидосини ўргатиладиган, унинг "об - ҳаво"сини белгилаб берадиган фан керак эди. "Туризм асослари" эса айнан шундай предмет ҳисобланади. Уни пухта эгалламай туриб, мутахассисликка оид бошқа фанларни ўзлаштириб олиш жуда қийин кечади.

Хўш, "Туризм асослари" фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? - деган ҳақли савол туғилиши табиий. Масалага ойдинлик киритиш учун уларни қуидаги тарзда белгилаб олдик.

Фанинг мақсадлари сифатида:

- туризмнинг асл моҳиятини очиб бериш;
- туризмнинг тараққиёт йўли, тажрибаси, ҳозирги кундаги муаммоларини аниқлаб олиш;
- туризмнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий аҳамиятини ёритиб бериш;
- соҳага оид тушунча ва атамаларни таърифлаш;
- Ўзбекистон ва жаҳон туризм бизнесининг илдизларини ўрганишга асосий эътибор қаратилди.

Фанинг вазифаларида эса:

- туризм ва турист тушунчаларини таърифлаш, уларнинг илк кўринишлари, тараққиёти, шаклланиши ҳақида илмий ва далилий манбалар келтириш;
- Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги Давлат сиёсати ҳақида (меъёрий хужжатлар асосида) маълумотлар бериш;
- жаҳон туризм тажрибасининг илфор намуналари билан ўртоқлашиш;
- туризм ва туристнинг мақсадларини аниқлаб олиш;
- туризмнинг ташкилий тузилиши ва асосий категорияларини билиб олиш;
- туризм индустря ва унга бўлган талабларни ўрганиш;
- туризм инфратузилмаси ҳақида маълумот олиш;
- туризм турлари ва унинг асосий кўринишларини белгилаб чиқиш;
- туристик ресурсларни тушунтириб бериш;
- туристик товарлар ва маҳсулотлар ҳақидаги тушунчаларни эгаллаш;
- туристик хизматлар ва сервис даражасини такомиллаштириш сирларини очиб бериш;
- туризм маршрутлари ва маҳсус маршрутлар ҳақидаги билимларга эга бўлиш;
- туризмда солик, сугурта ва молиявий масалаларни ўрганиш долзарб масала, - деб билинди.

Мазкур фанни пухта эгаллаш ва келажакда етук мутахассис бўлиш учун студентлар биринчи навбатда Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, географияси, уларнинг табиий - иқлимиy ресурслари, археологик ва меъморий ёдгорликлари, музей ва маданият кошоналари, айниқса, иқтисодиёт фанларининг - маркетинг, менежмент, сервис, бухгалтерия, солик, бож йўналишлари ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлишлари лозим. Шунингдек, "Буюк ипак йўли", савдогарлик

тарихи, диний билимлар бўйича ҳам етарли фикр - мулоҳазалар талаб этилади. Ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида ушбу масалалар ҳам четда қолгани йўқ.

"Туризм асослари" мутахассислик фанлари ичида "Халқаро туризм", "Туристик маршрутларни ташкил этиш", "Туризм иқтисоди", "Экскурсияларни ташкил этиш" каби ва бошқа фанлар билан узвий алоқада ҳисобланади.

Фанни ўзлаштириш жараёни - ўқитишида туристик экскурсия, экспедиция ва маҳсус турлар ташкил этиш; туризм бозори (Халқаро Тошкент туризм ярмаркаси)да иштирок этиш; меҳмонхоналар фаолиятини, туристик фирмалар ишини, ресторон хизматини амалий тарзда намойиш этиш; экологик, тарихий - маданий ёдгорликларни акс эттирувчи видео кассеталар, буклетлар, тарихий хариталар ишлаб чиқиш; интернет алоқа тизимидан турли маълумотлар олиш муҳим аҳамиятга эга.

"Туризм асослари" фанидан ўқув машғулотларини "Туризм менежменти", "Халқаро туризм" йўналишлари 1 - ва 2 - босқич бакалаврлари учун олиб борилади. Унда хорижий давлатлар ва республикамида нашр этилган туризм соҳасига оид илмий, ўқув, услубий қўлланмалардан ҳамда журнал ва газеталардаги мақолалардан, туристик фирмаларнинг намунавий маршрутлари, буклетлари ва йўл қўрсаткичларидан фойдаланиш тавсия этилади.

1. 2. Фаннинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни

Туризм инсон ҳаёти ва фаолиятининг кўп соҳаларини қамраб олади. Шунинг учун туризмни ўрганиш психология, антропология, социология, иқтисодиёт, география, информатика, хукуқ каби фанлар билан узвий боғлиқ. Туристик ресурслар ер шарининг деярли барча бурчакларида, қитъаларида ва мамлакатларида мавжуд. Туризм ташкилотчилари туризм йўналиши (маршрути) ва туризм турини эркин танлаш шароитида туристик оқимларни билиши, истиқболлаши ва ҳатто уларни бошқариши керак. Бунинг учун эса қуйидаги фанларни билиш жуда - жуда зарур.

Психология

Саёҳат қилиш учун турист қайси йўналишни танлайди? Ушбу мавсумда қайси мамлакат кўпроқ афзалликка эга бўлади ва туризмнинг қайси турлари энг машҳур бўлади? Туризм бозорида кандай тур маҳсулотни таклиф қилиш фойдали? Ўз туристик маҳсулотини ҳаракатини қаерга йўналтириш керак? Мижоз хоҳишлирини энг яхши қондирувчи турни қандай қилиб тузиш керак? Бу саволларнинг кўпчилигига инсон психологиясини ўрганмасдан жавоб бериш мумкин эмас. Мижоз (турист) хоҳиши сабабларини ўрганмасдан ва тушунмасдан туриб, турни тўғри тузиш ва уни бозорда истеъмолчига таклиф қилиш мумкин эмас. Кичкинагина узилиш ёки хатолик ҳам пухта тайёрланган ва таҳлил қилинган саёҳатдаги ижобий таассуротни йўқотишга етарли бўлади.

Саёҳатни амалга ошириш - туристларнинг ёши, интеллект даражаси, молиявий аҳволи ва кўпгина бошқа омилларга боғлиқ. Дам олиш, дунёқарашни

кенгайтириш, нотаниш нарсаларни билиш, кўнгил очиш, диний, даволаниш, қариндошлар ва дўстларни кўриш ва бошқа мақсадлар туфайли кишилар саёхатни амалга оширадилар.

Саёхатни танлашда мақсадларнинг ўзгариши истеъмолчи бозорида туристик маҳсулотни таклиф қилувчи туристик фирма учун салбий оқибатларга олиб келади. Кайфият, мода, умумий сиёсий - иқтисодий ҳолат ва кўпгина бошқа омилларга эътиборсизлик туфайли мижозлар йўқотилади, натижада, туристик фаолиятда иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлади. Масалан, сўнгги йилларда катта шаҳарлар ва саноат марказлари аҳолиси экологик тоза табиат сақланган жойлардаги экотуризмни афзал кўришмоқда.

Туристик маҳсулотни лойихалаштириш уни туристик кўргазма ва ярмаркаларда улгуржи савдога таклиф қилишдан тахминан икки йил олдин бошланади. Шу боис, туристик талабни истиқболлашда психологик жиҳатдан чукур тажриба, сезгирилик ва профессионал билимга эга бўлиш керак.

Антропология

Антропология - одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси (ривожланиши), жисмоний тузилиши ва ирқлар, миллатларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фандир. Туризм илмида эса у - инсоннинг атроф - муҳитга таъсири ва маданиятини ўрганади. Мақсади - инсон ҳаётининг мураккаб характеристини, уларнинг ўзаро алоқадорлик тизимини ва жамиятдаги хулқини тадқиқ қилишдир. Шунингдек, у саёҳат қилишга ундовчи сабабларни келтириб чиқарувчи омилларни; саёҳат заруриятини тақозо қилувчи ижтимоий, маданий, иқтисодий шароитларни; туристларнинг атроф - муҳитга таъсирини, турли ҳолатларда маҳаллий аҳоли билан ўзаро алоқасини, маҳаллий маданият ва миллатлараро алоқалар ривожланишининг туризмга таъсирини ўрганади. Айнан антропологияни ўрганиш туристик объектлар ва марказлар чегарасини аниқлашга ёрдам беради ва туристик оқимни тўғри тақсимлаш ва йўналтириш имкони туғилади.

Пировард натижада куйидаги саволларга жавоб олинади: маълум бир объектга объектнинг ўзи ва туристларга зарар қилмаган ҳолда нечта турист ташриф буориши мумкин? Туристлар томонидан ахборот (информация) ва атрофни ўрганиш, ушбу ресурслардан мақсадли фойдаланишини таъминлаш мумкинми? Бу маълумотлар туризмни турли даражада режалаштириш имконини беради.

Социология

Социология - жамиятшунослик ҳақидаги фандир. Туризм илмида эса у - инсонни бошқа жойга боришга ёрдам берувчи ижтимоий (социал) шароитларни ўрганувчи фан бўлиб гавдаланади. Инсон ҳаётида туризмни амалга ошириш учун камида (минимум) иккита муҳим шарт бажарилиши керак: туристик саёҳатни амалга ошириш учун бўш вақт ва маблағ. Шунингдек, тинч сиёсий ҳолат ва мижоз хоҳиши мавжуд бўлган пайтда бўлиши керак.

Туризм иқтисодий муносабатларда пайдо бўладиган ҳар қандай номутаносибликлардан таъсирланади. Жаҳон ижтимоий ҳаётида катта воқеа ёки

иқтисодий тизимда мұхым ўзгаришлар содир бўлиши билан дархол туризм ривожланиши ҳолати ва динамикасида акс этади. Масалан, 1998 - йилги Россия молиявий инқирози жамиятни ларзага келтирди. Осиё қризиси ушбу худуд туристик бозорига ёмон таъсир қилди ва бундан туризм 10 % га қисқарди. Бирор мамлакатдаги молиявий тизимнинг қризиси туристик хизматларнинг тўловига бўлган талабини деярли тугатади. Натижада, ташқарига чиқадиган ва ички туризм соҳасида туристлар сони юз марталаб камаяди, ҳафталаб давомида туристик фаолият деярли мавжуд бўлмайди.

Доимий тараққиётда туризм ижтимоий (социал) ҳодиса сифатида қаралади. Инсонларнинг хулқи уларнинг ёши, миллати, ижтимоий ҳолати, маълумоти, яшаш жойи, маданий қарашларга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Социология психология ва антропология усусларидан фойдаланиб, инсонлар гурухининг хулқини тадқиқ қиласиди.

Хозирги кунда социологик тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Деярли ҳар бир катта тадбир ёки кўргазмада туристлар ва ташриф буюрувчилардан турли маълумотларни тўплаш мақсадида анкеталаш ўтказилмоқда. Бу анкеталаш ҳозирги ва келажакдаги саёҳатлар даражасини баҳолаш учун мұхим маълумотлар олиш имконини беради. Туризм хизматчилари ҳам туристлар ҳам фаол равишда анкетада қатнашмоқдалар.

Социологик тадқиқотлар маълумотлари маълум бир истеъмолчи бозорида туристик маҳсулотнинг ҳаракат қилиш сиёсати шаклланишида, башорат ва кўрсатмалар ишлаб чиқишида ҳамда божхона ва миграцион муносабатлар ва қоидалар соҳасида мұхим сиёсий - иқтисодий қарорлар қабул қилишда асос бўлиш учун дастлабки база ҳисобланади.

Иқтисодиёт

Туризм - кўп жиҳатдан иқтисодий формация ва категориядир. У туризм ташкилотчилари учун ҳам, туризм истеъмолчилари - туристлар учун ҳам кўп қиррали иқтисодий фаолият. Жаҳон ва миллий туризм ривожланишининг ҳар бир босқичи - барча иштирокчиларнинг фаолияти, ўзига хос характеристикаси ва кўрсаткичи билан характерланади.

Ҳар бир туристик ҳудуд, ҳар бир мамлакат, ҳар бир шаҳар ва жой иқтисодий фойда ва даромад олиш учун мавжуд туристик ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қиласиди. Хоҳиш жуда зўр бўлса ҳам бунга эришиш осон эмас. Ҳар бир мамлакатда ўзининг сиёсий қарашлари, иқтисодиёти ривожланишининг йўналишлари, жамият анъаналарининг кўп қирралари мажуд. Туристларни жалб қилиш учун ҳатто жуда қизиқарли бўлган объектлар ва ҳодисалар учун ҳам хизмат кўрсатишнинг мос даражасини, хавфсизликни таъминловчи туристик қизиқиши ва эҳтиёжни уйғунлаштириб қондирувчи туристик индустря (саноат) ва инфратузилма зарур.

Туристик оқимларни кўпроқ жалб қилиш учун - туристик ресурслар ва уларнинг потенциал имкониятлари, айниқса, туристик саноат объектлари батафсил ўрганилади ва баҳоланади.

Хориж туристларини қабул қилишга қодир бўлган маҳаллий аҳоли муаммосини ҳам унумаслик керак. Бунда кўпчилик муаммолар маҳаллий норма (мейёр) лар билан хорижликларнинг ўзини тутиш одатлари бир - бирига мосланишидан келиб чиқади. Агар муҳитга мос келмайдиганлари бўлса, фарқи кўп бўлса, туризм амалга ошмаслиги мумкин. Масалан, Бирлашган Араб Амирликларига қарашли Шаржада туристларга қўйилган талаблар - ислом қоидалари таъсирида жуда қаттиқ бўлганлиги учун (спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, аёлларнинг маҳсус кийими ва хулқида маҳаллий қонунларни бузганлиги учун европаликларга таёқлар билан тана жазолари ва ҳоказолар) бу туристик марказга туристик оқимлар миқдори камайган, баъзи даврларда эса умуман тўхтатилган. Яқин қўшни ҳудуд - Дубай бир вақтда ушбу талабларни юмшатган эди туристик оқим ушбу туристик марказга йўналишини ўзгартирги.

Туризмни "тилла тухум қўювчи товук"ка ўхшатиши. Лекин, ушбу товук боқилмаса, у тухум қўйишни тўхтатиши, тухумлар ҳажми ва сифати бузилиши ёки товуқнинг ўзи ўлиб ҳам қолиши мумкин. Шунга кўра, туристик марказлар ва ҳудудлар нафақат туризмдан пул ишлаб қолиши. Балки туристик саноатни барқарор ривожлантиришга, туристик маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда ҳаракат қилдиришга жуда катта миқдорда маблағлар ажратиши. Туризмни ривожлантиришга ажратилган маблағлар биринчи қараща астрономик рақамларда бўлиб қўриниши мумкин, лекин амалиёт шуни кўрсатадики, бу ҳаражатлар ўзларини оқлайди ва давлатга туризмдан ундан ҳам катта ҳажмдаги даромадларни келтиради.

Барча давлатларда ҳам туризмга бўлган сиёsat бир хил тузилмаган. Масалан, Япония узоқ давр мобайнида келувчи туристларга эътибор бермаган. Ҳатто, меҳмонхона саноати ҳам хориж туристларини қабул қилишга йўналтирилмаган, отеллар паст табақали аҳоли жойлашишига мўлжалланган ва иншоот габарити ва шип баландлиги бўйича Европа стандартларига жавоб бермайдиган нормалар бўйича қурилган. Лекин, узоқ давр мобайнида туризмсиз ҳам ривожланаётган мамлакат иқтисодиёти ҳаётий куч оқимининг янги манбасини талаб қилди. Япон ҳукумати мамлакатга кирувчи туризм концепцияларини янгитдан кўриб чиқди ва бошқа ҳудудлардан мамлакатга туристик оқимларни жалб этиш мақсадида жаҳон туристик бозорига миллий туристик маҳсулотни чиқариш фаолиятига 2 млрд. долларини ажратди.

Юқорида ифода этилган фаолият Хитойда жуда қизиқарли. Чикувчи туристик оқим бу мамлакатда жуда паст, чунки давлатда таътилни ҳар йили тўлаш учун ҳукуқий институт шаклланмаган ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг кўп қисми хорижда саёҳат қилиш учун маблағга эга эмас. Ташқарига чикувчи туризм йилига 5 млн. кишидан ортмайди. Бу кўрсаткич умумий аҳолиси 1 млрд. 250 млнга teng бўлган мамлакат учун жуда паст даражада. Лекин, келувчи туризм ривожланмоқда. Жаҳон туризм иқтисодиётида Хитой ҳозирги кунда туризмнинг энг жозибадор ҳудуди ҳисобланади. У ерда туристик қизиқиши объектлари мавжудлиги, туризм саноати ривожланганлиги ва давлат сиёsatининг

туризмга ижобий муносабатда эканлиги сабаб бўлмоқда. Хитой Туризм Ташкилоти эксперtlари баҳоларига кўра, кейинги йилларда Хитой жаҳондаги энг кўп туристлар келувчи мамлакатга айланади. 1998 - йилда Хитойга 65 млн. туристлар келиб кетишган. 2010 - йилда Хитойга 125 млн. хориж туристлари келиши режалаштирилмоқда. Бу эса жуда катта ракам.

География

Худуд ресурсларининг туристик салоҳиятини баҳолаш географик ва унга бўлган омилларга боғлиқ. География - табиий - иқлимиy, демографик (демография - аҳолишунослик) маълумотлар, уларнинг ўзгариш тенденциялари ва истиқболлари, туризмнинг худудлараро ва худуд ичидаги ривожланишини батафсил режалаштириш, обьектлар, туристик саноат, туризм соҳасини инвестициялашни ривожлантиришни режалаштириш, туристик оқимларни, аҳоли бандлигини ва туризмдан тушувчи даромадни режалаштириш учун жуда зарур ҳисобланади.

Информатика

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида хўжаликнинг ҳар қандай тармоғи кучли ахборот кўмагисиз ишлай олмайди. Турли фан соҳалари бўйича маълумотлардан туризм мақсадларида ҳам фойдаланилади. Бугунги кунда туристик хизматларни бронлашда турли автоматлаштирилган ахборот тизимлари муҳим рол уйнайди. Туристик ресурслар, туристик маҳсулотлар маълумотларининг ахборотлари турли хил - китоблар, справочниклар, каталоглар, проспектлар, йўл кўрсаткичлар, жадваллар кўринишларида акс этади. Кўпчилик туристик компаниялар ўз таркибида нафакат хусусий туристик агентлиги, балки қувватли ахборот марказлари ва нашриётларига ҳам эгадирлар. Масалан, Буюк Британиянинг “Reed Travel Group” туристик агентлиги бунга мисолдир. Таъкидлаб ўтиш керакки, йўл кўрсатувчи китоблар туризмнинг ўзи ривожланишидан анча олдин ишлаб чиқилган. Томас Кук биринчи бўлиб туристик саёҳатни ташкил қилган пайтда, Лондондан Парижга саёҳат қилишни амалга ошириш учун йўл кўрсатувчи китоблар бор эди. Кўпчилик йўл кўрсаткичлар 100 йиллик тарихга эга.

Бугунги кунда кўпгина ахборот оқимлари CD - дискларда жамланган. 1990 - йил компьютер билан таъминлашдаги техник инқилоб туризм мақсадлари учун кучли автоматлаштирилган тизимни вужудга келтирди.

Жаҳон Глобал компьютер тизимлари ахборот ташувларини биринчи навбатда ҳаво транспорти ҳамда меҳмонхона ва бошқа хизматларни бронлашни ташкил қилишда кенг тарқалган.

Туристик ахборотни ривожлантиришда яна бир жуда катта туртки интернет глобал тармоғи бўлди. Бугунги кунда деярли барча туристик фирмалар e-mail электрон почта орқали ушбу тармоқка чиқиши имкониятига эга. Тармоқдан фойдаланувчиларнинг барчаси туристик хизматлар ҳақида кенг ахборот олишда улардан фойдаланадилар.

Туризмга жавоб берувчи давлат ташкилотлари, хусусий компаниялар,

туристик фирмалар, отеллар, туристик ассоциациялар, ташувчилар, аттракция хизматини таклиф этувчи фирмаларда катта ахборот тизимлари мавжуд. Ахборотни интернет тармоғига жойлаштириш умумий ҳолда китоб ёки буклет чиқаришдан арzon, ахборот осон ва тез кўринишини ўзгариради, юқори сифатли рангли иллюстрацион маълумотни ҳам узатиш мумкин. Ахборот ривожланган мамлакатлардаги фойдаланувчиларнинг кенг доирасига етиб боради.

Хукуқ

Туризм қўпчилик мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим қисми сифатида, ҳалқаро алоқаларнинг таркиби сифатида алоҳида ҳуқуқий тартибга солишини талаб қиласди. Шунинг учун ўзига хос тармоқ - туристик ҳуқуқ таркиб топган.

Миллий ҳуқуқ

Кўпчилик мамлакатларда резидент ва норезидент компаниялар учун туристик фаолият нормалари ва ривожланиш тамойилларининг асосий концепциялари туризм хақида миллий қонунлар билан мустаҳкамланган.

Норезидентлар фаолияти учун одатда маълум чеклашлар мавжуд. Туризм ташкилотчилари ва турист - мижозлар муносабатлари тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасида бу масалага қандай қаралади? Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мустақиллик туризм соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Иқтисодиётнинг мазкур йўналишида ҳам чуқур ислоҳотлар бошлаб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм" Миллий Компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони, 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк Ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада ҳалқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора -тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 -йил 20 - августда қабул қилинган "Туризм тўғрисида"ги Конуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва бошқа мутасадди давлат ташкилотларининг туризмга оид қатор қарорлари, тартиблари, классификациялари, йўл - йўриклирида туристик фаолият олиб борилиши учун зарур бўлган меъёрлар, низомлар, қоидалар белгилаб берилди. Туристик фаолиятни лицензия (руҳсатнома) лаштириш, туристик хизмат ва меҳмонхона хизматини сертификат (гувоҳнома) лаштириш, туристик фаолиятни олиб борувчи ташкилотларни солиқقا тортиш масалалари - имтиёзлари, суғурта, бухгалтерия хисобини тартибга солиш, имтиёзли кредитлар, ҳалқаро туризм мақсадлари учун чегарадан ўтишдаги расмиятчиликлар, божхона расмиятчиликлари, туристларни кириш ва чиқиш "виза"лари ҳақидаги тартиблар - қоидалар, шартномалар ва келишувлар ҳам мазкур ҳужжатларда атрофлича келтириб ўтилган. Туристик фаолиятни энди бошловчи субъектлар ва меҳмонхона бизнеси билан шуғулланмоқчи бўлган юридик шахслар ушбу ҳужжатлардан албатта хабардор бўлмоқлари керак.

Шу боис, туризмга оид меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлишни

истовчиларга 2003 - йил "Талқин" нашриёти томонидан чоп этилган "Туризм хукуқи" китобини (муаллифлар Г. Назарова, М. Мирзаев ва бошқалар) ўқиши тавсия этардик. У асосан Туризм касб - хунар колледжлари учун ўқув қўлланма сифатида нашр этилган.

Туризмга оид меъёрий хужжатларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, биз мавзуумизнинг З - бўлимини унга бағишлаганмиз.

Халқаро туристик хукуқ

Халқаро туризм қўпгина конвенциялар, халқаро шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади. Дастреб туризм ривожланишига асос бўлган, дам олиш ва бўш вақтнинг асосий хукуқларини таъминлаш тўғрисидаги битимга эришилди. 1948 - йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган инсон хукуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 24 - моддасида шундай дейилади: "Ҳар бир инсон иш вақтини оқилона чегараланиши ва ҳар йилга пуллик таътилни олиши, дам олиши ва бўш вақт хукуқига эгадир". 1966 - йил БМТ Бош Ассамблеяси бу шиорни тасдиқлади ва кенгайтирди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (битим)га имзо чеккан давлатлар ҳар бир инсоннинг "дам олиш, бўш вақт, иш вақтини оқилона чеклаш, даврий пуллик таътил ҳамда байрам кунлари учун тўлов" хукуқини таъминлаш мажбуриятини бўйнига олганлар.

Бу низомлар туризм ривожланишига, хусусан, халқаро туризм ривожланишига туртки берди. Халқаро туризмнинг жадал ривожланиши туристик фаолиятни тартибга соловчи меъёрлар ўрнатиш заруриятини келтириб чиқаради. Халқаро туристик хукуқ ташкил топишининг энг асосий йўналишларидан бири терминология ва таърифлар тўғрисидаги битим тузиш эди. Туристик терминология устида ишлаш билан Миллатлар Лигаси статистика қўмитаси шуғулланади ва 1937 -йил Халқаро туризм атамасига биринчи марта таъриф берилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ушбу масалани ишлаб чиқиш билан Расмий Туристик Ташкилотларнинг Халқаро Иттифоқи шуғулланади (International Union of Official Travel Organizations - IUOTO). 1950 - йил атамаларга эккурсант, транзит турист тушунчалари киритилди. 1954 - йил эса БМТ комиссияси томонидан туристга янги таъриф берилди. Кейинчалик бу таъриф 1963 - йил БМТнинг халқаро туризм ва саёҳат бўйича Конференцияси (Туризм таърифлари бўйича Рим Конференцияси)да тўла аниқланди. 1976 - йил БМТ томонидан биринчи марта туристик атамалар таърифлари рўйхати нашр қилинди. Унда туристик статистика қоидалари учун мўлжалланган деярли барча муҳим атамалар мавжуд (Provisional Guidelines on International Tourism. UNCTAD).

Халқаро ҳамжамиятда туризмнинг ривожланиши тўғрисидаги муҳим хужжат 1975 - йил 1 - августда имзоланган Хельсенки битимиdir. Унда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Мажлисининг сўнгги АКТи имзоланиб, БМТ қошида Жаҳон Туристик Ташкилоти - ЖТТ ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг асосий мақсади этиб - халқаро ҳамжамиятда туристик айирбошлишни

енгиллаштирувчи меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиш бўлди. 1985 - йил Жаҳон Туристик Ташкилоти (бундан буён - ЖТТ) Бош Ассамблеясининг 6 - сессиясида "Туризм хартияси ва турист Кодекси" қабул қилинди. ЖТТ меъёрий хужжатларининг катта қисми асосий етакчи тилларда чоп этилади (инглиз, немис, француз, испан, сўнгги пайтларда хитой ва рус тилларида ҳам).

Бугунги кунда ҳалқаро туризм ўз фаолиятини асосий ҳалқаро келишувларга биноан олиб боради: Гаага (1989 - йил, Гаага, Нидерландия) ва Манила (1980 - йил, Манила, Филиппин) битимлари, туризм вазирликларининг Осака конференциялари йўриқномалари (1994 - йил, Осака, Япония).

Худудий қонунлар ва меъёрий актларни ҳам таъкидлаб ўтиш муҳим. Европа иқтисодий ҳамжамияти ушбу иттифоққа кирувчи мамлакатлар туристик фаолиятини тартибга солиш бўйича бир қатор қонунлар ва меъёрий актлар қабул қилган. Масалан, ягона визали ҳудуд, туристик хизматлар тўғрисидаги Шенген шартномаси (ЕИ Директиваси № 90 / 134 13 - май 1995 - йил. "Туристик агентлик ва мижоз ўртасида имзоланиши керак бўлган намунавий шартнома", "Саёҳат қилиш шартномаси бўйича Ҳалқаро Конвенция", 1970 - йил 22 - октябрда ФУААВ (ФУААВ - туристик агентликлар уюшмаси Бутунжаҳон Федерацияси) нинг Бош Ассамблеясида қабул қилинган "Меҳмонхона эгалари ва туристик агентликлар ўртасида битимлар тузишга тегишли Ҳалқаро меҳмонхона Конвенцияси", 1979 - йил 15 - июнда МГА ФУААВ томонидан қабул қилинган "Божхона божларисиз савдо қилувчи магазинлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар" ва ҳоказо.

Йўловчилар ва уларнинг юкларини ҳалқаро ҳаво, автомобил ва денгиз транспортида ташиш алоҳида тартибга солинган. Ҳаво транспорти Варшава Конвенцияси билан (1929 - йил Варшавада қабул қилинган), автомобилда пассажирлар ва юкларни ташиш Берлин Конвенцияси билан (1975 - йил, Берлин), денгиз транспортида йўловчиларни ташиш эса Афина Конвенцияси билан бошқарилади.

1. 3. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги давлат сиёсати (меъёрий хужжатлар асосида)

Мамлакатимизда туризм ишига Мустақилликнинг дастлабки вақтлариданоқ асосий давлат сиёсати даражасида қаралди. Соҳа ривожи учун барча зарур ташкилий - хуқуқий механизм вужудга келтирилиб, муҳим меъёрий хужжатлар қабул қилинди ва бу иш ҳозирда ҳам давом этмоқда. Мамлакатимизда туризмнинг равнақи, уни янги поғоналарга кўтариш, юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш учун аввало хуқуқий замин яратиш лозим эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мазкур йўналишга тааллуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор Фармонлари, қарорлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирлигининг ва бошқа мутасадди давлат

идораларининг йўриқнома, кўрсатма ва тартиблари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, мазкур хужжатларни ўрганиш ва тахлил қилишни қуидаги тематикалар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, - деб ўйлаймиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туризмга оид қонун ва кодекслари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 - йил 24 - апрелда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси" ва унда туризм соҳасига оид имтиёзлар.

Ушбу Кодекс 11 бўлим, 41 боб ва 134 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаси - Ўзбекистонда солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилайди, солиқ ишларини юритиш тартиботини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни тартибга солиб туради. Кодексда юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акция солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол - мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, шунингдек, турли йиғимлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Кодексда солиқ тўлаш билан бир қаторда фаолиятнинг айрим турлари (хусусан, туризм фаолияти)га солиқ тўлашда имтиёзлар ҳам берилган. Жумладан, 8 - боб "Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар", - деб номланиб, унинг 31 - моддаси 12 - қисмида: "Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар тузилган пайтдан бошлаб биринчи даромад ортиргунга қадар, лекин узоғи билан рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилгача. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар фойда олган биринчи йили 50 %, иккинчи йили 75%, учинчи йилдан бошлаб 100 % миқдорида солиқ тўлайди", - дейилади.

Кодекснинг 21 - боби "Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар", - деб номланиб, унинг 71 - моддаси 21 - қисмида "туристик - экскурсия хизматлари" қўшилган қиймат солиғидан озод қилинганлиги баён қилинган. Шунингдек, 28 - боби "Мол - мулк солиғи ставкалари ва имтиёзлар", - деб номланиб, унинг 92 - моддасида: "Самаранд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол - мулкига, ташкил этилган вақтидан эътиборан дастлабки фойда олгунга қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга. Ана шу юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунга қадар тугатилган тақдирда солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади", - дейилади.

Кодекснинг 31 - моддаси "Ер солиғи ставкалари ва имтиёзлар", - деб номланиб, унинг 101 - моддасида солиқ солинмайдиган ер участкаларига:

"тариҳий - маданий аҳамиятга молик ерлар (тариҳий - маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар) киритилган. Шунингдек, давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, ихота дараҳтзорлари эгаллаган ерлар; спорт иншоотлари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий -курорт муассасалари, дам олиш уйлари эгаллаган ерлар ҳам солиқ тўлашдан озод этилади.

Кодекснинг 102 - моддаси "Ер солиги тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар", - деб номланиб, унинг 7 -қисмида: "Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар - ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунга қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим", - дейилади. Кейинги йилларда кодекснинг баъзи моддаларига ўзгартиришлар ва янгиликлар ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 - йил 20 - июньда қабул қилган "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида"ги фармонида ҳам солиқ масаласига эътибор қаратилиб, 2005 - йилнинг 1 - июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Шунга мувофиқ, туризм фаолияти билан шуғулланувчи юридик субъектлар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 13 % этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 - йил 26 - декабрда қабул қилган "Божхона Кодекси".

Ушбу кодекс 11 бўлим, 19 боб ва 198 моддадан иборат бўлиб, жумладан, унинг 1 - бўлими - умумий қоидалар (божхона иши, худуди, қонун хужжатларининг амал қилиш тартиби, асосий тушунчалар ва бошқалар), 2 - бўлими - товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан олиб ўтиш тартиби, 3 - бўлими - божхона назорати, расмийлаштирилиши ва тўловлари, 6 - бўлими - дастлабки операциялар, 7 - бўлими - бож имтиёzlари, 8 - бўлими - назорат остида товарлар етказиб бериш тартиби, 9 - бўлими - божхона хақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, 10 - бўлими - бундай ишларни юритиш, 11 - бўлими - жазо бериш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш, - деб номланиб, ҳар бир кўрсатиб ўтилган бўлимларда туризм фаолиятида тўқнаш келиши мумкин бўлган қоидалар баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августда қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Конуни.

1 - модда. Ушбу Конунинг мақсади

Туризм соҳасидаги муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартиба солиш,

туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

2 - модда. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги Қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3 - модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- туризм - жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий - амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши);

- турист - Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс;

- туристик фаолият - ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият;

- экскурсия фаолияти - туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, дикқатга сазовор жойлар ва бошқа обьектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми;

- туристик ресурслар - тегишли худуднинг табиий - иқлим, соғломлаштириш, тарихий - маданий, маърифий ва ижтимоий - майший обьектлари мажмуи;

- туристик фаолият субъектлари - белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

- туристик индустря - туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатиши таъминловчи турли субъектлари (мехмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи;

- тур - муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат;

- туристик хизматлар - туристик фаолият субъектларининг жойлаш-тириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар;

- туристик гуруҳ раҳбари - туристик фаолият субъектларининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга хизмат кўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс;

- гид (экскурсия етакчиси) - тур қатнашчиларига туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси доирасида экскурсия -ахборот, ташкилий йўсиндаги хизматлар ва малакали ёрдам кўрсатувчи жисмоний шахс;

- туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия - туристик фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи маҳсус руҳсатнома;

- сертификат - туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

4 - модда. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш;

- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;

- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;

- туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш;

- болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш;

- туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш;

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;

- туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол - мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш;

- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

5 - модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Туризм соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- туризмни ривожлантириш давлат дастурини тасдиқлайди;

- туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди;

- туристларнинг бориши тақиқланадиган объектлар ва ҳудудларни белгилайди;

- туристларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини белгилайди;

- хукуматлараро шартномалар тузади;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

6 - модда. Ваколатли давлат органларининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Туризм соҳасида Ваколатли давлат органи:

- туризмни ривожлантириш давлат дастурлари амалга оширилишини таъминлайди;
- туристик хизматлар инфратузилмасини шакллантиради;
- тарихий - маданий меросни тарғиб қилишни, туристик салоҳиятни сақлаш ва ривожлантиришни ташкил этади;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари бажарилишини таъминлайди;
- ҳалқаро туристик ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалайди;
- туристик фаолият субъектларига уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларда услугубий ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатади;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

7 - модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туризм соҳасидаги Ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

8 - модда. Туристик фаолиятни лицензиялаш

Туристик фаолият лицензия асосида амалга оширилади.

Туристик фаолиятни лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9 - модда. Туристик фаолиятни молиялаш манбалари

Туристик фаолият:

туристик фаолият субъектларининг ўз маблағлари;
юридик ва жисмоний шахсларнинг пул бадаллари;
заём маблағлари (облигация заёmlари ва бошқа заёmlар, банк кредитлари ва бошқа кредитлар);

чет эл инвестициялари;

қонун хужжатларида таъкиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10 - модда. Туристик хизматларни сертификатлаштириш

Туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва сертификат бериш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Туристик фаолият субъектларининг туристик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристик хизматларни

сертификатлаширишнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек, сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

11 - модда. Туристик саёҳат ва туристик хизматлар мажмуи

Туристик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади.

Туристик хизматлар мажмуи транспорт хизмати кўрсатиши, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиши, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.

12 - модда. Туристик хизматлар кўрсатиши шартномаси

Туристик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади.

Шартнома кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифатини, тарафларнинг хуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб - китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек, тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди

13 - модда. Туристик йўлланма (ваучер)

Туристик йўлланма (ваучер) - туристнинг ёки туристлар гурухининг тур таркибиға киравчи туристик хизматларга бўлган хуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи хужжат.

Туристик йўлланмаг (ваучер) нинг шакли туризм соҳасидаги Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

14 - модда. Туристнинг хуқуқлари

Турист:

шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўла фойдаланиш;

саёҳатга таълуқли тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

шахсий хавфсизлик, ўз хуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шунингдек, ўз мол - мулкининг асралиши;

шошилинч тиббий ёрдам олиш;

шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий заарнинг тўланиши, шунингдек, маънавий зиённинг ўрни қопланиши;

агар турнинг умумий қиймати ошиши унинг шартлашилган қийматидан ортиб кетса, шунингдек, форс - мажор ҳолатлари рўй берган тақдирда туристик фаолият субъектига етказилган заарнинг ўрнини қопламасдан шартномани бекор қилиш хуқуқига эга.

Турист қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлади.

15 - модда. Туристнинг мажбуриятлари

Турист:

шартнома шартларига;

божхона ва чегара назорати қоидаларига;

борилган мамлакатнинг қонун хужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

Турист қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

16 - модда. Туристик фаолият субъектининг ҳукуқлари

Туристик фаолият субъекти Ўзбекистон Республикаси худудида туристларга хизматлар кўрсатиш пайтида:

турнинг муддати ва йўналишини, хизмат кўрсатиш даражасини, транспорт хизмати кўрсатиш турини, туристнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг мол - мулкини қўриқлаш усулини туристнинг розилиги ва хоҳиши билангина ўзгартириш;

туристнинг розилиги билан ҳамда бу хусусда тур бошланишидан камида йигирма кун олдин туристни хабардор қилиш шарти билан турнинг шартлашилган қийматини ошириш;

хизматлар кўрсатиш мумкин бўлмаган форс - мажор ҳолатлари рўй берганда, шунингдек, гурухни тузиш учун зарур микдорда туристлар йифилмаган тақдирда туристларни бу ҳақда тур бошланишидан камида йигирма кун олдин хабардор қилган ҳолда туристик хизматлар кўрсатиш шартномасини бекор қилиш;

туристлар ёки туристларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича шериклар томонидан етказилган заарнинг ўрни қопланишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳукуқига эга.

Туристик фаолият субъекти қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлади.

17 - модда. Туристик фаолият субъектининг мажбуриятлари.

Туристик фаолият субъекти:

туристларга шартномада шартлашилган хизматларни кўрсатishi;

туристик хизматлар кўрсатилмаган ёки тўла ҳажмда ёхуд лозим даражада сифатли кўрсатилмаган тақдирда туристларга етказилган заарнинг ўрнини қоплаши;

туристларга турни ташкил қилиш, уларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ ахборот бериши;

туристик ресурслар, кўрсатиладиган обьектларнинг (тариҳий - архитектура ёдгорликлари, табиат обьектлари ва бошқаларнинг) сақланишига қўмаклашиши;

туристларнинг борилган жой (мамлакат) қонун хужжатларига риоя этишлари устидан назоратни амалга ошириши шарт.

Туристик фаолият субъекти қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

18 - модда. Туристларнинг хавфсизлиги кафолати

Ўзбекистон Республикаси худудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Туризм соҳасидаги Ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда

хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жарохатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора - тадбирлар ишлаб чиқадилар.

19 - модда. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаши чора - тадбирлари

Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

туристларнинг сафарда хавф - хатардан ҳоли бўлишлари учун шарт - шароитни, сафар, сайр, экспурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлашлари;

туристларга жарохатланиш ва баҳтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл - йўриқ беришлари, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти - ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларни ўзини хабардор қилишлари;

туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;

фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;

автомобиль, тоғ, чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа маҳсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт.

Туристик саёҳатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирав - кутқарув хизматлари билан шартномалар тузадилар. Қидирав - кутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

20 - модда. Туристларни суғурта қилиши

Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузилган битимлар асосида амалга оширилади.

21 - модда. Низоларни ҳал этиши

Туризм соҳасида юзага келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда ҳал қилинади.

22 - модда. Туризм тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Туризм тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 2001 - йил 30 - августда қабул қилган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Конуни.

36 моддадан иборат бўлган мазкур Конуннинг асосий мақсади - Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги бўлмиш маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Конуннинг туризм билан боғлиқ ўта муҳим З - моддаси "Асосий тушунчалар", - деб номланиб, унда маданий мероснинг қуйидаги асосий тушунчаларига таъриф берилади: маданий мерос объектлари, ёдгорликлар, ансамбллар. Шунингдек, Конунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Маданият ишлари вазирлигининг, Бош Архив бошқармасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги Ваколатлари, маданий мерос объектларининг паспорти, тарихий - маданий экспертиза, маданий мерос объектларининг Умумжаҳон маданий мерос рўйхатига киритиш, маданий мерос объектларидан фойдаланиш, тарихий - маданий қўриқхоналар, тарихий манзилгоҳлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мужассам.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасига оид фармон ва қарорлари

Туризм соҳасига оид ишлаб чиқилган илк меъёрий хужжат бу - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм" МКни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 - октябрдаги "Ўзбектуризм" МК фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳақида"ги қароридир. Мамлакатимизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган туризм тизимини барпо этиш, ушбу соҳа бошқарувини такомиллаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимизда мавжуд бўлиб келган ва собиқ иттифоққа бўйисинган туристик ташкилотлар ва муассасаларни республика ихтиёрига ўtkазиш ушбу фармон ва қарорнинг бош мақсади қилиб олинди ҳамда "Ўзбектуризм" МК нинг асосий вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб берилди:

биринчидан, туризм соҳаси бўйича ягона республика сиёсатини амалга ошириш;

иккинчидан, туризм инфратузилмасини ривожлантириш;

учинчидан, туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун ҳукуқий, иқтисодий ва ташкилий асос ва шарт -шароитларни шакллантириш;

тўртинчидан, хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда туристик марказлардан оқилона фойдаланиш, замонавий туристик мажмуаларни қуриш;

бешинчидан, экскурсияларни кўнгилдагидек ўтказиш учун тарихий - меъморий иншоотларни таъмирлаш;

олтинчидан, йирик хорижий фирма ва компаниялар билан биргаликда кўшма туристик хизматлар ва ташкилотларни тузиш;

еттинчидан, жаҳон бозорида талаб қилинадиган янги туристик йўналишлари ва хизматларини кенг ёйиш;

саккизинчидан, туризм соҳаси учун малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

тўққизинчидан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон худудида фаолият кўрсатаётган корхона, муассаса ва ташкилотларга туризм соҳасида шуғуланиш хуқуқига сертификатлар бериш ва уларнинг фаолиятини назорат остига олиш;

ўнинчидан, ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

ўн биринчидан, хусусий ишлаб чиқариш ва савдо - сотиқ тизимини ташкил этиш;

ўн иккинчидан, Республикализнинг туризм соҳасидаги кенг имкониятларини хорижий хусусий Ваколатхоналар ва бюролар орқали реклама қилиш.

"Ўзбектуризм" МКни таъсис этиш, республикамиздаги туризм соҳасини такомиллаштириш ва уни янги босқичга кўтаришдаги илк хуқукий хужжатлар шулардир.

Кейинги йилларда ишлаб чиқилган муҳим хужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 -йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда мазкур фармонни амалга ошириш мақсадида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 - июндаги "Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора - тадбирлари тўғрисида"ги қарорини киритиш мумкин.

Икки оғиз сўз "Буюк ипак йўли" ҳақида. Маълумки, Ўзбекистон тарихи узоқ, аждодлари буюк, маданий мероси сермазмун кўҳна юртлардан биридир. Айниқса, мамлакатимизни шарқ ва ғарбни боғлаб турувчи "Буюк ипак йўли"даги белбоғ сифатида яхши биламиз. "Буюк ипак йўли" қарийб икки минг йиллик тарихга эга. Бундай ном берилишига сабаб, ипак маҳсулотлари қарvonлар орқали ташиб ўтилган, Шунингдек, бронза, чинни, жун хом ашёлари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам олиб ўтилган. "Буюк ипак йўли"да нафақат савдо - сотиқ, шу билан бирга маданият, санъат, илм - фан, маънавият, маърифат, одобу - аҳлоқ, тинчлик, туризм, тарғибот - ташвиқот (реклама), талаб ва таклиф (маркетинг) ҳам муттасил шаклланган, юқори даражага етган. "Буюк ипак йўли"да кўҳна Туркистон худуди етакчи мавқега, Самарқанд, Бухоро, Хева,

Термиз, Хўжанд, Чоржуй каби шаҳарлар эса муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бу йўлнинг қоқ марказида жойлашган. Соҳибқирон Амир Темур даврида бу йўл ривожланган. Шуларни эътиборга олиб, қабул қилинган ушбу ҳужжатлар ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши - "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклаш, бунга хорижий туристларни кенг жалб этиш, шунингдек, мамлакатимизда замонавий туризм сиёсатини вужудга келтиришга асосий мақсадни қаратди. Бунинг учун эса: "Буюк ипак йўли"даги шаҳарлар - Самарқанд, Бухоро, Хева ва Тошкентда халқаро туризм бўйича маҳсус очиқ иқтисодий минақалар ташкил этиш, мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида хорижий туристлар учун божхона расм - русумларининг халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, транзит туристлар учун маҳсус божхона зоналари, туристик ташкилотлар учун солиқ имтиёзлари жорий қилиш, имтиёзли кредит бериш кўзда тутилди.

Фармон ва қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири шу бўлдики, унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида туризм бўйича Идоралараро Кенгаш тузилиб, ушбу Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қуидагилар белгилаб берилди: а) туризм соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш; б) жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишини мувофиқлаштириш; в) сайд - томошалар замонаий индустрясини, маданий ва спорт - соғломлаштириш марказларини барпо этишга кўмаклашиш; г) ноёб туризм имкониятлари ва тарихий - маданий мерос кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш; д) туризм тизимида мувофиқлаштирилган илмий - техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш; е) туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

Юртимизда туризм ишини янада ривожлантириш ва уни ташкил этишни такомиллаштириш, туризм хизматлари бозорида кичик ва ўрта туристик ташкилотларининг қатнашишини фаоллаштириш, хорижий сармоядорларни туризм соҳасидаги фаолиятга кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 - йил 8 - августда "Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Қарорда Хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси (бундан буён - ХСТУ) ни ташкил этиш ва уни "Ўзбектуризм" МК таркибига аъзо сифатида кириши белгилаб берилди. Шунингдек, "Ўзбектуризм" МК ХСТУга туристик ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш, маркетинг, малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда туризм фаолияти соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этиш билан боғлиқ масалаларда услубий ва хуқуқий ёрдам қўрсатишни маълумот учун қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, "Ўзбектуризм" МК таркибиға кирувчи корхона ва ташкилотлар рўйхатига, бошқарув ходимларининг чекланган сони 55 нафардан иборат бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимларсиз) ижро этувчи аппарат

тузилмасига, ХСТУ нинг намунавий ташкилий тузилмасига ва унинг бошқарувини ижро этувчи аппаратининг намунавий тузилмасига иловаларга мувофиқ розилик берилди. ХСТУ бошқаруви раиси лавозимига кўра "Ўзбектуризм" МК раисининг ўринбосари хисобланадиган бўлди. ХСТУ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

- "Буюк ипак йўли" ни тиклашда, республикада туризмнинг замонавий инфратузилмасини ривожлантиришда фаол қатнашиш;
- уюшма аъзолари бўлган хусусий туризм ташкилотларига қўмаклашиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- туризм соҳасида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;
- хусусий туризм ташкилотларини ривожлантиришга хорижий сармоядорларни ва мамлакатимиздаги юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилиш;
- "Ўзбектуризм" МК да, давлат органларида ва жамоат ташкилотларида уюшма аъзолари бўлган хусусий сайёхлик ташкилотларининг манфаатларини ифодлаш;
- уюшма аъзоларига ахборот, маслаҳат ва услубий ёрдам қўрсатиш;
- туризм бизнеси соҳасида ходимларнинг қасб тайёргарлигига ва уларни қайта тайёрлашга қўмаклашиш.

Ўзбекистонда туризм соҳасини янги босқичга кўтаришда Республика Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу Фармон миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қўмаклашиш ҳамда халқаро туризм бозорига узвий қўшилиш, Ўзбекистоннинг маданий - тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш, шунингдек, туристларга хизмат қўрсатиш сифатини халқаро андозалар даражасига кўтариш мақсадида қабул қилиниб, 2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури ва уни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш туркиби тасдиқланди. Фармонда мулкчилик шаклидан қатъий назар, туристик ташкилотлар хориждан келтириладиган технология ва меҳмонхона ускуналари, туризм мақсадларига мўлжалланган транспорт воситалари учун божхона пошлиналари тўлашдан уч йил муддатга озод қилиниши қўрсатиб ўтилди. Шунингдек, "Ўзбектуризм" МК тизимидағи корхоналарга хорижий туристларга эркин айирбошланадиган валюта ҳисобидан туристик хизмат ва қўшимча хизмат қўрсатиш ҳуқуқи берилиб, бунинг учун маҳсус кассалар очилишига руҳсат берилди. "Умид" жамғармаси ҳар йили талабаларни туризм индустряси мутахассисликлари бўйича етакчи хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборишни қўзда тутиши қўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар, Молия ва Маданият ишлари вазирликларининг ва "Ўзбектуризм" МКнинг Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италиядаги элчихоналаридаги маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими

бирликларини жорий этишларига ижозат берилди.

Ушбу дастур олти бўлимдан иборат бўлиб, 1 - бўлим: "Туризмнинг меъёрий - хуқуқий базасини шакллантириш", - деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунини тайёрлаш, фуқароларимизнинг хорижга чиқиши ва Ўзбекистонга хорижий фуқароларнинг кириши ҳақидаги таклифларни ўрганган ҳолда, хорижий туристлар учун бож, виза ва бошқа хужжатларни расмийлаштириш Низомига ўзгартиришлар киритиш; Маданий мерос ёдгорликларининг тўлиқ рўйхатини тузиш ва нашр этиш; ёдгорликларни ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетган ва уларга зиён етказилган ҳолларда давлат, жамоат ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарликлари ҳақидаги тартибни тайёрлаш вазифалари белгилаб берилди. Мазкур бўлимда белгилаб берилган "Туризм тўғрисида"ги Қонун 1999 - йил 20 - августда қабул қилинди, бож ва виза хужжатларини расмийлаштириш Низомига ўзгартиришлар киритилди, хуллас барча вазифалар тўлиқ амалга оширилди.

2 - бўлим: "Ўзбектуризм" МКнинг 1999 - 2005 йиллардаги инвестиция сиёсати", - деб номланиб, унда Самарқанд шахрида "Президент - отель" меҳмонхонаси қурилиши (маблағнинг 85 % хориж инвестицияси, 15 % "Ўзбектуризм" МК ҳисобидан), шаҳардаги "Самарқанд" меҳмонхонасини қайта тиклаш (8 млн АҚШ доллари. Хорижий ва маҳаллий сармоя); Хивада янги меҳмонхона қурилиши (бу ҳам 85 % га 15 %), Урганчда "Хоразм" меҳмонхонасини қайта тиклаш (7,5 млн АҚШ доллари, Ҳиндистон кредити); Тошкент шахридаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасини қайта тиклаш (31,5 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя). Шунингдек, 50 - 60 ўринли 2 - 3 юлдузли меҳмонхона қурилиши (20 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Тошкент вилояти Чорвоқ сув омбори худудида дам олиш зонаси ва гольф клуби қурилиши (100 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя); Бухородаги "Бухоро" меҳмонхонасини қайта тиклаш (8 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя); Андижондаги 60 ўринли янги меҳмонхона қурилиши (12 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя), шаҳардаги "Олтин Водий" меҳмонхонасини қайта тиклаш (8 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Жиззахдаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасини қайта тиклаш (10 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Термиздаги меҳмонхонани қайта тиклаш (6 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Шахрисабздаги "Шахрисабз" меҳмонхонасини қайта тиклаш (6 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя) каби жуда катта маблағ талаб этиладиган вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, Автобус - автомобиль паркини модернизациялаштириш (замонавийлаштириш) учун 12 млн АҚШ доллари, кичик хусусий меҳмонхоналар ва отеллар қурилиши учун 30 млн АҚШ доллари миқдорида сармоя талаб қилиниши белгилаб берилди. Ушбу бўлимда белгилаб берилган вазифалардан асосийлари ҳам амалга оширилди. Тошкент шаҳрининг ўзида "Ўзбекистон", "Тошкент", "Россия", "Дўстлик", "Турон" каби меҳмонхоналарни

модернизациялаштирилганлигига ёки Самарқанд шахридаги "Президент - отель", Тошкент шахридаги "Пойтахт" меҳмонхонасини бунёд этилганлигига бугун гувоҳмиз. Ёки, кейинги йилларда тадбиркорлар томонидан кичик меҳмонхоналарни ишга тушурилиши фикримизнинг далилидир. Шунингдек, бошқа вилоятлардаги вазифалар ҳам амалга оширилди.

3 - бўлим: "Маркетинг тадбирлари", - деб номланиб, унда Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ҳақида туристларга информация бериш ва турмаҳсулотларни таклиф қилиш мақсадида интернет, E-mail халқаро информация тармоқларидан фойдаланишини ривожлантириш; Гид - эккурсоводлар учун республика тарихи, сиёсий ҳаёти, маданий -тарихий мероси, туризм имкониятлари, асосий қонунлари, ижтимоий фан ва маданият соҳасидаги ютуқлари ҳақидаги барча ахборотларни ўзида мужассамлаштирган информацион - услубий маълумотнома (справочник) ишлаб чиқиш; ҳар йили Тошкент шахрида халқаро "Буюк ипак йўли" туристик ярмаркасини ўtkазиш, шунингдек, йирик халқаро туристик ярмаркаларда иштирок этиш; Янги ва маҳсус туристик турларни ишлаб чиқиш (тарихий, экологик, экзотик ва спорт); "Туризм - ревю" телекўрсатувини доимий равишда ташкил этиш, Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий ёдгорликларига оид кинофильмлар ишлаб чиқариш, реклама маълумотнома (проспекет)ларини ва хусусий "Буюк ипак йўли" ахборот - реклама ҳафталиқ газетасини нашр эттириш; Информация олиш ва алманиш мақсадида халқаро ташкилотлар (ЖТТ, ЮНЕСКО, ЮНИД, ПРООН) билан ҳамкорликни фаоллаштириш. Ривожланган давлатлар туризм ташкилотлари билан тажриба алманиш асосий вазифа сифатида қаралди. Бу бўлимда ҳам белгиланган интернет ва E-mail халқаро информация тармоқларидан фойдаланиш, гидлар учун справочниклар ишлаб чиқиш, ҳар йилги туристик ярмаркани ўtkазиш, халқаро туристик ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга кўйиш каби ва бошқа вазифалар амалга ошиб келмоқда.

4 - бўлим: "Туристларга хизмат кўрсатишни халқаро андозалар даражасига кўтариш, туризм инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш", - деб номланиб, унда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидағи туристларни ижарага автомобиль воситалари билан таъминлаш; Марказий Осиё республикалари учун мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент шахрида ЖТТнинг малака ошириш институтини ташкил этиш; ЖТТ орқали туризм бўйича халқаро марказларда (Америка, Европа ва Осиё мамлакатлари) "Ўзбектуризм" МК ходимларини, туризм ва гид - таржимонлик бўйича мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; Маданий - тарихий ишоотларда халқ ижоди ва хунармандлик маҳсулотлари сотиш учун киоскалар ташкил этиш, халқ урф - одатлари, анъаналарини намойиш этувчи видеороликлар чиқариш ва уларнинг савдосини ташкил этиш; Музей коллекциялари ва археологик топилмалар нусхаларидан тайёрланган ёдгорликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш; Туризм обьектларида миллий урф - одатлар ва анъаналарни намойиш этиш; Мулкчилик шаклидан қатъий назар туризм

ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг раҳбарларини аттестациядан ўтказиш; туристик хизмат кўрсатиш андозаларига мувофиқликни назорат қилиб бориш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Мазкур бўлимда белгилаб берилган вазифалар ҳам амалга ошиб бормоқда.

5 - бўлим: "Жаҳон мероси, маданияти ва тарихига кирувчи қўриқхоналар, ёдгорлик шаҳарларини муҳофаза этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича тадбирлар", - деб номланиб, унда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратилди: халқаро илмий - амалий туристик экспедицияларни ташкил этиш ёрдамида хориждаги ватанимиз маданияти, тарихи, фани ва санъати ёдгорликларининг қимматини ўрганиш; миллий боғлар, анъанавий чойхоналар, халқ амалий санъати ва кўргазмаларини ташкил этиш ва уларни туризм маршрутларига киритиш; туризм обьектларини, мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ тарихий ва маданий ёдгорликларни доимий равишда қайта тиклаш.

6 - бўлим: "Ички туризмни ташкил этиш бўйича тадбирлар", - деб номланиб, унда Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари туризм марказларида пиёда юрувчи туристлар учун махсус йўллар ташкил этиш; Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва Фарғона водийсига маънавий - маърифий ва тарихий экскурсияларни ташкил этиш; ўкувчи ёшларимизни ўтмиш меросимизга хурмат, ватанпарварлмк руҳида тарбиялаш мақсадида музейларда доимий равишдэ очиқ эшиклар кунини ўтказиш; болалар уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оиласлар фарзандлари учун бепул экскурсиялар ташкил этиш; Ўзбекистон фуқаролари учун Имом Бухорий, ал Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбанд, ал Хоразмий, ат Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро ва бошқа ўтмиш алломаларимизнинг мемориал мажмуналарига экскурсиялар ташкил этиш вазифалари белгилаб берилди.

Навбатдаги хужжатлар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 - йил 21 - ноябрдаги "Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида"ги Карори ва унга Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 - йил 16 - апрелдаги Карори билан ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг киритилиши бўлди.

Ушбу қарорларда "Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби" тасдиқланди. Тартибнинг биринчи бўлими - "Умумий қоидалар", - деб номланиб, унда республикамизга келиш ва кетишга ҳақли деб - хусусий ҳамда хизмат ишлари бўйича, туризм, дам олиш, ўқиш, ишлаш, даволаниш ва доимий яшаш учун бораётган шахслар ва бошқа масалалар белгилаб берилган. Иккинчи бўлим - "Ўзбекистон Республикасига келиш "виза"ларини расмийлаштириш тартиби", - деб номланиб, унинг 12 - бандида айниқса тўлиқ маълумотлар мужассам. Учинчи бўлим - "Ўзбекистон Республикасидан кетиш "виза"ларини расмийлаштириш тартиби, тўртинчи бўлим - "Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш хуқуқидаги чеклашлар",

бешинчи бўлим - "Чет элга кетиш хукуқи рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби", - деб номланган.

Шунингдек, ушбу қарорларда "Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари" тасдиқланган. Бу қоиданинг биринчи бўлими - "Умумий қоидалар", иккинчи бўлими - "Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқароларни рўйхатга олиш", - деб номланган. Коиданинг 13 - бандида: ... Мехмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйларининг масъул шахслари томонидан келиб жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади. 19 - бандида: Мехмонхоналар маъмурияти Ўзбекистон Республикасига келиш "виза"сига эга бўлмаган, шунингдек, бошқа қоида бузишларга йўл қўйган хорижий фуқаролар тўғрисида худудий ички ишлар органларига зудлик билан хабар қилишга мажбурдир. Бундай шахсларни меҳмонхоналарда расмийлаштириш ва меҳмонхоналарга жойлашган хорижий фуқароларнинг бўлиш муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимосномасида (туристлар учун турнинг амал қилиш муддатида) кўрсатилган, лекин "виза" нинг амал қилиш муддати даражасида оширилади", - дейилади. Учинчи бўлим - "Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун руҳсатномлар бериш", тўртинчи бўлим - "Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида юришлари", бешинчи бўлим - "Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан чиқариб юбориш", - деб номланган.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорларида, шунингдек, "Хорижий фуқароларнинг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзит ўтишлари қоидалари" ҳам тасдиқланган.

Республикамида туризм соҳаси бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, туризмнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 30 - июндаги "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони ва мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 - июлдаги "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, 1999 - 2000 ўқув йилидан бошлаб туризм соҳаси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида мужассамлаштирилиши баён этилди. Шу мақсадда Университетда Халқаро туризм факультети ва унга қарашли "Туризм менежменти", "Туризм сервиси", "Туризм маркетинги" каби мутахассислик (ва бошқа номутахассислик) кафедралари ташкил этилди. Университетда "Туризм менежменти" таълими йўналиши бўйича магистратура ҳам фаолият кўрсатмокда.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейм негизида Тошкент туризм касб - хунар коллежи ташкил этиш ва

қайта ихтисослашиш, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Термиз ва Шахрисабз ша -ҳарларида Туризм касб - хунар қоллежлари очилишини босқичма - босқич амалга ошириш вазифаси белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 - йил 11 - ноябрдаги "Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида эса туризм фаолияти билан шуғулланишни истаган юридик субъектлар қай тарзда лицензияни олишлари мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. "Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги НИЗОМ"да - I. Умумий қоидалар, II. Лицензия талаблари ва шартлари, III. Лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар, IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш, VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш, VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш, VIII. Лицензиялар реестри, IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. Шунингдек, қарорда Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси ТАРКИБИ ҳам тасдиқлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 - йил 21 - сентябрдаги "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб - қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги қарорида эса туризм фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга бериладиган лицензиялар муддати чексизлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 - йил 9 - декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонини бажариш юзасидан ва туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 - йил 28 - июлда "Ўзбектуризм" МК фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Қарорга мувофиқ қуидагилар "Ўзбектуризм" МКнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмасини шакллантиришга кумаклашиш;
- туризмни ривожлантириш давлат дастурини, туристларнинг муҳофаза қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, туристик фаолиятни тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш;
- туристик хизматларни сертификатлаштириш;
- туризм соҳасида реклама - ахборот сиёсатини амалга ошириш;
- туризмни ривожлантириш соҳасидаги хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек, хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;
- туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш чора - тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Қарорда "Ўзбектуризм" МКнинг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарат ходимларининг чекланган умумий сони 45 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 30 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси ҳам тасдиқланди.

"Ўзбектуризм" МКнинг ташкилий тузилмаси:

Минтақавий бўлимлар учта вилоятда сақланиб қолди: Самарқанд минтақавий бўлими, Хоразм минтақавий бўлими, Бухоро минтақавий бўлими.

Худудий саёҳат ва экскурсия бюролари давлат корхоналари (бундан кейин СЭБ дк) эса етгита вилоятда ташкил этилди: Сурхондарё СЭБ дк, Қашқадарё СЭБ дк, Навоий СЭБ дк, Қорақалпоғистон СЭБ дк, Жиззах СЭБ дк, Наманган СЭБ дк, Фарғона СЭБ дк.

"Ўзбектуризм" МК тизимида қуйидаги меҳмонхона комплекслари сақланиб қолди: "Афросиёб - Палас" меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, "Бухоро - Палас" меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, "Хива" туризм экскурсия комплекси давлат корхонаси, "Жайхун" меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, "Хоразм" меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, "Ўзолмонхотелз" кўшма корхонаси.

Хизмат қўрсатувчи тузилмалардан "Диспетчерлаштириш ва хизмат қўрсатиш марказий бошқармаси" давлат корхонаси, "Республика илмий - ўқув консалтинг маркази" давлат корхонаси, "Курилаётган объектлар дирекцияси" давлат корхонаси ҳам миллий компания тизимида сақланиб қолди.

"Ўзбектуризм" МК марказий аппаратининг тузилмаси:

Раис - 1 киши.

Раис ёрдамчиси - 1 киши.

Раиснинг биринчи ўринбосари - 1 киши бўлиб, унга - Туристик хизматлар ва инвестициялар маркетинги бўлими - 3 киши, Халқаро алоқалар бўлими - 4 киши, Лицензиялаш бўлими - 2 киши, шунингдек, мутасаддилик қилинадиган ташкилотлардан - Республика илмий - ўқув консалтинг маркази, Курилаётган объектлар дирекцияси, Диспетчерлаштириш ва хизмат қўрсатиш марказий бошқармаси қарайдиган бўлди.

Раис ўринбосари - 1 киши бўлиб, унга - Минтақавий ва хусусий туризмни ривожлантиришни қўллаб - қувватлаш бўлими - 3 киши, Молия - иқтисодиёт бошқармаси - 5 киши, Кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими - 2 киши, шунингдек, мутасаддилик қилинадиган ташкилотлардан - Самарқанд, Бухоро, Хоразм минтақавий бўлимлари, худудий саёҳат ва экскурсия бюролари қарайдиган бўлди.

Компанияда, шунингдек:

Юридик маслаҳатчи - 1 киши.

Махсус хизмат бўлими - 3 киши.

Умумий бўлим - 2 киши.

Ишлар бошқарувчиси - 1 киши хизмат фаолиятларини олиб борадиган

бўлдилар.

Компанияда 5 та меҳмонхона комплекси ва "Ўзолмонхотелз" қўшма корхонаси сақланиб қолди.

Қарорда Компаниянинг низоми ҳам тасдиқланди.

"Ўзбектуризм" Миллий Компанияси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. "Ўзбектуризм" МК (кейинги ўринларда Компания деб аталади) туризм соҳасидаги Ваколатли давлат органи ҳисобланади ва ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Компания тизимига қуйидагилар киради:

Самарқанд, Бухоро, Хоразм минтақавий бўлимлари;

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари марказларидағи Саёҳат ва экскурсия бюролари давлат корхоналари;

"Республика илмий - ўқув консалтинг маркази" давлат корхонаси;

"Диспетчерлаштириш ва хизмат қўрсатиш марказий бошқармаси" давлат корхонаси;

тасарруфидаги бошқа ташкилотлар.

3. Компания ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

4. Компания ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказий аппарат ва минтақавий бўлимлар таъминотига харажатлар лицензиялар бериш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилганлиги учун йиғимлардан, сертификатлаштиришга доир хизматлар кўрсатишдан тушумлар ҳамда қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

6. Компания ва унинг минтақавий бўлимлари юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар.

II. Компаниянинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Компаниянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш;

туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, туристларнинг муҳофаза

қилиниши ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш; туристик хизматларни сертификатлаштириш; туризм соҳасида реклама - ахборот сиёсатини амалга ошириш; туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек, хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;

туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора - тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш;

8. Компания ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқади;

туризмни ривожлантириш бўйича норматив - хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида қатнашади;

туристик фаолиятни лицензиялаш бўйича ишчи орган функциясини амалга оширади;

"Туризм тўғрисида"ги Конунга мувофиқ туристик хизматларни сертификатлаштиришни амалга оширади;

туризм соҳасида статистик ҳисбот тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризм соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил қиласди;

таҳлилий ишларни амалга оширади ва республикада туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва прогнозларини белгилайди;

туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда мақсадли тармоқ ва минтақавий дастурлар бажарилишини мувофиқлаштиришни ташкил қиласди;

туристик хизматларнинг амалга оширилишини реклама - ахборот билан таъминлаш фаолиятини амалга оширади;

хорижий давлатларнинг миллий туристик маъмуриятлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхоналари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Жаҳон туризм ташкилоти ҳамда туризм билан боғлик бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди, уларда республика манфаатларини ифодалайди;

туризм индустрисини ривожлантиришга инвестициялар жалб этиш ишларида қатнашади;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ташқи бозорда Ўзбекистон Республикаси манфаатларига риоя этилишини таҳлил қиласди ҳамда унинг асосида туризм соҳасидаги салбий ҳолатларни

бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро дастурларни амалга оширади.

9. Компания ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, минтақавий бўлимлар, тасарруфидаги бошқа ташкилотлар орқали бажаради.

III. Компаниянинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Компания ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги хуқуқларга эга:

тегишли вазирликлар ва идоралардан туризм фаолияти масалалари бўйича ахборотларни сўраш ва олиш;

хорижий давлатларнинг Ваколатли органлари билан белгиланган тартибда ахборотлар айирбошлишни амалга оширади;

ўз Ваколатлари доирасида конференциялар, йиғилишлар, семинарлар, симпозиумлар ўtkазиш, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда қатнашиш;

туризмни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, тажриба алмашиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан амалий алоқалар ўрнатиш;

халқаро нормалар асосида отеллар, меҳмонхоналар, кемпинглар, шунингдек, туристларга хизмат кўrsатувчи бошқа объектлар классификациясини ишлаб чиқишида қатнашиш;

11. Компания ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Компания фаолиятини ташкил этиш

12. Компанияни қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошқарди.

Раиснинг икки нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Раис мақомига кўра вазирга, раис ўринбосарлари - вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

13. Компания раиси:

Компания фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Компания Ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи ҳамда Компанияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўз ўринбосарларининг Ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди. Компания тизимидағи бошқа мансабдор шахсларнинг

Ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Компания фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлиги ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар ишлар учун жавобгарлик даражасини белгилайди;

Компания тизими ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқарди ва кўрсатмалар беради;

Компания марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек, Компания марказий аппарати, тасарруфидаги ташкилотлар ҳаражатлари сметаларини тасдиқлайди;

Компаниянинг таркибий бўлинмалари ва минтақавий бўлимлари тўғрисидаги низомларни, ўз тизимига кирадиган тасарруфидаги бошқа ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Компания марказий аппарати ходимларини, минтақавий бўлимларнинг, Компания тизимига кирувчи тасарруфидаги бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қиласи.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа Ваколатларни амалга оширади.

14. Компанияда таркибига Компания раиси (хайъат раиси), раис ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек, минтақавий бўлимлар ва тасарруфидаги бошқа ташкилотлар раҳбарлари кирадиган 7 кишидан иборат хайъат ташкил этилади.

Хайъатнинг шахсий таркиби раиснинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Компания хайъати Компания фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, таркибий бўлинмалар, минтақавий бўлимлар ва тасарруфидаги бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, компаниянинг мухим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қиласи.

Хайъат қарорлари раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади. Раис билан хайъат ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда раис ўз қарорини амалга оширади. Раис пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасини хабардор қиласи.

15. Минтақавий бўлимлар ўз фаолиятини тегишли вилоятларнинг хокимлари билан келишган ҳолда Компания томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

Компаниянинг минтақавий бўлимлари раҳбарлари лавозимга тегишли вилоятлар хокимларининг тақдимномасига биноан раис томонидан тайинланади.

Қарорда компания минтақавий бўлимининг намунавий тузилмаси ҳам тасдиқланган. Унга кўра, минтақавий бўлимга бошқарувчи (1 киши) раҳбарликни амалга оширади. Шунингдек, туризмни ривожлантириш бўлими (1 - 2 киши), хусусий туристик фирмалар билан ишлаш ва лицензиялаш масалалари бўлими (2 киши), бухгалтер - кассир (1 киши) ишлашлари белгилаб берилди.

Барча минтақавий бўлимлар ходимларининг чекланган умумий сони - 24

киши, шу жумладан, бошқарув ходимлари - 16 киши, улардан: Самарқанд минтақавий бўлими - 6 киши, Бухоро минтақавий бўлими - 5 киши, Хоразм минтақавий бўлими - 5 киши қилиб белгиланди.

"Ўзбектуризм" МК раисига зарурат бўлганда компания марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритишга руҳсат берилди.

Қарорга кўра, профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилгунга ёки тўлиқ сотилгунгача давлат улушларини бошқариш "Ўзбектуризм" МК да сақлаб қолинадиган корхоналар рўйхати тасдиқланди:

Корхоналар рўйхати
фондидаги давлат тулуши (%)

Устав

1. "Отель Ўзбекистон" қўшма корхонаси ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти	58
2. "Шодлик" давлат корхонаси акциядорлик жамияти	16
3. "Варахша" давлат корхонаси масъулияти чекланган жамияти	25
4. "Самарқанд" давлат корхонаси акциядорлик жамияти	25
5. "Чорсу" давлат корхонаси масъулияти чекланган жамияти	30
6. "Жиззах саёҳат" давлат корхонаси акциядорлик жамияти	9

Қарорда "Ўзбектуризм" МК га қўйидаги вазифалар ҳам топширилди:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 - йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

- манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг Ўзбекистон Республикаси келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Қарорнинг аҳамиятли томони яна шунда бўлдики, унга мувофиқ, "Ўзбектуризм" МК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Туризмни ривожлантириш жамғармасини

ташкил этиш, туристларга хизмат кўрсатилганлиги учун туристик фирмалар ва меҳмонхона хўжаликларидан ундириладиган туристик йифимни жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилаш ҳақидаги таклифига розилиқ берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 - йил 17 - апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 - 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарорида эса мамлакатимизда сервис соҳасидаги қолоқликни олдини олиш учун муҳим вазифалар белгилаб берилиб, унга мувофиқ мамлакатимизда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60 - 80 % ни ташкил этиши, хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 % меҳнат қилиши, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса мазкур соҳа 50 - 60 % ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилди. Қарорда савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, молиявий, банк, коммунал ва майший, автомобил ва бошқа техника воситалари хизматлари билан бир қаторда туристик - экскурсия (2,5 баробар) ва меҳмонхона хизматлари (2,7 баробар) соҳасида 2006 - 2010 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган дастур ишлаб чиқилди. Масалан, туризм хизматларини ривожлантириш бўйича - Тошкент вилоятидаги "Кумушкон" АЖ турбазасини қайта қуришни 2007 - 2008 йилларда амалга ошириб, йиллик даромад олишни 180 млн сўмга етказиш; туристларга хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш мақсадида туристик классдаги 100 та транспорт воситаларига эга бўлиб, улардан олинадиган даромадни 5,5 млрд сўмга олиб чиқиш; янги туристик - экскурсия йўналишларини ишлаб чиқиш; илмий, маданий - кўнгилочар ва спорт туризмни ички ва ҳалқаро даражада ташкил этиш (шунингдек, балиқчилик, овчилик, алпинизм турлари). Ёки, меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш бўйича - Бухоро шаҳридаги "Шахристон" меҳмонхонаси иккинчи қисмини 2006 - йил 1V чоракда ишга тушириб, хорижий туристлар қабул қилишни 4 мингтагача етказиш. Улардан олинадиган йиллик даромад микдорини 300 минг АҚШ долларига олиб чиқиш ҳамда 100 та янги ишчи ўринлари ташкил этиш; Бухоро шаҳридаги "Бухоро" меҳмонхонасини 2007 - йилда қайта қуриб, хорижий туристлар қабул қилишни 6 мингтагача етказиш. Улардан олинадиган йиллик даромад микдорини 400 минг АҚШ долларига олиб чиқиш; Шаҳрисабз шаҳридаги "Шаҳрисабз" меҳмонхонаси қурилишини 2007 - йили амалга ошириб, хорижий туристлар қабул қилишни 5 мингтагача етказиш. Улардан олинадиган йиллик даромадни 350 минг АҚШ долларига олиб чиқиш ҳамда 120 та янги ишчи ўринлари ташкил этиш; Фарғона шаҳридаги "Зиёрат" меҳмонхонасини қайта қуришни 2008 - йилда амалга ошириб, хорижий туристлар қабул қилишни 3 мингтагача етказиш. Улардан олинадиган йиллик даромадни 200 минг АҚШ долларига олиб чиқиш кўзда тутилди.

Туризмга оид бошқа меъёрий ҳужжатлар

Ўзбек давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш марказининг 1998 - йил 31 - декабрда рўйхатдан ўтказган "Меҳмонхоналар классификацияси"

Ушбу классификация "Ўзбектуризм" МК томонидан вазирликлар, корхоналар, ташкилотларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди ва Ўзбек Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш марказига киритилди. Мазкур стандарт камидаги 10 номерга эга бўлган меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, туристик базалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига келаётган туристлар ва фуқароларнинг бошқа вақтинча яшаб туриш жойларининг классификациясини белгилайди. Унда, шунингдек, ишлатиладиган асосий атамаларнинг шарҳи, меҳмонхоналарга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг жавобгарлиги, турли тоифадаги меҳмонхоналарга қўйиладиган талаблар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Айниқса, турли тоифадаги меҳмонхоналарга қўйиладиган талабларда: бино ва унга тегишли худуд, техник жиҳозлар, номерлар фонди, техник таъминот, мебель ва бошқа жиҳозлар таъминоти, жиҳозлаш ва номерлардаги санитария - гигиена буюмлари, умумий фойдаланиш санитария обьектлари, жамоат жойлари, овқатланиш хизматлари кўрсатиш жойлари, хизматлар, овқатланиш хизматлари, хизматчилар ва уларни тайёрлашга бўлган талаблар ҳақида 1 - 5 юлдузли меҳмонхоналарга хос конкрет вазифалар берилган.

Туризм бўйича Самарқанд декларацияси

1994 - йил 5 - октябрда Самарқанд шахрида ЖТТнинг Яхши ниятли кишилар мажлисida ушбу декларация қабул қилинди. Унда бутун дунёга чақирув эълон қилиниб, туризмни ривожлантириш масалаларига эътибор берилди. Айниқса, "Буюк ипак йўли"нинг марказини ташкил этган Ўзбекистонга туризм ишида кенг аҳамият берилиши хусусида, юртимиздаги мавжуд туристик ресурслардан унумли фойдаланиш учун имкониятларни излаб топиш ҳақида фикр -мулоҳазалар билдирилди.

ЮНЕСКО бўйича маълумотлар:

Маълумки, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларга бой мамлакат. Мана шу бебаҳо меросимизнинг кўпгина қисми инсоният мулкига айланганлигига қўп вақт бўлган. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига Хивадаги Ичон Қалъа 1990 - йил, Бухоронинг тарихий маркази 1993 - йил, Шаҳрисабзнинг тарихий маркази 2000 - йил киритилган. 2001 - йил 12 - 16 декабрь кунлари Финляндиянинг Хельсинки шахрида ЮНЕСКО Жаҳон мероси Кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда Самарқанд шахри ҳам ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Демак, эндиликда мазкур тўрттала тарихий маскан ҳалқаро ҳамжамият муҳофазасида бўлади. Ҳозиргача дунёдаги 721 та маданий ва тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мазкур мавзуни ёритишда 1 - мавзуда берилган Ҳалқаро туристик ҳукуқ параграфига ҳам қаралсин.

Хулоса

"Туризм асослари" курси машғулотлари жараёнида студентлар туризмнинг асл моҳиятини ўрганадилар ҳамда туризмнинг тарихи, тараққиёт босқичлари, тажрибаси, ҳозирги кундаги муаммолари, турлари, категориялари, индустряси, йўналишлари, хизматлари, ресурслари ҳақида маълум билимларга эга бўладилар. Туризм тушунчалари ва атамаларининг ҳар бирiga таъриф берилади. Курс давомида туризмнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий аҳамиятини, Ўзбекистон ва жаҳон туризм бизнесининг илдизларини ўрганадилар, курснинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни биладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги давлат сиёсати ҳақида маълумот берилади ва жаҳон туризм тажрибасининг илғор намуналаридан мисоллар келтирилади.

Таянч иборалар

- Туризм асослари
- туризм тарихи
 - Туризм сиёсати
 - Фаннинг мақсадлари
 - Фаннинг вазифалари

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. "Туризм асослари" фани нимани ўргатади?
2. Фаннинг мақсади нималардан иборат?
3. Фаннинг вазифасини сўзлаб беринг?
4. Фаннинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни қандай?
5. Нима учун мазкур фанни туризмга оид фанларнинг алифбоси дейилади?
6. Ўзбекистонда туризм тўғрисидаги давлат сиёсати нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид фармонларидан қайсиларини биласиз?
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм билан боғлиқ қарорларидан намуналар келтиринг?
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туризм билан боғлиқ қонун ва кодексларидан қайсиларини биласиз?
10. Туризм бўйича Самарқанд декларацияси ҳақидаги фикрингиз қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм" МКни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора -

тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августдаги "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.

5. "Основы туристской деятельности" (Учеб.пособие) . Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 .

6. Биржаков М.Б. "Введение в туризм". Санкт - Петербург, 2000 .

7. Бгатов А.П. Туристские формальности. Учебное пособие. 2004.

8. Маринин М.М. Туристские формальности и безопасность в туризме. 2004.

2 - боб. Туризм тушунчаси

2. 1. Илк саёҳатлар ва саёҳатчилар тарихи

2. 2. Туризм тушунчаси, унинг бошланиши, шаклланиши ва тарихи

2.1. Илк саёҳатлар ва саёҳатчилар тарихи

Саёҳат ва туризм (*travel and tourism*) - бир - бири билан ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар инсон ҳаёти фаолиятининг маълум бир тарзини ифодалайди. Бу - дам олиш, актив (фаол) ёки пассив (нофаол) кўнгилочарлик, спорт, атроф - муҳитни англаш, савдо, фан, даволаниш ва бошқа кўплаб нарсаларни қамраб олади. Бироқ, бунда ҳар сафар саёҳатни бошқа фаолият турларидан ажратиб турувчи ўзига хос ҳаракат - инсоннинг вақтинчалик бошқа жойга, мамлакатга, қитъага бориши, унинг доимий яшаш жойидан узоқлашиши - мавжуд бўлади. Шунингдек, саёҳат - одамларнинг турмуш тарзи, иши, дам олиши бўлиши мумкин. Россиялик машҳур "Саёҳатчилар клуби" теледастури бошловчиси Юрий Сенкевич ўзининг кўплаб саёҳаталарида турист ҳисобланмайди, чунки бу унинг иши бўлганидан ташқари, турмуш тарзи ҳамдир. Айрим халқлар учун саёҳат бу асрлар давомида яшаш жойининг табиий - иқлим шароитлари таъсирида шаклланган турмуш тарзидир. Масалан, мавсумий қишлоқ хўжалиги туфайли мексикаликлар ҳар йили АҚШнинг шимолий қисмига даладан ҳосил йиққани борадилар.

Саёҳат

Саёҳат умумий тушунча маъносига эга атама бўлиб, одамларнинг мақсадларидан қатъий кўчиб юришларини англатади. Кўп асрлик тарих гувоҳки, кишилар савдони ривожлантириш, янги ерларни очиш ва ўзлаштириш, ресурслар ва янги транспорт йўлларини излаб топиш мақсадида жаҳон бўйлаб

саёҳат қилиш имкониятига эга бўлганлар. Цивилизациямизнинг ривожланиши уччалик катта давр бўлмай, беш минг йилга яқин ҳисобланади, бироқ факат яқин ўтмишдаги саёҳатлар ҳақидаги ҳикоя ва тасвирларгина сақланиб қолган. Тарихдан бизга янги қитъя ва ерларни, халқлар ва табиий ходисаларни очган, ўзига хос географик тизимларни асослаб берган буюк саёҳатчиларнинг номлари маълум.

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да: "Саёҳат- арабча сўз бўлиб, дам олиш, хордиқ чиқариш ёки дунёни кўриш, ўрганиш мақсадида қилинган сафардир", - дейилади. Сафар тушунчасининг ўзи ҳам арабчадан олинган ва у хизмат ёки саёҳат мақсадида бирор ерга боришидир.

Мозийга мурожаат қилиб, шуларни айтиш мумкинки, илк саёҳатчилар дейилганда кўз олдимиизда кўхна даврлардаги - бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрган кўчманчи қабилалар, диний эътиқоддаги зиёратчилар, давлатлараро юрган ва "Буюк ипак йўли" бўйлаб сафарга чиқсан савдогарлар, кейинроқ эса мамлакатлар манфаатини ҳимоя қилувчи давлат элчилари, илмни мақсад қилиб олган олимлар, алломалар ва мутасаввуфлар, ҳарбий жабҳаларда ўзга худудларга кирган жангчилар гавдаланади. Шукурлар бўлсинким, буларнинг аксарияти сафарлари давомида ўзга худудлар тарихи, географияси, заҳматкаш халқи, миллатларнинг урф - одатлари, анъана ва маросимлари, бой маданий мероси билан яқиндан танишганлар ҳамда улар ҳақида ажойиб асарлар, хотира ва эсдаликлар ёзиб қолдиришган. Масалан, тарих фанининг отаси - Геродот (эрамиздан аввалги 5 - аср) Европа, Осиё ва Миср бўйлаб саёҳат қилган. Унинг "Тарих" номли асарида Марказий Осиёning қадимий халқлари - кўчманчи қабилалари: агриппийлар, исседонлар, массагетлар, дайлар, саклар ҳаёти, одат ва маросимлари, қўшни мамлакатлар (масалан, Эрон) билан алоқалари баён этилади. Геродот массагетларни хунарманд эканликлари: мис ва олтиндан ясалган қурол - аслаҳалар, от анжомлари, турли идишлар, зеб - зийнатлар, бош кийимлар, белбоғ, зардўзлик усталари бўлганликларини ёзиб қолдирган. Ёки, француз тадқиқотчиси ва географи Пифией (эрамиздан аввалги 320 - йил) эса ўша вақтларда ақл бовар қилмайдиган тарзда бутун Европа бўйлаб саёҳат қилган. У Британия оролларини айланиб ўтиб, Норвегия ва Исландиягача борган. Унинг "Океан ҳақида" деб номланган ажойиб асарида кўплаб географик ихтиrolар тасвирлаб берилган. Келинг, уларнинг айримлари ҳақида (гарчи юртимизга ташриф буорган ва ташриф буормаган бўлсаларда) фикр билдирайлик. Аслида эса улар жуда кўп ва хилма - хилдир.

Марҳум тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедовнинг "Ўзбекистон тарихи манбалари" китобида биз тадқиқ этмоқчи бўлган ушбу масалага алоҳида эътибор билан қаралган. Асарнинг илк саёҳатчилар тарихини ўрганишдаги аҳамияти чексиздир. Айниқса, у маҳсус ёки янги туристик йўналишлар ишлаб чиқувчи туроператорлар ва гид - экскурсоводлар учун янада қимматли ҳисобланади. Шу сабабли, уни ва бошқа тарихий асарларни мутолаа қилиб,

саёхат ва илк саёхатчилик тарихи нуқтаи - назаридан ўрганиб, ўта мухим тарихий маълумотлар олишга муваффақ бўлдик. Ушбу манбаларда келтирилишича саёхатчиларнинг ибтидоси ҳисобланган - кўчманчи қабилалар (сайёхлар) дастлаб чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар ва улар бир худуддан иккинчи бир худудга табиий - иқлим шароитлари, жанг - жадаллар туфайли кўчиб юришган ва ўзларининг саёхатчи эканликларини сезишмаган. Илк кўчманчилар эрамиздан аввалги 4 - 3 минг йилликларда, ҳатто ундан олдинги даврларда ҳам бўлган. Осиё, Шимолий Африка ва Жанубий Европа худудларида уларнинг дастлабки жамоаларини кузатамиз (масалан - аборигенлар, индейслар).

Эрамиздан аввалги 2 - минг йилликнинг охири ва 1 - минг йилликда Марказий Осиё ҳудудида ҳам чорвадор подачи жамоаларининг моддий маданият ёдгорликлари қадимий Хоразм (Тозабоген)да, Зарафшон водийси (Ургут, Каттакўрғон)да, Фарғона водийси (Водил ва Каромкўл)да, Тошкент воҳаси (Ачиқўл) да ҳам мавжуд бўлган. Ўлкамиздаги кўчманчи қабилалар ҳақида "Авесто"да, юонон тарихчилари асарларида мухим манбаалар мужассам. Эрамиздан аввалги VI - IV асрларда ёзилган ва оташпаратлик (зороастризм) динининг мазкур китобида Эрон ва Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти (эътиқоди, тили, адабиёти), тарихи ҳақида қимматли маълумотлар мужассам.

Кўчманчиларни сахройи, даштлик, тоғлик каби номлар билан атashган. Эрамиздан аввалги 3 - аср ва эрамизнинг 4 - асрларида Сирдарё бўйларида ташкил топган Қанғ давлати жабғулари (мулкка эга қабилалари) ўз чорва молларини Талас яйловларидан Сарису ва Чу дарёлари (Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудларидан оқиб ўтувчи дарёлар) этаклари томон ҳайдаса, қишида Оҳангарон водийси томон олиб боришган.

Кўчманчилар қаторига лўлилар, қочоқлар ва зўрлаб кўчириб юборилганларни киритиш мумкин. Зўрлаб кўчириб юбориш воқеаларини тасдиқловчи тарихий манбалар ҳам мавжуд. Масалан, қадимдан Шимолий Хитойда яшаган хуннлар эрамиздан аввалги 2 - аср охирларида хитойлар тазики остида ғарбга қараб чекинишга мажбур бўлганлар ва Шарқий Туркистонга ҳамда Ёттисув (Қозоғистон) воҳасида кўчиб юрган скиф ва усуњ қабилаларини суриб чиқарганлар. Натижада, скиф ва усуњлар Сўғдиёна (Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзасидаги ҳудуд) ва Бақтрия (Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий, Афғонистоннинг шимолий қисмлари) ҳудудига кўчиб ўтиб, бу ерда саклар билан бирга қўшилиб кетганлар.

Шунингдек, индейсларни мажбурий кўчириш ҳоллари юз берганлигини, Америкага кўплаб аҳолининг ўзга ҳудудлардан борганлигини, бальзи давлатларда лўлилар жамоалари борлигини, Афғонистон ва Ироқ каби мамлакатлар аҳолисининг бошка давлатларга бошпана истаб кетиб қолганликларини, Ўзбекистонда яшаган (яшаётган) греклар, корейслар, турклар, руслар аввало қайсиdir бир сабаблар билан кўчманчи бўлганликларини билиш

кийин эмас. Шу боисдан, кўчманчиликни ҳозирги кунга келиб бутунлай йўқ бўлиб кетди, - дея олмаймиз. Масалан, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Шимолий Африкадаги кўчманчилар (мўғуллар, араблар, балужлар, курдлар) ҳалигача мавжуд. Лекин, транспорт воситаларининг пайдо бўлиши билан кўчманчиларда ўтроклашув жараёни ҳам кучайди. Кўриниб турибдик, кўчманчик кейинги даврларда ҳам қайсиdir шаклларда мавжуд бўлди. Лекин, уларни илк сайёхлар деб бўлмайди, чунки, улар яшаган давр яқин ўтмишимиздир.

Ўтмиш тарихимиз ҳақида хабар берувчи манбаларига эътиборимизни қаратсак, қадимги даврлардаги диний эътиқоддаги зиёратчиларни ҳам илк саёҳатчилар қаторига қўшишимиз мумкин. Барча дин вакилларининг муқаддас деб билган ўз қадамжолари - зиёратгохлари мавжуд. Ўтмиш даврларини тасаввур қилсак, кишилар нималаргадир эътиқод қилишган, сифинишган. Керак булса, шу йўлда қурбонлик ҳам амалга оширишган. Эътиқод қилиш ёки сифиниш мақсадида бир худуддан иккинчи бир худудга боришиган ва диний амалларини бажаришган. Одамларнинг эътиқод қилувчи китоблари Оллоҳ томонидан бандаларига юбориб турилган. Ушбу китобларга мувофиқ эътиқод қилинган. Масалан, мусулмонлар Хаж зиёрати туфайли фарз амалларидан бирини адо этишган, таъбир жоиз бўлса, саёҳат қилишган. Демак, кишилар диний - зиёрат мақсадида бориб, саёҳатчилар тоифасига қўшилганлар. Шунингдек, буддизм ва христиан динлари вакилларининг муқаддас деб билган жойларига уюштирган қадим зиёратлари ҳам саёҳатлардир. Шу боис, неча минг йиллар аввал бўлиб ўтган бундай зиёратларни илк саёҳатлар, уларнинг иштирокчиларини эса илк саёҳатчилар қаторига киритамиз. Шунингдек, юртимизда мавжуд имом Бухорий, имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Занги ота қадамжоларини ҳам зиёратгохлар, - деб биламиз. Ҳозирда кўплаб мусулмон давлатларида туроператорлар диний туризм билан шуғуланиб, уларни ташкиллаштириб, Хаж ва умра зиёратларини амалга ошириб келмоқдалар. Буларни диний - зиёрат туризми турига киритамиз.

Савдогарлар масаласига келсак, улар ҳам савдогарлик мақсадида бир худуддан иккинчи бир худудга борганлар ва саёҳатчи бўлганлар. Эрамиздан аввалги X - VIII асрларда яратилган "Маҳабхарата" ("Бҳарата авлодлари жангномаси") достонида Ҳиндистонга саклар, тоҳарлар ва қанҳаликлар савдогарлик туфайли борганликлари қўйидаги тарзда баён этилган: "Унинг (подшоҳ Юдхиштихиранинг) эшиги олдида бошқа халқлар билан бирга саклар, тоҳарлар ва қанҳаликлар ҳам навбат кутиб турадилар. Паҳмоқ соқол, пешоналари шоҳлар билан безатилган, қўлларида турли - туман совғалар, жун, рангу, ипак ва патта (оқ қайнининг бири тури) дарахти толасидан, шунингдек, камёб матолардан, паҳтадан тўқилган газламалар, майин, нафис терилар, узун ва ўткир қиличлар, шамширлар, темир найзалар, ҳар - хил болталар, ичимликлар, хушбўй нарсалар, турли - туман қимматбаҳо тошлар...".

Эрамиздан аввалги V - IV асрларда (Доро I даврида) сополга ўйиб ёзилган битикда Эроннинг қадимги Суза шаҳридаги саройнинг курилиши учун

олтинлар Бақтриядан, қимматбаҳо тошлар Сўғдиёнадан, ферузалар Хоразмдан олиб келинганилиги баён қилинади. Тош - тасвирий суратларда Эрон аҳамонийларига қарам мамлакатлардан ўлпон олиб келинганилиги тасвирланган манбалар - суратлар ҳам мавжуд. Масалан, бақтрияликлардан турли - туман мато, тери, қўйлар; саклардан чакмон ва отлар; парфияликлардан идишлар, туялар; хоразмликлардан қурол - аслаҳалар, отлар олиб келинганилиги тасвирланади.

Тарих фанлари доктори, профессор Г.А. Ҳидоятов ўзининг "Менинг жонажон тарихим" китобида: "Ўрта Осиёга келган биринчи хитой элчиси (сайёхи) Чжан - Цзянь эрамиздан аввалги 140 - йилда Хивага борганлигини таъкидлаб ўтган. Албатта, сайёхнинг кўрган - билганлари ҳақидаги маълумотлар ҳам анчагина.

Шунингдек, эрамиздан аввалги II асрдан эрамизнинг XV асригача давом этган, қадимда ва ўрта асрларда шарқ ва ғарб мамлакатларини ўзаро боғлаган карvon йўли - "Буюк ипак йўли" орқали ҳам аждодларимиз савдогарлик мақсадида ўз саёҳатларини амалга оширганлар. Савдогарлар карvonлари учун бунёд этилган карvonсаройларда уларга барча шарт - шароитлар мужассам килинган. Карvonлар туриши учун жой, ем - хашак, савдогарлар учун кўналиға жой (мехмонхона), озиқ - овқат олдиндан ҳозирлаб қўйилган ва бошқа хизмат кўрсатиш (сервис) шаҳобчалари туну - кун ўз мижозларини кутиб олиб, меҳмоннавозликни амалга оширганлар. Албатта, савдогарлик маҳаллий тожирлар томонидан ўлкамизаро ҳам амалга оширилган. Демак, ўтмишда мамлакатлараро, халқлараро иқтисодий, маданий алоқалар бўлган ва бу алоқаларни сайёхликнинг илк кўринишларидан, деб айтиш мумкин.

Маданий - майший турмуш тарзимиз шу даражада ривожланган эдики, ҳатто бундан уч минг йил аввалги ичимлик суви ва чиқинди сувлар оқадиган сопол қувурлар қолдиқларини археолог олимларимиз топишга муваффақ бўлганлар.

Бу манбаълар юртимизда саёҳатчилик соҳасидаги (ҳозирги атама билан айтганда) сервис ва инфратузилма тизими қай даражада бўлганлигидан далолатдир. Шу ўринда карvonсаройларга алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламиз. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида карvon ва карvonсарой ҳақида: карvon - форсча сўз бўлиб, унинг 1 - маъноси: узоқ жойларга юк ва одам ташувчи, қатор бўлиб кетаётган ҳайвонлар (туя, эшак, хачир, отлар), аравалар ва уларни бошқарувчи шахслар гурухи, қатори. Карvon узилиб қолмаслиги учун энг олдинги ва охирги ҳайвонга қўнғироқ осиб қўйилган, - дейилса; 2 - маъноси: ўзаро ёрдам ва хавфсизликни таъминлаш учун бирга қўшилиб йўлга чиққан йўловчилар, сайёҳлар ёки элчилар гурухи. Карvonни карvonбоши бошқарган, - дейилади. Карvonсарой - карvonлар тунаб ўтадиган работ, сарой. Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Кавказ орти шаҳарлари савдо йўлида барпо этилган. Карvonсаройлар одатда, ўртада катта ҳовли, атрофи бир - икки қаватли хужралар билан ўралган, минорали қальбанд истеҳком шаклида бўлиб, савдо

манзилларида ва шаҳардаги бозор (тим, тоқ) лар қаторига қурилган. 9 - 18 - асрларда шаҳарларнинг ўсиши ва карвон савдосининг кучайиши натижасида карвонсаройлар кўплаб бунёд этилган. Араб сайёхлари Истахрий ва ибн Хавқалларнинг маълумотига кўра, 10 - асрда савдо маркази ҳисобланган Мовароуннахрда 10 мингдан ортиқ карвонсаройлар бўлган. Масалан, Работи Малик (11 - аср, Навоий шаҳри яқинида), Доя хотин (12- аср, Туркманистанда) карвонсаройи харобалари, Оллоқулихон (19 - аср, Хива) карвонсаройи ва тими.

Яқин ўтмишимизда бўлиб ўтган шундай маълумотлар ҳам борки, давр нуқтаи - назаридан уларни илк саёҳатлар қаторига киритмасдан, оддий сайёхлик даражасида ўрганамиз. Масалан, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романида Отабекнинг Тошкент - Марғилон - Тошкент йўналишида севгилиси Кумуш изидан бир неча маротаба сафар - саёҳатга чикқанлигини олайлик. Мана шундай саёҳатлар бўлганлигига ҳам тарих гувоҳ. Балки бундай сафарларни севишганлар саёҳати, деб ўрганаармиз. Гарчи ўз худудимиз доирасида бўлган бўлсада. Отабекнинг Тошкентнинг Чуқур қишлоқ деган жойида қозоқлар томонидан очилган бўзахонада бир неча маротаба ту nab қолганлиги, отни отхонага жойлаштириш, озуқа беришдан тортиб Отабекка кўрсатилган бошқа хизматлар - турли таомлар (бўзахўрлик), ҳатто кечасилигига қарамай машшоқнинг бўлиши ва унга дутор билан куй чалиб бериши - буларнинг бари гарчи уни меҳмонхона дейилмасада, сервиснинг жой - жойига қўйилганлиги эмасми?

Элчиларни ҳам саёҳатчилар дейиш мумкин. Тарихга мурожаат қилинса, V - VII асрларга оид Самарқанд тарихида Афросиёб саройи меҳмонхонасидаги расмлар ажойиб бўлиб, унда оқ кийим кийган Чағаниён (эрамиздан аввалги VI асрдан - эрамизнинг XVI асригача ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги Шўрчи, Денов, Сариосиё, қисман Жарқўргон туманлари худудларидағи вилоят, шаҳар) элчисининг сурати тасвирланган. Ушбу тасвир ўша даврларда ҳам элчилик алоқалари бўлганлигидан далолатдир.

Х асрда яшаган араб сайёхи ва олим Аҳмад ибн Фадлан Бағдоддан Булғорга Бухоро, Хоразм орқали элчилар билан бирга ташриф буюрган ва ўз хотираларида муҳим тарихий, географик маълумотларни ёзиб қолдирган. Ёки, Соҳибқирон Амир Темур салтанатига Кастилия (Испания) қироли Генрих III нинг элчиси Луи Гонзалес де Клавихо ташриф буюриб, юртимиз ички турмуши, шаҳарлари, қишлоқлари, Амир Темур саройидаги одатлар, Темурбекнинг хотинлари, Шахрисабз ва Самарқанд ҳакида қимматли маълумотларни ёзади. (Шунингдек, бавариялик рицарь Иоганн Шильтбергер ҳам Темур ва унинг авлодлари хизматида бўлган). Шоҳруҳ Мирзо эса 1442 - йили Жанубий Ҳиндистонга Вижаянагар давлатига Абдураззоқ Самарқандий бошчилигидаги элчиларни жўнатган. Улар Ҳирот, Эронзамин, Форс қўлтиғидан ўтиб, кемалар орқали Жанубий Ҳиндистонга боргандар. 1444 - йили эса яна Ҳиротга қайтганлар. Уч йиллик элчилик хотиралари кундалигини ёзиб қолдирганлар. Шуни айтиш лозимки, Абдураззоқ Самарқандий Афанасий Никитиндан 25 йил

аввал бу ерда бўлган.

Хофиз Кўҳакий (16 - аср) - Султон Мухаммад Хофиз Тошкандий тарихчи, хуқуқшунос, таржимон бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг севимли шогирди Алиқушчининг набирасидир. У Ҳиндистонга 1528 - йили Бобур Мирзо ва 1569 - йили Акбаршоҳ ҳузурига элчи бўлиб борган.

XVII асрда рус элчиларидан И.Д. Хохлов, В.А. Даудов, М.Ю. Қосимов (татар миллатига мансуб), aka - ука Пазухинлар Бухоро ва Хива шаҳарларида элчилик қилдилар. Петр I (1682 - 1725) Хива ва Бухорони қўлга киритиш мақсадида аввал Бекович - Черкасскийни, сўнг Флорио Беневинини элчи қилиб юборади.

Шунингдек, XVIII асрда сайёҳ Митрополит Хрисанф, савдогар Филипп Назаров, ҳарбий Николай Муравъёв, поручик Дмитрий Гладищев ва ер ўлчовчи Иван Муравинлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон ва Наманганд шаҳарлари ҳақида ажойиб эсдаликларни ёзиб қолдиришган.

Илк саёҳатчиларни умумий маънода кўчманчилар, зиёратчилар, савдогарлар, - деб олдик. Шунингдек, айрим шахслар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, уларни ҳам илк саёҳатчилар қаторига киритамиз, асарларини эса илк саёҳатчилик илмини янги, оригинал манбаалар билан бойитган дастлабки фундаментал тадқиқотлар қаторига киритамиз. Улар ўзга худудлардаги ҳаётни, агар таъбир жоиз бўлса, худди биз кутгандек саёҳатчилик нуқтаи - назаридан ёритиб беришган. Қадимги Эрон, ҳинд, юонон, рим, турк, хитой, сўғд, мўғул, араб, форс, эски ўзбек ва форс - тожик тилидаги манбааларда буларни кўрамиз.

Геродотдан ташқари юонон саёҳатчи - олимларидан Диодор (эр. ав. 90 - 21 й.) - скифлар, саклар, массагетлар, бақтрияликлар ҳақида; Помпей Трог (эр. ав. I аср - эр. I асри) Бақтрия ва Сўғд шаҳарлари, иморатлари, этнографияси ҳақида; Арриан Флавий (эр. 95 - 175 й) ва Квинт Курций Руф (эр. I асри) нинг Искандар Зулқарнайнинг ҳаёти, босқинчилик юришлари, хусусан, унинг Марказий Осиёни истило қилиши, Спитамен бошлиқ қўзғолон ҳақида; Полибий (эр. ав. 201 - 120 й.), Страбон (эр. ав. 63 - эр. 23 й.), Гай Плинний Секунд (эр. 24 - 79 й.), Птолемей Клавдий (эр. 90 - 160 й.) лар ўлкамизг тарихи, скифлар, Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё), Бақтрия ва унинг табиий бойликлари ҳақида қимматли маълумотлар беришган.

Абулқосим Фирдавсий томонидан ёзилган "Шоҳнома" (X аср) китобида Эрон ва Марказий Осиёда зардуштийликнинг пайдо бўлишидан то араблар халифалигигача бўлган даврдаги (эр. ав. VI - эр. VI асрлар) сиёсий вазият, диний ақидалар баён этилган.

Араб сайёҳи ва географ олими Абу Далаф (X аср) Бухорога келган ва ўз асарлари орқали муҳим тарихий, географик маълумотларни келтирган.

Италиялик савдогар - сайёҳ Марко Поло (XIII аср) Хитойга сафар ўюштириб, у ерда 17 йил яшаган ва ноёб манбаалар битиб кетган. Унинг Самарқандда бўлганлиги эса биз учун янада қимматли. У Олтин Ўрда (XIII асрнинг 40 - йилларида Ботухон бошчилигига ташкил топган давлат) ва Чигатой улусига қарашли шаҳарлар ва уларнинг халқлари ҳақида ёзиб, хусусан:

"Самарқанд катта, машхур шаҳар. Унда сарасинлар билан бирга христианлар ҳам истиқомат қиласидилар", - дейди.

Яна бир араб сайёхи ва олими Ибн Баттута (XIV аср) 21 ёшидан саёҳат қилганлиги манбаалардан маълум. У шимолий Африка мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистонда бўлиб, мамлакат ва савдо йўлларининг географик номларини, ҳалқларнинг урф - одатларини ёзиб қолдирган. Шунингдек, унинг Самарқандга саёҳати ва темурийзодалар хилхонаси (хусусан, Шоҳизинда)да бўлиши биз туризм мутахассисларига таълукли муҳим тарихий маълумотdir.

Буюк саёҳатчи - олимлар, кашфиётчилар каторига XV - XVI асрларда яшаган Фернан Магеллан, Васко да Гама, Христофор Колумбларни ҳам киритиш мумкин. Жумладан, Колумб 1492 - 1493 йилларда учта каравеллада Атлантика океанини босиб ўтиб, Америка қитъасини кашф этган.

Энг қадимги рус сайёҳларидан Игумен Даниил 1065 - йилда Афон ва муқаддас Ерга зиёрат қилган ва сафар давомида кўрган ҳалқлари ва ерлари ҳақида батафсил маълумотлар ёзиб қолдирган. "Уч денгиз оша саёҳат" номли ажойиб асар муаллифи бўлган Афанасий Никитин эса XV асрда Эрон ва Ҳиндистонга саёҳат қилган. Совет даврида шу номли бадиий фильм ҳам яратиган эди. Кейинчалик, Беринг (XVII - XVIII аср), Миклухо - Маклай, Пржевальский (XIX аср) лар машхур саёҳатчилар сифатида ўз номларини тарихда қолдирганлар. Яқин ўтмишимизда эса "Саёҳатчилар клуби" теледастурининг муаллифи бўлган Юрий Сенкевичдан ташқари, Артур Чиллингаров, Дмитрий Шпароларнинг номлари саёҳатчилик билан шуғулланувчиларга яхши таниш. Замондошимиз капитан Кустонинг дунё бўйлаб саёҳатларини билмаган кишилар кам топилса керак. Ўзбекистон мустақилликка эришгач эса ватандошимиз Мурод Қосимовнинг бир қатор давлатларни кезиб чиққанлигини мутахассислар яхши билишади.

Алломалар

Булардан ташқари, VIII - XX асрларда яшаб ўтган алломаи замонлардан - Абу Юсуф Яъқуб, Мадоиний, Ал - Яъқубий, Балазурий, Ибн ал - Фақих, Ибн Хурдадбех, Табарий, Ал - Масъудий, Абулфараж Кудама, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Ал -Муқаддасий, Утбий, Ас - Саолибий, Ал - Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Мисқавайх, Маҳмуд Кошғарий, Ал - Идрисий, Самъоний, Ибн ал - Асир, Ибн Халлиқон, Шиҳобуддин Муҳаммад Нисовий, Жамол Қарший, Ибн Арабшоҳларнинг араб тилидаги:

Наршахий, Низомулмулқ, Низоми Арузи Самарқандий, Гардизий, Нажмуддин Абу Ҳафс Насафий, Фахруддин Муборакшоҳ Марваррудий, Абулфазл Байҳақий, Авфий, Жувайний, Рашидуддин, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Банокатий, Низомуддин Шомий, Муъинуддин Натанзий, Ҳофизи Абру, Шарафуддин Али Яздий, Мирзо Улуғбек, Абдураззок Самарқандий, Мирхондларнинг форс тилидаги:

Абдулла Насруллоҳий, Муҳаммад Солиҳ, Абулғозихон, Мунис, Оғаҳий, Мирза Олим Тошқандий, Муҳаммад Юсуф ибн Бобожонбек Баёнийларнинг

эски ўзбек тилидаги;

Мулла Шодий, Камолиддин Биноий, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон, Хондамир, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Ҳасанбек Румлу, Ҳофиз Таниш Бухорий, Абулфазл Алломий, Муҳаммадёр ибн Араб Каттагон, Амир Аҳмад Розий, Искандарбек мунший, Маҳмуд ибн Вали, Ҳожа Самандар Термизий, Муҳаммад Юсуф мунший, Мир Муҳаммад Амини Бухорий, Мулла Шарафуддин Аълам, Абдурраҳмон Давлат, Ҳожи Мир Муҳаммад Салим, Муҳаммад Козим, Муҳаммад Вафойи Карминагий, Мулла Ибодулла, Мулла Муҳаммад Шариф, Мир Олим Бухорий, Ҳакимхон тўра, Аҳмад Дониш, Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний, Мирза Салимбек, Муҳаммад Солих Тошкандий, Ниёз Муҳаммад Ҳўқандийларнинг форс - тожик тилидаги асрларида саёҳатшунослик тарихига оид муҳим илмий манбаалар мужассам.

Шунингдек, география ва космографияга таълуқли - Китоби Муллазода, Мажмуъ ал - ғаройиб, Ажойиб ут - табақот, Дири ғаройиб; ўзбек халқининг шаклланишига оид - Тарихи Абулхайрхоний, Насабномайи ўзбек, Асомийи наваду ду фирмайи ўзбек асрлари; Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳожа Баҳоуддин Ҳасан Нисорий, Мутрибий, Малеҳо Самарқандий, Тазкирайи Буғрохоний, Маноқиби Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, Рисолайи шайх Нажмиддин Кубро, Маноқиби Амир Кулол, Ҳожа Муҳаммад Порсо, Мақомати ҳожа Аҳрор, Раҳаҳоту айн ул - ҳаёт, Жомиъ ул - мақомати Маҳдуми Аъзам Косоний - биографик асрлари; Бобур, Зайниддин Восифий, Фасих Аҳмад Ҳавофий, Сейди Али Реисларнинг - мемуар асрлари ўз қимматига кўра кўхна тарих, эл - улус, унинг осори - атиқалари, қадамжолари, географияси, этнографияси, маданий меросига таълуқли янгиликлар билан янада қизиқарли. Бир сўз билан айтганда республикамиз ва унга туташ худудларга оид илмий - тарихий манбаалар мужассам.

2. 2. Туризм тушунчаси, унинг бошланиши, шаклланиши ва тарихи

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туризм тушунчасига қуйидаги тарзда таъриф берилган: "туризм - жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий - амалий ёки бошқа максадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоги билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)".

Туризм французча tour сўзидан олинган бўлиб, сайр - саёҳат маъносини англатади.

Энди туризмнинг тараққиёт жараёнига назар ташлаб ўтамиз. Замонавий техника воситалари ҳаракатланиш характеристини тубдан ўзгартириб юбориб, хоҳланган вақтда саёҳат қилиш имконини берди. Манбаларда 1815 - йилда Франция - Англия ўртасида маҳсус турлар ташкил қилинганлиги ёзилади. Ёзувчи ва саёҳатчи **D. Galinyanu** кенг омма учун Париждан Лондонга

уюштирилувчи бундай турларнинг ташаббускори бўлган. 1829 - йилга келиб саёҳатчилар учун маҳсус тайёрланган дастлабки йўл кўрсаткич *K. Baedeker* томонидан тайёрланган ва нашр қилинган. бўлиб, У ҳозирги кунда ҳам чоп этилиб, Европа бўйлаб саёҳат қилувчи туристлар ўртасида кенг тарқалган. Техника тараққиёти оммавий туризмнинг ривожланишига катта туртки бўлди. 1830 - йилда жаҳонда биринчи темир йўл Манчестер ва Ливерпуль ўртасида ишга тушиб, у амалда саёҳат уюштиришнинг вақт чегараларини ўзгартириб юборди. Илгари ҳафталаб давом этган саёҳатларни эндиликда арзимаган ҳақ тўлаб амалга ошириш ҳар бир кишининг қўлидан келадиган бўлиб қолди. Темир йўллар барча мамлакатларда мисли кўрилмаган суратларда қурила бошлади. 1833 - йилда Россияда Черепановнинг биринчи паровози қурилди. 1842 - йилга келиб Англияда темир йўл орқали йўловчи ташиш кўрсаткичи 23 миллион кишига етди. АҚШ да 1850 - йилга келиб 15 минг чақирик масофали темир йўллар қуриб битказилган. Тошкентда эса биринчи темир йул 1899 - йил Красноводск - Тошкент ва кейинчалик 1905 - йили Тошкент - Оренбург йўналишида ишга туширилди.

Бугунги кунда замонавий туризм асосчиси деб тан олинган баптист рухонийси - Томас Кук биринчилардан бўлиб саёҳатчиларнинг оммавий сафар уюштиришининг фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 - йилда ўз қавми учун дастлабки темир йўл орқали турни ташкиллаштириди ва муваффақиятга эришди. Кук 1851 - йили мамлакатнинг барча бурчагидан келган инглизларнинг Париждаги кўргазмада иштирок этишини ташкиллаштириб, 165 минг кишини олиб келишга мушарраф бўлди. Кўргазма турлари катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук Англиялик туристларнинг 1865 - йилда Парижга Бутунжаҳон кўргазмасига оммавий равишда ташриф буюриши ташкилотчиси бўлди. 1856 - йилдан бошлаб Европа бўйлаб турлар одатий ҳолга айланди, Кукнинг туристик агентлиги ва жойларда унинг филиаллари тузилди. Туристик компаниянинг мисли кўрилмаган муваффақиятга эришганлигини Кук туристларга таклиф этган каталогдан 8 мингдан ортиқ меҳмонхоналарнинг ўрин олганлиги ҳам тасдиқлайди. 1870 - йилда “Томас Кук” туристик фирмаси мижозлари сони 500 минг кишига етди.

Европа ва Америка қитъалари ўртасида мунтазам кема қатнови 1832 - йилда йўлга кўйилган бўлиб, 1866 - йилда Кук АҚШга туристларнинг дастлабки икки грухини жўнатади. Турлар узоқ муддатли бўлиб, беш ойгача давом этган. Томас Кук хизматларидан фойдаланган америкалик таниқли туристлардан бири Марк Твен бўлиб, у олтмиш кишидан иборат гуруҳ таркибида иштирок этган ва кейинчалик бу саёҳатни қаламга олган. Томас Кук 1872 - йилда биринчи бўлиб саноат асосида жаҳон бўйлаб саёҳат уюштиришни таклиф қилган. Дастлабки 20 саёҳатчи бутун жаҳон бўйлаб 220 кун давомида саёҳат қилганлар. Томас Кук 1892 - йилда вафот этди ва унинг ишларини ўғиллари ва шериклари давом

эттиришган. Компания ўз фаолият соҳасини кенгайтириб, йирик молиявий институтга айланган ва саёҳатчилар учун йўл чеклари чиқара бошлаган. Бу эса ўз моҳиятига кўра аср ихтироси - хавфсиз пуллар эди. Бугунги кунда “Томас Кук” компанияси бутун дунёда 12000 дан ортиқ туристик агентликларга эга бўлиб, йилига 20 миллиондан ортиқ туристга хизмат кўрсатади.

Замонавий самолётларнинг ихтиро килиниши билан бир худудидан иккинчи бир худудга ер айланиши тезлигидан тезроқ етиб бориш имконини берди. Натижада саёҳатчилар бошқа соат минтақаларига ташриф буюра олдилар. Космик саёҳатларда вақт самараси янада яққол кўзга ташланади.

Саёҳатлардан ҳаёт фаолиятнинг алоҳида жозибадор усули сифатида янги шакл - туризм ажralиб чиқиб, у ўзига хос хусусиятлар ва хислатлари билан тавсифланади. Туризмни саёҳатлардан ажратиб турувчи асосий жиҳати бу унинг ташкилий жиҳатдан йўлга қўйилганлигида, мақсадли ва оммавийлигидадир.

Бошқа одамлар орасидан алоҳида ажralиб туриш, биринчи бўлиш истаги саёҳатчилар орасида яққол ажralиб туради. Инсон фаолиятининг бошқа соҳаларига қараганда бунда ўзини кўрсатиш имконияти кўпроқdir. Ким энг юқорига чиқади ва узокроққа боради, ким кишилар ҳаёлига келмаган, уларни ҳайрон қолдирадиган ишларни қиласи - рекордчи - саёҳатчиларнинг фантазияси чегараланмаган бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобида бундай ютуқларга алоҳида бўлим ажратилган.

1913 - йилда велосипедда бутун дунёни айланиб чиқиб, бунда 50 минг км йўл босган ва 52 та покришка, 36 та камера, 9 та занжир, 9 та педаль, 4 та эгар, 2 та руль ва ҳоказоларни алмаштирган ҳамда «Бриллиант Юлдуз» белгиси билан мукофотланган Анисим Панкратовни туристлар тоифасига эмас, балки айнан саёҳатчилар қаторига киритиш мумкин. Шунингдек, уч йил (1928 - 1931) ичida собиқ СССР чегаралари бўйлаб велосипедда айланиб чиқсан Глеб Травинни ҳам саёҳатчилар қаторига киритиш мумкин. Бир неча йил мобайнида «Татра» автомобилларида сайёрамизнинг барча қитъалари бўйлаб саёҳат уюштирган Чехославкиялик саёҳатчилар Иржи Ганзелка ва Станислав Зигмудларни туристлар тоифасига киритиш янада қийин. Уларнинг қитъалараро йўналиши «Татра» концерни томонидан молиявий ва техник таъминланган бўлиб, у фирманинг реклама мақсадларига хизмат қилган. Амалда бу техника синовчиларининг нормал ва ҳақ тўланувчи хизмати бўлган.

Гиннеснинг рекордлар китобида бошқаларни ҳайрон қолдириш ниятида уюштирилган саёҳат ва жасоратларга катта жой ажратилган. Жесси Росдейл исмли бир шахс дунёдаги кўп мамлакаларда бўлиш ва ўз хужжатларига барча мамлакатлар чегара хизматлари штампини қўйдиришни мақсад қилиб олган, бунинг учун у 2.627.766 км масофани босиб ўтган ва 215 та мамлакат чегарасини кесиб ўтган ҳамда бунинг учун Гиннес дипломига сазовор бўлган. Бирор бунинг учун унга Иллинойс (АҚШ штати) мактабидаги ўқитувчилик

ўрнини ташлашга тўғри келган. Миссионер Альфред Уолдерн (АҚШ) отда саёҳат қилишни мақсад қилиб қўйган ва 424.850 км масофани (битта ёки бир нечта эканлиги номаълум) отда босиб ўтган. Бунда у 16 мингдан ортиқ маъруза ўқиган. Пиёда, чанғида, велосипедда, автомобилда, темир йўл, авиа ва денгиз транспортида саёҳат қилиш бўйича ҳам рекордлар ўрнатилган. Бироқ, уларнинг аксарият қисми инсоннинг мукаммалигини исботлаш ва қўйилган мақсадга эришиш йўлида барча қийинчиликларни енгиб ўтиш учун оғир меҳнатлардан иборат бўлган.

Хаттоки, космосда - ойга қўнувчи, ер орбитаси атрофида парвоз қилувчи космонавтлар (уларни ҳам сайёхлар қаторига киритиш мумкин) ҳам рекорд ўрнатишига интиладилар. Космосга биринчи бўлиб парвоз қилган одам, биринчи космонавт аёл, парвоз узунлиги, баландлиги ва узоқлиги, ой сатҳида Луноходда сайд қилиш узунлиги ва бошқа бир қатор фактлар рекорд қайд этишга асос бўлади.

Саёҳатлар ва туризмнинг бир - биридан фарқларини кўриб чиқишида ушбу фаолиятнинг мақсадлари ва моддий таъминотига тўхталиб ўтиш жоиз. Саёҳат ва экспедицияларнинг аксарият қисми маълум бир мақсадлар (савдо, фан, янги ерларни очиш, маҳсулот рекламаси ва ҳоказо)га хизмат қилиб, манфаатдор шахслар, ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан молиялаштирилади. Масалан, Африкани забт этиб, Замбези дарёсидаги Виктория шаршарасини очган буюк Давид Ливингстон миссионерлик жамғармалари ҳисобига саёҳат қилиб, асосан маҳаллий аҳолини христиан динига жалб қилиш билан шуғулланган ва аҳён - аҳёнда географик ихтиrolар қилиб турган.

Саёҳатчи - бу биринчи навбатда агар таъбир жоиз бўлса касб бўлиб, одамларнинг кун кўриш манбай ёки саёҳатда иштирок этувчиларнинг турмуш тарзига айланиши мумкин. Бу эса фаолиятнинг мақсади бўлиб, туризм мақсадларидан фарқ қиласи. Шундай саёҳатлар ҳам борки, уларни касб ҳам деб бўлмайди. Бундай саёҳатлар эътиқод билан боғлиқ. Масалан, Имом Бухорийни олайлик. У пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини тўплаш мақсадида Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жидда, Басра, Куфа, Бағдод, Шом, Миср, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол шаҳарларида бўлиб, ўта машакқатли тарзда фидойилик кўрсатган. Бундай мисолларни Имом Термизийдан ҳам топиш мумкин. Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо ва бошқа кўплаб саркарда, аллома, ахли донишларимизнинг ўзга юртларга ўз мақсадларини амалга ошириш учун борганликларини ҳам саёҳатлар қаторига киритишимиз мумкин. Афсуски, мусулмон бўлмаган мутахассислар томонидан ёзилган бирорта адабиётда уларнинг исми шарифлари кўрсатиб ўтилмаган.

Вакт инсоннинг имкониятларини сезиларли даражада ўзgartириб юборган.

Бугунги кунда бўш вақт ва етарли маблағга эга бўлган деярли ҳар бир шахс жаҳон бўйлаб ҳаво шарида ёки бошқа трансопрт воситаларида сайр қилиши, дунёнинг инсон оёғи етмаган нуқталарига ташриф буюриши мумкин. Саргузаштли туризмга ихтисослашган туристик фирмалар Жанубий Америка, Африка ва Осиё бўйлаб маҳсус тайёрланган автомобилларда узоқ муддатли (30 ҳафтагача) қитъалараро саёҳатларни таклиф қилмоқда. Буюк янги ер очувчиларнинг йўналишларини такрорловчи, нархи 50 минг АҚШ долларига тенг бўлган 190 кунлик денгиз саёҳатлари ҳам таклиф этилмоқда.

Шулардан келиб чикиб айтиш мумкинки, туризм - бу саёҳатларнинг бир тури бўлсада, (биз юқорида айтиб ўтган тавсифномага асосан) одамларнинг турли ҳудудларга ташриф буюриши бўлиб, унда иштирок этувчи шахс мақсадлари, йўналиши ва харакатланиш воситаларидан қатъий назар турист деб аталади. Саёҳатлардан фарқли равишда, туризм иқтисодиёт ва сиёсатнинг кучли таъсирига учровчи тоифадир.

Туризмнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда туристни денгизчи, космонавт, бизнесмен, натуралист ва ҳоказо деб аташ мумкин. Статистикада саёҳат қилувчи шахс visitor деб аталади. Ташриф буюрувчилар туновчи, яъни, вақтинчалик бўлувчи жойларда ҳеч бўлмаса бир кеча ётиб қолувчилар ва бир кунлик (24 соатгача бўлувчи) туристларга бўлинади.

Туризм бу:

а) туристлар томонидан амалга ошириувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга омавий саёҳатлар тури, яъни туристнинг фаолиятидир;

б) бундай саёҳатларни уюштириш ва амалга ошириш бўйича туристик фаолиятдир. Бундай фаолият турли хил туристик саноат корхоналари ва улар билан боғлиқ тармоқлар томонидан амалга оширилади.

Хўш, туризм қадимда ҳам мавжуд бўлганми? - деган ҳақли савол туғилиши, табиий. Бу саволга жавоб жуда оддий: мақсади ва амалга оширишнинг ташкилий шаклига кўра туризм сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган саёҳатларни қадимдан билиш мумкин. Ўрта асрларда эса диний - зиёратчилар гуруҳларини кузатиб бориш бўйича ташкиллаштирилган фаолиятнинг бошланиши кўзга ташаланади. Бу жараёнларни деталли равишда кўриб чиқсанда уларни туризмга, янаям тўғрироғи, туризм ибтиносига бориб тақаш мумкин. Ҳозиргача Томас Кук туризмни ташкиллаштирганлиги учунгина бу фаолиятнинг асосчиси сифатида тан олинади. Нима, ҳаж ва умра зиёратини ташкиллаштирган ташаббускорлар ўша вақтларда бўлган эмасми? Албатта бўлган. Бундай зиёратларга ҳам одамлар гуруҳ - гуруҳ бўлиб боришган. Ота - боболаримиз уларни уюштиришган. Кимлардир шундай ишларга бош бўлган. Ёки, савдогарликни олайлик, айниқса, "Буюк ипак йўли" тарихида бундай ишларни ташкил этган, савдогарларнинг омон - эсон манзилларига етиб

боришлини ташкиллашиб берган кишилар бўлмаганми? Бўлган, албатта. Балки, уларни мингбоши, юзбоши, элликбоши тарзида аталгандир. Мана шулар туфайли ушбу саёҳатлар, таъбир жоиз бўлса, туризм фаолияти амалга оширилган. Бизнинг галдаги вазифамиз шундай заҳматкаш кишиларни, саёҳат (туризм) иши ташкилотчиларини эски манбаалардан излаб топиш ва уни халқимизга етказишидир.

Туризм XIX асрнинг охирига бориб шаклланган бўлсада, факат XX асрга келиб у жадал суратларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият муносабатларининг юксалиши натижасида у «XX аср феномени» номини олди. Бугунги кунда туризм - жуда кучли жаҳон миқёсидаги саноат бўлиб, унинг жаҳон ялпи маҳсулотидаги улуши 10 % ни ташкил этади ҳамда бу соҳага жуда кўп сонли ходимлар, асосий воситалар ва йирик капитал маблағлар жалб қилинган. Туризм - йирик бизнес, катта маблағ ва глобал миқёсидаги жиддий сиёсатdir.

Жамиятнинг ривожланиши билан сайёрамизнинг тобора кўплаб аҳолиси туризм соҳасига жалб қилинмоқда. 1995 - 97 йиллар мобайнида саёҳат қилувчилар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси йилига ўртacha 4 % кузатилиб, 1998 - йил Осиёдаги молиявий инқироз сабабли бу соҳадаги фаолликнинг бироз сусайганлигини қайд қилиш мумкин. ЖТТ маълумотига кўра, 1996 - йилда туристларнинг келиши сони 594 млн., 1997 - йилда эса - 616 млн. кишини ташкил қилган. Туризмдан олинувчи даромад 1997 - йилда 448 млрд. АҚШ долларига (1996 - йилга нисбатан 7,9 % кўп) етган. ЖТТнинг прогнозларига қараганда, 2010 - йилга бориб туристлар сони 937 млн.га, туризм орқали олинувчи даромад эса 1,1 трлн. АҚШ долларига етади. Дунёнинг жуда ҳам ажойиб, жозибадор туристик ресурсларига эга бўлган барча бурчаклари ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ва кенг туристлар оммаси учун очиқ эмаслиги шубҳасиз, албатта. Бунда таббий - иқлим шароитлари ва сиёсий - иқтисодий омиллар, минтақадаги тинчлик, туризм саноатининг риожланиши кабилар муҳим роль ўйнайди.

Туризм инфратузилмаси ва саноати туризмга қўшни тармоқларни ўзига янада кўпроқ тортиб, кўплаб кишиларни иш билан таъминламоқда. Ҳозирда ер юзидағи аҳолининг 1\15 қисми туризм соҳасида иш юритади. Туризм соҳасига кўпроқ ишчилар жалб қилинмоқда, натижада кўп сонли иш жойлари пайдо бўлишига олиб келмоқда, бу эса жуда муҳим масала бўлиб, жамиятга фойдали бўлган ҳоллар ичida биринчи ўринда туради. Туризмда банд бўлган ишчиларнинг категориясини аниқлаш мақсадида талайгина усууллар қўлланилмоқда. Йирик туристик марказларда ҳар ўнта турист икки кишини доимий иш жойи билан таъминлайди. Масалан, Петропавловска круиз лайнериининг келишининг ўзи аҳоли ҳаётида катта бир айёмдир. 50 - 60 киши иш билан таъминланса, уч кун мобайнида йўлбошчилик, гитлик вазифасини ўтаётган ўқитувчилар эса ўз ойлик маошларига teng бўлган қийматда мукофот

оладилар.

Туризмдан тушадиган фойдани таҳлил этиш қизиқ таққосларга олиб келади. Россияликларга қараганда АҚШ аҳолисининг ҳар бирига икки баробар кўп турист тўғри келса, бу тармоқдан тушадиган фойда эса беш баробар кўпdir. Санкт - Петербург курортининг 250 минг аҳолисидан 60 минг нафари туризм соҳасида банд бўлиб, ҳар йили 5 млрд туристга хизмат кўрсатишади. Андоррада эса ахвол янада кескинроқ. Бу ерда 50 - 60 минг киши 12 млн. туристларга хизмат килиб, уларга маҳсулот сотишади. Андорра солиқсиз савдо ҳудудидир. Демак, бу ҳолат ишни янада авж олдириш учун муҳим. Мазкур кичик мамлакатда бошқа фаолият турининг ўзи йўқ ёки бўлса ҳам давлат иқтисодиётида кўзга кўринарли ўрин тутмайди.

Мақсадларига кўра, туристик саёҳатлар муддати бўйича қуйидаги кунларга бўлинади:

- 1 - 2 кунлик (дам олиш кунлари);
- 3 - 7 кунлик;
- 8 - 28 кунлик;
- 29 - 91кунлик;
- 92 ва ундан ортиқ кунлик.

Турист албатта ўз мамлакатини саёҳат қилиш мақсадида бошқа қисмига боради ёки ўзга мамлакатни бориб кўради. Ер аҳолисининг аксарият қисми ўтроқ ҳаёт кечиришмоқда, - деган фикрга қўшилишимиз керак. Турист ўз туристик саёҳатини амалга ошираётган жойда узоқ қолмаслиги ва саёҳат якунида бу жойни тарқ этиши лозим. Демак, турист - бир ердан иккинчи бир ерга вактинчалик борувчи киши (мусофиর) дир.

Туризм бўлиши учун икки шарт керак: буш вақт ва маблағ. Ҳатто, Рим империяси даврида бадавлат кишилар ўз таътилларини Мисрда ўтказишган. Узоқ вақт давомида туризм факат бадавлат кишилар қатламиниги бўлган. Ҳозирда ҳам бу ҳолат афсуски сақланиб турибди.

Хуноса

Ушбу мавзуда саёат ва туризм тушунчаси ҳамда уларнинг тарихига оид маълумотлар беришга харакат қилдик. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, илк саёҳат ва саёҳатчилар узоқ ўтмишга бориб тақалади, шу боис, хорижий давлатлардаги илк саёҳатчилик тарихи ва унда иштирок этган саёҳатчилар, юртимиз тарихида ватандошларимиз томонидан олиб борилган саёҳатларга асосий эътиборни қаратдик. Келгусидаги ишларимизда улкамиздан етишиб чиқкан илк саёҳатчилар ва уларнинг фаолияти ҳақида янада янги илмий маълумотлар туплашимиз керак булади. Шунингдек, хорижга чиқкан ва хориждан келган сайёҳлар, сафар давомида уларнинг орттирган тажрибалари,

маънавий ютуқлари хақида фактик маълумотларни ўрганишимиз ва ўргатишимиз лозим.

Туризм хақида гапирганда бизда шундай бир фикр мужассам: Нима учун Томас Кукни туризмни асосчиси демоқдамиз? Кукнинг қилган иши саёҳатни ташкилий жиҳатдан бошқарганидир. Ҳўш, бизда ўтмишда ота - боболаримиз саёҳатни ташкилий жиҳатдан бошқарган эмасларми? Муборак Хаж зиёратлари ёки "Буюк ипак йўли"да иштирок этишни ҳоҳлаган савдогарларни бошини қовуштирган, барча масалаларнинг ташкилий томонларини ўз зиммаларига олган бошчилар бўлмаганми? Бўлган, албатта. Эндиги вазифа ана шу ватандошларимизни излаб топиш, уларнинг номларини саёҳатчилик илмида қолдиришдир.

Таянч иборалар

- Саёҳат
- Илк саёҳатчилар
- Туризм тарихи
- Томас Кук

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Саёҳат деганда нимани тушунасиз?
2. Илк саёҳатчилар кимлар?
3. Кўчманчиларни саёҳатчилар дейилишига сабаб нимада?
4. Зиёратчилар қандай мақсадда саёҳат қилишган?
5. Савдогарлар саёҳати ҳақида нималарни биласиз?
6. Нима учун Томас Кукни туризмнинг асосчиси дейилади?
7. Туризмнинг таърифини айтиб беринг?
8. Туризмнинг саёҳатдан фарқи нимада?
9. Ватандошларимиздан кимларни ilk саёҳатчилар қаторига қўшишимиз мумкин?
10. Туризмнинг ривожланишига сабаб бўлган воқеалар қайсилар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм" Миллий Компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора -тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августдаги "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.
4. Основы туристской деятельности (Учеб.пособие). Составитель Ильина Е.Н. -

- М.: Советский спорт, 2000 г.
5. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000 г.
6. Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства. Учебное пособие. ГРИФ. 2004.
7. Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action. WTO. 2004.
8. Rural Tourism in Europe: Experiences, Development and Perspectives. WTO. 2004.

3 - бөб. Туризм мақсадлари

3. 1. Туризм мақсадлари ҳақида маълумот
3. 2. Дам олиш ва даволаниш мақсадлари
3. 3. Туристик ресурслардан фойдаланиш мақсади
3. 4. Ижтимоий мақсадлар ва сиёсат

3. 1. Туризм мақсадлари ҳақида маълумот

Ҳар бир саёҳат ёки тур замирида унга сабаб бўлувчи асосий мақсад ётади. Бу мақсаднинг йўқотилиши ёки унга эриша олмаслик ушбу саёҳатни туризм таркибига киритмасликка асос бўлади ёки турист қониқиш олмайди. Шундай қилиб, ҳар қандай саёҳат ёки туристик сафардан асосий мақсад бор бўлиб, унга кўра бу саёҳатдан туризмнинг бирор турига мансублиги аниқланади, турист ва унинг тури статистиканинг у ёки бу турига киритилади, унга турли хил имтиёзлар берилади.

Ҳар бир турист бирор мамлакатга борганда бирон нарсани, масалан, совға ёки фойдаланиш учун бирор предметни сотиб олишни мақсад қилиб қўяди. Бироқ, баъзи туристлар туристик сафарга борища майда товар партияларини ҳарид қилиш ва кейинчалик сотиш учун ўз мамлакатига олиб келишни мақсад қилиб олади. Гарчи маҳаллий бозорларда режалаштирилган товарларнинг барчасини сотиб олгандан сўнг, туристлар маҳаллий ресторон ёки пляжларда бир неча кун дам олсада, товар олиб - сотиш уларнинг асосий мақсадига айланади. Бундай туристлар шоппинг - туристлар тоифасига мансуб бўлиб, улар учун маҳсус шоп - турлар ташкил қилинади. Россияда бундай туристлар «челноклар», - деб номланади.

Туризм тамойилларининг бузилиши, яъни туризмдан мазкур мамлакат қонунчилигига белгилаб кўйилгандан ўзга мақсадларда, янада аниқроқ айтганда имтиёзли режимлардан фойдаланилиши мамлакат хукуматининг ғашига тегади ва бундан бевосита ёки билвосита туристик фаолият назоратига таълуқли бўлган эмиграция ва бошқа хизматларнинг қаршилигига сабаб бўлади. Масалан, агар туристик фирма мамлакатга туристлар ўрнига фохишаларни меҳмон бўлиб келишини ўз олдига мақсад қилган бўлиб, шу мақсадда туристларни,

эмигрантларни, иш қидириб келганларни ёки ўқиш учун келганларни олиб кирадиган бўлса, бу ҳолда фирма мазкур мамлакат элчихонасининг консуллик бўлимида ўз аккредитацияларидан маҳрум этилади ва халқаро туризмга барҳам берилади.

Туризм - бошқа мамлакатга айғоқчи юбориш ҳамда иқтисодий ва бошқа турдаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи баъзи - бир маҳкама ва идоралар учун бундай маълумотларни олишнинг самарали усулидир. Давлатларнинг консуллик хизматлари мамлакатга киритмаслик шарт бўлган шахслар тоифасидан иборат «қора рўйхат»ни, шунингдек, туризм қоидаларини сустеъмол қилувчи фирмалар рўйхатини тузища фаоллик кўрсатадилар.

Туризмнинг энг асосий иқтисодий тамойилини эслатиб ўтамиш. Турист туризтик марказга келиши, туризтик хизмат, иш ва товарни сотиб олиши ҳамда белгиланган муддатда мамлакатдан чиқиб кетиши лозим. У қанчалик кўп пул қолдириб, қанчалик тез чиқиб кетса шунчалик яхши. Турист - туризтик марказдан пул олиб кетиши эмас, балки унга пул олиб келиши, маҳаллий аҳолининг иш жойини эгаллаб олмасдан, айнан унинг учун иш ўрни яратиши лозим. Туристик ресурслар туризтик марказга пул ва шуҳрат олиб келмоғи лозим.

Дастлаб энг умумий мақсадларни кўриб чиқамиз. "Туризм асослари" фанининг барча қоидаларига кўра туризмнинг асосий мақсадлари дам олиш, кўнгил очарлик, даволаниш, меҳмондорчилик, спорт, дин ва ишбилармонлик ҳисобланади. Аниқ белгиланмаган мақсадларнинг барчаси ҳам бир хил имтиёзлардан фойдаланади. (Биз мафкуравий мақсадларни кўриб чиқмаймиз, гарчи бундай мақсадларни осонлик билан маданий мақсадлар қаторига киритиш мумкин бўлсада).

3. 2. Дам олиш ва даволаниш мақсадлари

Туризм биринчи навбатда туристларнинг дам олиши ва даволанишини кўзлайди. Бу жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай тежамкор хўжайин ходимининг (умуман олганда жамият аъзоси, мамлакат фуқаросининг) меҳнатини қадрлайди, соғлом бўлиши ва жамият учун фойда келтирувчи шахсга айлантиришни истайди. Соғлом бўлмаган фуқаролар самарали ишлай олмайди. Улар солиқларни самарали тўлай олмаслиги ва ҳазина тўлдиришга хисса қўша олмаслиги мумкин. Демак, инсонларга дам олиш, жисмоний ва маънавий куч тўплаш имконини бериш лозим. Ўзини хурмат қилган давлат фуқаролари соғлиғи ҳақида ғамхурлик қиласи ва тегишли шароитларни яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш хуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади (38 - модда); ҳар ким

қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга (39 - модда); ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга (40 - модда), - дейилади.

Шунга ўхшаш қонун ва қоидалар аксарият давлатларнинг бош қомусларида, шунингдек, ҳалқаро келишув ва Конвенцияларда ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, «Туризм ҳартияси»да (1985 й. ЖТТ): ҳар бир шахснинг дам олиш ҳуқуки, жумладан, чекланган иш вақти ва пул тўланувчи меҳнат таътили, шунингдек, қонунда белгилаб қўйилганлардан ташқари барча ҳолларда ҳеч қандай чекловсиз эркин харакатланиш ҳуқуки бутун жаҳонда тан олинади, - деб белгилаб қўйилган.

3. 3. Туристик ресурслардан фойдаланиш мақсади

Ҳар бир давлат ўз табиий ва бошқа турдаги ресурсларига эгалик қиласида ва улардан оқилона фойдаланади. Турли мамлакатлар иқтисодиётида фойдаланилувчи турли хил фойдали қазилмалар ҳамда тирик ресурслар мавжуд.

Форс кўрфази давлатлари нефть ҳисобига бой - бадавлат кун кечиради. Лекин, шунга қарамай Бирлашган Араб Амирликлари минтақада энг муҳим туристик марказ ҳисобланади. Туризм олтинга чўмилаётган мамлакатларда нефть қазиб олиш тармоқлари билан муваффақиятли рақобатлашмокда. Бугунги кунда бу мамлакатларни минтақадаги йирик туризм марказига айлантириш вазифаси турибди. Хитой 2010 - йилда 130 миллионга яқин турист қабул қилишни режалаштирмокда. Бироқ, кўмири нефть, олмос ва олтиндан ташқари бошқа самарали табиий ресурслар ҳам етарли бўлиб, улар унчалик куч сарфламай туриб катта иқтисодий фойда келтириши мумкин. Табиий - иқлим, тарихий - маданий ресурслар туризмда асосий обьектлар ҳисобланади. Тоза об - ҳаволи жойда экотуризм, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби шаҳарларда тарихий туризмни ривожлантириш учун туристик ресурслардан мақсадли фойдаланиш лозим.

3. 4. Ижтимоий мақсадлар ва сиёсат

Туризм давлатларнинг ижтимоий, маданий ва таълим соҳаларига сезиларли таъсир қўрсатади. Ҳалқаро алоқаларга ҳамда алоҳида шахслар ва бутун жамиятнинг орзу - умидларини хурмат қилиш ва адолатга асосланган тинчликпарварлик доирасида, туризм инсонларнинг бир - бирини ўрганиши ва тушунишининг ижобий ва доимий омили, шунингдек, ҳалқлар ўртасидаги хурмат ва ишончнинг янада юқори даражасига эришиши учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Замонавий туризм меҳнаткашларга ҳақ тўланадиган йиллик таътил

берилишини назарда тутувчи ижтимоий сиёсатнинг маҳсули сифатида юзага келди, бу эса айни пайтда дам олишга бўлган ҳуқуқнинг эътирофи ҳамдир. Туризм ижтимоий тенглик, кишилар ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва шахс камолотининг омилига айланди. Унинг маданий ва маънавий мазмун - моҳияти улкандир. Айнан туризм инсон онги эришган ютуқлар ҳақида маълумот олиш ва улар билан танишиш воситаси бўлиб, халқларнинг тарихий ва маданий қадриятларидан баҳрамонд бўлиш имконини беради. Амалда туризмнинг маънавий моҳияти иқтисодий ва моддий мезонлардан устун бўлиши ва инсон шахсининг ҳар томонлама уйғун камол топишига ёрдам бериши, таълим - тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши, турмуш тарзи ва ҳаётини белгилашида тенг ҳуқуқни таъминлаши лозим. Бу жараённи эса унинг қадри ва шахсини хурмат қилиш, халқларнинг ўзига хос маданияти ва ахлоқий қадриятларини тан олиш,- деб билиш даркор.

Шундай қилиб, тарихий, маданий ва диний қадамжоларни ҳар қандай вазиятларда, айниқса зиддиятлар вужудга келганда ҳимоя қилиш давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Амалда юқорида келтирилган мақсадлар ўзаро қўшилиб, бир - бирини тўлдириши мумкин. Чунончи, Исо пайғамбар таваллудига бағишланган юбилей тантаналари кўп мақсадларни қўзлаган. Уларнинг энг муҳими - конфессия тантанаси ва унинг доирасида ўтказилган байрамдир. Бу албатта, умуман олганда диннинг жуда кучли тарғиботидир. Кейинги мақсадлар эса соддароқ. Тантаналар барча қадамжолар, биринчи галда, христианлар (хеч бўлмаганда, католиклар) дунёси пойтахти бўлмиш Рим ва ушбу диндагилар томонидан "Муқаддас Ер", - деб тан олинган томон кўплаб зиёратчилар оқимини келтириб чиқариши керак бўлган. Бунинг учун эса Ватикан тантаналар ва турли мартабадаги зиёратчиларни қабул қилиш максадида Римни ободонлаштиришга катта маблағ ажратди. Ҳар йили Италияга, хусусан, Римга миллионлаб туристларнинг зиёрат учун ёки диний, маданий - тарихий мақсадларни кўзлаб келишлари кутилади.

Туризм хизматлари ва индустряси соҳаларини ривожлантиришнинг натижаларидан кейинчалик бошқа мақсадлардаги туризмни кенгайтириш, шунингдек Римни 2010 - йил Олимпиадаси ёки жаҳон миқёсидаги бошқа тадбирларни ўтказишга номзод сифатида тайёрлаш учун самарали фойдаланилади. 30 миллион зиёратчини, албатта, жойлаштириш, овқатлантириш керак, уларга транспорт хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилади, жумладан, уларни қўриқлаш ташкил этилади. Маблағларнинг туризм индустрясига бундай кўп киритилиши, шубҳасиз, мамлакатнинг бутун туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қиласи ва бу борада Италияни жаҳон миқёсидаги етакчи ўринларга олиб чиқади. Айтиш жоизки, зиёратчилардан ташқари Италияга ҳар йили 37 миллион туристлар ташриф буюради.

Бу муаммога Истроилнинг ҳам қизиқиши катта, чунки унинг худудида христианларнинг "Муқаддас зиёратгоҳ"лари, ибодатхоналари ва бошқа

сифинадиган жойлари бор. Чунончи, EL AL миллий Истроил авиакомпанияси Ватикан билан юбилей тантаналари йилида 7 миллион зиёратчини ташиш ҳақида битим имзолади. Бу эса жиддий иқтисодий ютуқдир. Бу рақам 1997 - йилда Истроилга келган туристлар сонидан роппа - роса икки баравар қўпdir. Юбилей йилида зиёратчиларни қабул қилишга жиддий тайёргарлик кўрилди, меҳмонхоналар қурилди, туризм соҳасидаги барча корхоналар ишга шай қилинди, буларнинг барчасини давлат назорат қилмоқда. Истроил учун туризм - иқтисодиётнинг энг муҳим соҳасидир. Айни пайтда Яқин Шарқ минтақаси ўта нотинч бўлиб, доимо минтақавий зиддиятлар келиб чиқмоқда, маҳаллий урушлар эса, қисқа муддатли бўлсада, туризм соҳасидаги улкан саъй - ҳаракатлар, кенг миқёсли тадбирларга сарфланган катта капиталларни йўқقا чиқариши мумкин. Шу боис, сиёsatчиларнинг вазифаси - минтақада барқарорликни таъминлаш, ҳарбий можаро ва терроризмга йўл қўймаслиқдир. Акс ҳолда солиқ тўловчилар маблағлари зое кетади.

Туризм мақсадлари ижтимоий ахлоқ ва тартиб талабларига жавоб бериши керак. Бу тоифаларни тушуниш қийин, чунки, кўплаб давлатлар қонунчилигида адолат билан айтганда бундай категориялар йўқ. Аммо, халқаро ҳуқуқ ва ривожланган давлатлар қонунчилигида "яхши тартиб", "аклли киши", "оқилона миқдор", "оқилона фойда"; "ижтимоий ахлоқ" каби тушунчалар мавжуд ва тушунарли бўлиши билан бирга, улар ҳуқуқ меъёрларида муайян ўрин ҳам тутади.

Ахлоққа зид бўлган мақсадлар қаторида секс - туризмни келтириш мумкин. Умуман олганда ушбу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ лозим. Ривожланган мамлакатлардаги мутахассисларнинг айримлари: "туризм ва секс - узвийдир, чунки секс ҳам кўнгилхушликка киради ва инсоннинг муайян ёшдаги табиий эҳтиёжи дир. Агар туризмнинг асосий мақсади шундай кўнгилхушликлардан иборат бўлса, яъни шаҳвоний лаззат олишни кўзласа, у ҳолда бундай туризм дастурлари секс - туризм тоифасига киритилади. Вахта ишчилари ва ҳарбий хизматчиларнинг Таиланд ва Кубага саёҳати шулар жумласидандир. Бу ерда жаҳон секс - туризм марказлари жойлашган, - деган фикрдадирлар. Шундай мақсадларда болалардан фойдаланиш (болалар секс - туризми) жаҳон ҳамжамияти ғазабини кўзғатмоқда. Туризмнинг бу турийника Жануби - Шарқий Осиёда кенг тарқалган. У таъқиб остига олинган. Шунингдек, жанговар ҳаракатлар худудида тирик одамларни отиб ўлдириш бўйича ҳарбий туризм, туғиш ва туғилган болани сотиб юбориш мақсадида бошқа мамлакатга саёҳат уюштириш ва нормал инсон тафаккурига сифмайдиган, ахлоқ қоидаларига зид бўлган бошқа туризм турлари ҳам ман этилган.

Туризм - аксарият давлатлар иқтисодиётининг муҳим ҳамда устувор таркибий қисми бўлиб, маҳаллий аҳолининг иш билан бандлиги, меҳмонхоналар, ресторон ва томошагоҳларнинг тўлиқ ишлиши, хориж валютасининг мамлакатга кириб келишини таъминлайди. Шу боис, кўплаб

мамлакатлар туризм соҳасига катта эътибор билан қарайдилар. Масалан, Францияда ҳукумат йиғилишлари вақтида туризм вазири бош вазирнинг ўнг томонидан жой олади. Франциянинг Европадаги биринчи рақамли туристик худуд эканлиги ва Париж шаҳрини туризм ҳисобига яшаб, 'Туристик Макка' - деб ном олиши бошқа мамлакатлар ҳавас қиласа арзигулик ҳолдир. Мексика президенти эса йирик ҳалқаро туристик кўргазмаларни шахсан ўзи очиб беради. Бундай мисолларни яна кўплаб давом эттириш мумкин.

Туризмнинг ички иқтисодий табиати шуни кўзда тутадики, турист албатта ўз пулларини мазкур давлатда қолдириши керак. Туризм маҳаллий туристик ресурсларни эксплуатация қилишга ва бунинг эвазига давлатнинг фойда олишига асосланади. Шунинг учун турист ўзи келган мамлакатдаги ҳар қандай манбаадан фойда олишга ҳақли эмас. Ишчи кучи оқимининг чекланиши муаммоси давлат иммиграция (кириб келувчилар) хизматларини ташвишга солгани боис одатда фақат кескин ишчи кучи етишмаслиги, маҳаллий ишчи ресурсларининг тақчиллиги ва муайян оғир ишларни (масалан, ўта оғир, заарли, ифлос ва шу каби) бажара оладиган керакли малакали мутахассисларга талаб бўлгандагина четдан ишчиларни ёллашга руҳсат беради. Шу сабабли турстларга фойда олиш мақсадида ишлаш қатъий ман этилади, бу барча визаларда, яъни мазкур давлатга киришга руҳсат берувчи ҳужжатда ҳам кўрсатилган. Масалан, Австралия визасида "Ҳақ тўланадиган иш ёки ўқиш ҳуқуқи берилмайди" деган қатъий ёзув бор.

Ишchanлик туризмiga мурожаат қиладиган бўлсак, унда ҳам мазкур тамойилга амал қилинади - хизмат сафарига юборилган мутахассислар, шунингдек конгресс, симпозиумга келганлар ўз мамлакати ёки хизмат жойи томонидан таъминланади ва демак, ўzlари билан шу мамлакатга пул маблағлари олиб кирадилар. Айтиш керакки, бундай амалий туризм одатда етарлича даромадли ҳисобланади, чунки ишбилармон - туристлар ва олимлар бундай сафарларда бошқа тоифадаги туристларга нисбатан уч - тўрт баравар кўп пул сарфлайди, чунки улар фирма томонидан таъминланади ва қўшимча тарзда ўз шахсий маблағларини сарфлаш имкониятига ҳам эга. Идоралар, фирма ва жамғармалар қиммат меҳмонхона, транспорт, яхши овқатланиш, маданий тадбирлар учун маблағни аямайдилар. Ишбилармонлик туризмидан тушадиган фойда жуда ҳам юқоридир. Масалан, Финляндиядаги конгрессларга уюштириладиган туризм ниҳоятда кенг ривожланган. Уни ҳаттоки туризм ҳамжамиятида "конгресс туризми мамлакати" деб ҳам атайдилар. Экологик тоза табиат ва турли хил туризм ресурслари, жамиятдаги хотиржамлик ва хавфсизлик, хизмат учрашувлари, симпозиумлар, ўкув дастурлари ва ҳоказоларни ўtkазишга жуда яхши мослаштирилган юқори тоифадаги меҳмонхоналарнинг кўплиги туризмнинг мазкур турини ривожлантиришга ёрдам беради.

Уруш туризмга қарама - қарши бўлган ҳолатдир. Югославия туризм соҳасида Адриатиканинг маржони бўлиб келган эди, лекин у ерда бўлган

фуқаролик урушидан кейин узоқ вақт давомида мазкур худуд туристик регион қаторидан чыкди. Натижада, инфратузилма издан чиқиб, ер миналар билан түлиб кетди, одамлар уйсиз қолди, бинолар бузилди. Бузилган жойлар қайғуни эслатади. Жонини хатарга қўйишни ҳеч ким хоҳламайди. Бундай жойларга боришини ким ҳам истарди. Абхазия Одиссей пайтидан Оллоҳ ярлақаган масканлардан бири бўлиб, собиқ совет даврида бутун иттифоқ шифохонаси ҳисобланиб келган, у ерда олий мансабли партия намоёндалари - ю, оддий кишиларгача дам олишар эди. 90 - йиллардаги Грузия - Абхазия қарама - қаршилиги сабабли, бу худуд туризм учун ёпиқ бўлди. Дам олиш масканлари талон - тарож қилиниб, тарихий туризмга мўлжалланган худуд аҳолиси иш йўқлиги сабабли оч қолди.

Уруш ва сиёсий вазият нотинч бўлган худудларда туризм тўхтатилганлиги сабабли, ўша мамлакат ҳам, туризм ташкилотчилари ҳам жуда катта зарап кўрмоқдалар. Терроризм туризмга жуда катта зарап етказади. Туристик оқимларнинг ҳар қандай қисқариши иқтисодиёти туризм билан боғлиқ бўлган давлатлар учун ишсизлик ва кризис олиб келиши мумкин.

Охирги пайтларда Туркияда туризмнинг ривожланиши Россия туристларига боғлиқ бўлиб қолди. Туризм масаласи давлатнинг асосий эътиборида бўлиб, иш сўзда эмас, амалда бўлди. Фақатгина Россия туристларига хизмат кўрсатишга Туркияда 800 000 ишчи ўрни яратилган. Черноклар олиб келган пул миқдори эса миллионлаб АҚШ долларидан иборат. Туркияда хунармандларнинг аксарият қисми ва ишлаб - чиқариш корхоналари асосан Россия туристлари учун ишлайди. Катта шаҳарлардаги кўпчилик аҳоли киядиган чарм куртка пальтолар асосан Туркияда ишлаб чиқарилган. Чечен экстремистлари билан келишмовчиликлар бўлган пайтда Туркия ҳукумати томонидан уларнинг давлат худудидаги ҳаракатини тўхтатиш учун чегаралар мустаҳкамланди, зиддият саноқли соатларда тўхтатилди ва бундай ҳолат бошқа қайтарилмади. Чунки, Россиядан келадиган туристик оқимнинг камайиш хавфи бор эди.

Россия ҳукумати чернокчилар ҳаракатига солиқларни кўттарганда, турклар ўзларининг пошлиналарини пасайтирди. Чарм курткаларни Туркиядан олиб чиқиб кетиш керак эди, бунда Россия турк маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси бўлди. Бу нафақат иқтисод, балки катта мамлакатнинг иқтисодий сиёсатидир. Ҳозирги пайтдаги Кавказ минерал сувларининг, гўзал курортларнинг аҳволи, қўшни Чеченистондаги ва бутун Кавказ худудидаги номўтадил ҳолат турк ҳукуматини мўтлақо қониқтиrmайди. 1998 - йилда Кипрдаги ҳарбий тайёргарликлар ва янги ҳарбий техника келиши (оролнинг шимолий ва жанубий худудларидағи зиддиятлар) туфайли Россия туристларининг қизиқиши ҳамда бошқа регион туристларининг оқими кескин пасайди. 1998 - йил майдаги ядро портлаши Ҳиндистонга бўладиган саёҳатларни - 90 % тўхтатиб қўйди. Туристик мавсум бузилди ва давлат сезиларли зарар кўрди. Иқтисоди кўп жиҳатдан туризмга боғлиқ бўлган давлатлар дунё ҳамжамиятига баёнот бердилар. Шулар сабабли Миср, Туркия,

Кипр, Тунис Россиялик туристлар учун визасизлик тартибини ўрнатган. 2005 - йилдан Россия студентлари ва мактаб ўқувчилари бепул виза олиш имтиёзига эга бўлдилар.

2006 - йилнинг 28 - августида Туркияниң Анталия шахрида булиб утган портлашлар туфайли албатта туристлар саёхатига зиён этди. Террористлар томонидан амалга оширилаётган бундай ишлар туризмнинг ривожланиши учун асосий тасиклардан хисобланади. Бундай воеалар бизнинг республикамизда хам булиб утганлиги ачинарли холдир.

Хулоса

Туризмдан албатта мақсад бўлиши лозим. Мақсадсиз туризмнинг бўлиши мумкин эмас. Унинг кенг тарқалган тури дам олиш ва соғломлаштиришdir. Инсон соғлиғи ҳар нарсадан устун ва шу мақсадда у саёҳат қиласи. Туристик мақсадда тур ресурслардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ижтимоий мақсаддаги туризмнинг ўрни ҳам алоҳида. Сиёsat эса туризм мақсадларининг асосини белгилайди. Тинчлик бор бўлган ерда туризм ҳам бўлади.

Таянч иборалар

- Туризм мақсадлари
- Дам олиш
- Соғломлаштириш
- Ижтимоий туризм
- Сиёsat

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Туризм мақсадлари деганда нимани тушунасиз?
2. Дам олиш мақсадини ифодалаб беринг?
3. Туризмнинг соғломлаштириш мақсади нимадан иборат?
4. Туризмнинг ижтимоий мақсади қандай?
5. Сиёsatнинг туризмда тутган ўрни қандай?
6. Туристик ресурслардан фойдаланишининг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида дам олиш ҳақида нима дейилган?
8. Россияда "челноклар" қайси мақсадда туризм қиласидар?
9. Аҳлоққа зид мақсадлар ҳақида фикрингиз қандай?
10. "Туризм ҳартияси"да дам олиш ва эркин ҳаракатланиш ҳақида нима дейилган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Харис Г., Ким К. Стимулирование международного туризма в 21 век (Пер. с англ.). -М., 2000 г.
2. Основы туристской деятельности (Учеб. пособ.) Составитель Ильина Е.Н. - М.: Советский спорт, 2000 г.
3. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000 г.
4. М.А.Мирзаев. Туризм асослари (модул). 2003 й.
5. Г.Назарова, М.Мирзаев ва бошқалар. Туризм хуқуқи (ўқув қўлланма). - Т.: Талқин, 2003 й.
- 6.Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action.WTO. 2004.
7. Rural Tourism in Europe: Experiences, Development and Perspectives.WTO. 2004.

4 - боб. Туризмнинг ташкилий шакллари ва асосий категориялари

4. 1. Ички ва халқаро туризм тушунчалари ҳақида маълумот
4. 2. Ички ва халқаро туризмнинг ривожланишидаги айрим муаммолар ва кўрсаткичлар

4 . 1. Ички ва халқаро туризм тушунчалари ҳақида маълумот

Туризм хизмат кўрсатиш таркибидан қаттий назар, хизматлар кўрсатиш жойига ва мазкур хизматларни истеъмол қилувчи туристлар грухига кўра: ички ва халқаро туризм категорияларига бўлинади.

Ички туризм, - деганда маълум бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасида аҳоли томонидан туристларга хизмат кўрсатиш фаолияти тушунилади. Бундай туристлар маҳаллий (ёки миллий) туристлар категориясига киради.

Халқаро туризм, - деганда эса, бирор давлатга бошка давлат туристларининг бориши ва уларга хизмат кўрсатилиши тушунилади. Демак, ўз - ўзидан равшанки, бундай туристлар хорижий туристлар категориясига киради.

Бошка давлат ҳудудида туристларга туризм бўйича хизмат кўрсатиш чиқиладиган (сайёр) туризм, - деб аталади. Ҳудди шу сингари туристик хизматларни ўз давлат ҳудудида хорижий турситларга кўрсатилса, у вактда бундай туризм кириладиган туризм, - деб аталади.

Шунингдек, "туристларни қабул қилиш" ва "туристларни жўнатиш", - каби умумий тушунчалар ҳам бўлиб, булар ички ва халқаро туризм учун ҳам таълуқлидир. Туризм статистикасида "туристик келиш" атамаси ҳам мавжуд. Айнан туристик келиш сонига қараб туристик оқим белгиланади. Турист тушунчасининг ички табиатидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, турист бирор жойга келдими, демак, у мазкур жойдан ўзининг мамлакатига ёки доимий истиқомат жойига кетиши ҳам керак. У вақтинчалик келиб - кетувчиidir.

Туризм статистикасида транзит турист тушунчаси ҳам бўлиб, унда туристларнинг ўз давлат худудидан иккинчи давлат худудига бораётганда орадаги давлат худудида тўхтаб ўтиши тушунилади. Бундай давлатлараро транзит турист бўлиш учун максус транзит визалар ҳам бўлиши лозим. Транзит туристларнинг мамлакатда бўлиш муддатлари чегаралангандир. Масалан, Европа туристларининг Ҳиндистонга ёки Хитойга саёҳатларида Ўзбекистон транзит худуд (мамлакат), туристлар эса транзит туристлар бўладилар. Бундай саёҳатда туристлар қисқа вақт ичida Ўзбекистонда бўладилар. Шу давр ичida меҳмонхоналарда бўлишлари, овқатланишлари, мамлакатнинг тарихий ёдгорликлари билан танишишлари, бозорлардан, савдо расталаридан ёдгорлик буюмларини сотиб олишлари мумкин.

"Туристларни қабул қилиш" категорияси - мазкур регионга ёки туристик марказга туристларнинг келиши ва уларга кўрсатиладиган хизмат фаолияти бўйича характерланади. Ушбу фаолиятдан туризмни ташкил қилиш бўйича барча туризм инфратузилмаси - транспорт юкларини ташувчилар, меҳмонхоналар ва ресторанларни иш билан таъминлаш келиб чиқади. Кўрсатилган хизматлар натижасида миллий (хорижий туризм орқали эса хорижий) валюта массаси кўпаяди. Туристларни қабул қилишда туристик регион ёки марказда ишчи ўринлари тез ташкил этилади, маҳаллий туристик ресурслардан фойдаланиш хисобига регионда иқтисодиёт ривожланади. Ички ва хорижий туристларни қабул қилиш баланси таркиб топади.

Туризмнинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий - сиёсий омилларига боғлиқ. Шу билан бирга туризмдан тушадиган хорижий валюта давлат иқтисодиётининг ўсишига таъсир этади. Совет даврида хорижий турист саёҳатлари жуда арzon бўлган. Шунингдек, совет фуқароси билан хорижий туристларга кўрсатиладиган хизмат турлари ўртасида ҳам катта фарқ бўлган. Республикализ Мустақилликка эришгач улар ўртасидаги фарқ камайди ва бир қатор тарихий ша-ҳарлардаги туристик марказлар ва фирмалар учун туризм жуда катта даромад манбаи бўлиб қолди.

"Туристларни жўнатиш" ҳам муҳим категория хисобланади. Бундай фаолият доимо пул массасини бошқа регион ёки хорижий давлатларга чиқиб кетишига олиб келади. Шу боисдан, туристларни жўнатиш ҳеч қачон маҳаллий худуд учун ҳам, туристик агентликлар учун ҳам устун соҳа бўлмаган. Худди мана шуни эътиборга олиб, давлатлар ички туризмни ривожлантиришга ва туристларни жўнатишга тўсқинлик қилувчи қаттиқ иқтисодий тўсиқларни ўйлаб топишади. Кунлардан бирида Санкт - Петербург губернатори туристик кўргазмада иштирок этиб, йирик туристик компания стенди олдига келади, шунда компания раҳбари фаҳр билан ҳар ҳафтада минглаб туристларни хорижий давлатларга жўнатаётганлиги ҳақида сўзлайди. Губернатор эса ғазаб билан фирма лицензиясини бекор қилиш ва фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақида буйруқ беради. Компания раҳбари эътиroz билдириб: "Наҳотки, маҳаллий бюджетга тўлайдиган менинг миллиард рубл солигим шаҳар хазинасига керак

эмас", - дейди. Натижада, йирик солиқ тўловчи фирма тугатилган ва хазина мазкур солиқ тўловларсиз қолган.

Шуларни эсдан чиқармаслик керакки, туристларни жўнатиш ҳам, ёки туристларни қабул қилиш ҳам маҳаллий хазинани солиқ билан тўлдириш имконини беради.

Миллий туризм, - тушунчаси ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, унда ички ва жўнатиш туризми соҳаларида ўз давлати аҳолисининг туристларга хизмат кўрсатишдаги барча фаолияти тушунилади.

Булардан ташкари, режали ва хаваскор туризм, якка ва гурухли туризм каби тушунчалар ҳам борки, уларнинг номланишининг ўзидан қандай туризм эканлигини билиб олиш қийин эмас.

4. 2 . Ички ва халқаро туризмнинг ривожланишидаги айрим муаммолар ва кўрсаткичлар

Ривожланган мамлакатларда туризм уйғун ҳолатда тарақкий этади, ички ва қабул қилиш туризмида баланс мавжуд. Ички туризм миллий туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ва туризм индустряси ва инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам беради.

Аммо, амалиётда ҳамма мамлакатлар ҳам бунга қодир эмаслар. Албатта, бу мамлакат иқтисодиётининг туризмга боғлиқлигига, яъни туризмсиз яшай олмайдиган, иқтисодиёти туризм билан боғлиқ мамлакатларгина бунга амал қиласидилар. Масалан, 50 - 60 минг маҳаллий андорраликлар ҳар йили 12 млн хорижий туристларни қабул қиласидилар. Табиийки, уларнинг ўз мамлакатларидан чиқишлиари амри маҳолдир. Статистика маълумотда ушбу мамлакатдан фақат 3 киши 1997 - йилда Россияда бўлганлиги қайд этилган. Айрим мамлакатлар ички давлат тузуми баҳонасида фуқароларининг хорижга чиқишини чегаралаб қўйишидади ёки туристик фаолиятни давлат томонидан бошқариш учун чоралар киритишидади. Яъни, давлатнинг руҳсатисиз бирор ерга чиқиш жуда қийинлашидади, туризмни бошқариш рўли давлат кўлига ўтади.

Статистик маълумотларга яна эътиборингизни ҳавола этамиз: Венгриялик чақалоқ ва пенсионерларни ҳисобга олмагандан ҳар бир фуқаро йилда икки марта хорижий мамлакатларга туризм мақсадида жўнашади. Бу кўрсаткич Россия аҳолисининг фақат 2 % ини ташкил этади. Албатта, бу ерда туризм бўлиши учун икки шартни таъкидлаб ўтиш лозим: 1. Бўш вақт. 2. Маблағ.

Аччиқ бўлса ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ер юзидағи жуда қўплаб давлатларнинг аҳолиси туризм мақсадида хорижга чиқишига қодир эмаслар. Асосий сабаб олинадиган маошнинг камлиги ёки аҳолининг камбағалигидир. Тан олиш керакки, булар қаторида мустақил ҳамдўстлик давлатлари фуқаролари ҳам бор. Ўзбекистон улкан табиий ва маданий - тарихий ресурслари билан хоҳлаган туристлар талабини қондириши ва келажакда улкан туристлар оқимини кутиб олиш имкониятига эгадир. Лекин, туризм индустрясини янада

ривожлантириш, туризм инфратузилмасини юқорига кўтариш, туризмга инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, туризмда сервисни замон талабларига мослаштириш, хизмат кўрсатувчи субъектлардаги хизмат нархини пасайтириш, уларда ўзаро рақобат мухитини яратиш, хорижга чиқиш ва хориждан келиш визаларини олишдаги механизмни соддалаштириш, малакали кадрларни етиштириш билан бу ишга янада кўпроқ ҳисса қўшган бўламиз. Тўғри, кейинги йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига хукуматимиз ва хорижий инвесторлар томонидан туризм инфратузилмаси учун маблағлар ажратилди Йирик меҳмонхоналар қурилди, модернизация қилинди, янги замон талабидаги автобус ва авиаляйнерлар сотиб олинди. Йирик туристик марказлар, ёдгорликлар таъмирланди, йўллар барпо этилди. Хусусий меҳмонхоналар ва миллий уйлар бунёд этилиб, маҳаллий ва хорижий туристларни қабул қилиб бораётирлар. Рекреацион худудлар, масалан, Чорбоғ - Чимён ҳудудига республика бюджетидан катта маблағ ажратилди. Маданий - тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Лекин, булардан мустасно республикамизда ички туризм масаласи кўнгилдагидек эмас. Ҳатто, республикамиз аҳолисининг аксарият қисми бутун дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларни бирор маротаба бўлса ҳам кўриш имкониятига эга бўлмаганлар. Хорижни қўя турайлик, қайси биримиз ушбу шаҳарларни томоша қилиш ва маданий дам олиш мақсадида бирорта туристик фирмага мурожаат килганмиз. Шу боис, ички туризмни ривожлантириш, аҳолимизнинг туризм ва дам олиш эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун туристик ресурслардан максимал тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Мустақил республикамизга хорижий туристлар келишига ҳам катта эътибор беришимиз керак. Шундагина, давлатимиз хазинаси ва туроператорларнинг банклардаги ҳисоб - рақамларига миллий ва хорижий валюта келиб тушишига эришамиз. Бунинг оқибати эса равshan - иқтисодиётимиз ривожланишига қўмаклашган бўламиз, тадбиркорлик субъектларининг фаровонлиги ортади, турмуш тарзи қўтарилади.

Бизни ўйлантираётган бошқа иқтисодий омиллар ҳам мавжуд. Масалан, туристик хизматлардан, айниқса, транспорт, меҳмонхона, овқатлантириш хизматлари даражаси ва нархи туристларни умуман қаноатлантирмайди. Маҳаллий туристлар учун ҳам хорижий туристлар учун ҳам бир хил нарх белгиланган. Лекин, Нью - Йорк ва Тошкент шаҳарлари аҳолиси ўртасидаги яшаш тарзи қай даражада? Уларнинг даромадлари бир хил эмаску?

Яна бир масала - бу туристик статистикадир. Ҳозирда қанча хорижий фуқаронинг республикамизга келганлиги ва республикамиздан чиқиб кетганлиги ҳакида "Ўзбектуризм" МК аниқ маълумот бера олмайди. Ҳар бир ташкилот ўзининг статистикасини олиб боради. Ташкии ишлар вазирлиги берилган визалар сони билан, Ички ишлар вазирлиги рўйхатга олинган хорижий фуқаролар сони билан, Божхона қўмитаси иқтисодий деклерация тўлдирилган фуқаролар сони билан, Давлат чегараларини муҳофаза қилиш қўмитаси

аэропорт, темир йўл вокзалининг асосий пунктларида келувчилар ва кетувчиларни рўйхатлаш билан шуғулланадилар. "Ўзбектуризм" МК хизмат кўрсатилган туристлар сони билан статистика олиб борадилар. Демак, бир турист бир қанча статистик маълумотларда рўйхатга олинади. Шу боисдан, ушбу масалаларни ҳал қила оладиган гурӯҳ ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, - деб ўйлаймиз.

Ҳалқаро туризм ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

Жаҳон Туризм Ташкилоти томонидан чоп этилган "Жаҳон Туризм Ташкилотининг 2003 - йилдаги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари" номли нашрда ҳалқаро туризм ривожланишининг асосий кўрсаткичлари берилиб, унда жумладан қуйидаги маълумотлар ўрин олган:

2003 - йилда ҳалқаро туризм 3 % га ўсган. Шу йили ҳалқаро туризм ўзининг ўрнини сақлаб қолган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2002 - йилда 5 % га қисқарган эди.

Арzon авиалиниялар Шимолий Америка ва Европада ўсиб борди. Интернетнинг аҳамияти нафақат ахборот манбаи сифатида, шунингдек, ташишларни ташкил этиш, меҳмонхона ёки саёҳатларни резервлаштиришда ҳам катта бўлди.

2003 - йилда барча ҳудудларда ҳалқаро туризм соҳасида ижобий сиљишлар юз берди. Фақат Шимолий ва Жанубий Америка бундан мустасно. Бу ерда 11 - сентябрь воқеаларидан сўнг, 2001 - 2002 йилларда - 10%, 2003 - йилда эса - 4% орқага кетилган. Европа туроператорлари дунёда ўзининг етакчилигини давом эттириди. Жаҳон бозорида улар 57 % улушкини қўлга киритиб, + 2 % ўсдилар. Осиё ва Тинч океани ҳудудлари туроператорлари + 8 % га, Яқин Шарқ мамлакатлари + 17 % га (кутилмаган натижа) эришдилар. Африкада сўнгги йиллардаги ўсиш сурати, яъни + 3 % сақланиб қолди.

Ҳалқаро туризмдан 474 млрд. АҚШ доллари ёки 501 млрд. евро дунё туроператорлари томонидан қабул қилинди.

2000 - йилдан кейинги иқтисодий кризис ва туристларнинг келишидаги озчиликка қарамай (2000 - йилдан кейин 20 % га қисқарган), ҳамон АҚШ дунёда ўз етакчилигини сақлаб қолди. 67 млрд. АҚШ доллари хисобида фойда кўрилди. Ундан кейинги ўринларда Испания, Франция, Италия каби мамлакатлар бўлиб, улар 34 млрд. АҚШ долларидан 27 млрд. АҚШ долларигача фойда кўрдилар. Шунингдек, Гонконг (Хитой), Хитой ва Австрия рекорд натижаларини қўлга киритдилар, уларнинг фойдалари 2002 - йилга қараганда икки марта ортди.

Хуноса

Туризм ички ва ҳалқаро қўринишларда акс этади. Албатта, ўз мамлакати ҳудудида олиб борилган туристик фаолият ички туризмга ва бошқа мамлакатга

бориб уюштирилган турлар халқаро туризмга алоқадордир. Туристик ресурсларга эга бўлган ҳар бир мамлакат ўз ҳудудида, айниқса, халқаро туризмни ривожлантиришга харакат қиласи. Негаки, мақсад аниқ - иқтисодий манбаатдорлик. Бу эса ўз - ўзидан содир бўладиган масала эмас. Сармоя ва яна сармоя керак бўлади. Иқтисодиёти унча ривожланмаган мамлакатлар эса туризмга асосий эътиборни қаратсалар ёмон бўлмас эди.

Таянч иборалар

- Ички туризм
- Халқаро туризм
- Миллий туризм
- Туристларни қабул қилиш
- Туристларни жўнатиш

Назорат саволлари

1. Ички туризм деганда нимани тушунасиз?
2. Халқаро туризм тушунчасини таърифлаб беринг.
3. Туристларни қабул қилиш жараёни нималардан иборат?
4. Туристларни жўнатиш нима?
5. Миллий туризмни ривожлантириш учун қандай амалий чоралар зарур?
6. Режали туризмни тушунтириб беринг.
7. Ҳаваскорлик туризми деганда нимани тушунасиз?
8. Ижтимоий туризм асосан халқнинг қайси қатламига мансуб?
9. Туризм ташкилотчилари деганда нимани тушунасиз?
10. Якка ва гурухли туризм ҳақидаги фикрингизни ифодалаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Харис Г., Ким К. Стимулирование международного туризма в 21 век (Пер. с анг.). -М., 2000 г.
2. Основы туристской деятельности (Учеб. пособ.). Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 г.
3. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000 г.
4. М.А. Мирзаев. Туризм асослари (модул). 2003 й.
 5. Trevel Guide Uzbekistan - Tashkent: National Company Uzbekturizm 2003.
 6. Information and Documentation Resource Centres For Tourism. WTO. 2004.
 7. Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action. WTO. 2004.
 8. Rural Tourism in Europe: Experiences, Development and Perspectives. WTO. 2004.

5 - боб. Туризм турлари ва асосий кўринишлари

5. 1. Актив (фаол) ва пассив (нофаол) туризм ҳақида тушунча
5. 2. Туризм турларининг кўринишлари
5. 3. Махсус ва ижтимоий туризмнинг ўзига хос хусусиятлари

5. 1. Актив (фаол) ва пассив (нофаол) туризм ҳақида тушунча

Туризмнинг бундай номлар билан бўлинишининг асосий сабаби, одамнинг туризм жараёнида харакатланиши ва жадаллиги турларини аниқлаш билан белгиланади. Катта жисмоний куч талаб қилинадиган ва хамма туристлар қатламига ҳам тўғри келадиган туризмнинг актив (фаол) турларига - дам олиш ва сайёҳат вақтичоғлик, спорт кабилар киради. Бу маънода яна ҳам ажralиб турадигани - бу экстремаль туризм туридир. Туризмнинг пассив (нофаол) турига эса - туризм дастури ёки туристик сайёҳликнинг тинчроқ ва кам куч сарф қилинадиган, жисмоний зўриқишиларга хос бўлмаган тури киради. Улар бир маромда дам олишга мослашган шахсларга мўлжалланган ўрганиш туризми бўлиб, туристлардан жисмоний куч ва зўриқиши талаб этилмайди. Бу денгизда, тоғда, сувда даволовчи характердаги соғломлаштириш туризмидир. Масалан, курортларни шулар қаторига киритиш мумкин. Шундай турдаги сайёҳлик - фарзандли оиласларга, катта ёшдаги туристларга ва пенсионерларга тегишлидир. Пассив туризмда туристлар бош кийим тикиш, саватлар тўқиши, шунингдек, хўжалик ишларини юритиш, ошхона ҳамда боғбончилик ишлари билан шуғулланишни ҳам ўрганадилар. Буюк Британияда қайиқ билан каналларда сузиш туризми кенг тарқалган. Шунга ўхшаш кўллардаги туризмда ҳам туристлар нафақат ўзлари эшкак эшишадилар, балки, қайиқларни судраб ўтишадилар, чодирларини ўрнатадилар. Бунда жисмоний зўриқиши талаб этилади. Мавжуд инглиз туризмидаги қайиқларни дарё бўйлаб отлар судрайдилар, туристлар эса қулай ва шинам қишлоқ отелларида тунашади.

Актив (фаол) туризмга ҳар - хил саргузаштли туризмларни ҳам киритиш мумкин:

- Саргузаштли туризм деганда - экзотик жойларга, вулқонларга, оролларга, шаршараларга ва шу каби жойларга боришга айтилади. Одатда бу - экзотик ва экологик жиҳатдан тоза табиий резервацияларга ноананавий транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган, бир қолипга тушмаган туризмдир. Баъзи ҳолатларда, бу хилдаги туризм жиддий жисмоний зўриқишилар билан боғлиқ бўлади, инсондан билим ва довюракликини талаб қиласди. Масалан, Колораданинг тошқин дарёларида дамланма қайиқларнинг оқизилиши, қиши фаслида итлар тортадиган чаналар қиши туризми, тоғ - чанғи курортларидаги дам олиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларда қатнашиш учун

қатнашчилар олдиндан маълум усталикка ва жисмоний тайёргарликка эга бўлишлари керак. Бу хилдаги туризм спорт туризмига яқин ҳисобланади, унда йўллар яхши тайёрланган, йўл кўрсатувчи ёрдамида хавф минимум даражага туширилган, туристлар махсус асбоб - анжомлар билан таъминланган бўлишлари лозим. Актив (фаол) туризмга: фалокатлар содир бўлган жойларга - зилзилалар сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиши, техноген ҳалокатлари (масалан, вертолётдан Чернобил АЭС ни томоша қилишлар) ва экстремал ҳодисалар (масалан, ўлим жазосини томоша қилишлар ва ҳ. к.киради.) Европадаги баъзи одамлар қамоқларда ўтирган кишилар камераларига кириб, 1 - 3 кун давомида жиноятчилар бошидан кечирган кечинмаларни хаёлан бошларидан ўтказишни хуш кўрадилар. Бу туристларга кунига 120 долларга тўғри келади. Саргузаштли туризмда қилинадиган суғурта қимматга тушиши мумкин.

Саргузаштли туризмга яна табиат қўйнига уюштирилган сафари, ов, балиқ овлаш, қишида моточаналарда учиш ёки юриш қийин бўлган жойларга жипларда сайр қилиш ҳам киради. Ғарбда қизиқувчиларга mistary тоиг - сирли саргузаштли туризм таклиф этилади, бунда қатнашчиларга олдиндан тайёрланган дастурлар ва ташкилотчилар томонидан ўйланган нарсаларнинг барчаси кутилмаган совға бўлиб қолади.

Харакатларнинг турларига боғлиқ бўлган туризмни қўйидаги турларга ажратиб ўрганиш мумкин:

- Пиёда юриш ёки сайр қилиш туризми. Бунда ҳайвонлар билан ҳаракатланадигаи маршрутлар - фил, туя, эшак, от, қўтос, итларда амалга оширилади. Одатда йўналишнинг узунлиги 2 - 6 км.дан ҳаттоқи 20 - 50 км.гача чўзилиши мумкин. От туризми маршрути ғоят кенг тарқалган. Қатнашчилар техника воситалари билан бориш қийин бўлган табиатнинг диққатга сазовор жойларига ана шу воситалар ёрдамида боришлари мумкин.

- Темир йўл маршрути туризми. Бунда туристлар сафар давомида кўпгина жой ва районлар билан танишадилар, вагонларнинг жуда кулай купъеларида яшайдилар, кўчиб юрувчи ресторанларда овқатланадилар. Харакатланишнинг асосий қисми кечаси амалга оширилади, қундузи эса туризм дастурида кўзда тутилган асосий диққатга сазовор жойларни, музейларни ва бошқа обьектларни зиёрат қилишадилар. Баъзи туризм турларининг давомийлиги 14 ва ундан кўп кунга чўзилади. АҚШ, Канада, ЖАР, Аргентинанинг чиройли боғлари бўйлаб эски тарихий поездларда сайр қилиш, Россияда катта шаҳарлар бўйлаб темир йўл туризми маршрути кенг тарқалган (Санкт - Петербург - Новгород - Псков - Москва ёки Санкт - Петербург - Омск - Иркутск). Туризм поезди таркибига ётоқ вагонларидан ташқари вагон - ресторан, вагон -клуб, вагон - душлар киради. Ўзбекистонда ҳам (Тошкент - Самарканд - Бухоро - Хива - Тошкент йўналиши бўйича) мазкур туризм йўлга қўйилган.

- Автобусли маршрутлар. Бунда туристлар мамлакатларни магистраллар бўйлаб бир пунктдан иккинчи пунктга ҳаракатланиб кесиб ўтадилар. Умуман туристлар автобусларда жуда оз ухлайдилар, асосан ухлаш учун қиммат

бўлмаган меҳмонхона ёки мотеллар кўзда тутилади, аммо маҳсус ётоқ автобуслари ҳам мавжуд.

Шахсий ёки ижарадаги автомобилларда, шунингдек, машинасидан ажралмаган ҳолда саир қиласиган туристлар қатлами ҳам мавжуд. Улар бир қанча транзит визалар олиб, мураккаб маршрутлар бўйлаб қатор мамлакатларни кесиб ўтишади, айrim вақтларда улар машиналари орқасида кўчиб юрувчи уйларни судраб юрадилар, унда таом тайёrlашадилар, овқатланишадилар ва тунашадилар. Бундай туристлар учун маҳсус автокемпинглар ва карvonлар учун тўхташ жойлари ўрнатилади. Спортга йўналтирилган туризмда мураккаб туристик маршрутлар ва мусобақалар уюштирилади. Масалан, trophy - автомобилларидаги энг оғир туризмдир. Ёрқин мисол бўлиб Camel Trophy сафари хизмат қиласи. Self drive tour - туризм, бунда турист автомобилни ижарага олиши ёки келишилган маршрут бўйича ўзининг шахсий машинасида ҳаракатланиши мумкин. Туристик агентлик кемпингларда стоянкалар, отеллар, озиқ - овқатлар буюрадилар, ҳариталар етказиб берадилар, бир қанча қулай ва қизиқарли сафар маршрутларини таклиф этадилар, транспорт суғурталарини расмийлаштирадилар.

- Сув туризми маршрути. Бунда қайиқларнинг ҳар - хил турларида, яхталарда ёки бошқаларда сузишларни ўз ичига олади.

- Ҳаво орқали ташиш. Ташишнинг каттагина қисмини ҳаво орқали ташишлар ташкил этиб, улар узоқ масофаларга ташишга асосий эътиборни қаратади. Бундан ташқари қитъалараро, океанлар орқали ташишлар ҳам киради. Йўловчиларни ташишга мўлжалланган юқори тезликка эга ва хавфсиз ҳаво лайнерларининг яратилиши билан туристларни қитъалараро ташиш бирданига ошиб кетди. Туристларни ташишда қатновли маршрутлар билан бир қаторда чартер йўналишлари ҳам ишлатилади. Ташиш тизимида маҳаллий авиациянинг ҳам роли катта, унда мамлакат ичидаги кўргина маршрутлар ва узоқ масофага чўзилган ҳудудларда туристларни самолётларда ташиш кўзда тутилади. Шундай қилиб, Жанубий Африка туризмининг асосий қисми ҳаво йўлларида ташишни кўзда тутади. АҚШ ҳаво хабарлари етказиш соҳасида олдинги ўринларда туради. 1997 - йили АҚШ ҳаво йўллари томонидан 599 млн. йўловчилар ташилди. 2007 - йилга бориб бу кўрсаткич 900 млн. йўловчига етади. Туристларни ташишда кичик авиация ҳам фаол қатнашмокда, айниқса туристларни табиат қўйнига техник воситалар етиб бориши қийин бўлган жойга етказишда булар қўл келади. Шу боис, кўргина туризм сафарлари турли - хил транспорт воситаларидан фойдаланишни кўзда тутади. Туристларни узоқ масофаларга ташишда кўпинча ҳаво транспортларидан фойдаланилади. Туристлар узоқ масофадаги дам олиш жойларига боришда вақтни минималлаштиришга ҳаракат қиласидар ва самолёт бу борада ҳаракатнинг оператив воситаси бўлиб хизмат қиласи. Айrim ҳолларда сафар вариантлари ўз ичига комбинациялашган турларини олади. Таътил даврида ўз машиналаридан ажрала олмайдиган Британияликлар Европа бўйлаб сафарни давом эттирадилар, лекин Европа мамлакатларида ҳаракатланиш ўнг томонлама, аммо Буюк

Британияда эса чап томонлама, шунинг учун бошқариш одатини ўзгартириш қийин, кўча ҳалокатлари ва тушунмовчиликлардан қочиш мақсадида автомашиналарни темир йўл платформаларида транспортировка қилиш усулидан фойдаланилади. Дастреб Ла Манш бўғозидан туризм автомашинаси денгиз солида олиб ўтилади, сўнгра темир йўл платформаларига юклаб белгиланган манзилга етказилади. Туристларнинг ўзлари шу поезднинг ётоқ купъеларига жойлашадилар. Автомашиналарни жойида ижарага олиш ҳам кенг тарқалган. Хизматнинг шундай туристик пакетлари мавжудки, улар самолётларда ташиш ва автомашиналарни аэропортнинг ўзида ижарага беришни ўз ичига олади, автомобилларни ижарага бериш кўпгина ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Россияда ҳам автомобилларни ижарага бериш фирмалари мавжуд, аммо улар факат хорижий туристларга берадилар. Афсуски, республикамиизда бундай ишлар хали кўнгилдагидек эмас. Қайси воситалар орқали туристларни ташиш энг қулайлигини туризм сафарлари предмети ва мақсадларининг иқтисодиёти ечади. Умуман, туристлар учун вақт муҳим аҳамиятга эга ва туризмда туристларни ташиш сайёхликнинг ёрдамчи элементи бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда, 1000 кмдан ортиқроқ масофаларга ҳаво йўлларида ташиш қулайдир, бундан ташқари ҳаво йўлларидан фойдаланиш катта сув ҳавзаларини кесиб ўтишда ҳам қулайдир. 300 кмдан 1000 кмгacha бўлган масофаларда темир йўлидан, асосан тез юрар линиялардан фаол равишда фойдаланилади. Қисқа масофаларда эса автомобил транспортидан фойдаланиш қулайдир. Баъзи ҳолларда дарё ва денгиз транспортларидан фойдаланилади. Бундан ташқари маҳсус маршрутлар ҳам борки, унда ҳаракатланиш усули туризм маршрутнинг асосини ташкил этади. Масалан, круиз маршрутлари, автобус ва темир йўл туризми, - бунга мисол.

5.2. Туризм турларининг кўринишлари

Туризмнинг хилма - хиллиги унинг бош мақсадига боғлиқ ҳолда қуйидаги кўринишларга ажратилади: 1. Дам олиш, роҳатланиш ва кўнгил очиш мақсадидаги туризм. Бундай туризм сайёхликнинг кенг тарқалган туридир; 2. Дам олиш ва соғломлаштириш мақсадидаги туризм. Согломлаштириш ва даволаш мақсадларида қилинадиган туризм - санаторийлар, соғломлаштирувчи - даволовчи ташкилотлар, курортларда, шифобахш сувлар, шифобахш балчиқлар ва бошқалар ёрдамида (шифобахш минерал сувли курортларда) олиб борилади. Туристик проспектларда маҳsusлаштирилган соғломлаштириш мақсадларига қараб, кемпингларда минерал сувларни ичиш ёки минералли ва серводордли ванналар қабул қилиш имкониятларини белгилайдилар. Кавказ минерал сувлари дунёга машҳурдир. Республикаизда ҳам минерал сувли даволаниш масканлари кўп. Табиий - иқлим шароитларидан ҳар доим ҳам даволаш ва соғломлаштириш мақсадларида самарали фойдаланилади. Масалан, даволаш лойлари, минерал сувлар ва булоқлар, тоза ва қуруқ ёки бунинг акси бўлган денгиз ҳавоси. Бундай курортлардаги отелларда врачлар, даволаш ва

соғломлаштириш процедуралари, массажистлар ва бошқалар хизмати кўрсатилади. Аммо, курорт танлаш ва даволаш муассасаларини танлашда врач маслаҳатлари ва кўрсатмалари орқали амалга оширилиши керак.

Кўнгилочарлик туризми дастурлари маълум маънода туристлар учун кўшимча хизмат кўрсатишга йўналтирилган. Туристнинг яхши кўнгил очиши учун туризмнинг кўплаб кўшимча хизматлари орқали ёрдам берилади. Бу фаол ўйинлар (гольф, крикет, кегли), отларда саир қилиш, аттракционларга бориши (тематик боғлар, масалан, диснейленд, дельфи кари, зоопарклар), ресторонлар, дангсинглар, диско клублар, магазинлар, казино ва бошқалар. Хориж мутахассисларининг фикрича, туризм амалиётида 110 дан ортиқ кенг кўлланиладиган кўнгилочарликлар бўлиб, бу кўнгилочарлик сарф-харажатларининг маҳсус статистикаси мавжуд экан.

Таништирувчи, реклама сафари. Маршрутни қайтадан батафсил ишлаш ва унинг шартлари билан танишиш учун рекламили саёҳатларга асосан турлидерлар ва туроператорлар ёки туристик агентликлар ишчилари боришиадилар. Улар бутун маршрутни тўлиғича босиб ўтишади ва яшаш шароитларини, экскурсия дастурларини, овқатланиш асосини, трансферни, маданий ва кўнгилочар дастурларни аниқлашадилар. Улар маҳаллий шароитлар, удумлар, медицина ва суғурта хизматлари, жиноий ҳолатлар ва бошқа критик ҳолатларда давлат органлари билан биргаликда олиб бориладиган ишлар ҳақида тўлиқ маълумотлар билан таъминланадилар. Қоида бўйича таништирувчи туризмга маълум чегирмалар берилади ёки бундай туризм тўлалигича қатнашувчи компания томонидан тўланади. Баъзи мамлакатлар, масалан, Истроил қилиш бўйича туристик фаолиятни фаол қўллаб - қувватлаб, таништириш билан боғлиқ сафарларни давлат бюджетидан дотациялайди.

Ўрганувчи туризм - туризм марказларига бирор нарсани ўрганиш учун боришдан иборат. Булар дунёга машхур Нью - Йорк (ҳар йили 32 млн турист бу ерга ўрганиш мақсадида боришиади), Париж, Мадрид, Рим, Петербург, Қоҳира, Сингапур, Гонгконг, Рио - де - Жанеро ва шу каби шаҳарлардир. Туристларнинг қизиқиши обьекти бўлиб қадимги жойлар, музейлар, ҳайкаллар, шаҳарларнинг чиройли ландшафтлари хизмат қиласи. Кичик шаҳарлар ҳам қизиқиши марказида бўлиб, уларга куйидаги шаҳарлар - Гранада (Испания), Царскское Цело (Россия) ва бошқа алоҳида ҳудудлар киради. Фақатгина Санкт - Петербург вилоятининг ўзида туризм обьектларига кирадиган қадимий обидалар ва жойлар 3900 тадан ортиқ. Ҳозирда бу жуда улкан туризм имкониятлари тўла фойдаланилмаётир (117 минг туристга мўлжалланган меҳмонхоналарнинг 30% идан фойдаланилади).

Ўрганувчи туризм асосини қуйидагилар ташкил этади: шаҳар ва унинг эътиборга лойиқ жойлари, меъморчилик мажмуалари, диний ва маданий ёдгорликлари, ажойиб табиат обьектлари ва

кўринишларини томоша қилиш. Ушбу дастурларнинг сермазмунлигидан эса бўш вақтларда дўконларга бориш ёки унинг расталарида маҳсулотларни томоша қилиш. Туристларга, ҳудудлар бўйлаб бутун давлат бўйлаб ҳар - хил иқлим шароитларини кўриш, шунингдек, турли транспорт воситалари орқали саёҳатлар айниқса қизиқдир.

Кишлоқ туризми - таътил ёки дам олиш кунларида ё бошқа даврлардаги саёҳатдир. Жума - дам олиш куни асрлар давомида мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланган. Шанба кўп асрлар давомида бошқа дин ва маданиятларда ҳам мавжуд бўлиб келган. Христианларда IV асргача ҳафтасига иккита дам олиш куни бўлган. V асрдан бошлаб фақат битта дам олиш куни - якшанба қолдирилган. Икки кунлик дам олиш куни ишчиларга фақат XX аср охирида қайта тикланди. Бу туризм фирмаларига ҳар ҳафта ишлашга имкон беради. Чунки, дам олиш кунларида туризм анча сермаҳсул ва кўп туристларни қамраб олади.

Кишлоқ туризми ҳакида гапирадаган бўлсак, октябрь тўнтаришидан аввалги вақтларда Санкт - Петербург аристократлари ва улар қаторига ўзларини қўювчи бойлар ҳам Баден - баденда дам олишга қурбилари етмаган. Бундай кишилар ўша вақтларда кўп бўлган. Шунга қарамай, улар фин бўғозида жойлашган ва курорт райони ҳисобланган Мартишкино (Петербургнинг жанубий қисми)да ёки Финляндия пойтахтига 30 км.лик йўл бўлган Териокода арzon дала ҳовлиларини дам олиш учун ижарага олишган, бунинг сабаби у ерда хориж паспортларини расмийлаштириш керак бўлмаган. Тўнтаришдан аввал бундай дала ҳовлиларини ижарага оловчи талабгорлар асосан зиёлилар орасида кўп бўлган. Дам олиш вақти ҳар қандай шаҳарлик учун қишлоқдами ёки ҳовлидами жуда ҳам мароқлидир. Бу ҳаёт талаби, меъёридир. Ҳар қачон ҳам дала ҳовлиларини ёки бошқа жойларни кўп йиллар давомида ишонган ва текширилган жойларда дам олиш учун ижарага олинган. Қишлоқ туризмининг ўзига хос томонлари ўндақи, масалан, Сицилиянинг аграр вилоятларида ишчи кучи керагидан ҳам ортиқлиги камбағал туристлар ёки студентларни иш ҳаки тўламасдан, бошпана ва овқат учун ишга ёллаши мумкин. Бундай "дам оловчи" ўша ерга бориб қайтиши учун маблағ топса бўлгани. Йўл - йўлакай бир - икки кун пляжларда чўимилиши, музейларни, ёдгорликларни ва бошқаларни кўриши мумкин.

Хозирги вақтда қишлоқ туризми алоҳида даромад келтирадиган тур ҳисобланиб, дунё туризм бозорида алоҳида ўрин тутади. Совет даврида ишлаб чиқариш ходимларини колхоз ва совхозларга кузги ҳосилни йиғиб олиш учун қишлоқ хўжалик ишларига мажбурий йўналтирилишини қайси категорияга кўйилиши - умуман тушунарсиз. Яъни, туристми ёки ишчи? Бир томондан уларни меҳнат қилганликлари сабабли туристлар сафига қўшиш мумкин эмас, иккинчи томондан эса улар меҳнатлари эвазига ҳақ олишмаган.

Тўғри, қишлоқ туризми дengiz курортлари каби катта ҳажмлар билан

рақобатлаша олмаса ҳам, шунга қарамай туризм ишларида алоҳида ўрин тутиб, уни ўрганиб ривожлантириш алоҳида эътиборга лойик. Қишлоқлардаги аҳолининг камлиги, табиатнинг тозалиги, экологик жиҳатдан қулайлиги туфайли унинг келажаги бор. Лекин, шунга қарамай, хорижий туроператорларнинг фидойилиги, туристларни ўз қишлоқларига тортиши, туристларни ўз ҳалқининг ва давлатининг ривожланиши учун олиб келиши, иш жойларини ташкил этишлари, ўз юртининг туристик ресурсларини мустаҳкамлаб, давлатга валюта олиб киришлари ва шу даромадларидан солиқлар тўлаб хазинани тўлдиришлари таҳсинга сазовор. Бу бизга ўrnak бўларли жараёнлардир, негаки, республикамизда қишлоқ туризми йўқ даражада.

Умуман, айтиш жоизки, қишлоқларда турист бўлиб туриш, курорт зоналарида ёки машхур туристик марказларга нисбатан анча арzon. Ҳамма ҳам қимматбаҳо туристик марказларда дам ололмайди, шу жиҳатдан қишлоқ туризмини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Щунингдек, қишлоқ туризми куйидаги ҳолларда ҳам амалга оширилади:

- қишлоқ жойларда алоҳида категория одамлар учун уларнинг пул маблағлари миқдорига қарамай, масалан, оиланинг анъаналарига қараб;
- врач маслаҳатига биноан қишлоқ иқлим шароитларида соғломлаштиришни олиб боришга қараб;
- табиат билан яқинлик, кўпроқ вақтни тоза ҳавода ўтказиш мақсадида;
- экологик тоза ва арzon маҳсулотлар билан озиқланиши мумкинлиги учун;
- қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлиши, ишлаш учун реал имконлар борлиги учун;
- ҳаёт учун зарур бўлган керакли нарсаларни топиши учун минглаб километр масофани босиб ўтирмаслик учун;
- бошқа ижтимоий формациядаги одамлар билан мулоқатда бўлиши, уларнинг маданияти, урф - одатлари билан танишиши, байрамлари ва ўйинларида қатнашиши имкониятининг мавжудлиги учун.

Хуроса қилиб айтсақ, қишлоқда дам олиш - бу табиат қўйнида бўлиш, йиллар давомида шаҳар шароитида йиғилиб қолган чарчоқларни чиқариш, тоза ҳаво, экологик тоза бўлган озиқ - овқатлар, иқлим шароитларини ўзгартириш, аҳоли сонининг камлиги, бошқа тартиб - қоида ва яшаш маданияти, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этиш, боғдорчилик, чорвачилик, табиат берган инъомлардан баҳраманд бўлиш ва қолаверса, дам олишнинг арzonлигидир. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кишлок туризми ўз характеристига кўра экологик туризмнинг бир кўринишидир.

Шаҳар аҳолисининг ёзги иссиқ кунлардаги ва қишқи қорли кунлардаги ҳордиқларини тўғри ташкил этиш имконияти мавжудлигини эътибор олиб, қишлоқ туризмини республикамиз худудида қуйидаги тарзда ташкил этиш тавсия этилади:

кatta бўлмаган уйларни, квартиralарни, агар бор бўлса меҳмонхоналардаги катта бўлмаган хоналарни, коттежларни, табиат манзаралари чиройли бўлган жойларни ижарага олиш йўли билан.

Туристларни қишлоқдаги фермернинг уйида жойлаштириши мақсадга мувофиқдир, негаки бу - туристларни қишлоқ ҳаёти ва у ердаги янги инсонлар билан яқиндан таништиришга, уларнинг урф - одатлари ва қишлоқ хўжалик ишлари билан кучи етган даражада ишлашга имкон беради. Шубҳасиз, бу уй эгалари учун нокулайликлар яратади, лекин фермерлар учун қўшимча пул ва янгилик олиб келади. Бунда меҳмонлар учун маҳсус бир ёки бир неча хона ажратилиб, улар керак даражада тозаланади ва барча зарур нарсалар етказиб берилади. Бундай туризмдан давлат ҳам, ташкилотчилар ҳам даромад кўради. Шу жиҳатдан қишлоқ туризмини қулай ва камхарж туризм дейиш мумкин. Дала ҳовлиларни эгалари билан келишиб тўғридан - тўғри шартномаларсиз ижарага олинса, улар учун ҳисоб - китоб накд пулда бўлади ва бу банк орқали амалга оширилмайди, натижада ижара ҳаки суммасидан солиқ ҳам тўланмайди. Албатта, бу қонунга зид ҳолатдир. Кимни қишлоқда хусусий уйи бўлса ёки қариндошлари бўлса янада қулай. Гўзал тоғли мавзеларга сайр - саёҳат қилиш, гўзал жойларни томоша қилиш мароқли. Туристлар эътиборини қуидаги ажойиб жойлар лол қолдиради: Гранд Каньон, Тош бармоқлар водийси (Австралия), улкан шаршаралар (Ниагара, Виктория). Бу ерларда туристлар учун уларни томоша қиласиган майдончалар, асбоблар ўрнатилган.

Сафари тур - қўриқхоналарга ҳайвонлар томоша қилиш учун сайр, овчилик, балиқ ови мақсадидаги саёҳат, фотоовчиликдир. Кения ёки ЖАР қўриқхоналарига сайр, табиатда ажойиб ҳайвонларни эркин ҳолда кўриш мақсадидаги сайrlар буларга мисол. Табиат қўйнига ёки қўриқхонадаги эътиборга лойиқ ерларга жип машиналарида Jip - Safari га келсак, саёҳат давомида туристлар ўтирган жиплардан ташқари кузатувчи машиналар калоннаси ҳам бўлиб, улар озиқ - овқатлар, палаткалар, ёқилғи ва шу кабилар билан юкланди. Туризм дастурига нафақат маҳаллий жойларни кўриш, балки тоғли ҳудудда автомобиль бошқариш, тўсикларни енгib ўтиш, лагер ҳаётига ўрганиш, фавқулотда вазиятларда яшаб кета олиш кабилар киритилади.

Экотуризм - туризмнинг янги соҳаси бўлиб, иккинчи номи "табиатга юмшоқ тегувчи туризм", яъни атроф муҳитга энг кам таъсирини таъминловчи туризмдир. Экотуризм дастури одатда экологик тоза жойларга боришини назарда тутади ва табиат қўриқхоналарига уюштирилади. Бундай туризм давомида экологияга бағишлиган семинарлар, маҳаллий аҳоли билан учрашувлар ва шу кабилар ташкил этилади. Экотуризмга яна ботқоқлик бўйлаб сайrlар ҳам киради. Флорида ботқоқликларида сайrlар айниқса машҳурдир. Бу ботқоқлик ичкарисига кириш қийин, шу сабабли у ердаги флора ва фауна жуда бой. Туристлар учун ботқоқлик маҳсус қайиқлар ёрдамида қатнов дастури асосида амалга оширилади, унда 2 кунлик ботқоқлик бўйлаб сайr, кам

учрайдиган қуш ва ҳайвонларни расмга олиш, боришиң қийин ерларни томошалари амалга оширилади.

Харбий туризм - урушлар ва тарихий жанглар бўлган жойларга уруш иштирокчилари ва уларнинг авлодлари учун уюштирилади. Улар ўз ичига қуидагларни олади: ҳарбий объект ва палегонлар, ҳарбий техникада саир, танклар, қирувчи самолётлар, ҳарбий қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий - ўқув машқлари, космик кемалар учирини томоша қилиш кабилар. Шунингдек, бу туризмга яна концлагерлар ва қамоқхоналарга ташрифлар киради.

Насталгик (этник) туризм - қадимги яшаш жойларига саёҳатлар бўлиб, унда қадимда одамлар яшаган ерларга у ердаги аҳоли маданияти ва алоҳида этник гуруҳ ҳаёт шароитини ўрганиш учун уюштирилади. Кўчиб кетганларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин: 1. Мажбурий кўчганлар - ўзларининг тарихий ерларини диний, ҳарбий ёки сиёсий сабабларига кўра ташлаб кетганлар; 2. Ҳоҳишлари бўйича кўчганлар - ўз юртларини яхши ҳаёт излаб ташлаб кетганлар. Мажбурий кўчганлар - сайёрамизда анчагинани ташкил қиласи. Аҳоли миграцияси иқтисодий, сиёсий ва диний омиллар таъсирида бўлади. Минг йиллар олдин Норвегияликлар ва Ирландияликлар, Исландия ва

Гриландияга кўчган эдилар. Тарихда Англиядан Америка қитъасига диний қарашлари туфайли кўчганлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Жаҳон урушлари саноқсиз кулфатлар ва янги қочоклар тўлқинини вужудга келтирди. Бундай қочоклар таркибиға урушдан қочганлар ва асрлар кириб, улар ўз ватанларига қайтишдан хавфсираб бошқа ерларга қочганлардир.

Кейинги турдаги кўчганларга Волга бўйи немисларини киритиш мумкин. Бу ерда улар рус шоҳлари томонидан яшашга таклиф қилинган, 200 йилдан кейин эса комунистлар уларни ватан хоини, - деб Қозоғистонга кўчиришган, қайта қуриш ва иттифоқнинг бирлигини йўқолиши, улар ҳаётини янада қийинлаштириди, факатгина 300 йил ўтиб улар ўзларининг ватани - Германияга (минглаб аҳоли) қайтиб келишди. Насталгик туризмга яккол мисол бўлиб Финларнинг Ленинград (ҳозирги Санкт - Петербург)даги Карель худудига ва Лодж кўли атрофидаги ерларга 323 оммавий саёҳатларини киритиш мумкин. Финларнинг 500 мингга яқини бу ерларни 1939 - 1945 йиллардаги уруш ҳаракатлари натижасида ташлаб кетишган.

Собиқ иттифоқ республикасида 1989 - 1990 йиллардаги қайта қуриш туфайли финларнинг бу ерга турист сифатида келишига имкон берилди. Қариндошларини кўриш, қабрлар зиёрати ва шу кабилар туризмда оммавий тус олмокда. Иштирокчиларнинг кўпчилиги олдин шу ерда яшаган кексалардир. Сайрнинг асосий дастури ва мақсади якка ҳолда енгил машиналарда, маҳаллий аҳолини турли қишлоқлардаги ҳаётини, шу ердаги қариндошларини зиёрат қилишдан иборат. Бу туризм маҳсус гуруҳ ва ёшдагилардан иборат бўлиб, кўчиб кетганларнинг авлодлари эса туб аҳоли билан аралашиб, ўз эски ватанини

анча унитишган, шунинг учун уларда бу хилдаги туризмга хоҳиш кам.

Қариндош ёки дўстларни зиёрат қилишга мўлжалланган туризм. 1 - 2 кунлик бўлган бундай саёҳатлар асосан шанба ва якшанба кунлари ташкил этилади.

Диний - зиёрат туризми. Булар диний мақсаддаги сайрлардан иборат бўлиб, унинг илдизлари тарихга бориб тақалади. Бу каби саёҳатчиларнинг биринчилари ўрта аср ибодатчилари. Шу каби сайрлар ўз динига ишонч ва ўзга динларга қизиқиш асосида вужудга келади. Дунёдаги кўплаб мусулмонлар Маккаи Мукаррамага ва христианлар эса Муқаддас ер деб ҳисоблашадиган - Ватиканга, ибодатхоналар ва бошқаларни зиёрат қилиш учун саёҳат қилишади. Зиёрат касалликдан қочий, баҳтсизлик, гуноҳларини ювиш учун ҳам амалга оширилади. Марко Поло (XIII аср) ҳозирги Шриланка ҳудудида шу каби зиёратларни кўрганини айтади. XІУ - XУ асрларда Англия зиёратчилари асосан Рим ва Қуддусга борганлар. У вақтларда саёҳатлар анча қийин кечган: 1388 - йилдан бошлаб қирол Ричард II буйруғи билан инглизлар зиёрат учун маҳсус руҳсатнома олишлари керак бўлган. 11 йилдан сўнг Ричард II инглиз зиёратчилари саёҳат қилиши мумкин бўлган жойлардаги портларни қисқартирди, баъзи жойларгагина руҳсат берилди. Бошқа ердан келиш учун эса қиролнинг маҳсус фармони керак эди. Баъзи зиёратчилар диний зарурият билан саёҳат қилишса, бошқа кўпчилик бунга саёҳат иштиёқи билан ёки ҳаётий турткilar, ўз ҳамроҳлари билан қувноқ мулоқот қилиш учун келишган. Ҳозирда ҳам бир қанча қадамжолар бор. Кўпчилик христианлар Қуддусга Исо Масих қабри зиёратига борадилар. Исломга эътиқод қилувчилар эса Маккаи Мукарраммага хаж ва умра зиёратига борадилар. Ўзбекистонда ҳам зиёрат қилса арзигулик жойлар жуда кўп. Масалан, баъзилар Тошкент шаҳрида сақланаётган "Усмон Қуръони"ни кўриш учун ташриф буоришса (бу китоб Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси кутубхонасидаги маҳсус вакумли сейфда сақланиши туфайли ва унинг нечоғли тарихий аҳамияти катта эканлигини инобатга олиб ҳаммага ҳам қўрсатиш имконияти йўқ. Асосан, мусулмон мамлакатларидан келган давлат арбоблари ва мутахассислар учунгина намойиш этилади), бошқалар имом Бухорий, имом Термизий, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиваччалари Кусам ибн Аббоснинг қабрини зиёрат қилиш учун юртимизга келишади. Ўз фуқароларимиз ҳам бундай жойларга зиёратларини уюштирадилар. Шунингдек, Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотурудий, Занги ота, Анбар отин, Гўри Амир каби юзлаб зиёратгоҳлар ҳам борки, булар республикамиизда диний туризмни янада ривожлантириш учун асосий ресурслар вазифасини ўтайдилар. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишни жоиз, деб билардим. Яхшики мамлакатимиздан дунёни лол қолдирган саркардалар, олиму алломалар, фозилу фузалолар етишиб чиқишган. Буларнинг ўзларидан қолдириб кетган маданий мерослари туфайли давлатимиз дунё тарихида ўчмас из қолдирди. Илк уйғониш ва сохибқирон Амир Темур ва темурийлар даврларида шундай илмий, маданий

ва бунёдкорлик ишлари қилиндики, инсоният яна неча йиллар билан фахрланади. Шулар туфайли мана орадан нече юз, хатто минг йиллар ўтса ҳамки, агар таъбир жоиз бўлса, давлатимиз обрўси ортиб, иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда (хатто, булардан хорижий компаниялар ҳам манфаатдорликда). Негаки, республикамида мавжуд археологик ва меъморий ёдгорликларнинг халқаро туризмда ўз ўрни ва мавқеи улкан.

Мамлакатимизда хаж ва умра зиёрати масалалари билан Мусулмонларнинг диний идораси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги диний ишлар қўмитаси шуғулланади. Ҳар йили 4 мингдан ортиқ ватандошларимиз хаж зиёратига бориб келмоқдалар. Туристик ташкилотлар ҳам республикамида мавжуд зиёратгоҳ жойларга турларни ташкил этмоқдалар.

Туристларни диний маросимларни томоша қилиш қизиқтиради. Россиянинг атеистик кайфиятидаги аҳолиси ҳам бундай маросимларни қизиқиш билан томоша қилишади. Дини ва ирқидан қатъий назар барча миллат вакиллари саёҳат қилишади. Туризм инсон фаолиятининг муҳим бўлаги сифатида динлар ва сифинишлар билан ҳам боғлиқ. Баъзи динларда туристларни ҳимоя қилувчи худолари ва авлиёлари бор. Бизнинг ислом динимизда Оллоҳ ягона, унинг ҳеч бир шериги йўқ. Масалан, қадимги грекларда Аполлон - қадимий худолардан бири, Зевс ва Летонинг ўғли. Артемиднинг акаси, Орфей, Лина, Асклепиянинг дадаси - Қуёш, ёруғлик худоси бўлиб, подачилар, йўллар, денгиз йўллари ва саёҳатчилар ҳимоячиси бўлган. Саёҳатга алоқаси бор худолардан яна бири Пан худоси (Римликларда Фавн), у овчилар ва балиқ овчиларини ҳимоя қилган. Гера ва Афина худолари аргонавтлар (аргонавтлар - юонон афсоналарида сехрли қўйнинг "олтин толасини" излаб "Арго" кемасида Калхидага сафар қилган қаҳрамонлар. Жасур денгизчилар) ни ҳимоя қилган.

Христиан динида (христиан конфесиясига инсониятнинг 26 % тегишли) Авлиё Николай Мирликийский саёҳатчилар, денгизда сузувлар, бизнинг даврда эса туристларнинг ҳам (ҳамда болалар ва мактаб ўқувчиларининг) ҳомийси ҳисобланади. Николай Мирликийский (архиепископ, Кичик Осиё, IV аср, 352 - йил 6 -декабрда вафот этган, авлиёнинг қабри Италияда сакланган) христиан динининг барча конфесияларида, асосан, православларда кўп тилга олинади. Авлиёнинг ҳаёт фаолиятини, у ҳақдадаги афсоналарни тадқиқ қилувчи тарихчилар унда бошқа бир Авлиё Николай (Ликияд 2 аср кейин яшаган Пинар епископининг) характерлари ва амаллари борлигини кўришади.

Николай Мирликийский Ликиядаги Патарх шаҳрида туғилган. Ота - онаси Феофан ва Нонна. Николай исми қадимги грек тилида "халқ ғолиби" маъносини англатади. Ўсмирлигида Николай христиан динини ўрганишда муваффақиятларни қўлга киритган ва Патарх шаҳрининг руҳонийси бўлган. Унга бой мероснинг қолиши муҳтожлиқдан асраган. Афсоналарга кўра у уч марта яширин равишда муҳтож одамларга совға берган, муҳтож киши эса бу

пулга қизларни турмушга олган. (Бу афсона кейинчалик машхур қаҳрамон Санта Клаус образига асоси бўлиб қолган. Санта Клаус ҳаммага совға беради, асосан Рождество куни болаларга). Николай бир неча марта саёҳатларга чиқкан, шулар жумласига Муқаддас ерга зиёратга борганлигини айтиб ўтиш лозим. Денгизда сузиш даврида у гаройиб саргузаштларга дуч келган: кемалар ва саёҳатчиларни қутқариш мўъжизасини кўрсатган. Зиёратдан кейин у бир қанча вақт мобайнида ёлғиз монастирда яшаган, сўнгра юрак ва руҳ амри билан диний касблар билан шуғулланган.

У мулойим, меҳри юмшоқ, оққўнгил, бўлиб, такаббурлик ва таъмагирлик ҳиссиётлари унга бегона экан. Унинг эшиклари барча учун очиқ бўлган ва келган ҳар бир инсонни у севги ва қувонч билан қутиб олган. Авлиё Николай православларни шафқатсиз таъқиб қилишни бошидан ўтказган. Пасха куни ибодатхонада 20 минг христиан ёкиб ўлдирилган. У очиқасига ўз эътиқодидаги кишиларни қўллаб - қувватлади ва озодликдан маҳрум этилди. Узоқ вақт қамоқхонада бўлса ҳам ўз эътиқодидан воз кечмади. Христианларни бундай таъқиб қилиш ҳокимият тепасига император Константин келгунча давом этди. 323 - йил Николай қамоқхонадан чиқди ва яна черков хизматкори бўлиб ишлай бошлади, ибодатхоналарни қурди ва қайта тиклади.

Авлиё Николай Биринчи Жаҳон Собори (325 - йил, Никел)да иштирок этди ва у ерда эътиқод тимсоллари қабул қилинган. У православияни фаол ҳимоя қилган ва Ария ва унинг тарафдорларини рад қилган, мамлакатдаги кўпгина бутпарастлик - кўп худоликка оид саждагоҳ - капителларни бузишда, жумладан Мирадаги Афродита ибодатхонасини бузишда иштирок этган.

Авлиё Николай кўпгина яхши амалларни бажарган, у ёрдамга муҳтоҷ бўлғанларга, аскарларга, тинчлик тарафдорларига, кучсизларга, саёҳатчиларга ёрдам берган. Уни халқ севган, у узоқ йил яшаган ва 6 - декабрда Мира шаҳрида соборга дағн қилинган. Лекин, узоқ асрлар давомида шаҳарни кўп марта босқинчилар босиб олган ва ибодатхона бузиб ташланган. 1087 - йил, етти асрдан кейин, авлиё Николайнинг хоки Мирадан Италиядаги Бари шаҳрига яширинча олиб келинган ва ҳозирги кунгача шу ерда сақланади. Минг йиллар давомида кўпгина саёҳатчилар ва денгизда сузувчилар ва ҳатто узоқ Скандинавия ва Россияликлар ҳам Бари шаҳрига келиш ва Авлиё Николай ҳокига сифинишни шараф деб билишган (бу бизнинг ислом динимизда ширк ҳисобланади).

Христианликда 22 - май куни (янги ҳисоб бўйича 9 - май) илоҳиётчи ва мўъжиза яратувчи Авлиё Николай (бу ғоя ҳам ширқдир, чунки мўъжизани фақат Оллоҳ яратади) куни байрам қилиниб, Бари шаҳри православ зиёрат марказларидан бирига айланган. Асрлар давомида бу ерга келувчи зиёратчиларнинг мавжуд. Ҳозирги кунда Италия бўйича машхур туристик маршрутлар рўйхатида Бари шаҳрига олиб борувчи диний тур фаол таклиф қилинмоқда. Ша -ҳарда халқаро аэропорт қурилган, туристик инфратузилма

яратилган.

Православияда Авлиё Николай қўпгина картина ва иконаларда акс эттирилган. Унинг қиёфаси ишланган иконалар алоҳида хурматга эга ва у эътиқод қилувчиларга ёрдам беради ва мўъжизалар кўрсатишда иштирок этади, - деб ҳисобланади (бу ҳам ширк). Шунингдек, у - Авлиё Николайни мўъжиза кўрсатувчи, энг ёрқин қуёшнинг ботмас юлдузи, Худонинг қўриқчиси (ширк), Худонинг элчиси, черковнинг тасдиғи, барча қайгули кишиларнинг юпатувчиси, - деб аташган. Авлиё Николай бўйича хизмат 6 - декабрда ва 9 - майда амалга оширилади.

Авлиё Николайнинг Россиядаги ўрни. Россияда Авлиё Николай алоҳида ўринга эга. У халқда, армияда, флотда христиан авлиёлари томонидан энг ҳурматлиси ҳисобланади. Ҳал қилувчи жанглардан рус аскарлари мўъжизавий ёрдамларга ишониб, иконаларга, Иисус Христос, Богоматерь ва Авлиё Николайга сифинишган. Жангчи урушга "Эътиқод, Шоҳ ва Ватан" учун кетган. Жангчи ёнидаги икона унинг ғалабага бўлган эътиқодини мустаҳкамлаб, унга куч бағишилаган. Энг мард жангчиларга икона совға қилинган. Куликово жангидаги рус қўшинлари енгган, бунда рус қуролларида Авлиё Николай тасвири бўлган. Авлиё Николайнинг тасвири оддий одамлар уйларида, бойларнинг саройларида, ибодатхона ва монастирларда, ҳарбий ибодатхоналарда мавжуд бўлган. Рус флоти қадимдан Николайни уйларининг ҳомийси ҳисоблаган. Санкт - Петербургда Авлиё Николай номидаги собор бор.

Москва Кремлининг ҳомийси Авлиё Николайдир, ҳатто Кремль минораларидан бирининг номи ҳам Авлиё Николайдир. Кремлдаги Благовешенский соборида Николай ҳокининг бир қисми бор, дейилади. Россия пойтахтидаги қўпгина ибодатхоналар Авлиё Николай номи билан боғлиқ, шунингдек, авлиёнинг тасвири туширилган иконаларга эга, ҳар йили 21 - ва 25 - майларда Россияда авлиёнинг иконаси билан черковларга хоч сайри ўтказилади.

Туризм бозорида Рождество ва бошқа байрамларни нишонлаш учун Финляндия ва бошқа Скандинавия, Ғарбий Европа давлатларига сайд қилишадиган хизматлар мавжуд. Туристлар ичida айниқса Финляндиянинг қутб чегарасида жойлашган Рованийми деган жойга, Санта Клаус ватанига саёҳат машҳур бўлиб бормоқда. Бу ерда болалар ва катталар учун тантаналар ўтказилади. Лапландияда замонавий аэропорт бўлиб, у ерга ҳатто самолётлар ҳам қатнайди. Мехмонлар учун Санта Клаус ва гномлар иштирокида томошалар уюштирилади, Санта Клаус қишлоғида супермаркет, ғорларда болалар томошагоҳлари қурилган. Россияда бундай жой қурилмаган, шу сабабли россияликлар Санта Клаусга боришади.

Биз ушбу маълумотларни туризм соҳасида келажакда ўзбек мутахассислари ҳам шуғуланишларини ва бошқа дин вакиллари билан мулоқотда бўлишларини эътиборга олиб айтмоқдамиз. Мутлақо мазкур маълумотларни

тарғиб қилмаймиз ва унга амал қилмаймиз, ҳам. Фақат информация учунгина холос.

Маросим туризми - одатда қариндошларнинг қабрлари ёки жангларда вафот этганлар дафн этилган жойларга уюштирилади. Қариндошлар ёки яқинлар қабрлари ва мақбараларини зиёрат қилиш маросим туризмининг асосини ташкил этади. Кўпгина туристлар тарихий юртларга айнан қариндошларини қабрларини зиёрат қилишга борадилар. Шундай туризмни олдин Карель худудида яшаган, Финляндия ва Швецияга кўчган финлар уюштиришган. Улар гурух бўлиб ўз аждодлари қабрларини зиёрат қилишади. Яна бир маросим туризми - бу яқин орада жанглар бўлиб ўтиб, шу жангларда ҳалок бўлган аскар ва зобитлар қабрини зиёрат қилиш учун уюштириладиган саёҳатдир. Бу турдаги туризм билан ветеран ташкилотлар шуғулланади. Германияда махсус ташкилот бўлиб, у қабрларни ва мурдалар шахсини аниқлайди. Республикамизда "Нуроний", "Шаҳидлар хотираси", "Олтин мерос" ҳайрия жамғармалари шундай эзгу ишлар билан шуғулланадилар.

II Жаҳон уруши охирида Ленинград (хозирги Санкт - Петербург) шаҳри атрофида катта Испан диверси тор - мор этилди. Бу худудда 43 минг одам ўлган. Испания томонидан қабрларни қидириш ишлари олиб борилди. Новгородда эса туристик фирмалар шу мақсадда саёҳатлар уюштирадилар.

Фалокатлар содир бўлган ерларга, сўнган вулқонлар, чўккан кемаларга туризм.

Хазина излаш туризми. У икки турга бўлинади:

1. Профессионал экспедициялар;
2. Ҳаваскорлар - саргузашт нуқтаи - назаридан. Эски олтин конларидаги металлни қайта тиклаш, Ҳинд океани қирғоқларидаги қимматли тошларни излаш бу сайёҳлик асосини ташкил этади.

Ишкий туризм - sex tour, асосий мақсадни кўнгилхушликка қаратади. Улар одатда ҳарбийлар ва вахта ишчиларига уюштирилади. Унинг бирқанча турлари бор. Булар баъзи хорижий давлатларда бўлиб, биз - мусулмонларнинг анъаналаримизга қаршидир.

Катта спорт мусобақаларида иштирок этишни кўзловчи туризм. Уларга оммавий ўйинлар, олимпия ўйинлари, чемпионатлар киради. Бу каби томошаларни муваффакиятини ташкилотчилар ва туристик фирмалар ўртасидаги ҳамкорлик белгилайди. Қаерда ташкилотчилар туристик фирмалар билан яхши ҳамкорлик қилсалар, унча машҳур бўлмаган томошаларга ҳам катта оқимдаги туристларни жалб этиш мумкин. Қишки Олимпия ўйинларига туристлар жуда қизиқишиади. Бунга сабаб ўша ерда ҳар - хил сувенирлар, туристлар учун ҳар - хил буюмлар сотилиши ҳамда ўйинларга жалб қилиш усусларининг қизиқарлигидир.

5. 3. Махсус ва ижтимоий туризмнинг ўзига хос хусусиятлари

Ижтимоий туризм - бу давлат ёки бошқа жамоат ташкилотлари томонидан моддий ва маънавий таъминлаб туриладиган туризмдир. Бунда дотациялар, енгилликлар ва рағбатлантирувчи имтиёзлар нафақат қонун ва нодавлат жамғармалари белгилаган шахслар ва туристлар категориясига, шунингдек, шу турдаги туристик ташкилотчиларга ҳам берилади. Энг кенг тарқалган турларга болалар ва ёшлар туризми киради. Улар туризмда алоҳида саёҳат турларини ташкил этади.

Ёшлар ва болалар туризми - одатда мактаб ўқувчиларига таълим бериш мақсадида қўшимча маълумотларни олиш учун уюштирилади (гербарий йиғиш, ўз ўлқасини ўрганиш ва бошқалар). Асосий ўрин ўқувчи ва ўсмирлар орасидаги мулоқотни эгаллайди. Болалар ва ўсмирлар туризми махсус эътибор ва қобилият талаб этади. Ташкилотчилар яхши педагогик тайёргарликка эга бўлиши керак. Бундай туризм ижтимоий туризм асосида ташкил этилиб, дотация ва чегирмалар билан кенг таъминланади. Масалан, ҳалқаро студентлар билети - ISIC, EU ўсмирларга арzonлаштириш хукуқини беради.

Ёшлар учун туризм бу - юксак даражада тараққий топган жамиятнинг ҳаёт мазмунидир. Бунга 25 ёшгача ва оила қурмаган шахслар киради. Туризм уларга ҳаётда тўғри йўл танлашга ва ҳаётий тамойилларни шакллантиришга ёрдам беради. Кундузги таълим тизимида ўқийдиган ва 25 ёшгача бўлган ёшларга дунёning барча жойларида амал қиласидиган имтиёзли таърифлар мавжуд. Бу имтиёзлар ҳар - хил транспорт турларига, махсус ёшлар ётоқхоналарида яшашга, музейларни, паркларни, кўргазмаларни томоша қилиш учун берилади. Энг асосийи шуки, нархларда чегирмалар берилади. Баъзи ҳолларда турист ота - онасига қўнғироқ қилиши мумкин. Ёш туристлар ўқитувчи - кузатувчи ёки махсус шу соҳада ишловчи мутахассис томонидан саёҳатга олиб чиқилади. Кўп ҳолларда талabalар 3 - 5 киши бўлиб бирлашишади ва мустақил равища шаҳарга ёки хорижий давлатга саёҳат қиласиди. Бунда талabalardan бири, ёки ўз ўқитувчиси саёҳатга олиб борувчи бўлиб иштирок этади. Шунингдек, бунда саёҳат олиб борувчи шахсга ҳам чегирмалар берилади.

Бундай туризмга имтиёз яратувчи ташкилотлар - Ҳалқаро ёшлар ташкилоти, Ҳалқаро ёшлар туризми федерацияси (Federation of international youth travel organization) дир. Бу федерация 1951 - йилда ташкил топган бўлиб, асосий қўмитаси Копенгагенда жойлашган ва ЮНЕСКО раҳбарлигига иш олиб боради.

Хостел - ётоқхона сифатидаги, арzon ёшлар меҳмонхонасидир. У одатда каридор системасида бўлиб, умумий ҳожатхона, ювишиш хоналари, ўз музлатгичларига, микротўлқинли печларга эга бўлган ошхоналарга, умумий телевизорга эга бўлган дам олиш хоналари ва таксафонларга эга бўлади. Овқатланиш кафе ёки ошхонада ташкил этилади. Хостеллар хоналари 2

кишилиқдан 6 кишиликкача (баъзи ҳолларда кўпроқ) бўлади. Хостеллар кам қулай бўлсада, лекин доим тозадир. Нисбатан ёшроқ туристлар яшайдиган хостеллар шовқинлироқ бўлади, ёшлар тез - тез шўхлик қилишади ва бу ярим кечагача чўзилиши мумкин. Шунга қарамасдан кўпгина ёш бўлмаган туристлар ҳам хостелларда яшашади. Улар ёшлар ҳаётига кўникиб қолишган ва бунда хостеллар арzon хизмати ҳам роль ўйнайди. Шундай хостеллар борки, у ерда туристнинг ўзига тегишли бўлган ўрин - жой чойшабларидан фойдаланиш мумкин. Кўп хостеллар кундузи тозалаш учун ёпиб кўйилади, бу пайтда туристлар юки ва буюмлари маҳсус хоналарда сақланади.

Хостеллар хизматига: чойшабларни ювиш, чегирмаларга эга бўлган музей, театр, кинотеатр, автобус, поезд чипталарини сотиш ва умумий экскурсия ташкил этиш, интернет хизмати кабилар киради.

Хостеллар бутун дунё бўйлаб тарқалган, лекин улар Европада оммалашган. Катта шаҳарларда бир нечта хостеллар фаолият олиб боради, ёзда улар сони кўпайиб студентлар ётоқхоналари сифатида фойдаланилади. Хостеллар шаҳар марказларидан узоқ бўлмаган темир йўл ва автобус вокзаллари яқинида жойлашади.

Студентлар учун хостеллар дейилганда, унда фақат талабалар яшави мумкин, - деган хulosа келиб чиқмайди. Бу хостелларда катта ёшдаги туристлар ҳам жойлашиши мумкин. Скандинавия мамлакатларида хостелларга жойлашиш учун "Халқаро хостеллар уюшмаси" аъзолик карточкиси бўлиши керак. Халқаро ва миллий студент йўлланмалари билан ҳамма хостелларда катта чегирмага эга бўлган меҳмонхона ва овқатланиш хизматларига эга бўлиш мумкин. Хостеллар йирик меҳмонхоналар тармоғига қўшилган ва улар Европанинг ҳар бир катта шаҳарларида бўлиб, улар томонидан хостеллар каталогларини чоп этиш ва жойларни банд этиш хизмати ташкил қилинган.

- Ёшлар хостелларининг пайдо бўлиши XX асрнинг бошларида Германияда вужудга келган. 1901 - йилда "Кўчманчи қушлар" ("wonder - vogel") жамияти ташкил топди ва бунда бошқалар ҳаётини ўрганиш мақсадида узоқ муддатли пиёда саёҳат қилишни ҳоҳлаган шахслар иштирок этишган. Улар алломаларнинг халқ оғзаки ижодиётини ва халқ рақсларини ўрганишган. 1910 - йилда ушбу жамият ташаббуси билан маҳсус хостел очилди. Бу оддий ва арzon ёшлар тунаш жойи деган маънони англатган. Хостелларни ташкил қилиш ғояси тез тарқалди ва улар нафақат Германияда, балки бошка давлатларда, жумладан, Нидерландия, Швейцария каби Европанинг бошқа давлатларида пайдо бўла бошлади. Биринчи жаҳон уруши хостеллар барпо этилиши жараёнига таъсир этди, лекин ундан олдин 1930 - йилда Англияда биринчи хостеллар уюшмаси, 1932 - йилда Халқаро хостеллар федерацияси ташкил топди. Ёшлар хостеллари уюшмаси бу - ёш туристларни меҳмонхоналар, ётоқхоналар ва турбазаларга ўртамиёна нархларда жойлаштириш фаолиятини олиб борувчи ташкилотdir. Уюшма дунёдаги 5500 дан ортиқ хостелларни ўз ичига олади. Австралияда уюшма тизимида 140

хостел мавжуд. Бугунги кунда федерацияга 70 та мамлакат аъзо. 1934 - йилда АҚШда ҳам хостеллар уюшмаси ташкил топди.

Россия ёшлар хостеллари уюшмаси 1992 - йилда ташкил топди. Уюшма маркази Санкт - Петербургда жойлашган бўлиб, у ўз ичига 7 та хостелни олади. Уюшма 1993 - йилдан бошлаб Халқаро хостеллар федерацияси (IYHF) аъзоси ҳисобланади. Ҳозирги кунда Россияда IYHF ва RYHA аъзолари учун чегирмаларга эга бўлган хостел карточкаларини (RUHA card) жорий этиш давом этмоқда. Бу карточкалар дунёнинг 3500 хостелларида чегирма олиш хуқуқини беради.

Россия ёшлар хостеллари уюшмасига қарашли Санкт - Петербург халқаро студентлар туризми хостели бор. Бу меҳмонхона 1991 - йилда ташкил топган бўлиб, у Москва вокзали ва Невск проспектидан узоқда бўлмаган шаҳар марказида жойлашган. У Россиядаги биринчи хостел номини олиб, Россия хостеллар уюшмасига аъзо. Меҳмонхонада 56 та жой бўлиб, улар 2 ва 5 кишилик хоналардан иборат. Хостел туристик гурӯҳларга арzon хизмат кўрсатади ва ҳар бир қаватдаги душлар, ювениш хоналари, ҳожатхоналардан ташқари интернет кафелар хизмати мавжуд. Яшаш тўлови 12 АҚШ долларидан 15 АҚШ долларигача. Хона нархига нонушта ҳам киради. Хостелда "Симбад травел" туризм идораси хизмат кўрсатади ва бу идорада 77 та мамлакатдаги 5500 та хостелларда жойларни банд қилиш мумкин. Булардан ташқари, визалар очиш, маҳсус чегирмаларга эга бўлган авиачипталар сотиш йўлга қўйилган.

International student identity card (ISIC)

Дунёнинг исталган жойига саёҳат қилиш учун кенг имкониятлар яратиб берадиган маҳсус студентлар ва ёшлар учун карточкалар (ISIC, GO 25) мавжуд. ISIC - бу халқаро студентлар гувоҳномасидир. Карточка (INTERNATIONAL YOUTH TRAVEL CARD (GO 25) студентлардан ташқари 25 ёшгacha бўлган ёшларга ҳам берилиши мумкин. Ёшларни олиб борадиган ўқитувчиларга карточкалар берилади (INTERNATIONAL TEACHER IDENTITY CARD (ITIC). Бу карточкаларга эга бўлганларга ҳар - хил имтиёзлар ва чегирмалар берилади. Масалан, хостелларга жойлашиш ва уларда овқатланиш, транспортларда юриш учун маҳсус чипталар (STA ёки KILBOY). ISIC карточкаларига эга бўлган ёшларга салбий вазиятларда тиббий, молиявий ва бошқа ёрдамлар берилади.

ISIConnect.

ISIConnect - бу ISIC карточкиси ёрдамида алоқа хизматидан фойдаланиш хуқуқини берувчи карточка. Бу карточка орқали телефон, телефон, электрон почта орқали бепул ёки арzon баҳоларда фойдаланиш мумкин.

Ёшлар учун автобус хизмати

Европага саёҳат қилувчилар учун энг кулай транспорт воситалари автобус йўналишларидир. Улардан бири ЕВРОЛАЙНС йўналиши бўлиб, Европанинг 30 та катта шаҳарларини боғлаб туради ва ҳар бир шаҳардан деярли ҳар куни,

кatta шаҳарларда кунига 5 мартагача автобус йўналишлари қатнайди. Турист автобус йўналишларини ўзи танлайди, масалан, 2 соатдан кейин сиз Амстердамда бўлишингиз керак, агар ҳаво бузилиши кўрилса, сиз қуёшли Испанияга саёҳат қилишингиз мумкин. ЕВРОЛАЙНС чипталарини 309 кунга ёки 60 кунга олиш мумкин бўлиб, унинг нархини чиптанинг амал қилиш муддати белгилаб беради. Саёҳат қилиш учун жойларни бир сутка давомида ЕВРОЛАЙНС идораларида банд қилиш мумкин. Туризм энг авжига чиқсан пайтда жойларни эртароқ банд қилиш лозим. Жойни банд килгач, сизга маҳсус купон берилади. Бу купон сиз автобусга чиқаётган пайтингизда кўрсатилади. Биринчи автобус йўналишини сиз чипта сотиб олаётган пайтингизда банд қилишингиз мумкин.

Саёҳат қилаётган пайтда чипталарни ва пулларни хавфсиз жойларга кўйиш тақазо этилади. Йўқолган ЕВРОЛАЙНС чипталари ва пуллари тўланмайди. Сотилган ЕВРОЛАЙНС чипталари қайтиб олинмайди.

Conticі системаси бўйича Европа бўйлаб асосий саёҳатлар

Контики - бу дунё бўйлаб автобусда саёҳат қилиш тизими бўлиб, унда 18 ёшдан 35 ёшгacha бўлган шахслар саёҳат қилишлари мумкин. Туристлар ҳамма шароитларга эга бўлган маҳсус автобусларда саёҳат қилишади ва уларга малакали менежерлар ёлланади. Туристлар ўз саёҳатларини 50 кунгача давом эттиришлари мумкин. Бошқа томондан қараганда Контики тизими бир неча кунлик турларни таклиф этади. Бу студентларни имтихондан кейин саёҳат қилиш имкониятини яратиб беради.

Контики ва Евролайнс автобус йўналишларини банд қилиш тўловларини тўлаш "Симбад травел" туризм агентлиги томонидан амалга оширилади.

Дунёнинг исталган бурчагига студент чегирмаларига эга бўлган авиачипталар Дунё бўйлаб саёҳат қилиш самолётларда бошқа транспорт воситаларига қараганда анча қулайдир. Самолёт учиш тезлиги, қулайлиги, ички хизматлари студентлар учун қимматга тушиши мумкин. Шу сабабли, ёшлар ва студентлар уюшмаси бу муаммони ечишнинг чегирма йўлидан фойдаланишини жорий этмоқда. Шарқ авиакомпаниялари студентлар ва ёшларнинг ички ва ташқи авиарейслари учун ҳар - хил турдаги имтиёзларни яратиб берган. Булардан ташқари, авиарейсларда жойларни банд қилиш ва почта орқали авиачипталар сотиб олиш хизматлари яратиб берилган. Студентлар чегирмасига эга бўлган авиачипталар ISIC ёки GO 25 карточкалари орқали сотилади.

Ижтимоий туризм яна ногиронларга ва қарияларга, нафакахўр ва шу каби тоифалардаги ижтимоий енгиллик ва имтиёзларга эга бўлганларга ҳам мўлжалланган.

Тузилиши жиҳатидан нотижорат ёки тижорат йўналиши туризм ҳам мавжуд: нотижорат туризм - ўз маъносига кўра дам олиш, кўнгилхушлик ва хушчақчақлик учун уюштирилади; тижорат ва ишбилармонлик туризми - мақсади кичик ҳажмдаги буюмларни улгуржи сотиб олишдан иборат.

Тадбиркорлик мақсадидаги туризм - саёҳатнинг кенг тарқалган тури бўлиб, бизнес хизмат кўрсатиш билан туристик фирмаларга анчагина фойда келтиради. Уларнинг кўпчилиги одатда расмий идоралар вакиллари дир. Ишчи сафарлари билан бошқа ҳудуд ёки давлатларга борувчилар, тадбиркорлар - нотижорат ташкилотлари вакиллари бўлиб, улар business travellers тоифасига киради. Туризмнинг бу тури жаҳонда кенг тарқалган, улар туризм статистикасида қатнашадилар, чунки унинг иштирокчилари ўз давлатидан маблағ оладилар ва уни туризм марказларига олиб келишади. Тадбиркорлик туризмида туристлар туристик хизматларнинг катта қисмидан фойдаланишади. Энг қимматли меҳмонхоналарда туришади, бой маданий дастурлардан фойдаланишади, сувенир ва совғаларни фаол сотиб олишади. Бу хилдаги туризм баҳоси юқорилиги, унда фойдаланилайдиган товар ва хизматлар қимматлигидан келиб чиқади. Баъзи давлатлар бундай туризм учун маҳсус визалар беришади. (Эстония, Финляндия ва х. к.).

Конгресс туризм - маҳсус туризм бўлиб, унда съезд ва семинарлар ўтказиш ташкил этилади. У ҳам ишбилармонлик туризмига киради. Бу турдаги сайёхлик дунёда машҳур бўлиб жуда қулайдир. Одатда, бунда конференция иштирокчилари ҳаражатларини уни юборган ташкилот ёки фирма тўлайди. Шунинг учун АҚШ, Швейцария ва Финляндияда бу турдаги саёҳат давлат туризм дастури асосини ташкил этади. Катта меҳмонхоналарда барча зарур нарсалар билан таъминланган катта ва кичик конгресс - холлар, мажлис заллари, бизнес марказлар, банкет заллар, транспорт хизмати ва шу каби конференция ва съезд ўтазиш учун керакли хизмат турлари ва бинолар курилади.

Дунёга машҳур конгресс марказлари анчагина тифиз иш тартибига эга ва ҳар куни 2 - 3 та катта йиғилишлар уюштирилади, шу билан улар аҳоли бандлиги ва юқори даромад олишни таъминлайди.

Конгресс ташкил этишда учрашувдан олдин ва кейин иштирокчиларга катта микдорда қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш имконияти яратилади (кўргазмалар, банкетлар, концерт ва х. к.). Шуни эътиборга олиш керакки, 55 % дан юқори конгресс ва съездлар иштирокчилар сони кўпи билан 200 - 500 гача бўлади ва фақат 15 - 20 % и 100 кишилик иштирокчига мўлжалланади. Жуда катта конференциялар (1000 кишидан кўп) анча кам ўтказилади ва умумий сонининг 10% ини ташкил этади. Қўшимча қулайликлардан яна бири шундаки, конгресслар одатда туризм мавсуми орасида бўлиб, меҳмонхона ва ресторанлардан унумли фойдаланиш имконини беради.

Конференциялар анчагина олдин, учрашувдан 2 - 3 йил олдин режалаштирилади. Баъзи съездлар ва учрашувлар доимий ўтказилиб келинади. Конгресс туризмда унинг ташкилотчиларидан маҳсус маҳорат талаб қилинади. Чунки, жуда кўп ташкилий муаммолар юзага келиши мумкин. Шунинг учун бу турдаги туризм билан маҳсус фирмалар шуғулланади. Масалан, Буюк

Британияда 100 дан ортиқ шу каби фирмалар бор. Улар иштирокчиларга хизмат қилувчи ва ўзлари алоҳида учрашувлар уюштирувчи фирмалардир (масалан, маркетинг, реклама, таклиф, доклад ва кузатувчиларни танлаш ва х.к.).

Шоппинг туризм - ҳарид мақсадидаги туризмдир. Унда савдо дўконларидан, супермаркет, минимаркетлардан ҳарид мақсадида товарлар сотиб олинади.

Хуносаси

Ушбу мавзуда туризм турлари ва унинг турли кўринишлари баён қилиниб, унда туризм шартли равишда икки турга

бўлиб ўрганилди: актив (фаол) туризм ва пассив (нофаол) туризм. Актив туризмда туристлардан катта жисмоний куч талаб этилиши, бундай туризм билан асосий туристлар қатлами шуғулланиши, альпинизм ҳамда тоғга чиқиш каби кўп жисмоний куч ва зўриқишиш бўладиган саёҳатлар бунга мисол бўлиши таъкидлаб ўтилган.

Пассив туризмда эса бунинг акси бўлиб, бундай туризм билан қариялар, пенсионерлар, ногиронлар шуғулланиши, бунга соғломлаштириш туризми мисол бўла олади.

Шунингдек, туризмнинг бошқа хиллари - кўринишлари сифатида: саргузаштли, темир йўл, автойўл, сув йўли, ҳаво йўли туризмларига ҳам алоҳида эътибор берилган, ҳамда дам олиш, роҳатланиш ва кўнгил очарлик, соғломлаштириш, ўрганувчи, қишлоқ, таътил кунларидаги дам олиш, гўзал тоғларга саёҳат, сафари тур, экотуризм, ҳарбий, этник, қариндошларни ва дўстларни кўриш, тарихий, диний - зиёрат, маросим, фалокат жойларига бориш, хазина излаш, ишқий, спорт туризмлари каби саёҳатларни батафсил ёритиб берилган.

Мавзуни ўрганиш жараёнида маҳсус ва ижтимоий туризмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Таянч иборалар

- Туризм турлари
- Актив (фаол) туризм
- Пассив (нофаол) туризм
- Туризмнинг турли кўринишлари

Назорат ва мулохаза саволлари

1. Туризм турлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Актив туризм деганда нимани тушунасиз?
3. Пассив туризм деганда нимани тушунасиз?

4. Махсус туризмни ташкил этиш йўллари қандай?
5. Ижтимоий туризмнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Дам олиш, роҳатланиш ва кўнгил очиш туризми ҳақидаги фикрингизни ифодалаб беринг?
7. Соғломлаштириш туризми ҳақида қандай фикрга эгасиз?
8. Экотуризмни республикамизнинг қайси худудларида ташкил этиш мумкин?
9. Ўзбекистондаги диний - зиёрат туризми объектларидан қайсиларини биласиз?
10. Тарихий туризмга ихтисослашган мамлакатлардан қайсиларини биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм" МКни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштироқини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августдаги "Туризм тўғрисида"ги Конуни.
5. "Основы туристской деятельности" (Учеб. пособие). Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 .
6. Биржаков М.Б. "Введение в туризм". Санкт - Петербург, 2000 .
7. Бгатов А.П. Туристские формальности. Учебное пособие. 2004.
8. Маринин М.М.Туристские формальности и безопасность в туризме. 2004.

6 - боб. Турист тушунчасининг моҳияти

6. 1. Турист тушунчасининг таърифи
6. 2. Туристнинг мақсадлари
6. 3. Туристнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари
6. 4. Туристнинг ирқи, миллати, жинси, ёши, тили, дини

6. 1. Турист тушунчасининг таърифи

Ўзбекистон Республикасининг 1999 - йил 20 - августда қабул қилинган "Туризм тўғрисида"ги қонунида турист тушунчасининг таърифи берилиб, унда: "турист - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахсдир", - дейилади.

Турист - туристик маҳсулот, товар, туристик хизмат, ишнинг - (бутун турнинг) истеъмолчисидир. У бирор жой, ахоли пункти, ҳудуд ёки мамлакатда унинг фуқаролиги, миллати, жинси, тили, динидан қаътий назар ўша жойда 24 соатдан кам бўлмаган ва 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда турувчи вақтинчалик турувчи ёки ўз мамлакатидан ташқарида гурухли ёки якка тарзда камида бир марта ётишини амалга оширувчи, жойлашиш, ҳордиқ чиқариш учун саёҳат қилиш, даволаниш, иш мақсадларини амалга оширувчи ва борган жойида ҳақ тўланадиган бирор фаолият билан шуғулланмаслиги керак.

Аввало, турист туристик маҳсулотнинг истеъмолчиси сифатида деярли барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, жумладан, Ўзбекистон республикасида мавжуд бўлган "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида"ги қонуни ҳимояси остида бўладилар. Туризм истеъмолчиси талаб қилишга ҳақлидир. Турист бўлмаса - туризм ҳам бўлмайди. Кўплаб ва турли жамоат ташкилотлари истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси масаласи билан шуғулланишади. Истеъмолчи дам олиш шароитларига деярли талабдан келиб чиқиб муносабатда бўлади ва тўланган хизмат бажарилмаганида ёки бу хизмат сифатининг ваъда берилгани билан мос тузилмаса шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Таҳлиллар шуни кўрсатадики энг норози сайёҳлар - бу немис туристлари ҳисобланади. Германияда ҳар йили туристик фирмаларга компенсацияни талаб қилиб 500 дан зиёд шикоятлар тушади. Мамлакатда шу каби масалаларни ҳал этиш билан шуғулланувчи маҳсус воситачилар мавжуддир.

Турли мамлакат туристларининг характерлари ва туристик маҳсулотни истеъмол қилишдан мақсадлари қўп даражада умумий бўлишига қарамасдан, муҳим фарқларга ҳам эга. Бундай фарқларнинг моҳияти улар учун ҳаёт тарзи ва дам олишнинг одати, туристик ресурслар билан танишлиги ва ахборотнинг чуқурлиги, тарихни билиши, реалликни объектив қабул қилиш қобилияти ва

ушбу туристик марказда мавжуд бўлган туристик ресурслар ва имкониятлардан фойдаланишга боғлик.

Туристларни, айниқса хориж туристларини қабул қилишда туристик ресурслардан самарали фойдаланиш учун уларнинг ҳаёт тарзини, миллий характери хусусиятларини, тайёргарлик даражаси ва туристик қизиқиши объектини қабул қилиш имкониятини батафсил ўрганиш зарур.

Барча бу кўрсаткичлар ва характеристикалар туристик маҳсулот, хизмат ҳажми ва даражаси, экскурсия матнлари ва ҳ. к. ни лойихалашда ҳисобга олинади.

Хозирги кунда энг кўп тарқалган тадқиқот шакли - туристик марказлар ва худудларга туристларнинг келиши ва кетишини расмий статистика тўплами бўлиб, унда туристик оқимларни, ҳаракат қилиш усуllibарини, туристлар эҳтиёжлари ва уларнинг тўловга қобиллигини, хусусан, туристик ресурсларни қабул қилиш, туристик фаолиятни бошқа таҳлиллари, асосан ушбу худуд учун туризм даромадлилиги бўйича маҳсус тадқиқотлар ўтказилади.

Турист - моддий ва маънавий туристик маҳсулотларнинг истеъмолчисидир. Моддий туристик маҳсулотлар дейилганда - туристларни жойлаштириш, ташиб, овқатлантириш, майший хизматлар кўрсатиш шаҳобчалари, тарихий ва маданий ёдгорликлар ва уларда кўрсатиладиган барча моддий хизматлар мажмуйи тушунилади. Маънавий туристик маҳсулотлар дейилганда эса - (масалан, тарихий туризм бўйича) туристларни тарихий ва маданий ёдгорликлар билан таништириш мақсадида гид - экскурсоводлар томонидан уларга берилган тарихий маълумотлар ва ахборотлар, (маданий туризм бўйича) туристларга фестиваллар, карнаваллар, томошалар, концертлар, театрлар, дорбозлар, циркларда берилган маданий озуқалар, руҳий кечинмалар тушунилади. Демак, туристлар мана шундай туристик маҳсулотларнинг истеъмолчисидир.

Моддий туристик маҳсулотлардаги жойлаштириш тизимининг ўзида туристлар бевосита бир қатор туристик хизматларнинг истеъмолчисидирлар. Олиб юриш ва овқатлантириш тизимида ҳам туристларга истеъмол учун қатор хизматлар мажмуйи кўрсатилади.

Мазкур моддий ва маънавий туристик маҳсулотлардан туристлар қониқиши ҳосил қиласа, ушбу туристик истеъмоллар яроқсиз ва қисман яроқсиз ҳисобланади, ҳамда, ўз навбатида туристлар қонун талаблари билан ҳақ - хуқуqlарини қондириш юзасидан турагентларга мурожаат қилишлари мумкин. Шартномада туристлар томонидан кўрсатилган барча шартлар тўлиқ бажарилиши лозим. Чунки, туристлар мазкур турмаҳсулотлар учун олдиндан ўз маблағларидан пул тўлаб қўйишган. Демак, улар магазинлардан маҳсулот сотиб олган кишилар каби истеъмолчиidlар. Талаб қондирилмаса, охирги йўл - суддир. Бу ҳақда мавзумизнинг кейинги (туристнинг хуқуқ ва эркинликлари) қисмида ҳам тўхталиб ўтамиз.

Турист - вақтинчалик туновчи мусофири. Юқорида кўрсатилганлардан ва туризм тушунчасидан кўринадики - турист худуд ёки мамлакатнинг

вақтингчалик келиб - кетувчиси ҳисобланади. У бу ҳудудга ёки мамлакатга вактингчалик келади, бу жой унинг одатдаги яшаш жойидан фарқ қилади. У туризм мақсадида маълум муддатга келади ва бу муддат б ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Ҳудуд ёки мамлакатга бир ишда б ойдан кўп муддатга келувчи шахс турист ҳисобланмайди ва туризм статистикасида ҳисобга олинмайди.

Вақт омили бўйича туристик саёҳатларни қуидагиларга ажратиш лозим:

1 - 3 кунлик саёҳатлар. Булар дам олиш кунлари ташкил этилади. Бундай саёҳатлар минимал транспорт харажатларида, маданий ва туристик марказларда ўтказилади. Клуб саёҳатлари муҳим ўринни эгаллайди, масалан, турли майдонлардаги голълф ўйинларга ёки бошқа қўринишдаги дам олиш ва хордиқ чиқариш машғулотларига;

4 - 7 кунлик саёҳатлар дунё туризм статистикасида энг кўп тарқалгани ҳисобланади;

8 - 12 кунлик саёҳатлар, маълум даража туристлари учун бу фойдали ва харажатларнинг пасайиши билан кузатилади. Маълум туристик ҳудудларга 2 ҳафтага бир марта бориши 7 кунга 2 марта боргандан арzonро қидир;

Узок муддатли саёҳатлар: 2 ҳафтадан кўп муддатга. Булар шунчалар озки, ҳатто баъзи меҳмонхоналар 2 ҳафталик дам олишни сотиб олган туристга 3 ҳафтани бекорга беришган. Бундай саёҳатлар маҳсус туризм қўринишларга хос.

Ҳар бир туристик ҳудудга ёки марказга турли муддатдаги турлар хосдир. Туризмнинг юқори иқтисодий қўрсаткичлари ривожланган траспорт инфратузилмасига ва алока йўлларига эга чегаравий мамлакатларга хосдир. Турист оқимлари бир вақтда темир йўл, сув, ҳаво ва автомобил траспорти билан боришиди, қисқа муддатли саёҳатда турист ҳар куни кўп кунлликка нисбатан кўп сарф қилади.

Европада қисқа муддатли саёҳат бўйича туристик оқим обороти Францияга 18% гача, Австралияга 12 % гача, Германияга 8 % гачадир. Агар Россиядан Араб Амирликларига ёки Мисрга туризмни қўриб чиқадиган бўлсак, унда асосий саёҳат қисми 6 - 7 кунлик саёҳат бўлиб чиқади.

Албатта, турист вақтингчалик ташриф жойида 24 соатдан кўп бўлади. Инсон физиологиясидан уни дам олиши ва тунашни учун вақт керак, шунинг учун у тунаш жойи сотиб олиши лозим. Тур - бу камида 2 та ёки 3 та туристик хизматлар пакетидир. Шунинг учун жаҳон тажрибасида турниг давомийлиги тунаш бўйича ҳисобланади.

6. 2. Туристнинг мақсадлари

Кишиларнинг узок вақт пул йигиб, кейин қисқа вақтга уйидан саргузашт излаб кетиши ва иқтисод қилиб йиққан пулларини оз кунлар ичидан қўнгилочар тадбирларга ва дам олишга сарфлаши учун унга қандайдир кучли ундовчи сабаб керак. Туризмнинг хорижий туристларни ўзига жалб қилувчи сабабларини

кўриб чиқамиз. Экспертлар энг асосий сабаблар қаторига қуидагиларни киритадилар:

- а) янги маданият ва турмуш тарзи, янгича таом турлари ва анъаналари билан танишиш ва уларни ўрганиш;
- б) қўнгилхушликлар, тунги ҳаёт билан танишиш, сифатли ресторан, дансинглар ва бошқа кўнгилочар муассасаларга бориш имконияти;
- в) озроқ вақт бошқача ҳаёт кечириш, ўйин - кулгига берилиш, узоқ вақт тежамкорлик билан тўплангандарни эркин сарфлаш имконияти, оз бўлсада, ўзини бошқачароқ, юксакроқ инсон сифатида ҳис этиш истаги, умумий вазиятни ўзгартириш, зўриқишдан ҳалос бўлиш, дам олиш;
- г) театрлар, томошалар, фестиваллар, карнавалларга бориш, янги танишлар орттириш, қизиқарли кишилар билан мулоқотда бўлиш, мазкур мамлакатда иш юритиш учун имкониятларни ўрганиш, шоппинг мақсадлар;
- д) эсадалик совғаларини ҳарид қилиш;
- е) денгиз бўйида дам олиш, спорт;
- ж) қишки спорт ва дам;
- з) даволаниш, соғломлаштириш мақсадлари;
- и) диний мақсадлар, зиёрат;
- к) яқинлар ва дўстлар билан учрашув.

Турли мамлакат туристлари учун мазкур сабаблар турлича нисбий кўрсаткичга эга. Таажжубки, туристлар одатда битта агентликнинг хизматларидан фойдаланадилар. Агар биринчи гал улар тўланган маблағга яраша саёҳатдан, кўрсатилган хизматлардан қониқиши ҳосил қилган бўлса, кейин ҳам улар айнан шу агентлик ёки туризм компаниясига мурожаат этадилар, албатта, агар компания туристик сафар йўналишида уларнинг хоҳиши - истакларини тўлиқ қондира олса. Айнан шу сабабга кўра, йирик компаниялар ҳар йили янги йўналишларни ишлаб чиқмоқдалар. Бу етарли даражада мижозларнинг доимийлиги ва агентликнинг уларга бирорта янгилик таклиф қилиши, мижозларни йўқотмаслик истаги билан изоҳланади. Масалан, немис маркетологлари туризм маҳсулотига бўлган талабни ўрганиб, муҳим хуносаларга ҳам келдилар. Яъни, немис туристлари ўзларининг доимий агентлигига мурожаат этганда, улар айниқса қуидагиларга эътибор берар эканлар:

- а) қаерга саёҳат қилиш афзал ва дам олишни қандай ташкил этиш маъқул, - деган саволга жўнли маслаҳат бера оладиган малакали экспертларнинг мавжудлиги - 68%;
- б) агентликнинг манзили - 51%;
- в) фирма офисидаги ёқимли муҳит - 51%;
- г) сифатли хизмат кўрсатиш - 46%;
- д) мақбул нарҳлар - 42%;

е) таклиф этилаётган хизматлар ва турларнинг кўплиги - 42%

Аммо, ҳар қандай турист ҳам туризм фирмасининг ишончлилигини биринчи ўринга қўяди. Туристлар берадиган анъанавий савол: "Туризм фирмаси ишончлими, алданмаслик учун қаерга мурожаат этиш керак?". Бу масала ҳаммани ташвишга солади. Дам олишга маблағ йиғишнинг машаққати жуда юқори, шу сабабли табиийки, одамлар сифатсиз хизмат кўрсатилишидан, туризмдан куттилган таъсурот олмаслигидан доимо ҳавотирда бўладилар.

Туризм соҳасидаги чигаллашиб кетган муносабатларнинг асосий субъекти бўлмиш турист учун ҳам, фойда олишни кўзлайдиган ташкилотчилар учун ҳам асосий мақсад - туристнинг мириқиб дам олиши, шунингдек, билимларини орттиришидир.

Статистика идоралари бу мақсадларни алоҳида бўлимга ажратиб, унга куйидагиларни киритадилар: бўш вақт, рекреация, дам олиш - диққатга сазовор жойларни томоша қилиш, спорт ва маданий тамоша тадбирларига бориш ва уларда иштирок этиш, спорт билан шуғулланиш, пиёда ва альпинистик сафарга чиқиши, соҳилда дам олиш, дўконларга бориш ва товар ҳарид қилиш, қимор ўйинлари, ҳарбийлар учун дам олиш ва рекреация, мактаб ўқувчилари ва ёшлар учун ёзги оромгоҳлар, асал ойлари ва бошқалар.

Хордиқ чиқариш ва дам олиш - инсоннинг табиий эҳтиёжи бўлиб, жисмоний ва руҳий кучини тиклашга, узоқ вақт ишлаш оқибатида пайдо бўлган зўриқишидан ҳолос бўлишга ёрдам беради. Одатда нормал ишлайдиган киши бир йилда бир ҳафтадан бёш ҳафтагача (масалан, Буюк Британияда) дам олади. Баъзи мамлакатларда, масалан, Хитойда таътилнинг ижтимоий - ҳуқуқий институти ҳам, аксарият маҳаллий ҳалқ учун туризмнинг ўзи ҳам йўқ. Маълум тоифа кишилар, масалан, фермерлик билан шуғулланувчилар учун дам олиш мақсадларида ҳақ тўланадиган режали йиллик таътил белгиланмаган. Чунки, бошқа сабабларни бир четга қўйсак, сигир фермерга таътилга чиқиши имконини бермайди, чунки уни ҳар куни соғиш керак. Туризмнинг ҳар бир иштирокчиси, яъни турист ўзи учун жисмоний, маънавий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ва имкониятлари доирасида энг қулай ва мақбул бўлган дам олиш турини танлайди.

Соғломлаштириш ва даволаниш мақсадлари аҳамияти бўйича иккинчи ўринда туради: курорт, пансионат, санаторий, даволаш - соғломлаштириш муассасаларида дам олиш, саломатликка фойда бўладиган саёҳатга чиқиши, даволовчи сувлардан фойдаланиш, даволашнинг бошқа турлари. Айтиш жоизки, дам олишнинг ўзи саломатликка ижобий таъсир кўрсатади ва шунинг учун дам олишнинг бундай тақсимланиши шартлидир.

Кейинги ўринда касбий - хизмат мақсадлари туради: хизмат сафаридаги мутахассислар, масалан, ускуналарни йиғиш ва ўрнатиш учун юборилган хизматчилар, йиғилиш, мажлис, анжуман, конгресс ва қурултойларда, савдо ярмаркалари ва қўргазмаларида иштирок этувчилар, корхона ходимлари учун рағбатлантирувчи сафарлар (инсентив туризм), маъруза ва концертларда

қатнашувчилар, туризм сафарлари дастурларини тайёрлаш (реклама турлари), жойлаштириш ва транспорт хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш, гид вазифасида ва туризм соҳасидаги бошқа касбларда ишлаш, профессионал спорт тадбирларида иштирок этиш, пуллик таълим, ўкув ва тадқиқот фаолияти, қариндош ва дўстларнига меҳмонга бориш, ватанини зиёрат қилиш, дағн маросимларида қатнашиш, ногиронларни парваришилаш, диний мақсаддаги зиёрат сафари ва диний маросимларда иштирок этиш.

Бошқа мақсадлар: йўловчи, ҳаво ва сув кемалари экипажи фаолияти, транзит сафарлар ва бошқалар. Мазкур мақсадларга эришилса, туризмдан кўзланган мақсад, яъни фойда олиш учун имконият туғилади. Туризм хизматларини ташкил этиш ва кўрсатиш борасида бажарилган мешақатли меҳнат ўзини оқлади.

Турли мамлакатлар туризмнинг қайси тури кўпроқ ривожланганига қараб у ёки бу тоифага киритилади, улар статистикада кўрсатилади ёки кўрсатилмайди. Масалан, Санкт - Петербургда йирик порт шахри сифатида денгиз сафари туризми муҳим ўрин тутади (денгиз туристларининг сони мавсум ва минтақадаги вазиятга қараб 150 - 250 минг атрофида). Халқаро туризмнинг барча қонунларига кўра денгиз туристлари экскурсантлар тоифасига киритилсада, улар турист сифатида ҳисобга олинади ва статистик ҳисботда алоҳида бўлимга ажратилади. Бир кунда 21 % россиялик туристлар Финляндияга товар ҳарид қилгани чегара яқинидаги савдо марказларига ташриф буюрадилар. Вакт кўрсаткичлари бўйича улар мамлакатга бир неча соатга ҳаридор сифатида кириб келган экскурсантлардир. Аммо, уларнинг мазкур минтақа иқтисодиётiga қўшган иқтисодий ҳиссаси шундай каттаки, бу минтақа маъмурияти уларни бажонидил туристлар тоифасига киритади. Бу хар томонлама кулайдир, унинг минтақа иқтисодиётидаги салмоқли улуши мамлакатдаги туризмнинг самарадорлиги кўрсаткичини ҳам орттиради, туризм соҳасини давлат даражасига кўтаради.

6. 3. Туристнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасининг 1999 - йил 20 - августда қабул қилинган "Туризм тўғрисида"ти Қонунининг 14 -моддаси "Туристнинг ҳуқуқлари", - деб номланиб, у куйидаги тарзда баён қилинади: турист - шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуудан тўла фойдалниш, саёҳатга таълуқли тўлиқ ва ишончли ахборот олиш, шахсий хавфсизлик, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шунингдек, ўз мол - мулкининг асралиши, шошилинч тиббий ёрдам олиш, шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий заарнинг тўланиши, шунингдек, майнавий зиённинг ўрни қопланиши, агар турнинг умумий қиймати ошиши унинг шартлашилган қийматидан ортиб кетса, шунингдек, форс - мажор холатлари рўй берган тақдирда туристик

фаолият субъектига етказилган заарнинг ўрнини қопламасдан шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга.

15 - модда "Туристнинг мажбуриятлари", - деб номланиб, у қуйидаги тарзда баён қилинади: турист - шартнома шартларига, божхона ва чегара назрати қоидаларига, борилган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

Ҳаракат эркинлиги - туризмни аниқловчи муҳим омилдир, у саёҳатларда қатнашиши учун туризмнинг гармоник ривожланиши ва индивидуал юксалиши учун муҳимдир.

Хукумат миллий қонунчиликда туристик чегара ва божхона муаммоларини енгиллаштириши муҳим аҳамиятга эга. Виза олишдаги қийинчиликлар, чегарадан ўтиш қийинчиликлари мураккаб божхона ва бошқа жараёнлар туризм ривожига тўсқинлик қиласи. Бошқа тарафдан туристларни жалб этишни хоҳловчи мамлакатда соддалаштирилган чегаравий режим қўлланилади, масалан, виза россияликлар учун Миср, Туркия, Кипр, Араб Амирликлари каби қатор бошқа мамлакатларга визасиз режим ёки ташриф аэропорти жойида виза тўғрилаш режими ўрнатилган. АҚШ 26 мамлакат фуқароларидан виза тўғрилашни талаб қиласи. Ҳозирда рус туристлари жалб этувчи контингент ҳисобланади, чунки улар бошқа мамлакатларга нисбатан 3 баробар кўп ҳаражат қиласи. Бироқ, агар биз ноқонуний эмиграция учун туристик визалардан фойдаланишни кўрадиган бўлсақ, туристларга виза бериш хайратланарлидир. 1998 - йил сентябрда туризм каналлари бўйича ноқонуний эмиграция учун Швейцария Россия туристларга виза бериш тартибини мураккаблаштириди.

Туристик проспектларни кузатиб кўрамизки схемаларда қизил белги билан кўрсатилган худудлар ҳарбий обьектлар ҳисобланади, туристларга зиёрат таъқиқланади. Бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам туристларга саёҳат таъқиқланган худудларни аниқловчи меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Агар керак бўлса, туристик фирма вакиллари мутасадди ташкилотлардан маслаҳат, қонун - қоидаларни олиши керак.

6. 4. Туристнинг ирқи, миллати, жинси, тили, ёши ва дини

Туризм ишида халқаро ва миллий ҳуқук меъёрлари бўйича ҳамда кишилар эркинлиги ва туристик хизмат қабул қилиш бўйича турист ирқи, миллати, жинси, ёши, тили ва дини бўйича чегараларга ва тўсиқларга учрамаслиги керак. Барча меъёрлар бўйича - туризм умуинсоний ҳодисадир ва ҳеч ким туризмни амалга оширишда чегараланмаслиги керак. Бу муҳим тамойил 1954 - йилда БМТнинг туризм бўйича конференциясида мустаҳкамланиб қўйилган. Шу тарзда, халқаро меъёрлар бўйича турист учун умуман унинг миллати ёки ирқи муҳим эмас. Муҳими - у фойдаланган туристик ресурсларда қонуний пул тўлаши ва маҳаллий қонунларни бузмаслиги ва ўз вақтида чиқиб кетиши керак.

Туристик миллат

Цивилизациялашган муносабатларда ва меҳмондўстликда 1 - тамойил бу: туризм мақсадларида - турист халқародир.

Турист туризм мақсадларида юридик категория кабидир, у ирқ, миллатга эга эмас ва турист сифатидаги исталган одам, фуқаролик бўйича қатнашади, яъни Ўзбекистондан чиқиб кетган туристик гурӯхга таълуқли. Масалан, рус, бошкир, татар ёки яҳудий Испанияда ўзбек туристлари ҳисобланади. Агар инсон бирор мамлакатга чиқиб кетиб, у ерда 12 ойдан кам муддат туриб ва яқин 12 ой ичидаги унга қайтмокчи бўлса у ҳам шу мамлакат истиқоматчилари таркибиға киритилади. Аммо, халқаро туризм анъаналарига кўра ҳеч қачон жойлаштиришда бир гурӯх турист ичига бошқа гурӯхни кўйилмайди, бошқа миллатли турист ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бир неча ҳолатлар учун хизмат кўрсатиш ташкилоти туристнинг одатий хуқукини, одатини, гигиена удумларини, овқатланишини билиш учун унинг миллатини билиши керак. Масалан, илиқ ўлкалар аҳолиси кондиционерларга ўрганиб қолишиган, европаликни душсиз, иссиқ сувсиз номерларга кўйиш қийин. Бразилиялик меҳмонхонага келгандан кейин зудлик билан уйига - Бразилияга телефон қилиши ва онасига ёки қариндошига ҳаммаси қандайлигини айтиши керак. Овқатлантиришни ташкил этишда Осиё мамлакатлари аҳолиси учун муоммолар мавжуд, масалан япония ва хитойлик.

Бироқ шунга қарамай, туристик формалликларни амалга ошириш хужжатларида, масалан, меҳмонхоналарда жойлашишда, чегарадан ўтишда ва бошқаларда, паспорт эгаси паспортида кўрсатилган миллати талаб қилинади. Баъзи мамлакатлар ирқлар бўйича вақтинчалик мамлакатга ташрифни чегаралашади. Масалан, шундай мисоллар борки, Араб Амирликлари еврейларга ва шу каби паспортида Исроилга борганигини тасдиковчи белгилар бўлса, киришга рухсат этишмайди.

Покистон, Эрон, Ироқ ва Туркия мамлакатлари фуқаролари учун Швецарияга виза олиш деярли мумкин эмас. Чунки, бу мамлакатлар туристлари кўпинча қайтиб кетишмайди ва қочоқ сифатида қайтиб келишмайди. Туристик ва бошқа визалар бўйича АҚШ энг шавқатсиз сиёсатни олиб бормоқда, бу Россия фуқароларига ҳам таълуқлидир. Бироқ, бу тўғридир, чунки келган туристлар эмиграция қонунчилигини ва режимини бузишади. Хусусан, эмиграция ёки иш топиш мақсадларидадир.

Турист жинси

Туризмда аёл ва эркаклар тенгдир. Аммо амалиётда бундай эмас. Бир қатор мамлакатлар ёлғиз аёлларни эмиграция меъёрлари бўйича ёки жуда шафқатсиз назорат қиласади, шу тартиб туристларга ҳам тарқалган.

Жинсий белгилар туристни жойлаштиришда асосий ўрин тутади. Умум қабул қилинган меъёрлар бўйича туристларни жинси бўйича жойлаштиришади, эр - хотин ва оиласарнинг хоҳиши ҳам бунда инобатга олинади. Худди шу тамойил халқаро темир йўл ташишларда қўлланилади. Аёл ва эркак купъелари ташкил этилади, бола 12 ёшдан жинсда фарқи борлиги ҳисобга олинади.

Агар туристик саёхат кўп жисмоний фаолият талаб қилса, дастурни қатнашувчиларнинг имкониятларидан келиб чиқиб тузиш керак.

Алоҳида ҳолларда юқори жисмоний ҳаракатларни талаб қилувчи туристик саёҳатларни амалга ошириш учун докторларнинг кўриги керак бўлади. Бу хусусан, тур ёки транспортда юришларда қатнашиш тўғридан - тўғри таъқиқланган ёки тавсия этилмаган ҳомиладор аёлларга таълуқлидир. Албатта, кекса кишилар учун чегараловлар мавжуд, масалан, суғурта компанияларининг кўп қисми 70 ёшдан ошган қарияларни суғурта қилишмайди.

Туристик зиёрат обьекти сифатида туристлар зиёрати учун очиқ бўлган эркаклар ибодатхоналари аёл бўлган туристлар учун ёки чекланган ёки умуман таъқиқланган, шунга ўхшаш эркак туристлар учун аёллар черковига зиёрат қилишда чекловлар мавжуд. Кийимлар кийиш талаби, туристларнинг ўзининг тутиши, овқатланиши, диний - маданий маросимларни амалага оширишда диний чекловлар назарда тутилади. Масалан, Эронни зиёрат этишга борган Европа аёлларини хулқи ва кийимларига талаблар шунчалар каттаки, туристлар ўзларини туризмни амалга оширмаётгандек ҳис этишади. Туристларнинг хулқи худога ишонувчиларининг ҳис - туйғулари ва диний маросимларини камситмаслиги керак. Бу асосан, аёлларга нисбатан чекловлар қаттиқ ҳисобланган ислом мамлакатлари ва маданий объектлари зиёратида мухимдир. Австралия ва Араб Амирликларига ёлғиз туристик саёҳатга чиққан ёш аёлларга чекловлар мавжуд. Буларнинг кўп қисми ноқонуний эмиграцияни вужудга келтиради.

Ёш

Ёш ҳам баъзи белгиларга кўра туристик саёҳат учун тўсиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Одатда 70 ёшдан ошганлар медицина суғуртасига таълуқли бўлмайди ёки бундай суғурта жуда қиммат туради. Маълумки, фаол ҳаракат усусларини ва юқори жисмоний ҳаракатни талаб қилувчи турлар қари кишиларга тавсия этилмайди ёки умуман таъқиқланади. Аммо, шуғулланган мутахассислар ва спорт усталари, масалан, альпинистлар юқори ёшларда ҳам жисмоний ҳаракатларни талаб этувчи саёҳат ва сайрларда иштирок этишади. Масалан, 1998 - йили альпинизм ветеранлари гурухи навбатдаги анъанавий Элбурсга чиқишни амалга оширишди. Иштирок этганларнинг ёшлари деярли 70, ҳатто ундан ҳам юқори эди.

Туризм мақсадлари ва статистикаси учун қуийдаги ёш тоифалари ажратилади:

0 - 2 ёш	- инфант
3 - 12 ёш	- бола
14 - 18 ёш	- мактаб ўқувчиси
18 - 25 ёш	- ўсмир
18 - 25/26/28	- студент
26 - 44 ёш	- катта
45 - 64 ёш	- катта

65 ёш ва ундан катта - нафақаҳўр

Баъзи мамлакатларда студентлар тоифасига фақат кундузги олий ўкув юртлари бўлимлари қатнашувчилари киради.

Ёш туризмни режалаштиришда, туризм тури ва усулларининг фаоллигини баҳолашда ва саёҳат қилувчининг иқтисодий мустақиллиги ва эркинлигини характерловчи иқтисодий категория сифатида керакдир. Инфант ва ёши кичик болалар оила таркибида саёҳат қилишади, улар қарор қабул қилишда ва иқтисодий тарафдан мустақил эмас. Мактаб ўқувчилари ҳам оила таркибида, ҳам туристик гурӯҳ таркибида саёҳат кила оладилар, бироқ чегеранланган иқтисодий мустақилликка эга бўладилар. Ота - онасиз саёҳат қилинганда олиб бориб келувчи шахс (туристик гурӯҳ раҳбари)га ишонч билдиришлари керак. Олиб бориб келувчи шахс синф гурӯҳи раҳбарлари ёки ўқитувчиси бўлиши мумкин.

Ўсмирлар пулдорлар синфи ҳисобланмайди, аммо қарор қабул қилишида мустақил ва саёҳатни амалга оширишда фаолдир. Ўттиз ёшдан катта одамлар оила билан ёки болалари билан саёҳатни амалга оширишади. Ўрта ва катта ёшдаги туристлар иқтисодий эркин ва фаолдир, кўпинча болаларсиз дам олишади.

Тил

Маҳаллий тилни билиш туристнинг шахсий иши ҳисобланади. Ҳеч ким уни билишга, ўрганишга мажбурламайди. Шунинг учун туристик хизматлар таркибига зарур бўлганда гид - таржимон хизматлари, шунингдек, турли юзага келувчи муаммоларни ҳал этувчи туристик гурӯҳни етакловчи (турлидер, гурӯҳ бошлиги, гид - таржимон) хизматини киритиш керак. Тур қоида бўйича, агар унинг таркибига бошқа тилга ўтказиш хизматлари кўрсатилмаган бўлса, аниқ бир тилда амалга оширилади. Россия ва Ўзбекистон туристик гурӯҳлари учун одатда хорижий давлатларда рус тилида экскурсиялар олиб борилади. Туристик марказларда изоҳловчи ахборот ёзувлари, кўрсаткич ва табличкалар, буклет ва йўл кўрсатувчи ашёлар, туристларнинг миқдорига боғлиқ равишда турли тилларда сотилади. Ҳозирда Россия туристлари доимий зиёратчиларга айланган ва улар учун рус тилидаги ахборот ашёлари тарқатилган. Ўзбекистон туристлари учун ҳам асосан рус тилида тарқатилади.

Дин

Шуни айтишимиз керакки, туристик аҳамиятдаги обьектларнинг 90 % ёки дин, ёки маданият билан боғлиқдир. Улар ҳозирда ўзининг ўрнига эга, ёки ўз мазмунини йўқотган, ёки унитилган. Булар маданий - тарихий бойликлар ва умуминсоний мерослардир. Масалан, Парижда христианликка таълуқли туристик обьектлар 45 % дан юқори. Қандайдир диний конфессияга таълуқли бўлиши туризмни амалага оширишда тўсиқ бўлолмайди. Турист қонунлар билан танишган ҳамда қонун ва одатларни хурмат қилиши керак. Бу ҳолат уни бирор маросимни бажаришга, у ёки бу дин ёки маданиятни агар туристнинг мақсади - хоҳиши бўлмаса мажбурламайди. Агар диний қарашлар бўйича бошқа

динни хурмат қилишга рухий кучи етмаса, унда турист ўша жойни ёки мамлакатни зиёрат қилишни рад этиши керак.

Халқаро меъёрлар бўйича турист қаршилиқсиз диний маросимларни ва ибодатларни амалага ошириш ҳуқуқига эга, бироқ, бу туристларга ҳалакат бермаслиги ва меҳмонхона ҳамда бошқа жамоат жойларида бўлиш қоидаларини ва маҳаллий одатларни бузмаслиги керак. Масалан, йирик халқаро аэропортларда камида уч конфессия вакилларига хизмат қила оладиган диний маросимларни - ибодатларни бажариши учун мўлжалланган маҳсус жойлар мавжуд.

Одатда чёрковлар, ибодатхоналар ва бошқа обьектлар туристлар зиёрати учун қулайдир, уларга эгалик қилувчи жамият ва секталар туристларни улар бундай зиёратларга тўлов амалга оширганлари учун иқтисодий тасаввурларидан келиб чиқиб, жон деб қўйишади. Улар зиёратчиларга мавжуд қоидалар ўрнатишади, хусусан кийим борасида, тартиб борасида, суратга олиш бўйича, ўз экспурсия олиб борувчисини таклиф этиш бўйича.

Ислом мамлакатларида хорижий туристларга диний қонун - қоидаларга мувофиқ жуда катта талаблар қўйилади. Араб Амирликларида жамоат жойларида маст ҳолда бўлиш, яланғоч ёки очик чўмилиши, кийимлари билан чўмилиши таъкиқланади, бошқа чекловлар ҳам мавжуд. Қоидани бузганлар қамоқقا қамалади, жарима ундирилади ва ҳатто калтакланади.

Диний чекловлар овқат турларига ҳам кўйилган. Диний чекловларга кўра, мусулмонлар ва яхудийлар чўчқа гўшти ва у аралашган маҳсулотларни истеъмол қилишмайди. Динига қаттиқ амал қилган яхудийлар диний қоида ва удумларга риоя қилиб тайёрланган маҳсус таомларни талаб қилишади. Нафакат таом турлари, ҳатто, кўнгил очиш турларини чегаралайдиган тўсиқлар ва даврлар ўрнатишади. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг алоҳида гурӯхлари учун туристик маҳсулотни лойиҳалаштиришда ҳисобга олиниши керак. Айтиб ўтиш керакки, кўп миллатлар чўчқа гўштини истеъмол қилишни исташади, буни ҳам инобатга олиб қўйиш керак.

Диний парҳез (тоза) таомлар алоҳида баҳога ва олдиндан келишилган асосда таъминланади. Ҳамма умумий овқатланиш ташкилотлари ҳам бундай тур таомларини таъминлай олишмайди. Агар бу талабларни ҳисобга олган ҳолда бутун гурӯҳ ташкил этилса, парҳез таомлар тайёрловчи мусулмон ва яхудийлар учун маҳсус ресторонлар очишга тўғри келади. Билиб олиш керакки, яхудийнинг столига бир вақтнинг ўзида гўшт ва сут маҳсулотларини ёки уларнинг аралашмасини қўйиб бўлмайди. Туристик саёҳатни ташкил этишдаги бундай талаблар жиддий тўсиқлар бўлиб хизмат қилиши ёки турнинг ва овқатлантириш хизматининг қиммат бўлиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Хунос

Турист туризмнинг юрагидир, у бўлмаса туризм ҳам бўлмайди. Шу боис,

туристларни кўпроқ жалб қилиш ҳамон долзарб масала ҳисобланади. Туристларни излаб топиш, уларнинг хис - туйғуларини ўрганиш, керакли шарт - шароитларни яратиб бериш, ҳордиқларини кўнгилдагидек ташкил этиш - буларнинг бари бир мақсадга қаратилиши керак. Туристнинг ирқи, миллати, жинси, ёши, тили ва дини ўрганилиб қаралиши лозим. Унинг ҳукуқлари, бурчлари ва эркинликлари ҳақида ҳам пухта билимга эга бўлиш шарт.

Таянч иборалар

- Турист тушунчаси
- Ҳукуқлари
- Мажбуриятлари
- Вазифалари ва эркинликлари

Назорат ва мuloҳаза саволлари

1. Турист тушунчасини таърифлаб беринг?
2. Нима учун у вақтинчалик сайёх дейилади?
3. Вакт омили бўйича туристик саёҳатларни қандай ажратилади?
4. Туристнинг ҳукуқлари нималардан иборат?
5. Туристнинг мажбуриятлари қайсилар?
6. Туристнинг миллати энг зарур нарсами?
7. Туристнинг жинси деганда нимани тушунасиз?
8. Турист ёшининг тоифаларга ажратилиши қандай?
9. Турист маҳаллий миллат тилини билиши заарми?
10. Туристнинг динига нима учун эътибор берилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 - йил 20 - августдаги "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.
2. М.Б. Биржаков. Введение в туризм. С.П. -2000.
3. Г. Назарова, М. Мирзаев ва бошқалар. Туризм ҳукуки, Ўқув қўлланма, -Т., 2003.
- 4.Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action.WTO. 2004.
5. Rural Tourism in Europe: Experiences, Development and Perspectives.WTO. 2004.

7 - боб. Туристик индустрия (саноат)

7. 1. Туристик индустрия (саноат) ҳақида тушунча
7. 2. Туроператорлар ва турагентликлар
7. 3. Ташиш ва жойлаштириш индустрияси
7. 4. Овқатлантиришни ташкил этиш

7. 1. Туристик индустрия (саноат) ҳақида тушунча

Туристик индустрия (саноат) - туризм жараёнида туристлар истеъмоли учун зарур бўлган туризм хизматлари, иш ва товарларни етказиб берувчи ўзаро мувофиқлаштирилган тизимдир. Жаҳонда оммавий туризмнинг ривожланиши туризм индустрияси ва хўжаликларнинг бир - бирига боғлиқ тармоқларини, дин ва маданиятни, таълим тизимини шундай қизғин равищда ривожланишини келтириб чиқарди.

Ана шу шарт - шароитлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, туризм индустрияси - бу меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа воситалари, ташиш хизматлари, умумий овқатланиш обьектлари, кўнгил очиш жойлари ва воситалари, билим орттириш, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний - маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентликлари амалга оширувчи, шунингдек, туристик - экскурсия ва гид - таржимонлик хизматларини таклиф қилувчи ташкилотлар мажмуудир. Ўзбекистон республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туристик индустрия тушунчasi қуйидаги тарзда таърифланади:
Туристик индустрия - туристик фаoliyatning touristlarga xizmat kўrsatiishi
taъminlovchi turli sубъектлари (меҳмонхоналар, туристик комплекслар,
кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт
корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи.

Шуни таъкидлаш ўринлики, иштирокчиларнинг тахминан шундай тизимдаги муносабатлари ўрта асрлардаёқ Европа мамлакатларидан муқаддас жойларни зиёрат қилинишини ташкил этишда туризм жараёни ва индустриясини илк бошланиши мавжуд бўлган эди. Масалан, сайёҳ зиёратини амалга ошириши учун мансублиги бўйича воситачига мурожаат қилгач, Рим папасидан олий руҳсат олиши, сўнгра муқаддас ерга жўнаб кетувчи зиёратчилар гуруҳини танлаб оловчи, сузувчи кемаларни жиҳозловчи ва шу гуруҳларни манзилга етказиб, уларнинг жойлашуви, овқатланиши, йўл кўрсатувчи ва қўриқчилар билан таъминлаши ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган компанияга мурожаат қилиши зарур эди. Зиёратчи саёҳатни ташкил этиш учун компанияга зарур бўлган етарлича миқдордаги пулни ўтказгач, ўзи билан катта миқдордаги пулни олиб юришдан холос бўлган. (Изоҳ: ўша вақтларда, маълумки, купюралар бўлмаган.

Йўллардаги қароқчилар эса ўйлаб топилган персонажлар эмас. Дарвоқе, ҳозир ҳам биз бу борада ўтмишдошларимиздан узоклашиб кетаётганимиз йўқ). Бу фаолиятда моҳиятига кўра, ҳозирги замон тушунчасидаги туристик фаолиятнинг, уни молиялаштириш масалаларни ҳам қўшиб ҳисоблаган ҳолдаги барча элементлари мавжуд ва улар ҳозирги замон саёҳатларини расмийлаштириш усулларидан кам фарқ қиласди.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг ёки туристик марказнинг ижтимоий тузилишидан қатъий назар, туризм соҳасида туристик фаолиятни амалга оширувчи бир қанча турли хилдаги корхоналар, чунончи: туризмни ташкиллаштирувчи (туроператор ва туристик агентлик)лар, туристларни ташувчи ва жойлаштириш тизими корхоналари, умумий овқатланиш шаҳобчалари, аттракционлар ва кўнгилочар жойлар, шунингдек, булар билан боғлиқ бўлган бошқа туристик ва унга яқин хизматлар (масалан, банк соҳасидаги муассасалар, суғурта хизмати ва бошқалар) мавжуддир. Туризмнинг маҳсус турларида даволаш муассасалари, ўқитиши тизими муассасалари ҳамда конкрет туристик маҳсулотнинг мақсадларига мувофиқ келадиган спорт ва бошқа муассасалар иштирок этишлари мумкин. Муҳими, бу ташкилотларнинг барчаси бир - бирларини уйғун равишда тўлдириши ва истеъмолчи учун зарур бўлган ҳамда ассортимент бўйича етарлича даражадаги барча хизматларни кўрсата билишда.

Туризм ташкилотчиларига туризм соҳасидаги икки хил корхона мансубдир: туроператорлар ва туристик агентликлар. Бу корхоналар туризм хизматининг ўзи билан бевосита шуғулланмайдилар, балки фақат истеъмолчи билан хизмат кўрсатувчининг ўртасида воситачилик вазифасини бажарадилар, холос. Булардан мустасно, уларнинг фаолияти ҳам ўз навбатида хизмат кўрсатишдир. Франциянинг туристик қонунчилигига бу корхоналарни уларнинг моҳияти ва вазифасининг характеристига мувофиқ равишда туризм ташкилотчилари, - деб тўғри номлайдилар.

7. 2. Туроператорлар ва турагентликлар

Туроператорлар - туристик маҳсулотни шакллантириш (тузиш ёки лойиҳалаш)ни, уни бозор томон ҳаракатини, шунингдек, реализация килинишини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир. (Изоҳ: бу ерда ва бундан кейин жисмоний шахс, - деганда, юридик шахс маълумотига зга бўлмаган тадбиркор сифатида рўйхатга олинган бўлиш кераклиги англашилади).

Мазкур қоидага кўра, туроператорларнинг дастлабки икки функцияси нисбатан тушунарли: яъни, турристик маҳсулотни шакллантириш, - деганда: тур муддатлари, мақсадни аниқлаш бўйича тартиблаштирилган ва бир - бирига боғланган, нархи ва сифати бўйича, кетма - кетлигига кўра келишилган хизмат кўрсатиш ва иш бажариш, уларни таклиф этиш бўйича шартномалар тузиш,

тегишли равища бронлаштириш ва резервлаштириш тушунилади. Бозор томон йўналтириш, - деганда: шундай ишлар мажмуи тушуниладики, бунда потенциал истеъмолчида шу ишларни сотиб олиш учун мойил - рағбат туғдириш бўйича ишлар бажарилади ёки соддароқ айтганда тур ва хизматлар рекламаси амалга оширилади.

Кейинги функция батафсил тушунтириб берилишини талаб этади. Яъни, «Реализация» атамаси икки хил маънога эга: а) сотиш; б) бажариш.

Фаолиятнинг классик (анъанавий) схемаси бўйича туроператор туристик агент - кўтарачиларга туристик маҳсулотни фақат ултуржи сотишни амалга оширади, агент - кўтарачилар эса бу маҳсулотни худудлар ва минтақалар бўйича тақсимлайдилар ва уларни маҳаллий туристик агентликлар орқали сотадилар.

Турларни истеъмолчининг ўзига - туристга чаканалаб сотишни туристик агентлик (қисқача турагентлик) амалга оширади. Баъзан туроператор ўз хузурида маҳсус структуравий бўлинма - фақат туристларга кўрсатишнигина эмас, балки барча агентлик ишларини ўзаро мувофиқлаштириш билан ҳам шуғулланувчи турларни чаканалаб сотиш бўйича марказий туристик агентлигини тузади. Амалиётда туризм соҳасидаги корхоналар ичida туроператорларнинг сони 5 % дан ошмайди, турагентликлар эса 95 % ни ташкил этади.

Бундан ташқари, туроператор туристик маҳсулотни истеъмолчи (турист) олдида бажарилиши учун жавоб беради ва амалда туристик маҳсулотни назорат қилиш ва оператив кузатиб боришни (ҳеч бўлмагандан туристик гурухлар учун - доимо) амалга оширади. Одатда туроператорлик функциясини амалга ошириш учун корхонани шундайлигича юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказишгина эмас, балки бундай фаолиятни амалга ошириш учун маҳсус лицензия ҳам олиш зарур. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 - йил 11 - ноябрдаги "Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида бу масалага ойдинлик киритилган. Россияда (изоҳ: ҳукумат қарори билан 1995 - йилдан бошлаб ҳалқаро туристик фаолиятни лицензиялаштириш тартиби жорий этилган) лицензия олиш фақат ҳалқаро туристик фаолиятни амалга оширишда талаб этилади. Ички туризм соҳасидаги фаолиятда лицензия ва маҳсус рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди. Ўзбекистонда эса ички ва ҳалқаро туризм учун ягона лицензия зарур.

Туроператор туристик маҳсулот истеъмолчиси олдида жавобгар ҳисобланади. Истеъмолчи кўпгина турли хил корхоналар хизматини ўз ичига олган хизмат кўрсатишилар пакетини айнан ундан сотиб олади. Бу жавобгарлик туроператорнинг тегишлика кафолатларини (маълум суммадаги маблағ депозити ёки бошқа таъминот учун банк кафолати, агар лицензиялаштириш қонунлари бўйича мумкин бўлса, профессионал жавобгарликни суғурталаш (Изоҳ: агар бажариш функциясини амалга оширилмаса, ёки атайлиб, туроператор туристларга турни пуллаб, анча - мунча пул тўплаб, шу заҳотиёқ

ғойиб бўлиши мумкин. Буни туризм бўйича фирибгар ва товламачилар мунтазам амалга ошириб келадилар. Бунинг устига на лицензиялаштириш институти, на турли хил кафолатлар туристларни бундай ходисалардан ҳимоя кила олмайди) назарда тутгандир.

Туристик агентликлар (турагент) - бу истеъмолчи (турист)га ёки мижозларга айрим туристик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи юридик шахсдир. Туроператор ёки турагентлик билан уни молия соҳасига ва ҳаттоқи масъулиятни маълум даражада қайта тақсимлашга доир кўзда тутилиши мумкин бўлган жуда хилма - хил ўзаро таъсир ва ҳисоб - китоб қилишлар бўйича агентлаштириш шартномаси боғлаб туради. Сотувчи сифатида агентлаштириш шартномаси бўйича унинг функцияси агар фақат айнан шу воситачилик функциясидан иборат бўлса, турагент, туристик маҳсулот учун чекланган масъулиятга эга бўлади. Мисол учун а) айрим хизмат кўрсатишиларни; б) туроператор томонидан олинган туристик пакетларни; в) пакет билан боғлиқлиги шартланмаган, масалан, якка туристлар учун кўрсатиладиган турли хизматлар мажмуини сотувчи агентликлар мавжуд.

Агентлаштириш соҳасида фаолиятнинг бир нечта турлари фарқланади:

а) шахс номидан ва корхонанинг топшириғи бўйича турларни сотиш.

Моҳиятан бу турли хилдаги туроператорларнинг «туристик йўлланмалар дўкони» дир. Туристик йўлланмада доимо бундай сотишни амалга оширган туроператор ва агентнинг барча реквизитлари тўлиқ кўрсатилади (Изоҳ: агентлик фоизи тушунчаси бор бўлган мамлакатларда, агентлик фоизининг суммаси доимо туристик хизматларнинг чеки ёки ваучерида кўрсатилган бўлади._Бундай мамлакатларда йўлланмалар йўқ, балки ваучер бор бўлиб, унда касса аппаратидаги маълумотни ёзиб қўйиш учун_махсус хошия мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтамиз. Бундай ҳолда агентликнинг ўзи барча оқибатларни ва жавобгарликни бўйнига олган ҳолда туроператорлик функциясини бажаради).

б) Турларни ўз номидан, лекин туристик маҳсулотни муайян туроператорга тегишли эканлигини кўрсатган ҳолда сотиш;

в) Туристик маҳсулотни ўз номидан (бу маҳсулотни конкрет бир туроператорга тегишли эканлигини эслатмасдан), биргаликда яратиладиган туристик маҳсулотни сотиш.

Ўзаро харакат қилишнинг қабул қилинган жадвалидан келиб чиқиб, жавобгарликнинг аниқ белгиланган даражалари, молиявий ҳисоб - китоблар ва фаолиятнинг солиқка тортилиш жадвали юзага келади.

Туристик агент туристик маҳсулотни сотиш жараёнида иштирок этувчилик занжирининг муҳим халқаси бўлиб, ўзининг табиий хусусияти ва истеъмолчининг характеристидан келиб чиқсан ҳолда, потенциал истеъмолчининг ўзигача, иложи борича унинг уйига ёки хизмат жойигача етиб борган бўлиши керак. Айнан шунинг учун ҳам туристик агентликлар жуда кўп ва умумий ҳолларда улар ходимларининг сони бўйича кўпчиликни ташкил қилмайдилар,

лекин ҳамиша витриналик биринчи қаватда ва кўпчилик ўтадиган ерларда жойлашган бўладилар (Изоҳ: баъзи маълумотларга кўра, Нью - Йоркда 324 минг туристик агентликлар мавжуд), ҳар бир агентлик қошида муайян жойлардаги истеъмол бозорининг конкрет бўғинига хизмат кўрсатувчи кўп сонли ёлланма ишчилар ишлашади. Ривожланган мамлакатларда турларнинг энг кўп қисми айнан оиласий агентликлар томонидан сотилади (Изоҳ: оиласий мутахассислар қаторига тиш дўхтирлари, врачлар, хукуқшунослар ва туристик агентлар киради.)

Агентлик телекоммуникацион компютер тармоқлари хизмати туроператорлари ёки бошқа операторлар билан, масалан, агентга ахборотлар ва туристик хизматларни бронлаштириш тизимининг қудратли базасига йўл очиб берадиган глобал халқаро ва миллий тармоқлари билан боғлиқ бўлади.

Хозирги пайтда турларни истеъмолчига интернет тармоғи орқали сотиш шаклланмоқда.

7. 3. Ташиш ва жойлаштириш индустряси

Ташиш тизими - хозирги кунда туристларни пиёда бир жойдан бошқа жойга ўтказишни истисно қилганда, техник тараққиёт даражаси билан белгиланади. Умуман, ташиш деганда куйидаги тизим назарда тутилади:

- ҳайвонлар (филлар, туялар, отлар, эшаклар, иtlар каби жониворлар) билан ташиш;
- ер усти механик харакат воситалари (велосипед, автомобил, автобус, темир йўл) орқали ташиш;
- хаво транспорти (верталёт, самолёт, ракета, дирижабл) дан фойдаланиш;
- сув транспорти (қайиқлар, соллар, дарё ва денгиз, сув усти ва ости кемалари) дан фойдаланиш.

Хозирча инсоннинг техник тафаккури харакатланишнинг бошқа воситаларини ўйлаб топган эмас ва бундан ўзгасини ҳаёл қилиш - илмий фантастик ҳикоялар сюжетларининг маҳсулидир.

Туристларни бир жойдан - бошқа жойга олиб борувчилар иш босқичларига, уларнинг туристик маҳсулот таркибидаги ўрнига мувофиқ равища асосий ва ёрдамчи ташувчиларга бўлинади.

Ташишни иш босқичларига кўра қўйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Трансфер, яъни туристларни жўнатиш жойидаги асосий ташувчига етказиб бериш, туристларни аэропорт терминалидан, вокзалдан меҳмонхонагача элтиш ҳамда худди шу операцияларни туристлар ватанларига қайтаётганларида бажариш. Бунда асосан кўп ҳолларда автобус орқали ташилади;
2. Туристларни боришлари керак бўлган узоқ масофаларга элтиш. Бунда ҳаво йўли, темир йўл ва сув транспортларидан фойдаланиб узоқ худудларга элтиб қўйилади;
- 3. Автобус ва темир йўл турларида маршрут бўйича олиб юриш, бунда

ташиш босқичи аслида турнинг зарурий ва асосий элементи бўлади, ташиш воситалари эса, кўпинча тунаш жойларига айланади, бунга денгиз саёҳатига доир

маршрутларни ҳам киритиш мумкин;

- 4. Экскурсион йўналишлардаги ташиш, масалан, шаҳар бўйича, тематик боғлардаги ва бошқа ташишлар;

5. Шоппинг турлар учун юк ташиш.

Жойлаштириш - туризмнинг энг муҳим элементидир.

Жойлаштириш (тунаш) бўлмаса - туризм ҳам бўлмайди. Бу катта даромад олишга ташна бўлган ҳар қандай туристик худуд ва марказ иқтисодиётининг қатъий талабидир. Мехмонхона индустрияси (Изоҳ: шуни таъкидлаш керакки, туристларни бошқа жой ва мамлакатга жўнатиш ҳам маҳаллий ғазнага солиқлар кўринишида фойда келтиради. Шу билан бирга, агар туристларни қабул қилиш учун жойлаштириш масканлари, ташиш воситалари, аттракциялар ва бошқаларнинг ривожланган индустрияси зарур бўлса, жўнатиш маҳаллий ҳокимиятдан шу индустрия тараққиёти учун анчагина кам капитал маблағ талаб қиласди) меҳмондўстлик тизимининг моҳиятидир. У инсоният тарихидаги ҳар қандай ижтимоий формацияга хос бўлган меҳмонни хурмат қилиш, уни қабул қилиб олиш ва хизмат кўрсатиш тантаналари каби, энг қадимги анъаналаридан келиб чиқади. Шуни таъкидлаш керакки, мутлақо транзит туристлар ва экскурсион хизмат кўрсатиш ҳисобига яшайдиган туристик марказ ва жойлар ҳам мавжуд. Лекин, бу ҳолда яхши фойда олиш учун туристик маҳсулот ва товарни сотишда устамонлик билан ташкил қилувчилик хусусиятга эга бўлиш керак.

Жойлаштириш воситалари ва тизими, яъни асосий воситалар - булар вақтинча келиб кетувчиларга (мижозларга) турли даражада хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда уларни қабул қилиш ва тунашларини ташкил этиш бўйича маҳсус мослаштирилган турли хилдаги ва кўринишдаги (чайладан тортиб то улкан меҳмонхоналаргача бўлган) бинолардир.

Мехмонхона соҳасидаги ўринларнинг сони - туристларни қабул қилиш борасида туристик марказ ёки худуднинг имкониятини баҳолашда фойдаланиладиган энг асосий кўрсаткичdir. Масалан, туристик марказга келиб кетувчи туристлар сонини намойиш этувчи нолларнинг сони исталганча бўлган ҳар қандай ракамни ўйлаб топиш мумкин ва бу ишни раҳбарият олдида ўз фаолликларини исботлашга интилган маҳаллий маъмурият чиновниклари доимо амалга ошириб келадилар. Лекин, меҳмонхоналардаги жойларнинг сони мазкур туристик марказида туристларнинг жойлашуви учун мавжуд бўлган жойлаштириш воситаларининг ҳажми ва ҳақиқий имкониятларини аниқ белгилаб беради. Жойлар (номерлар) фондини тўлиқ ишлатиш жадаллиги эса, маҳаллий маъмурият ва туризм ташкилотчилари фаолиятидаги самарадорликни унга мувофиқ ҳолда аниқлаб беради. Номақбул режалаштириш (ёки уни йўқлиги) шунга олиб келадики, жойлаштириш мавсум пайтида мумкин бўлган

имкониятдан ошиб кетади ва ҳаттоки тунаш учун пулни олдиндан тўлаб қўйган туристлар ҳам чалкашлик туфайли кўчада қолиб кетадилар. (Изоҳ: бундай ҳоллар мавсумнинг айни қизиган пайтларида тез - тез бўлиб туради).

Мехмондўстликнинг (мехмон қабул қилиш) бугунги индустряси - бу худуд ёки туристик марказ хўжалигининг энг кучли тизмидир ва туризм иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир.

Мехмон қабул қилиш индустрясида коллектив (жамоа) ва индивидуал (якка) жойлаштиришни турли хилдаги отеллар, меҳмонхоналар, мотеллар, ёшларнинг хостел ва ётоқхоналари, апортоментлар, туристик хуторлар ташкил этишади.

Республикамида замонавий меҳмонхоналар барпо этиш учун "Меҳмонхоналар классификацияси" ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу хужжат билан мазкур ўқув кўлланмамизнинг 1 - мавзусида атрофлича фикр билдирганмиз.

7. 4. Овқатлантиришни ташкил этиш

Овқатланиш ҳар қандай инсоннинг табиий эҳтиёжидир. Овқатланиш, туризмда одатдаги оддий ва зарурий эҳтиёждан ташқари яна кўнгил очиш ва маҳаллий маданиятнинг, хусусан, гастрономиянинг муҳим таркибий қисмини англаш сифатида ҳам қаралади. Миллий таом - халқ маданиятининг муҳим қисми бўлиб, ўзида аниқ ажralиб турувчи хусусиятларни мужассамлантиради ва хузур - ҳаловат олишнинг воситаси ҳисобланади.

Умумий овқатланиш тизими туристик марказ ёки худудга ташриф буюрувчиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи турли тоифадаги ресторанлар, барлар, кафе ҳамда ошхоналар, тез овқатланиш ва ўзига - ўзи хизмат қилиш жойларидан ташкил топади. Овқатланишнинг турлари (эрталабки нонушта, яrim пансион, пансион) доимо туристик хизматлар кўрсатиш таркибида белгиланган бўлади. Яrim пансионда (икки марта овқатланиш) эрталабки нонушта ва тушлик ёки кечки овқат назарда тутилган бўлади. Пансион - бу уч марталик овқатланишдир. Қимматбаҳо хизмат кўрсатиш вариантларида бутун кун давомида ва ҳаттоки тунда исталган вақтда ва исталган миқдорда овқатланиш ҳамда ичимликлар (спиртли ичимликларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ичиш имконияти назарда тутилиши мумкин.

Шунингдек, таклиф этилаётган овқат хилларининг миқдори ташриф буюрилаётган мамлакат ёки минтақанинг анъаналарига боғлиқ бўлади ва кўпинча калориялилиги ҳамда хизмат кўрсатишнинг турлари белгиланган бўлади. Масалан, (европача, континенталь, инглизча, америкача ва х. к.). Меҳмонларга хизмат кўрсатишнинг тури ҳам муҳимдир (масалан, шведча дастурхон).

Умуман олганда, турист эрталаб енгил овқат тановвул қилиши, яъни енгил нонушта қилиши қабул қилинган. Шунинг учун, одатда, меҳмонхоналарнинг

кўп қисми овқатланиш жойларига ёки ресторанларга эга бўлиб, меҳмондўстликнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатишларни таклиф қиласи, бу эса кўп ҳолларда жойлаштиришнинг қийматига киритилган бўлади. Меҳмонхона қошидаги ресторанда овқатлантириш жойлари мавжудлигининг кўрсаткичи жуда муҳим. Агар бу кўрсаткич (микдор) мавжуд номерлар фонди микдорига мос бўлса (тўғри келса) яна ҳам яхши.

Нонушта масаласида энг яхшиси шуки, турист меҳмонхонадан ташқарига чиқмаслиги керак, гарчи овқатланиш жойлари назарда тутилмаган, туристларга эса яқинроқда жойлашган ресторанда овқатланиши мумкинлиги тавсия қилинган жойлаштириш воситалари ҳам мавжуд бўлсада. Бундай ҳолда жойлаштириш хизматининг қиймати кескин пасайиб кетади.

Таом ҳар бир инсоннинг шунчаки оддий эҳтиёжи бўлиб қолмай, балки туристлар томонидан қўнгил очиш ва роҳатланиш ҳам, - деб қаралади. Турли ҳалқларнинг ва ҳаттоқи жойларнинг таоми ўзига хосликка, кўп ҳолларда ўзига жалб этувчи хусусиятига эга. Бундан ташқари, ардоқли меҳмонни яхшилаб зиёфат қилиш - барча ҳалқларга хос бўлган ёқимли анъанадир. Кўпчилик туристлар учун миллий таомлар тур дастурининг жуда қизиқарли элементи ҳисобланади. Овқат шинавандалари учун маҳсус турлар ҳам мавжуд бўлиб, бунинг асосини мунтазам равишда турли хилдаги миллий таомлар, ресторанларга борищ, гастрономия принципларини ўрганиш ва алоҳида маҳсус таомлар тайёрлаш, маҳсулотларни дегустация қилиш, вино, пиво ҳамда колбаса заводларини бориб қўриш ва бошқалар ташкил этади. Тифиз экспурсион дастурларнинг айrim ҳолларида кундузги овқат туристларга қуруқ паёк ҳолида берилади. Иссик мамлакатларда туристларга катта микдордаги ичимлик суви бериш назарда тутилади.

Овқатлантиришни ташкил этиш тиббий соҳани ҳам ҳисобга олган бўлиши керак. Нотўғри овқатланиш, ёмон (қоидаларга риоя қилмаган ҳолда) тайёрланган овқат захарланишга олиб келиши мумкин. Айниқса, қўчадаги майда сотувчилар қўлидаги сув ва овқат, шунингдек, сифатсиз ресторанлардаги таомлар хавфлидир. Айrim тоифадаги туристлар руҳида диний белгилар бўйича умум қабул қилинган чекланишалар (чўчқа гўштини истеъмол қилмаслик, рўза тутиш), болалар овқати талабларини ҳам ҳисобга олиш керак. Овқатланишга бўлган бундай талабларнинг ўзига хослигини туристлар тур сотиб олаётганларида кўрсатишлари керак.

Хунос

Туристик индустрия - туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турли субъектлари (меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт, сугурта, банк, маданият, спорт муассасалари) мажмуи

хисобланишини биз юқорида кўриб чиқдик. Мазкур мавзуда биз шунингдек, туризмни ташкиллаштирувчилар: тур операторлар ва туристик агентликларни ўргандик. Тур операторлар -туристик маҳсулотни шакллантириш (тузиш ёки лойиҳалаш)ни, уни бозор томон харакатини, шунингдек сотишни амалга оширувчи юридик шахс эканлигини; туристик агентликлар эса - истеъмолчига айрим туристик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи корхона ёки жисмоний шахс эканлигини, туристларни ташиш - филлар, туялар, отлар, эшаклар, итлар, велосипед, автомобил, автобус, темир йўл, ҳаво йўллари, сув йўллари орқали эканлигини билиб олдик.

Жойлаштиришни туризмнинг энг муҳим элементи, - деб хисобладик. Мехмонхоналар - меҳмондўстлик тизимиning моҳияти эканлигини, айниқса, меҳмонни ҳурмат қилиш, уни кутиб олиш ва хизмат кўрсатиш одобини янада яхши эгаллашимиз кераклигини тушундик. Жойлаштириш тизими дейилганда мижозларга маҳсус жойлаштирилган (чайладан тортиб то улкан меҳмонхоналаргача бўлган) биноларни тушундик.

Овқатланиш инсонинг табиий эҳтиёжи хисобланишини, миллий таомнинг туристик фаолиятдаги аҳамиятини, ресторон, бар, кафе, тез овқатланиш шаҳобчаларини ўргандик.

Таянч иборалар

- Туризмни индустряси
- Туроператорлар
- Турагентликлар
- Транспорт
- Меҳмонхона
- Овқатланиш

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Туризмни ташкиллаштирувчилар кимлар?
2. Туроператор ким ?
3. Турагентликлар ҳақида нималарни биласиз?
4. Транспорт индустряси нима?
5. Меҳмонхона индустряси қандай?
6. Туристларни ташиш воситалари деганда нимани тушунасиз?
7. Туристларни овқатлантириш нимадан иборат?
8. Туризм индустряси деб нимани тушунасиз?
9. Тарихий манбалардан ўзбек меҳмонхоналари ҳақида бирон - бир маълумот олганмisisiz?
10. Ўзбек миллий таомларининг туризмда тутган ўрни қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 15 - апрелдаги “2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги фармони.
3. “Туризм тўғрисида”ги Қонун. 1999 - йил 20 - август.
4. Г. Назарова, М. Мирзаев. Туризм хуқуқи. Ўкув қўлланма. - Т., 2003.
5. Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства. Учебное пособие. ГРИФ. 2004.
6. Маринин М.М. Туристские формальности и безопасность в туризме. 2004.

8 - боб. Туризм инфратузилмаси

- 8.1. Туризм инфратузилмаси ҳақида тушунча
- 8.2. Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора - тадбирлари

8. 1. Туризм инфратузилмаси ҳақида тушунча

Туризм инфратузилмаси деганда - туристларнинг туристик захираларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бинолар тизими, мухандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан йўллар, туризмнинг хилма - хил корхоналари ва уларни керакли даражада ишлатиш, ҳамда туризм корхоналарининг ишлатилишини таъминлаш тушунилади. Булар - авто йўл, темир йўл, ҳаво йўллари, денгиз ва дарё йўлари ҳаракатини тартибга солувчи тизимлар, иссиқлик, электр ва телефон алоқалари билан таъминлаш ва бошқалардир. Маълумки, туристик ресурсларсиз туризмнинг ўзи бўлмайди. Мазкур ресурсларда туризм инфратузилмасини яратилсагина биз кутган ҳақиқий туризм бўлиши мумкин. Масалан, табиий - иқлим, тарихий - маданий, маърифий, ижтимоий - майший туризм обьектлари бўлган худудларда керакли инфратузилмани яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Йўл курилиши соҳасини олиб кўрайлик. Албатта туристлар оддий йўловчилар эмас. Уларнинг саёҳати замон талабларига мос равишда бўлиши учун йўлларнинг сифат даражаси қай аҳволда эканлигини бир ўйлаб кўрайлик. Йўлларнинг равонлигига қараб ҳам туристлар оқимининг ошиши мумкин. Йўллар, бозорлар мамлакатнинг иқтисодий ва маданий аҳволи қай даражада эканлигидан далолатдир. Турист - энг аввало дам олувчиидир. Йиллаб тўплаган

пулидан ҳарж қилиб келган турист чарчоқ нима эканлигини билмаслиги керак. Унинг истеъмолчи эканлигини бу ерда ҳам зинхор унутмаслигимиз лозим. Булар нафақат автомобиль йўллари, шунингдек, темир йўлларга ҳам таълуқлидир. Поезд релсларидан тортиб, унинг ичидаги коммуникация ва мухандислик тармоқларининг барчаси - туризм инфратузилмасининг таркибий бир қисми, холос. Поезд купъеларидағи иссиқлик даражаси, ёзда ва қишда бир хил температурадаги ҳолат - туризм хизматининг янада кўтарилишидаги омиллардир. Турист ибтидоий жамият кишиси ёки қай даражада ривож топган мамлакатлигидан қатъий назар унинг оддий фуқароси эмас. У юксак даражада хизмат кўрсатилишини истовчи (ва бунга ҳақли ҳам) истеъмолчидир. Мана шуни ҳеч қачон туризмдан катта фойда кўраман, - деган туроператорлар эсдан чиқармасликлари керак. Нафақат автомобиль ёки темир йўллар, ҳатто туристлар учун маҳсус ажратилган йўллар ҳам талаб даражасида бўлиши лозим. Бундай йўллар алоҳида ажралиб туриши ва туристларга ҳалал берадиган даражада бўлмаслиги лозим.

Мехмонхона ва шунга тенглаштирилган жойлардаги коммуникация ва мухандислик тармоқларида ҳам муаммоларнинг бўлмаслиги туризм соҳасининг янги поғоналарга кўтарилишида ўзига хос ўринни эгаллайди. Иссиқлик тармоғи ишламайдиган, электр қуввати паст, канализация тармоғи беркиб қолган ёки ичимлик суви талаб даражада бўлмаган меҳмонхоналарда туристларнинг бўлишини бир тасаввур қилиб кўрайлик.. Мана шулар ва бошқалар туризм ишининг ривожланишидаги кечиктириб бўлмас ва тезда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардир. Айниқса, олис, тоғли жойлар, катта йўл трассалари, қишлоқларда бу каби муаммоларни ҳал этиш - осон иш эмас, машаққатли вазифадир. Ҳозир республикамизнинг автомобиллар қатнайдиган трассалари, шоҳ бекатлари қай даражада. Трассалардаги шоҳ бекатлар бўлмаган жойларни гапирмаса ҳам бўлади. Туристларга тез тиббий ёрдам бериладиган ва хожатларини чиқарадиган обьектларнинг ўзи йўқ ҳисоб, борлари ҳам талаб даражасида эмас. Аччиқ бўлса ҳам айтиш керак: жойларда бундай обьектларнинг барпо этилишига эътибор паст даражада. Бу нафақат туристлар, ҳатто, катта йўл трассарида қатновчи ватандошларимиз учун ҳам мухим аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. У умумхалк манфаати, давлатимиз манфаатидир. Шундай кўрсаткич билан туризм ривожланишига ким кафолат беради. Бир вақтлар ипак йўли ўтган жойлардаги мухим масканларда карvonсаройлар бўлган. Карvonсаройлар савдо карvonлари учун ҳозирги вақтлардаги меҳмонхоналар вазифасини ўтаган. Унда карvonлар ва савдогарлар тунайдиган хоналардан тортиб, ичимлик суви, овқатланиш хизмати ва бошқа хизматлар (табиблар, машшоклар, қўриқчилар) ўз жойига кўйилган. Юртимиз кўхна тарих ва маданиятга эга. Ҳозирда канализация деб аталувчи тармоқ бундан уч минг йил аввал хизмат кўрсатганлигини исботловчи далилларни археологик олимларимиз тадқиқот ишларида кўрсатиб беришган. Ичимлик суви сардобаларда сақланганлиги, маҳсус

кулолчилик қувурлари - орқали сув олиб келингандиги ва чиқинди сувлар ҳам шундай қувурлардан чиқиб кетгандигини исботловчи манбалар этарли. Булар ҳакида олдинги мавзуларимизда ҳам алоҳида тўхтаб ўтган эдик. Мана шундай тарихий, анъанавий меросимизни яна тиклаш, замонавий ҳолатга келтириш ҳам бугуннинг асл мақсадидир. Бизнинг ушбу фикрларимиз катта шаҳарларимизни инкор этмаган ҳолда қишлоқлар ва катта йўл трассалари ҳакида кетаётир.

Туризм инфратузилмасида банк ва молиявий ташкилотлар - хизматларнинг ўрни алоҳида. Туристлар саёҳатда ва дам олишда хилма - хил хизмат турларидан фойдаланишни ҳоҳлайдилар. Яъни, ўз хоҳиши бўйича бирор нарса сотиб олишни исташади. Бунда улар кўнгил очиш учун ҳар куни кўп микдорда пул сарфлашади. Пулни айниқса, катта микдордаги пулни кўтариб юриш туристларга нокулайлик ва қийинчиликлар туғдиради. Туристнинг катта микдорда пулни олиб юриши ўғриларни, қароқчи ва товламачиларни ва ҳар - хил турдаги жиноятчиларни жиноий ҳаракат қилишларига олиб келади. Туризм ташкил топиши биланок, ўғирланиши ва тортиб олиниши мумкин бўлмаган хавфсиз пул билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Томас Кук туризмни ташкил этишдаги ушбу муаммони ҳал этиш билан шуғулланган ва туристик фаолиятни ташкил этишнинг ҳамма томонларини ўрганиб чиқсан. Натижада, у йўл чекларини ихтиро қилган. Бу хавфсиз пул туризм мақсадида яратилган бўлиб, уни бутун дунё банкларида бемалол маҳаллий валютага алмаштириш мумкин бўлган. Бир қанча вақт ўтиб, бу ташаббусни Американ Експресс фирмаси ўзига қабул қилди. Туризм соҳасидаги бу икки компания суғурта молиявий хизматлари бўйича ҳам гигантга айланди. Кейинрок, пластик карточкалар ихтиро қилинди. Viza, AmEx, Diner Club каби дунё миқёсидағи тўлов тизимлари яратилди. Ушбу тўлов усувларининг қўлланилиши билан туристларнинг ўзлари билан катта микдорда пул олиб юришлари чекланди. Барча магазинлар, ресторонлар ва бошқа туристик марказларнинг корхоналари карточкалар бўйича накд пулсиз тўловлар қабул қила бошладилар.

Ахборот хизмати ҳам туризм инфратузилмасида туристларга ҳам ва унинг ташкилотчилариiga ҳам жуда зарурдир. Турист саёҳатга тайёрланаётганда ҳамда саёҳат вақтида ўзи борадиган жой ҳакида ўша мамлакат ёки борадиган худуднинг қонун - қоидалари, одатлари, меҳмондўстлиги ҳақидаги қўшимча маълумотларга, шунингдек, ўша жойнинг харитасига, транспорт магистраллари жадвалига муҳтоҷ бўлади. Бундай маълумотлар бундан 200 йил аввал чоп этилган.

Саёҳат ва туристларнинг саргузаштлари ҳақидаги маълумотлар оммабол ва маҳсус адабиётлар кўринишида чоп этилади ва бу ҳолат туристларни саёҳат қилишга чорлайди. Замонавий туризмда бўлажак туристларга бепул тарқатиладиган ахборотларни ранг - баранг кўринишида чоп этишга эътибор қаратилади. Туризм соҳаси бошқа соҳаларга қараганда 3 -

5 марта кўп реклама қиласи. Ҳамма йирик туристик марказлар туристлар ва туризм хизматлари учун ахборот CD ROM дискларини чоп этади.

Туризм инфратузилмасини замонавий компьютер хизматисиз тасаввур этиш қийин. Тезкор ахборот ва сўзлашув, янгиликлардан хабардорлик туризмнинг яна бир жиҳатидир. Ҳозирги турист интернет, факс ва бошка замонавий техника воситаларидан фойдаланиши туризм инфратузилмасини қай даражада эканлигидан яна бир нишонадир. Замонавий электрон воситалари орқали туристик хизматлар ва туристик марказлар ҳақидаги маълумотлар жойлашган миллионлаб сайтларга эга бўлган интернет тармоқлари нафақат туризм ва туристик агентликларни танлаш, хаттоки, турсаёҳат чипталари, хизматлар учун тўловларни ҳам олдиндан тайинлаб қўйиши мумкин. Туризм ташкилотчилари ахборот хизматидан кенг кўламда фойдаланадилар. Улар ҳам туристик маҳсулотни ташкил этаётганида маҳсус йўл кўрсаткичларини ўрганадилар. Columbs Press нашриётида ҳар икки йилда қайта чоп этиладиган дунёга машҳур йўл кўрсаткич World Travel Guide да 200 та мамлакатнинг жадвалларини, туристик марказларнинг ва агентликларнинг ҳар - хил каталогларини, мамлакат ва бутун дунё бўйича транспортнинг харакат жадвали чоп этилади.

Мехмонхоналардаги оддий телефон, телевизор, факс, компьютер, музлатгич ва бошқаларнинг бўлиши - булар биз ҳозирда истасак ҳам истамасак ҳам бўлиши зарур бўлган воситалардир. Буларсиз туризм хизмати ёки меҳмонхона бизнеси билан шуғулланишининг ўзи кулгили ҳолдир. Мана шулар туризм инфратузилмасидир.

8. 2. Ўзбекистон республикасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора - тадбирлари

Кейинги йилларда республикамизда туризм инфратузилмасини замон талабига мослаштириш мақсадида кўпгина ишлар қилинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу ишни юксак даражага кўтариш муаммоларини ҳал қилишда ўз ўрнига эга бўлди. Фармон ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши - "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклаш, бунга хорижий сармояларни кенг жалб этиш, шунингдек, замонавий туризм сиёсатини вужудга келтиришга асосий мақсадни қаратди. Бунинг учун эса қуйидаги ўта муҳим ва долзарб масалалар ўз ечимини топиши лозим. Масалан, "Буюк ипак йўли"даги шаҳарлар - Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича маҳсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил этиш, мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида туристлар учун божхона расм - русумларининг халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган

тариби, шунингдек, транзит туристлар учун маҳсус божхона жорий қилиш кўзда тутилди. Ушбу шаҳарларда янги ташкил этиладиган туристик ташкилотлар ва корхоналар барпо этилган пайтдан бошлаб, дастлабки фойдани олгунга қадар ўтадиган даврда, лекин рўйхатга олинган санадан кейин узоги билан уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилиш имконияти туғилди. Шу мақсадда мазкур ташкилотлар ва корхоналар фойда (даромад) олган биринчи йили фойда (даромад) солиғининг 50% ини, иккинчи йили 75 % ини, учинчи йилдан бошлаб 100 % ини тўлашлари белгилаб кўйилди.

Шунингдек, туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи жорижий сармоядорлар, илгари берилган имтиёзларга қўшимча равища, олиб кетадиган фойдадан 5 йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилиниши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, тижорат банкларига тадбиркорлар хусусий меҳмонхоналарини ва меҳмонхона инфратузилмаси иншоотларини барпо этишлари чоғида уларга камида беш йил муддат ичида тўлаш шарти билан кредитлар берилиши ҳамда "Ўзбектуризм" МК Ташки Иктисодий фаолият миллий банки билан биргаликда инвестиция банки - "Ўзсаёҳатинвестбанк"ни ташкил этишларини белгилиб қўйилиши соҳа ривожи учун олиб борилаётган давлат сиёсатининг нечоғли тўғри эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида туризм бўйича Идоралараро кенгаш тузилиб, ушбу кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгилаб берилди:

- а) туризм соҳасида иктиносий ислоҳотларни чуқурлаштириш;
- б) жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишини мувофиқлаштириш;
- в) сайд - томошалар замонавий индустрисини, маданий ва спорт - соғломлаштириш марказларини барпо этишга кўмаклашиш;
- г) ноёб туризм имкониятлари ва тарихий - маданий мерос кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш;
- д) туризм тизимида мувофиқлаштирилган илмий - техникавий ва инвестиция сиёсатини ўtkазиш;
- е) туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

Шунингдек, халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларни ўз вактида ҳал этиш учун жавобгарлик "Ўзбектуризм" МК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари" компанияларининг, Ички ишлар ва Ташки ишлар вазирликларининг, чегара ва божхона хизматларининг раҳбарлари зиммасига юқлатилди.

Мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамаси 1995 - йил 3 - июнда "Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора - тадбирлари

тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарор президент фармонини тўлдириб, яна қуидаги мухим масалалар амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди: тегишли ташкилотлар билан биргаликда туристларни авиа ва темир йўл транспорти орқали ташишда имтиёзлар бериш тартибини ишлаб чиқиш, маҳсус божхона худудларини ташкил этиш, уларни замонавий назорат техникаси билан жиҳозлаш вазифаси юклатилди. Қарорда туризм тизимидағи хусусийлаштирилаётган обьектлардан тушган маблағлар "Ўзбектуризм" МК бўлинмаларини қайта куриш ва техника билан жиҳозлаш мақсадида "Ўзсаёҳатинвестбанк"ка ўтказиш белгилаб берилди.

Валюта операцияларида имтиёзлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч - Хива йўналишларида йўлларни ободонлаштириш, сервис хизматларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш, шаҳардан ташқарида жойлашган туристик обьектлар учун коммуникация тармоқлари тўлови бўйича имтиёзлар бериш, туристик иншоотлар қурилиши бўйича тендерлар ўтказиш, туристлар бўладиган жойларда амалий ва тасвирий санъат, халқ ижодкорлиги буюмлари, реклама маҳсулотларини тайёрлаш - сотишда шаҳобчалар ташкил этиш, хорижда туристик ваколатхоналар очиш - булар ҳам мазкур қарорда белгилаб кўйилган вазифалар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги фармони ҳам бу йўналишга алоҳида эътиборни қаратди. Фармонда мулкчилик шаклидан қатъий назар, туризм ташкилотлари хориждан келтириладиган технология ва меҳмонхона ускуналари, туризм мақсадларига мўлжалланган транспорт воситалари учун божхона "пошлина"лари тўлашдан уч йил муддатга озод қилиниши кўрсатиб ўтилди.

Дастурнинг иккинчи бўлими - "Ўзбектуризм" МКнинг 1999 - 2005 йиллардаги инвестиция дастури", - деб номланиб, унда Самарқанд шаҳрида "Президент отель" меҳмонхонаси қурилиши (маблағнинг 85 % хориж инвестори, 15 % "Ўзбектуризм" МК ҳисобидан), шаҳардаги "Самарқанд" меҳмонхонасини қайта тиклаш (8 млн АҚШ доллари. Хорижий ва маҳаллий сармоя), Хивада янги меҳмонхона қурилиши (бу ҳам 85% га 15 %), Урганчда "Хоразм" меҳмонхонасини қайта тиклаш (7,5 млн АҚШ доллари, Ҳиндистон кредити), Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасини қайта тиклаш (31,5 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя), шунингдек, 50 - 60 ўринли 2 - 3 юлдузли меҳмонхона қурилиши (20 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя), Тошкент вилояти Чорвоқ сув омбори худудида дам олиш зonasи ва гольф клуби қурилиши (100 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя), Бухородаги "Бухоро" меҳмонхонасини қайта тиклаш (8млн АҚШ доллари, хорижий сармоя), Андижондаги 60 ўринли янги меҳмонхона қурилиши (12 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя), Жиззахдаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасини қайта тиклаш (10 млн

АҚШ доллары, хорижий ва маҳаллий сармоя), Термиздаги меҳмонхонани қайта тиклаш (6 млн АҚШ доллары, хорижий ва маҳаллий сармоя), Шаҳрисабздаги "Шаҳрисабз" меҳмонхонасини қайта тиклаш (6 млн АҚШ доллары, хорижий ва маҳаллий сармоя) каби жуда катта маблағ талаб этиладиган вазифалар мақсад қилиб олинганди. Шунингдек, Автобус - автомобиль паркини модернизациялаштириш (замонавийлаштириш) учун 12 млн АҚШ доллари микдорида сармоя талаб қилиниши белгилаб берилди.

Дастурнинг учинчи бўлими - "Маркетинг тадбирлари", - деб номланиб, унда Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ҳақида туристларга информация бериш ва туристик маҳсулотларни таклиф этиш мақсадида Internet, E-mail халқаро информация тармоқларидан фойдаланишини ривожлантириш ҳам асосий вазифа сифатида қаралди.

Дастурнинг тўртинчи бўлими - "Туристларга хизмат кўрсатишни халқаро андозалар даражасига кўтариш, туризм инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш", - деб номланиб, унда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива ша- ҳарларидаги туристларни ижарага автомобиль воситалари билан таъминлашга эътибор қаратилди.

Дастурнинг бешинчи бўлими - "Жаҳон мероси, маданияти ва тарихига кирувчи қўриқхоналар, ёдгорлик ша- ҳарларини муҳофаза этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича тадбирлар", - деб номланиб, унда миллий боғлар, анъанавий чойхоналар, халқ амалий санъати ва кўргазмаларини ташкил этиш ва уларни туризм йўналишларига киритиш, туризм объектларини ва мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ тарихий ва маданий ёдгорликларни доимий равишда қайта тиклашга эътибор қаратилди.

Дастурнинг олтинчи бўлими - "Ички туризмни ташкил этиш бўйича тадбирлар", - деб номланиб, унда Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари туризм марказларида пиёда юрувчи туристлар учун маҳсус йўллар ташкил этилишига эътибор қаратилди.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш туристик заҳиралардан режали фойдаланиш жараёнининг асосий босқичидир. Туристик заҳиралар қанча мафтункор бўлмасин, туристнинг бу табиат инъомларидан фойдаланиши буларга бемалол ета олишига боғлиқ. Агар мазкур табиат инъомига йўл ёки сўқмоқ бўлмаса ушбу объектга кўплаб туристларни жалб қилиш қийин бўлади. Баъзи ҳолларда эса бунинг иложи йўқ. Мисол учун Венесуэладаги Анхель шаршарасига (дунёдаги энг катта шаршара, баландлиги 140 м.) туристлар нисбатан кам боради. Чунки, у ерга бориш учун на йўл бор, на самолёт қўнадиган майдон. Ушбу шаршарага катта қийинчиликлар билан тезоқар дарё бўйлаб қайиқда бориш мумкин. Ўзбекистонимизнинг Қашқадарё вилояти Якқабоғ туманидаги Ҳисор тоғи этагида жойлашган Тошкўрғон қишлоғи ва Амир Темур ғорига олиб бориладиган йўлдаги Ҳўқизбурун шаршарасига туристлар борилишини йўлга қўйилса, айни муддао бўлур эди. Яъни, бу жойларда туризм инфратузилмасини барпо этиш учун катта сармоя

талааб этилади. Республикамизда шундай масканлар кўп. Булардан ташқари, туристларни мафтун қиласидиган жойларга боришнинг қийинчилиги бир томондан бўлса, иккинчи томондан туристлар ўзлари учун етарли бўлган қулагай шароитларни талааб қиласидилар. Масалан, меҳмонхоналар тизимида қабул қилинган стандартларда туристларни икки ўринли, қулагайликлари мавжуд бўлган (ҳожатхона, душ, ҳаммом, иссиқ сув) номерларга жойлаштириш кўзда тутилган. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг чекка худудларида туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қиласиди.

Хулоса

Ушбу мавзуда туризм инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти, республикамизда унга қаратилган чора -тадбирлар ҳакида фикр билдирилган. Туризм инфратузилмаси, - деб туризм билан боғлиқ бинолар, улардаги муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, йўллар, иссиқлик, электр ва телефон алоқалари тушунилишига айтилади. Шунингдек, мавзуда мамлакатимизда кейинги йилларда чиқкан фармон, қарорларда туризм инфратузилмасини ривожланиши учун қаратилган йўл - йўриқлар ёритиб берилади. Айниқса, "Буюк ипак йўли" марказида жойлашган Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида туризм инфратузилмасини ривожланишига эътибор қаратилади.

Таянч иборалар

- Туризм инфратузилмаси
- Бинолар
- Муҳандислик
- Коммуникация
- Электр
- Иссиқлик
- Алоқа

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Туризм инфратузилмаси деганда нимани тушунасиз?
2. Туризм иншоотларининг инфратузилма тизимидағи роли қандай?
3. Туризм соҳасида муҳандислик тармоқлари зарурми?
4. Коммуникация тизими туризм ишида нима беради?
5. Республикамиздаги автомобиль йўлларининг туризм инфратузилмасидаги ўрни қандай?
6. Темир йўлларнинг туризм инфратузилмасидан жой олишига сабабларини тушунтириб беринг.
7. Тарихий шаҳарларда туристлар учун маҳсус йўллар жорий қилинишининг зарурияти нимада?

8. Иссиклик тармоғининг меҳмонхоналар хизматидаги аҳамияти нималардан иборат?
9. Алоқа тармоғи туризм ишида қандай рол ўйнайди?
10. Республикаизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун яна нималар қилиш зарур, - деб ўйлайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 - йил 3 - июндаги "Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора - тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги фармони.
5. Ўзбек давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш марказининг 1998 - йил 31 - декабрдаги "Меҳмонхоналар классификацияси".
6. Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства. Учебное пособие. ГРИФ. 2004.
7. Маринин М.М. Туристские формальности и безопасность в туризме. 2004.

9 - боб. Туристик хизматлар

9. 1 .Туристик хизматлар ҳақида тушунча
9. 2 .Туристик хизматлар таркиби

9. 1. Туристик хизматлар ҳақида тушунча

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунидаги айrim моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, Қонуннинг 3 - моддасида туристик хизматлар тушунчаси ҳақида: "туристик хизматлар - туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот - реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар", - деб таърифланади. Қонуннинг 11 - моддаси: "туристик саёҳат ва туристик хизматлар мажмуи", - деб номланиб, унда куйидаги фикрлар баён қилинади - "туристик саёҳат якка тартибда ёки

туристлар гурухи таркибидан амалга оширилади. Туристик хизматлар мажмуи транспорт (ташиш - М.М.) хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади", - дейилади. Қонуннинг 10 - моддаси: "Туристик хизматларни сертификатлаштириш", - деб номланиб, унда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: "Туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва сертификат бериш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Туристик фаолият субъектининг туристик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек, сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб кўйишига ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади". Қонуннинг 12 - моддаси: "Туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси", - деб номланиб, қуйидаги фикрлар баён этилади: "Туристик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади. Шартномада кўрсатилган хизматларнинг кўлами ва сифати, тарафларнинг хукуклари ҳамда мажбуриятларини, хақ тўлаш ва ҳисоб - китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек, тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди". Қонуннинг 13 - моддаси: "Туристик йўлланма (ваучер)", - деб номланиб, унда: "Туристик йўлланма (ваучер) - туристнинг ёки туристлар гурухининг тур таркибига киравчи туристик хизматларга бўлган хукуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи хужжат", -дейилади.

Турист туристик маҳсулотлар (туристик хизматлар, иш ва товарлар) истеъмолчисидир. Бу ҳақиқат - бу уч қоидадан бирини ёддан чиқарган ёки эътиборга олмаган туристик марказ туризмдан кўзланган фойдани ололмайди. Аксинча, шу қоидаларга амал қилган туристик марказ қийинчиликсиз ривожланади, яхши фойда кўради ва ўз сармоясини туризмни ривожлантиришга сарфлайди. Бунга мисол - Анталия туризми. Бу жой 80 - йиллар охирида ҳам қумли соҳил эди, кейинги 10 йилликда Европа миқёсида энг кучли курортлардан бирига айланди. Бу курортда бир мавсум давомида 1млн. россияликлар дам олади, бу кўрсаткич умумий туристларнинг 10 % ни ташкил этади. У ерда машинасозлик заводлари йўқ, ҳамма нарса туристга хизмат қилиш учун мўлжалланган. Курортни ривожлантириш учун хориждан катта сармоялар киритилмоқда. Россиялик туристлар учун виза бекор қилинган, божхона ишлари енгиллаштирилган. Фақат, ташриф буюринг, дам олинг ва сотиб олинг - шиорига амал қилинади. Анталия соҳилларида ахолини иш билан таъминлаш юқори даражада, ҳатто хориждан ҳам ишчи кучи талаб этилади. Бу тез ривожланаётган Туркия учун жуда катта кўрсаткичdir.

Туристик маҳсулотлар - туристик хизматлар (бронлаштириш, ташиш,

жойлаштириш, овқатлантириш, ўйинлар), туристик ишлар (фото хизмати, сұғурта, ахборот, молия, банк хизмати), туристик товарлар (эсдалик совғалар, хилма -хил тур товарлари, истеъмол товарлари - парфюмерия, тамаки, спиртли ичимликлар, майший техника, кийим - кечак)дан иборатдир.

Туристик хизматлар - турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратылған, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилған ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характеристига ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганлигига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристик хизматлар - туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланувчи туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Умуман хизматлар - бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир. Хизмат бевосита истеъмол жараёнда юзага келади ва алоҳида ҳолда бўлмайди. Бу хизматнинг товар билан асосий фарқидир. Бундан ташқари, товар истеъмолчига олиб келиб берилади, туристик хизматда эса истеъмолчи бевосита хизматнинг пайдо бўладиган ерига олиб борилади. Шунинг учун ҳам туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади.

Туризм хизматида экспорт тушунчаси ва қонун - қоидаси бошқачароқдир. Баъзи манбаларда кўрсатилишича - анъанавий вариантга кўра, туристлар групхи бошлигининг хорижий давлатлардаги хизматлари ва хорижий давлатда ишлаш учун юборилған автобус ҳайдовчисининг хизматлари туристик хизматларнинг экспортига таълуқлидир. Мисол учун, Грузиянинг "Туризм тўғрисида"ги Конунига кўра мамлакат ичидаги хизматлар туризм импорти, ташқарисидаги хизматлар эса туризм экспортига таълуқлидир. Россия ва Ўзбекистон ҳудудидаги маҳаллий туристик корхоналар томонидан хорижий туристларга кўрсатилған хизматлар экспортга алоқадордир ва бунинг учун фирмалар баъзи имтиёзлардан фойдаланадилар.

9. 2. Туристик хизматлар таркиби

Туристик хизмат таркибига - хизматларни буюртма қилиш, ташиш, жойлаштириш ва бошқа барча расмийлаштириш ишлари, ташиб берининг барча турлари, трансфер, овқатлантириш, экскурсия ва аттракционлар, тиббий кўрик ва сұғурта, таржимон хизматлари, учрашувлар ва бошқалар билан таъминлаш киради. Хизматлар таркибига яна - гурӯҳ бошлиғи хизмати билан гид - таржимоннинг хизмати ҳам киритилиши мумкин.

Хар бир турнинг хизматлар доираси турлича бўлиб, дастур билан белгиланади ва ҳар бир хизматнинг ўз ичига кирувчи яна бошқа жуда кўп элементлари бўлади.

Агар туризмни кўриб чиқадиган бўлсак, умумий тамойилларга кўра, хар

бир туристик пакетда энг камида иккита хизмат тури бўлади, булар: ташиш ва жойлаштириш хизматлар пакетидир. Буларни асосий туристик хизматлар (иккита)дейилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда қўшимча туристик хизматлар ҳам бўлиб, уларнинг сони 400 дан ортиқ ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган иккита (асосий) хизмат туридан ташқари қолган барча хизматлар қўшимча туристик хизматлардир. Ҳатто, овқатлантириш ва экскурсия хизматлари ҳам. Туристнинг хоҳишига кўра ташкилотчи томонидан хизматлар кенгайтирилиши мумкин, ёки бу нарса ташкилотчилар томонидан туристнинг танловига кўра белгиланади. Иккинчиси маъкулроқ, чунки, умумий нархлар рақобатнинг тамойиллар ва қадриятларга кўра минимал даражага тушмоқда. Бу эса авваламбор хизматлар пакетининг ҳам минималлашишига олиб келмоқда. Шу аснода ҳар қандай миллатдаги турист бўлса ҳам нархларга эътибор беришини ҳисобга олиш зарур.

Асосий руҳий омилни белгилаймиз: турист турни сотиб олиш ва танлаш даврида ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ҳаражатни камайтиришга интилади. Лекин, бу билан уни очкўз дея олмаймиз, ваҳоланки, шундайлари ҳам тез - тез учраб туради. Пулни сарфлаш - дам олишда катта хузур баҳш этади. Турист дам олиш вақтида пулни ўзига ишлатишни яхши кўради ва шунинг учун экскурсия шаклидаги ёки қўнгилочар ҳаракат шаклидаги қўшимча ҳаридлар - эркин пул ҳаржлашдир. Бундай ҳолатда қўйидаги ибора қўлланилади: турист саёҳат давомида оддий ҳаётга нисбатан анча кўпроқ пул ишлатади. У бу пулларни йил буйи йиққан бўлиши мумкин, лекин ҳеч бўлмаса 1 - 2 ҳафтача тежамкорликдан дам олиш учун пулни ўйламай сарфлайди. Халқаро статистикага кўра туристлар борган жойларда ҳафтасига 600 АҚШ доллариғача пул сарфлайди, олмонлар хасислар категориясига киришади, чунки улар ҳаммадан кўра кам пул сарфлашадилар, руслар бўлса ҳатто шоппинг - турист (тижоратчи)ларни ҳисобга олмаганда, бошқа мамлакат ва миллатларнинг туристларига нисбатан 2 - 3 баробар кўпроқ пул сарфлашади.

Ташиш (олиб бориш) хизмати

Ташиш хизмати бир нечта бўлимдан иборат. Биринчи бўлими - Трансфер - туристни асосий йиғилиш жойига олиб келиш (аэропорт, вокзал...) ва уни белгиланган жойга ташиш (олиб бориш. масалан, курорт, отел...). Иккинчи бўлими жуда узоқ масофага, хорижий элга, ёки бошқа тур марказга ташиш (олиб бориш). Бунинг самараси техниканинг ривожланишига боғлиқ. XIX асрда темир йўлнинг қурилиши туризм учун жуда қулай саёҳат қилиш имкониятини яратди. Унинг қулийлиги нисбатан нархларининг арzonлигидадир. Ҳозирги ривожланган давлатларда (Япония, Франция, Италия, Германия...) тезюарар поездлар (360 км. с) авиация билан рақобатлашмоқда. Биринчи юз йилликда туризм темир йўлдан фойдаланишига асосланди ва камроқ дарё ва денгиз транспортидан фойдаланилди. Биз биламизки Томас Кук Америка ва Европа қитъалари бўйлаб туризмни ташкил қилди. Туризмнинг ривожланишига ташиш (олиб бориш) хизмати асосий

түсик бўлиб қолди. XX аср ўрталарига келиб ҳаво йўллари ривожланди. Замонавий авиалайнерларга (12 минг. км) 300 гача йўловчилар олина бошланди. Бир кечада кундуз давомида замонавий авиалайнерда ер шарининг ҳоҳлаган ерига, ҳоҳлаган тур марказларига бориш имконияти яратилди. Узоқ шимолий россияликлар уч - тўрт соатда иссиқ ўлкаларда, Ўрта ер денгизида бўладилар. Товушдан тез учар самолётлар имконияти эса жуда кенг. Лекин, уларнинг хизмати нархи жуда баланд.

Хизмат сифатига қараб ташиш (олиб бориш) хизмати синфларга ҳам бўлинади. Йирик 14 та синф хизматларига: ҳаво йўлларида 5 та синф хизмати (биринчи бизнес синфи, экологик, туристик ва бошқалар); темир йўлларида 4 та синф хизмати, автобусларда 5 синф хизматлари киради. Отелларни ва ресторонларни классификацияга бўлиниши ҳаммага маълум. Авиалайнердаги бизнес синфи турист ёки экологик синфдан фарқ қиласди. Хизмат синфига қараб нархлар ҳам фарқланади, тур нархлари ҳам худди шундай.

Жойлаштириш хизмати (аникроғи, меҳмонхона индустряси) ҳакида мазкур ўқув қўлланмамизнинг 7 - мавзусида фикр билдирганимиз боис, бу ерда алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз, деб билмадик.

Овқатлантириш хизмати

Зарурияти юзасидан жойлаштиришдан кейин овқатлантириш турди. Тур давомида вақтида овқатланмаслик туфайли туристлар кайфияти жойида бўлмайди. Эрталабги нонушта ҳар доим жойлаштириш ҳисобига киради. Иккинчи овқатланиш меҳмонхона зиммасига ёки алоҳида турист хоҳишига боғлиқ бўлади. Баъзилар: "туррист ухлаш ва овқатланиш учун шундай узоқ жойларга борадими?", - деб савол беришади. Дам олиш ва озиқланиш - ажратиб бўлмайдиган талаб, унинг сифати туристнинг таъсуротларини ва тур хизматининг нархини белгилайди. Қадимги Римликларнинг "Нон ва томоша бўлса", - деган нақли ҳозиргacha ўз кучини йўқотгани йўқ. Одамзот шундай яратилган, эрталаб туриб овқатланади ва кейин маданий ҳордиқ чиқаради. Овқатлантириш хизмати дам олиш ва роҳатланишдан юқори турди. Албатта, овқатланиш бу роҳатланишdir. Мижоз талабига кўра (миллий) таом билан таъминланади. Австралияга борган европалик ҳеч қачон қўнғиз вачувалчанглар билан озиқланмайди, лекин маҳаллий халқ кенгру гўштидан бифштекс ёки тимсоҳ думидан жуда мазали таомни истеъмол қиласдилар. Туристлар ҳам бу таомларни қизиқиши билан татиб кўрадилар. Туризм ташкилотчилари овқатлантиришни чукур ўрганиб чиқишлари ва туристнинг қўнглини тўлдиришлари зарур. Француздар қизил виносиз тушликни қониқарсиз қабул қилишади. Шарқликлар еса ёғли ва аччиқ овқатни хуш кўришади. Америкаликлар карамни билишмайди ва ундан тайёрланган таомни емайдилар. Европаликлар суп - пюрега қўникишган, улар руссларнинг суюқ овқатини истемол қила олишмайди. Улар учун бу "биринчи ва иккинчи таом бир идишда", - дегани. Туристларни овқатлантириш учун ҳар - хил миллатлар таомлари ёзилган маҳсус тавсияномалар бор. Овқатлантириш хилма - хил

бўлиши ва турист учун кутилмаган совға бўлиши керак.

Экскурсия хизмати

Туристик хизматлар таркибига экскурсиялар, походлар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида: "экскурсия фаолияти - туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, дикқатга сазовор жойлар ва бошқа обьектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси (гид) ҳамрохлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми", - дейилган. Гид ҳақида эса: "гид (экскурсия етакчиси) - тур қатнашчиларига туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси доирасида экскурсия - ахборот, ташкилий йусиндаги хизматлар ва малакали ёрдам кўрсатувчи жисмоний шахс", - дейилади.

Экскурсия (excursion) - туристга ва экскурсант (бир кунлик зиёратчи)га таклиф қилиниши мумкин. Экскурсия туристик хизмат бўлиб, туристнинг эстетик, руҳий, боҳабарлик ва бошға қизиқувчанлик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласи.

Экскурсия мобойнида қатнашувчилар оламни англаш, табиат мўжизаларини, тарихий обидаларини кўриш, шаҳар ва паркларда бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Экскурсияшунослик - бу алоҳида, жиддий фан ҳисобланади. Биринчи Россия экскурсия олиб борувчиси Пётр I ҳисобланади. У хорижлик меҳмонларни Санкт - Петербург бўйлаб олиб юриб, қурилишларни кўрсатар ва ўзининг мувоффақиятлари билан мақтанишни ёқтирадар эди.

Экскурсиянинг ўзига хос шартлари ҳам бор: тематика (мавзу), режалаштирилган йўналиш (маршрут), маълум муддатга олдиндан тайёрланган матн ва табиийки, иштирокчиларнинг, яъни экскурсантларнинг бўлиши. Экскурсиянинг функционал аҳамияти - дам олиш, маданий савиянинг ошиши ва мулоқот ҳисобланади.

Аттракционлар, ўйинлар, кўнгилочар машғулотлар ва ўйин бизнеси ҳам туристик хизматлар қаторидан жой олади. Янада аникроғи буларни қўшимча туристик хизматлар, - дейилади.

Кўнгил очишнинг услублари ва хиллари чегарасиз даражада кўп, негаки улар ташкилотчиларнинг фантазияларига боғлиқ. Кўнгил очиш машғулотларининг 110 га яқин энг машҳур ва кўзга кўринган турлари мавжуд. Техника ривожланиши ва ўйингоҳларнинг ташкилотчилари фантазияси билан янгидан - янги дам олиш имкониятлари кўпаймоқда.

Ҳар кимнинг таъби ҳар - хил, баъзи бир туристлар Париждаги тарихий экспонатларини кўриш учун Лувр музейини ҳоҳласа, кўпчилиги Евро Дисней - Уолд Диснейнинг кашфиётларини томоша қилишни ёқтиради. Жуда кўп марказлар, хиёбонлар атракционлар билан тўла. Булар - арғимчоқлар, қийшиқ ойналарнинг кулгу хоналари, учиш жойлари. Мисол учун, Дисней боғининг тематик давоми бўлган космик учишларни бошқариш пулти шаклида

жиҳозланган болаларнинг электрон ўйинлари учун бутун бир зални ажратилган "Дисней Магик", Америкада эса отларда юриш, ҳар - хил фантастик, механиқ ва электрон кўринищдаги томошалардир. Ҳозирги кунда юқори даражага эришган "Дисней Магик" круиз лайнериини келтириш мумкин. Атракционлар тизимида болаларнинг автомат ўйинлари катта ўрин тутади, катталар учун эса янада жиддийроқ ўйин саноатининг янги категориясига оид кўнгил очиш машғулотлари маъқулдир. Улар биллиард, карта, рулетка ва бошқалардир.

Ўйин бизнеси кўнгил очиш тизимида алоҳида ўрин тутади. Лас - Вегас дунёда ўйинлар бизнесининг пойтахти хисобланади. Чўл ўртасидаги кичкина шаҳарча ер юзини ўзининг ўйингоҳлари билан лол қолдирган. Айнан, Лас - Вегасда дунёning энг катта 13 та меҳмонхонаси қурилган. Ўйин заллари бир вақтнинг ўзида 1000 та столни ўз бағрига олади, минглаб туристлар бу ерда ўз омадларини синаб кўришга келишади.

Концертлар, томошалар ва спорт тадбирлари

Туризм марказларида мавсум давомида таниқли артистлар иштирокида концертлар, ҳар - хил томошалар, театр артистлари, таниқли қўшиқчилар билан учрашувлар уюштирилади, ҳалқ ўйинлари, фестиваллари ва карнавалларига катта эътибор берилади. Булар ҳам туристик хизмат қаторидан жой олади. Масалан, шарқий Финландиядаги Савонлин қадимий қўргонида ҳар йили опера фестивали икки ой давом этади. Бу опера фестивалига минглаб туристлар ташриф буоришидаи (бир мавсумда 50 - 60 минг киши). Франциянинг Ницца шаҳрида август ёйида эса жаз мусиқаси фестивали уч кун мобойнида учта катта залда бўлиб, унда 100 дан ортиқ мусиқий гурӯхлар, 300 та таниқли мусиқачилар иштирок этишидаи. Бразилиядаги карнаваллар ҳам бунга мисол.

Кўпчилик туристларни спорт мусобақалари ва биринчиликлари, автомобил пойгалари, теннис, олимпиада, футбол мусобақалари ва бошқа ўйинлар қизиқтиради. Бундай ҳолатларда концерт, театр ва спорт томошаларининг чипталари турпакет хизматлари таркибиға киради. Бундай тадбирларни ҳам кўшимча туристик хизматлар таркибиға киритиб ўрганамиз.

Иш туристик хизмат тури сифатида

Иш хизмати доирасига ҳамма турдаги хизматлар ҳамда туризм хизматига алоқаси бўлмаган ишлар ҳам киради.

Бу ишлар: банклар, кредит карточкалар билан боғлиқ бўлган иш, алоқа хизмати, автомобил ёнлаш, ёқилғи қўйиш хизмати, техник ёрдам хизмати, соғликни сақлашга доир хизмат, болаларга тарбиячи ва бошқа хизматлардир. Шунингдек, майший хизмат кўрсатиш фаолиятининг барча турлари ҳам туристик хизматлардир. Масалан, фотоплёнкани ёритиш, расмни чиқариш, фотоаппарат ва видеокамерани таъмирлаш, сартарошхона хизмати, кийимлар ва буюмларни ижарага бериш, оёқ кийимларни таъмирлашлар ҳам шу хизмат таркибиға киради. Туризмдан ажратиб бўлмайдиган соҳа бу туристларни

кузатиб бориш (тинчлигини таъминлаш). Кўриқчилар меҳмонхонада, музейларда ва кўчаларда ҳам туристлар билан бирга юрадилар. Мисрда туристлар карвон бўлиб, беш - олти автобусда чўл бўйлаб юрганда куролланган милиция билан кузатиб борилади. Грецияда маҳаллий милиция таркиби - тур милицияси ҳам киради ва ҳар бир телефон китобчаларида уларнинг рақамлари мавжуд.

Туристик саёҳат якуни (уйга қайтиш)

Яхши дам олиш ўз йўлига, лекин яхши кайфият билан уйга қайтиш ҳам муҳим. HOMEWARD - муҳим туристик хизмат бўлиб, туристни уйга қайтишини таъминлайди. Туризм бошқарувчи ёки тур олиб борувчи туризм йўналишига ва қайтиш муддатига, туризм режасига, ушланиб қолиш муаммосига, қайтиб келиш муддатини ўзгарганига, туристик гурухни кутиб оловчи транспортни ташкил қилишга ва бошқа ташкилий ишларга жавоб беради. У туристнинг қариндошлари ёки дўстлари кутиб олиши учун қайтиб келиш муддатини, самолётда, поездда ёки автобусда эканлигини етказиши лозим. Агар имкони бўлса, қайтаётган туристни кутиб олишни ва бошқа шаҳарлик бўлса уни жой билан таъминлаш учун меҳмонхонадан брон олиши лозим бўлади.

Хуноса

Мазкур мавзуда туристик хизматлар ҳақида маълумот берилиб, унда Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунидан шарҳ келтирилди. Шунингдек, туристик маҳсулотлар (туристик хизматлар, иш ва товарлар) ҳақида етарли фикрлар баён этилди.

Туристик хизматлар сифатида ҳатто турли ўйинлар, томошалар, спорт тадбирлари, майший хизмат, сугурта, ахборот ва молия - банк хизматларидан мисоллар келтирилди.

Таянч иборалар

- Туристик хизматлар таркиби
- Туристик маҳсулотлар
- Туристик ишлар
- Майший хизматлар

Назорат ва муроҳаза саволлари

1. Туристик хизматлар деганда нимани тушунасиз?
2. Майший хизматлар қайсилар?
3. Туристик ишлар нималардан иборат?
4. Туристик маҳсулотларни санаб беринг?
5. Ташиб хизмати нима учун керак?

6. Овқатлантириш тизими қандай?
7. Экскурсия хизматини ким томонидан ва нима учун кўрсатилади?
8. Ўйинларнинг туризм хизматида тутган ўрни борми?
9. Туристик саёҳат якуни ҳақидаги фикрингиз қанақа?
10. Концертлар, томошалар ва спорт ўйинларини тур пакетга киритиш мумкинми? Нима учун?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм"МКни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштироқини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора -тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августда қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Қонуни .
5. Основы туристской деятельности (Учеб.пособие). Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 г.
6. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000 г.

10 - боб. Туристик товарлар

10. 1. Туристик товарлар ҳақида тушунча
10. 2. Давлат божи олинмайдиган товарлар

10. 1. Туристик товарлар ҳақида тушунча

Туристик товарлар деганда - моддий таъминот буюмлари, ёдгорликлар, совғалар ва турист учун зарур бўлган бошқа нарсалар тушунилади. Турист жуда кўп микдордаги буюмларни қабул қиласи ва сотиб олади. Товарнинг тоифаси туризмда саёҳатнинг ҳарактерига ва туризмнинг хилма - хиллигига боғлиқ. Асосийини шахсий эҳтиёж талаб этадиган товарлар эгаллайди. Шунингдек, спорт анжомларига бўлган талаб ундан кейинда туради.

Пул сарфлашнинг кенг тарқалган усули, саёҳатнинг асосий мазмuni бу роҳат - ҳаловат топишдир. Ҳатто ўзига тўқ одамлар ҳам пулни саёҳат учун тўплайдилар ва уни саноқли кунларда дам олишга сарфлайдилар. Турист ўзи учун одатий бўлмаган жойларни, шаҳар ва мамлакатларни кўришни истайди. Саёҳат ҳар доим туристнинг қандай ҳордиқ чиқарганлиги, қизиқиши,

қониқиши ва таъсуротлари билан ўлчанади. Турист саёҳатдан қониқиши ва роҳатланиши учун тур товарларига жуда кўп пул сарфлайди. Масалан, ўртача бир турист сафар давомида 200 дан 500 \$ гача, бизнес - туристлар эса кўпроқ, Австралия конгрессига кирувчи туристлар 1000 дан 1200 \$ гача пул сарфлайдилар. Кейинги йилларда Россиялик туристлар энг бой ва фойдали туристлар ҳисобланадилар. Россиялик туристлар бир сафар давомида 3000 \$ дан зиёд пул сарфлайдилар.

Туристлар ёдгорлик совғалари ва шахсий талабга қараб, шу юртни ёки жойни характерловчи, саёҳатни эслатувчи совғаларни ҳарид қиласидилар. Масалан, Хаж ва умра зиёратига борганлар Қуръони Карим, жойнамоз, тасбех, бош кийим, зам - зам сувларини совға сифатида оладилар. Бошқа турдаги саёҳатларда эса қуритилган илон териси ёки африкаликларнинг ёғоч барабанини ҳарид қиласидилар. Бу совғалар туристларни кўргани келган қариндош ва меҳмонларга кўрсатилади ёки совға сифатида уларга ҳам берилади.

Яна шундай нарсалар борки, булар саёҳат даврида сотиб олинади. Масалан, карталар, луғатлар, соҳилда керак бўладиган анжомлар, спорт анжомлари, фото анжомлар, видеокамералар шулар жумласидандир.

Туристик масканлар ва марказлар туристлар қўп йиғиладиган жойларда алоҳида арzon нархларни ва божхона талабларини қўядилар. Товарларнинг нархлари ва божхона хизматидаги имтиёзларлар бошқа давлатларга нисбатан белгиланади.

10. 2. Давлат божи олинмайдиган товарлар

Баъзи мамлакатлар хорижий туристлар сотиб олган товарлари учун енгиллик ва имтиёзлар яратиб беришган. Масалан, чегарадан ўтаётганларида баъзи савдо марказларидан сотиб олинган товарларнинг маълум қийматдаги пули қайтариб берилади. Бундай қайтариб бериш миқдори буюм нархининг 20 % ташкил қилиши мумкин. Бу имконият туристларни қизиқтиради ва улар томонидан товар сотиб олиш имкониятини оширади (кийим - кечак, электроника, фото - техника ва бошқалар). Аэропортларда, чегараларда, денгиз круиз сайёхлик судналарида божхона имтиёzlари бор магазинлар фаолият кўрсатади. Бу магазинлар туристлар учун бошқа магазинларга нисбатан 50 % гача арzon маълум товарларни таклиф этади. Лекин, сотиб олинаётган товарларнинг сони чегараланган. Булар кўпинча порфюмерия, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, майший хизмат моллари, электроника, озиқ - овқат маҳсулотларидир. Божхона тўловларисиз савдонинг имкониятлари жуда кенг.

Шоппинг

Туристларнинг шахсий фойдаланиши учун олинган товарлар, яъни қайта олди - сотди қилинмайдиган моллар - юмшоқ шоппинг деб аталади. Майда товарлар олди - сотдилари ҳам туризмга таълуқли бўлади.

Туристлар одатда зиёрат қилинган жойларда керак бўлмаган буюмларни жараён вақтида роҳат олиш учун ҳарид қиладилар. Ҳамма туристлар ўз анъаналарига муносиб керакли маҳсулотларни ўз хоҳишига қараб ҳарид қилишади.

Бундай саёхатларда турга киритилган ҳаражатлар - авиабилет, меҳмонхона, овқатланишлардангина иборат бўлади. Шоппинг - юмшоқ шоппинг асосан шахсий истеъмол товарлари ва совғаларини сотиб олишдир.

Ёш келин - қуёвлар тўй саёхати давомида кўп пул сарф қилишади (бу пуллар қариндошларнинг тўйга берган совғалари ёки тўёналаридан иборат). Энг қиммат туристларни, бизнес туристлар ташкил қилишади. Эркаклар аёлларга нисбатан кўтаринки кайфиятда дам олишади, лекин аёллар товар ҳарид қилишга кўпроқ пул сарфлашлари барчага маълум..

Тур нархига турист товарларини қўшилиши тушунчаси ҳам бор. Унга қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

Туристнинг кунда ишлатиладиган буюмлари мавжуд. 1998 - йилда учта йирик немис туристик компанияси Доминика ҳафталик пляжига пул тўлаш ҳисобига туристларни 20 хил кийим - кечак ва пляжга кириш учун чипта билан таъминланганлар. Бу ҳол туристларни йўл анжомларидан буткул ҳоли бўлиш имкониятини берган. Бу тўлов ичига: бир кунлик кундалик ички кийим, чўмилиш кийимлари, дезодрантлар, тиш шёткаси (пастаси билан) ва бошқа буюмлар кирган. Бу янгилик туристларга маъқул тушган.

Шоппинг турлар

Бир давлатдан иккинчи бир давлатга товар олиб ўтиб сотадиган сотувчилар - чакана сотувчилар бўлиб, улар доимо хорижга саёҳат ёки дам олиш учун эмас, балки тижорат мақсадида борадилар. Кўп мамлакатларда чакана сотувчиларнинг ҳаёти сумкаларини товарлар билан олиб юришдан иборат. Россияда эса уларни "челнок"лар деб аташади. Шуни айтиш лозимки, улар мамлакат иқтисоди учун катта фойда келтиришади, миллионлаб кишиларни иш жойлари билан таъминлашади, давлатга чакана моллар олиб киришади. Бу тармоқда пул айланиши шу даражада каттаки, ҳатто, давлатлар улардан солиқ олиш учун алоҳида қонун ва қоидалар қабул қилган.

Шоппинг турлар билан Хитой, Германия, Россия ва Ўзбекистон ва бошқа давлатлар туристлари ҳам шуғулланади. Шоппинг турлари бошқалар турлар орасида алоҳида ўрин тутади. Бу жамиятнинг иқтисодий даражасини кўрсатади. Швеция ёки Финляндияда камдан - кам туристлар бу туризм билан шуғулланишади. Умуман олганда, бу давлатларда бундай ўлчамдаги шоппинглар йўқ. Россиядан Финляндияга қатнайдиган туристлар 21 % ташкил этиб, кўпчилиги савдо - сотик худудига шоппинг туризм мақсадида келишади. Россиялик шоппинг туристлар Финляндияга спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ҳамда супургини олиб ўтишади.

Хулоса

Ушбу мавзуда туристик товарлар ҳақида маълумотлар берилди. Туристик товарларга шарх, уларни ёдгорлик ва совғалардан иборат эканлиги, бундай товарларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ўрганилди. Шунингдек, айrim саёҳатларга кетадиган маблағлар микдори ҳақида фикрлар баён қилинди. Баъзи мамлакатлар туристларининг сафар давомида сарф қиласидаги ҳаражат суммалари ҳамда давлат божи ундирилмайдиган товарларига алоҳида эътибор қаратилди. Келажакда Ўзбекистонда ҳам туристик товарларга давлат божи тўловлари ундирилмаслиги масаласини кўриб чиқиш керак.

Таянч иборалар

- Туристик товарлар
- Туристик товарлар суммаси
- Давлат божи
- Шоппинг турлар

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Туристик товарлар деганда нимани тушунасиз?
2. Ёдгорлик совғалари қайсилар?
3. Давлат божи нима?
4. Давлат божидан озод қилинган товарлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Ўзбекистонда бож масаласига қандай қаралади?
6. Шоппинг турлар деганда нимани тушунасиз?
7. Бизнес турлар ҳақидаги фикрингиз?
8. Ўзбекистон туристлари қайси мамлакатларга бизнес турларни амалга оширадилар?
9. Республикаизда хорижий туристлар учун бизнес турни амалга ошириш мумкинми?
10. Қайси мамлакатларда бизнес туризм ривожланган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм" МК ни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августда кабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Қонуни .

5. Основы туристской деятельности (Учеб. пособие). Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 г.

6. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000

7. Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства. Учебное пособие. ГРИФ. 2004.

8. Маринин М.М. Туристские формальности и безопасность в туризме. 2004.

11 - боб. Туристик маҳсулотлар

11. 1. Туристик маҳсулотлар ҳақида тушунча

11. 2. Хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш

11. 3. Тур ва турист йўналиши (маршрути)

11. 1. Туристик маҳсулотлар ҳақида тушунча

Туристик маҳсулот (турист учун маҳсулот) - туризм жараёнида туристнинг эҳтиёжини қондириш учун камида иккита туристик хизматлар (ишлар, товарлар)дан ташкил топган хизматлар мажмуасидир. Туристик маҳсулот (турпакет) барча кўрсатилган хизматлар ва ҳаражатларни ўз ичига олган нарх бўйича таклиф этилади, унинг истеъмол хусусиятлари эса шартнома шартларида кўрсатилади. Агар туристик хизматлар кўрсатиш жараёнини қузатадиган бўлсак, унда туризм ташкилотчилари айнан хизмат кўрсатиш билан шуғулланмайдилар, балки улар туристларнинг эҳтиёжларига қараб туристик хизматларни фақат жамлайдилар ва уларнинг комбинацияларини тузадилар, банд қиласидилар, бунинг звазига ўз фоизларини оладилар. Шундай қилиб, туризм ташкилотчилари туристлар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида воситачилик вазифасини ўтайдилар. Туризм ташкилотчилари нима билан савдо қиласидилар ва туристик йўлланма ёки ваучерни ҳарид қилган турист бевосита нимага эга бўлади?, - деган савол туғилади. Агар ушбу жараённи дикқат билан ўрганилса, унда турист ушбу йўлланма ёКИ ҳужжатнинг бошқа тури эвазига келажакда туристик хизматдан (ўрнатилган муддатда) фойдаланиш хукуқига эга бўлади.

Бу ҳолда туристик маҳсулотнинг янги таърифи пайдо бўлади: туристик маҳсулот - турга бўлган хукуқдир. Жараённинг табиийлиги бўйича баҳслашиб бўлмайди, гарчи бундай таъриф бошқа жараёнларни, хусусан сертификациялашни боши берк кўчага олиб келади. Қонун бўйича туристик маҳсулот сертификацияланиши лозим. Хукуқни сертификациялашга ҳали ҳеч

ким ўрганмаган, зеро туристнинг турга бўлган хуҳуқи - унинг истак - хоҳиши маъносида - турга борадими ёки бормайдими, пакетдан тўлалигича ёки бир қисмидан фойдаланадими, рад этадими, сотадими ва ҳоказо.

Албатта, баъзи транспортчилар бу фикрга ҳали етиб келишганича йўқ. Балки шуниси тўғридир, чунки хуқуқнинг барча қонун - қоидалари бўйича - чипта йўловчи ва уни ташувчи ўртасидаги шартноманинг мажудлигини тасдиқловчи хужжат бўлиб, ундан (чипта ва шартномадан) йўлга чиқиш хуқуқи келиб чиқади. Туристик маҳсулотга турга бўлган мавжуд хуқуқни бериш унинг мазмунини торайтиради ва унинг табиий ва хукукий табиатига зиддир.

Шундай қилиб, «туристик маҳсулот турга бўлган хуқуқ» ўзининг ички табиати бўйича тор маъно касб этади, чунки уни ташкил этувчи мураккаб пакетдаги муносабатларнинг фақат озгина қисмини таърифлайди. Бироқ Рим хуқуқшунослиги манбаларида қоида мавжуд - қонун ёмон, лекин у қонун. Қонунни хурматлаш ва унга риоя қилиш керак ва шу сабабли расмий жиҳатдан туристик маҳсулот - турга бўлган хуқуқдир. Ўзининг жисмоний моҳияти бўйича хизматлар, ишлар ва товарлар ва сертификациялаш, яъни сифат муносиблигини баҳолаш мажмуасига хуқуқ эмас, балки аниқ хизматлар, ишлар ва товарлар лозимдир.

Тур - бу аниқ тавсифлар, географик йўналиш ва маълум вақт оралиғида уни ўтиш тартиби, хизматлар кўрсатиш муддати таркиби ва сифати, туризм ташкилотчиси томонидан мақсадга йўналтирилтан ва тартибга солинган керакли ва етарли туристик хизматлар, ишлар, товарлар, туристик маҳсулотларнинг тўплами бўлиб, улар энг камида туристик маҳсулотнинг иккита турли таркиби (масалан, жойлаштириш ва ташиш)ни ўз ичига олган бўлади.

11.2. Хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш

Ўзбекистонда ҳам туристик хизматлар стандартлаштирилади ва сертификатлаштирилади. Бу иш Ўзбекистон метрология ва стандартлаштириш маркази ва "Ўзбектуризм" МК томонидан амалга оширилади. Бунда доимо бош талаб хавфсизликдир. Маҳсулот ёки хизматни сертификатлаштириш берилган маҳсулот ёки хизмат турига бўлган талаблар асосида амалга оширилади. Булар тартибга туширилган ва кераклича ўрнатилган қоидалар мажмуаси - стандартлар, қоидалар, талаблардир. Давлат, соҳа, идоравий стандартлар қатъий ҳисобланади, шунингдек, қоидалар, талаблар, тавсиялар ва бошқа меъёрлар учраб туради.

Маҳсулот ёки хизматнинг стандартлар, талаблар ёки қоидаларга мос келишини текшириш мажбурий ёки ихтиёрий бўлиши мумкин. Мажбурий сертификатлаштириш қонунчилик орқали ўрнатилади. Ўзбекистон республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунида туристик маҳсулотни мажбурий сертификатлаш ёзиб қўйилган.

Мазкур қонун бўйича туристик маҳсулот - турга бўлган хуқуқдир.

Бинобарин, қонунга асосан хукуқни сертификатлаштириш зарур бўлади, бунга эса ҳали жаҳонда ҳеч ким ўрганмаган. Шундай бўлса ҳам, агар хукуқни сертификатлаштириб бўлмаслиқдан дикқатни бошқа томонга бурсак, барча хизматлар сифатини ҳам баҳолаш етарли даражада оддий эмаслиги кўриниб қолади.

Ўз - ўзини бошқариш тизими, масалан, уюшмалар, иттифоқлар ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари, меҳмонхоналар бирлашмалари ўзларининг хусусий хизмат кўрсатиш стандартларини ўрнатадилар, улар факат мазкур бирлашма қатнашчиларига тегишлидир. Ҳалқаро АҚКОР меҳмонхоналар тизими турли мамлакатлардаги 1100 дан ортиқ меҳмонхоналарни бирлаштиради, лекин бу тизимдаги меҳмонхоналарнинг барчasi меҳмонларга хизмат кўрсатишнинг ягона стандартига бўйисунадилар, ягона фирма услугбини қўллайдилар. АҚКОР тизимининг маҳсус органи кўрсатилаётган хизматларнинг ягона стандартга мувофиқлигини текшириб туради.

Республикамида туристик хизматлар кўрсатувчи туроператор ва турагентликлар, меҳмонхона ва транспорт ташкилотлари, овқатлантириш ва экскурсияларни ташкил этувчи корхона - ташкилотларни мажбурий сертификатлаштириш тизими яратилган.

11. 3. Тур ва турист йўналиши (маршрути)

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунида: тур - муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат, - дейилади.

Турист йўналиши (маршрути) - географик атама бўлиб, муайян ҳудуд ва обьектлар хусусиятларига боғланади. Унда турли даражадаги тафсилотлар, поход, саёҳат трассаси тасвириланади. Турист йўналиши (маршрути) ёки саёҳатнинг қисқача тавсифи иллюстрациялар, ҳариталар, чизмалар, обьектларнинг матн орқали тасвириланишида кўринади. Туризм таъсуротлари, саёҳат қилинаётган пайтдаги (ёки кейинроқ) турист йўналиши (маршрути) ёки саёҳатдан эсдалик сифатида ўзи фойдаланиши ёки шундай йўналиш такрорланганда қўллаш учун, шу йўналишдан ўтадиган ёки шу обьектга ташриф буорадиган бошқа турист ва саёҳатчилар учун қисқача ёзиб ўтиш саёҳатчи фаолиятининг мазмuni хисобланади.

Турнинг жойга географик боғланиши бўйича тизимли, радиал, ҳалқасимон ва крослинг - турларини кўриб чиқамиз.

Турист йўналиши (маршрути) жўнаб кетиш жойидан, етиб бориш жойи (туристик марказ, курорт) гача тизимли бўлиши мумкин, кўп ҳолларда турист етиб келгандан сўнг битта отелда яшайди, шу ҳудуд чегарасида экскурсия ва бошқа юришларни амалга оширади. Ҳар куни бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, ўз жомадонлари ёки рюкзакларини йиғиширишни ёқтирмайдиган туристлар учун бундай маршрут қулайдир. Бир жойга келиб, нарсаларни жойлаштириб, куйлакларни шкафга илиб, шу ҳудуд чегарасида экскурсияга ва пляжга бориб, отелдаги ўз хонасида етти - ўн кун яшаш бундай туристларга хосдир.

Орқага қайтиш билан, ташриф буюриладиган аҳоли пунктларида ва объектларда тунаб қолиши танланган турист марказдан радиал жой ўзгариши варианти ҳам мумкин. Масалан, Мисрдаги Хургада курортига етиб келган туристлар иссиқ, қуёш ва илиқ денгиздан баҳра олиб, икки кундан сўнг Қоҳира ва Гизага икки кунлик саёҳатга жўнайдилар. Хургада отелидаги жой шу икки кунлик экскурсия мобайнида улар ҳисобида қолдирилади.

Ташриф буюриладиган худуд ёки мамлакат бўйича халқасимон маршрут ҳам бўлиши мумкин, бунда мамлакат ёки худуд келиб тушиш жойи (шартли равишда аэропорт, темир йўл станцияси) ўзгармас, яъни мамлакат бўйлаб саёҳат ўша пунктнинг ўзида бошланади ва тугайди. Сўнгги вариант кроссинг - тур деб аталадиган мамлакатлар учун хосдир. Масалан, турист АҚШГа Ньго -Йоркка келади, мамлакат бўйлаб саёҳат қиласи ва ўз ватанига Лос -Анджелесдан жўнаб кетади. Турлар ташкил қилишнинг бошқа кўплаб вариантларини кўриб чиқиш мумкин. Умуман барча нарсалар тур маршрут бўйлаб туристларни олиб юришни брон қилиш тартиби аниқлаб беради.

Табиийки, туристик маршрутларнинг турли варианларидан ташкил топган исталган комбинациялар амалга оширилиши мумкин. Масалан:

Поход (турист сафари)

Поход ёки турист сафари - туристга кўрсатиладиган хизмат (туристга кўрсатиладиган хизматлар мажмуаси, турист учун маҳсулот) бўлиб, у туристларни соғломлаштириш ва маънавий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди, агар поход кўп кунлик бўлса турист йўналиши (маршрути) бўйлаб юриш ва кўчиб ўтишнинг фаол услубларини ташкил этади. Походлар мақсадлари бўйича бир - биридан фарқ қилиши мумкин: соғломлаштирувчи, саргузаштли, спорт билан боғлиқ йўналишлар, ўқув - машқ ва бошқалар. Давомли экскурсия ҳам походлар туркумига киради.

Турист сўқмоғи

Турист сўқмоғи - турист қизиқишининг предмети ва обьектиdir. У доимо қизиқарли. Ушбу алоҳида маҳсулот туризмнинг икки хилидан келиб чиқади. Биринчи ва энг кўп тарқалгани санаториялар, дам олиш уйларидаги пиёдалар сўқмоғи бўлиб, у назорат қилинувчи узунликда жисмоний харакат билан енгил сайд қилиш учун мўлжалланган. Одатда сўқмоқлар бир тарафли ҳалқа йўлак бўлиб, бир жойнинг ўзида бошланади ва тугайди. Бундай сўқмоқлар одатда йўлни ўзи кўрсатиб туради. Улар да кўрсаткичлар ва ахборот плакатлари ўрнатилади. Қўриқхонали сўқмоқлар алоҳида туркумни ташкил қиласи, улар аҳоли ва туристларнинг кўриш ва ихтиро қилиш тамойилидаги мустақил походлари учун мўлжалланади. Тайёрланган сўқмоқлар ахборот воситалари, кўрсаткичлар, плакатлар ёки батафсил маълумот ёзилган маҳсус брошюралар билан таъминланади. Турист сўқмоқларининг ҳавфсизлик томонларини ва томоша қилиш майдончаларининг тузилишини ҳисобга олиб тайёрлашнинг маҳсус услубиёти мавжуд.

Шундай сўқмоқлар борки, уларни турист гурухлари билан ўтища йўналишни биладиган йўл кўрсатувчи талаб этилади, сўқмоқни якка турист ўтиши тавсия этилмайди ёки ман этилади. Ута мураккаб маршрутлар туристларнинг хордиқ чиқаришлари учун бошпана ва уйчалар билан, кўтилмаган ҳолатларда ишлатиш учун маҳсулотлар билан таъминланади.

Турист сўқмоғининг бошқа варианти синалган йўналишdir, бу бир томондан турист учун қизиқарли (ёки ташриф, томоша қилиш учун қулай яқинликда жойлашган) бўлса, бошқа томондан, уни ўтишда энг кўп қийинчилиги бўлган сўқмоқ ҳисобланади. Кўп сўқмоқлар азалдан овчилар, биринчи ўтувчилар, маҳаллий аҳоли томонидан очилган, кейинчалик ҳар ерда ҳозири - нозир туристлар томонидан тезлик билан энг чиройли ва ўтиш осон бўлган жойлар ўзлаштириб олинган. Турист сўқмоғи тушунчаси, шунингдек, миллий ва бошқа боғларнинг тузилиши муаммоларига ҳам таълуқлидир. Туристлар учун сўқмоқлар очилганда, бир томондан улар ҳавфсиз ва қизиқарли бўлиши, бошқа томондан, ушбу сўқмоқлар экология ва табиатни асраш талабларини, имконияти борича ўсимлик ва ҳайвонот оламига камроқ зарар етказишни ҳисобга олади. Чунончи, ўтган асрда бунёд этилган Крюгер (ЖАР) миллий боғида 2500 км.дан ортиқ турист сўқмоқлари солинган, улар ҳозирга келиб туристларни олиб юрувчи микроавтобуслар учун маҳсус қопламали йўлларга айланган, туристлар машинада бораётиб ҳайвонларни кузатишлари, камёб жониворларни табиий ҳолатда суратга туширишлари мумкин. Турист сўқмоғининг алоҳида турини денгиз паркларида сув усти ва остида кузатиш мумкин. Денгизда яшовчи ҳайвонларни кузатиш учун қирғоққа яқнн жойлардаги сув устида маҳсус кўприкчалар ёки бир бутун сув ости галереялари Истроил ва Австралияда қурилган.

Хуноса

Ушбу мавзу туристик маҳсулотлар ҳақида тушунча, хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, Ўзбекистонда унга бўлган эътибор, тур ва турист йўналиш (маршрути), поход, турист сафари ва бошқалар ҳақида фикрлар баён этилади. Шунингдек, бу борадаги баъзи амалий ишлар билан танишилади.

Таянч иборалар

- Туристик маҳсулотлар
- Хизматларни стандартлаштириш
- Хизматларни сертификатлаштириш
- Тур ва турист йўналиши (маршрути)

Назорат ва мuloҳаза саволлари

1. Туристик маҳсулот деганда нимани тушунасиз?
2. Хизматларни стандартлаштириш механизми қанақа?
3. Хизматларни сертификатлаштиришда эътибор берилиши лозим бўлган томонлар қайсилар?
4. Тур нима?
5. Янги ёки маҳсус туристик йўналиш (маршрут) ишлай оласизми? Қайтарзда?
6. Хорижий давлатларда стандартлаштириш тизими қандай?

7. "Мөхмөнхоналар классификацияси" нима учун керак?
8. Турга бўлган хукуқ деганда нимани тушунасиз?
9. Турнинг турлари қайсилар?
10. Туристик йўналиш (маршрут)нинг вариантларини айтиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда

туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 1999 - йил 20 - августдаги "Туризм тўғрисида"ги Конуни.

3. Ўзбек Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаштириш марказининг 1998-йил 31-декабрда рўйхатга олган "Мөхмөнхоналар классификацияси".

4. Г.Назарова, М.Мирзаев ва бошқалар. Туризм хукуки. Тошкент, Талкин, 2003 й.

5. Trevel Guide Uzbekistan - Tashkent: National Company Uzbekturizm. 2003.

6. Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action.WTO. 2004.

12 - боб. Туристик ресурслар

12. 1. Туристик қизиқиши объектлари
12. 2. Туристик ресурслар

12. 1. Туристик қизиқиши объектлари

Туризм туристик ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдаланишга асосланган. Туристик ресурслар - туризм жараёнида инсонларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган туризмга тегишли объектлардир. Туристик ресурслар бўлмаган жойда туризм ҳам булмайди. Алоҳида туристик ресурслар инсон ҳаёти учун хавфли бўлиши ҳам мумкин. Туристик ресурслар ва объектлардан туризм мақсадида фойдаланиш асосини туристик қизиқиши ва тасъуротлар ташкил қиласди.

Туристик қизиқиши деганда - туристнинг туристик объектдан аниқ ахборот - маълумот олиб, ҳис - туйғуларининг ошиши, ақл бовар қилмайдиган даражада нимагадир эришиши, пировардида эса - унинг дам олиши ва кўнгилочар томошалар кўриши учун барча шарт - шароитларнинг мавжудлиги тушунилади.

Туристик қизиқиши объектлари - диққатга сазовар жойлар, табиий - иқлим худудлари, тарихий - маданий ёдгорликлар, кўргазмалар ва бошқа туристик сафар ёки саёҳатдан фойдаланиш жараёнида турист эҳтиёжини қондирисига қодир бўлган объектлардир. Лекин, ушбу объектлардан туризм мақсадларида

реал фойдаланилиш учун қуидагиларни таъминлай оладиган туризм инфратузилмаси ва индустряси зарур:

1. Маълум бир туристик объект тўғрисидаги ахборотни туристга тўлиқ даражада етказиш учун ўша туристик объектнинг ўзини ҳар томонлама бус - бутунлиги, таъмирланганлиги;
2. Ушбу жойга туристик қулай ва хавфсиз олиб келиш;
3. Жойлаштириш индустрясининг барча талабларга жавоб бериши;
4. Озиқ - овқатлар билан етарли таъминланганлиги;
5. Кўнгилочар томошаларнинг мавжудлиги.

Австралия қитъаси марказида қушлар орасида ўзининг ажойиб шаклига эга бўлган қизғиш рангли тош, баландлиги 349 м ва узунлиги 9 км блган қоя Ayres Rock жойлашган. Ушбу табиат мўъжизасидан баҳраманд бўлиш учун қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бепоён чўлнинг юзлаб километрларини босиб ўтиш зарур ва бунга асрлар давомида оддий шароитларда, факат саноқли одамларгина мушарраф бўлишган. Мамлакат фуқароларининг экспурсия обьекти бўлиб ҳисобланадиган мазкур ҳудудда автомобиль ва темир йўллари, кичик аэрордом, бир нечта юқори даражали отеллар, турили хил кўнгилочар ресторонлар ҳам айнан шу ерда туристлар учун қурилган. Туристларнинг ягона ва севимли кўнгилочар машғулоти - қояга чиқишидир. Бу ерда альпинизм мактаби ташкил этилган. Бутун улкан қоя томон моҳир ёки уқувсиз альпинистлар ўрмалаётган ягона спорт обьектига ўхшайди. Туристлар альпинистик куролларнинг катта микдоридан фойдаланишади ва кўплаб фото ва видеоплёнкалар сарфлашади. Бу жой ва ушбу обьект милий фаҳр ҳисобланади ва қитъадаги ҳар бир фуқаро чин кўнгил билан ушбу тошга интилади, хаётда бир мартда бўлса ҳам ушбу жойларда бўлиб, унга чиққиси келади. Шу тариқа оддий қоя ўз жойлашган ўрни ва ташки кўриниши натижасида туристик қизиқишнинг қучли обьектига айланди. Индустря ва инфратузилманинг юқори ривожланиши орқали туризм мақсадига мослаштирилган ва реал фойдаланиш мумкин бўлган жой яратилди. Агар индустря ва инфратузилмани олиб ташласак унда қоя чўл ўртасида асрлар давомида якка тураверади ва ҳақиқий жозибадор туристик бизнес обьектидан оддий обьектга айланади. Бундан шундай хulosса чиқариш керакки, ҳар қандай туристик ресурсни кўз - кўз қилиш учун аввало инфратузилма ва индустря лозим. Тўғри, бу ерда қоя туристик ресурс сифатида асосий дикқат марказда туради, лекин шарт - шароит, сервисни жой - жойига қўйиш билан туристларнинг келиши ортади, гарчи қоянинг аҳамияти ошмасада.

Турист табиатига кўра қизиқувчан ва интилевчандир. У ўзига маълум бўлмаган ниманидир билишга (кўриш, эшитиш) га интилади ёки турили хил манбалар (китоб, кино, видео ва ҳикоялар) дан маълум бўлган ё умуман маълум бўлмаган қандайдир обьектларнинг сифатларини билиш, ўз кўзи билан кўришга харакат қиласади. Барча обьект ва ҳодисалар бир хилда ижобий бўлмай, баъзилари хавфли ҳисобланади. Саргузаштли ёки экстремал туризм - буларга

мисол. Экстремал туризм бу - зилзила бўлган ер, вулқон отилган жой, сув тошган ва бўрон бўлган худудларга қилинган саёҳатлардир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, келиб - кетиш ва хавфсизлик қоидаларини менсимаслик натижасида туристлар хавфга ва салбий оқибатларга дуч келишади. (Юқумли касаллик, лат ейиш, баҳтсиз ҳодиса ва х. к). Масалан, инсон билан илон орасидаги муносабатлар хавфлидир. Маълумки, илон билан мулоқатда бўлиш ёмон оқибатларга олиб келади, бу ерда чақиш ва ўлим хавфи туради. Шунга қарамасдан туристлар захарли илонларга тўла бўлган Индонезиядаги илонлар ибодатхонасини қизиқиши билан томоша қилишади. Катта кобрани кўлида ёки бўйнида ушлаб расмга тушишади. Ташириф буюрувчиларнинг барчаси томоша объектининг хавфи билан таништирилади. Лекин, баъзи туристлар ибодатхонага кириш қоидаларини менсимайдилар ва илон захри қурбонига айланишади. Хавфли объектларга юзлаб ва минглаб мисоллар келтириш мумкин.

Туристик таъсурот - туристик хизмат (иш) ва маҳсулотни истеъмол қилиш, туристик товарни харид қилиш натижасида юзага келадиган ва эгалланадиган ижобий, руҳий ва жисмоний хиссиётлар йиғиндисидир. Туристик таъсурот экспурсиялар, чиройли табиат ландшафтлари, аттракционлар ва ресторанларга боргандга ва отелларда турганда юзага келади. Туристик ресурслар ва турларга оид туристик таъсурот кўпгина таркибий қисмлардан иборат. Туризмнинг асосий йўналиши инсоннинг дам олиш ва кўнгил очишга бўлган эҳтиёжини қондириш экан, туристик хизматларни истеъмол қилаётган инсон кўриш, ўрганиш, соғлиқни тиклаш, саргузаштларни кечириш жараёнида ижобий хиссиётларни олиши режалаштирилади. Туризмнинг баъзи - бир кўринишларида бундай мақсад бўлмайди. Масалан, ишга алоқадор ёки ритуал (маросим) туризмида кўнгилочар воситалар йўқ, лекин турист ўз олдига қуидаги мақсадларни бажаришдан қониқади. Турист қизиқишининг аниқ обьектидан олинадиган таъсурот билан бутун туристик маҳсулотни истемол қилишдан олинадиган туристик таъсуротларни фарқига бориш керак. Хатто аъло даражада ташкил қилинган туристик сафар дастурида ва ҳодисалар ривожида вужудга келган озгинагига чигаллик ҳам бутун сафар тўрисидаги таъсуротни бузиб юборади. Хаётнинг кўнгилсизликлари унутилади ва фақат яхши хотиралар сакланади, - деган фикр мавжуд бўлса ҳам, туризм ташкилотчиси меҳнат самарадорлиги турист кўнгилсизликларига сабаб бўлган ҳодисасининг моҳиятига бевосита боғлиқдир. Турист туристик хизмат ёки маҳсулотлардан мамнун бўлиши керак. Чунки, у ўзининг эҳтиёж ва хоҳишлиарини қондириш учун сарф - харажат қилган. Умумий холларда у завқ олишни хоҳлаган, лекин ундей бўлмаган. Бунда туризм мавжуд бўлмайди. Ёмон турлар ва хизматлар ҳақидаги гаплар бошқа яхши янгиликларга нисбатан тез тарқалади. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, туризм шаклини ёки аниқ туристик саёҳатни танлашда танишларнинг маслаҳати телевизоридаги рекламаларга нисбатан аҳамиятлироқдир. Расмий ташкилотлар ва

маъмуриятлар бюросига туристлар томонидан бериладиган энг кенг тарқалган савол - бу туристик фирманинг ишончлилиги тўғрисидадир. Бу фикр бир тарафлама ва моҳиятига кўра етарлича тўғри эмас. Завқланишни ҳар ким ҳар - хил тушунади. Лекин, барча инсонлар томонидан деярли бир ҳил қабул қилинган умумий ижобий қадриятлар ҳам мавжуд.

12. 2. Туристик ресурслар

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунида: туристик ресурслар - тегишли ҳудуднинг табиий - иқлим, соғломлаштириш, тарихий - маданий, маърифий ва ижтимоий - майший обьектлари мажмуи, - дейилади. Россия адабиётларида эса туристик ресурслар - туризм жараёни ва мақсадларида инсон эҳтиёжларини қондириш қобилятига эга бўлган табиий - иқлим, ижтимоий - маданий, тарихий, меъморий ва археологик, илмий ва саноат, манзарали, сифиниш ва бошқа обьектлардир, - деб ёзилган. Бир - бирига ўхшаш таърифлар.

Туристик ресурслар миллий бойлик ҳисобланади. Лекин, улардан алоҳида муҳим аҳамиятга эгалари ҳалқаро миқёсдаги обьектлар ва эсадаликларга киради. Бундай рўйхатни ЮНЕСКО ҳар йили белгилаб боради. Маълумки, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорлик ресурсларига бой мамлакат (1 - иловага қаралсин). Мана шу бебаҳо меросимизнинг кўпгина қисми инсоният мулкига айланганлигига қўп вақт бўлган. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига Хивадаги Ичон Қалъа 1990 - йил, Бухоронинг тарихий маркази 1993 - йил, Шахрисабзнинг тарихий маркази 2000 - йил киритилган. 2001 - йил 12 - 16 декабрь кунлари Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида ЮНЕСКО Жаҳон мероси Кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда Самарқанд шаҳри ҳам ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Демак, эндиликда мазкур тўрттала тарихий маскан ҳалқаро ҳамжамият муҳофазасида бўлади. Ҳозиргача дунёдаги 721 та маданий ва тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ҳалкаро туризм марказлари ишни янада ривожлантиришлари лозим (2 - иловага қаралсин).

Барча маданият эсадаликлари ва табиат обьектлари давлат ҳимоясидадир, ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган эсадаликларни саклаш ва қўллаб - қувватлаш учун БМТ маблағлари ҳам ажратилади. Масалан, Мисрда Асвон тўғонини қуришда сув босган Абу Симбал (бу - Нил дарёси гарбий соҳилидаги жой бўлиб, унда қоятошга ўрнатилган икки қадимий Миср ибодатхонаси бор. Улар милоддан аввалги 13 - аср 1 - ярмида қурилган. Хайкаллар, бўртма суратлар сақланган. Бош ибодатхонанинг олд томонида Рамсес II нинг ўтирган холдаги 4 та улкан ҳайкали мавжуд) ибодатхонаси ва обьектларини саклаш мақсадида 40 млн. АҚШ доллари ажратилган. Ушбу қимматбаҳо обьект қисмларга бўлинниб, баландроқ жойларга олиб чиқилган ва қайта таъмирланган. Афсуски, ноёб тарихий иншоотнинг бир қисми сув тагида қолиб кетган, энди туристлар уларни сув тубида пароҳоддан кузатишлари мумкин.

Туризмнинг мақсадига қараб табиий ресурсларни бир нечта турларга бўлиш

мумкин. Масалан, Франция шимолида жойлашган Монт Сант - Мишел табиий туристик ресурсида ақл бовар қилмас даражадаги (сув сатхи билан ажралиб турувчи) денгизнинг кўтарилиши ва пасайиши ҳодисаси мавжуд. Ёки, Хитойдаги йирик дарёлардан бирининг дельтаси кунига икки мартта сув кўтарилишида денгиздан дарёнинг оқимига қарши қудратли тўлқин юзага келади. Бу ажойиб холат ҳар куни Ченг - ху - фа дарёсида бўлиб ўтади. Тўлқин баландлиги 7 м., тезлиги соатига 27 км. Бундан табиий холат (тўлқин баландлиги 14 м.) Амазонка дарёсида ҳам кузатилади.

Индонезиядаги Бали оролида туристлар учун жозибадор табиий ресурс "бетакрор қуёш ботиши" ҳисобланади. Аниқ айтиш мумкинки, бундай қуёш ботиши бошқа қўшни оролда ҳам, яъни ушбу кенглиқда жойлашган бошқа океанлардаги оролларда ҳам кузатилади. Лекин, пулдор туристлар энг чиройли кун ботиши манзараси деб ишонишади ва ушбу манзарани тамоша қилиш учун ернинг ўндан бир қисмини босиб ўтишади. Ушбу туристик маҳсулотни харакатга келтириш учун ҳаддан ташқари кўп маблаг ажратилган. Жойнинг ўзида эса энг юқори даражадаги сервис ташкил қилинган. Буларнинг барчаси пулдор мижозларнинг кичик туристик гуруҳига хизмат қилади. Турлар 60 кун давом этади. Айтиб ўтиш керакки, туристлар нафақат ибодатхоналар, эхромлар ва инсон тамонидан яратилган бошқа қадимий иншоотларни, балки ер юзининг турли худудларидағи замонавий ютуқларни ҳам - автомобил заводларининг йиғув конвейерлари, туристлар томонидан ҳайрат билан қабул қилинадиган дегустацион заллар, колбаса заводлари, пиво ишлаб чиқариш ва шахталар, гидротехник қурилмалар ва ҳатто госпиталларни бажону дил кўриб кетишади.

Ер таги шахта ва тоғ қазув ишларини кузатувчи туристлар гуруҳи ҳам мавжуд. Масалан, барча туристлар Жанубий Африка Республикасидаги Олмос конлари, олтин шахталарини келиб кўришади. Баъзи шахталардан экскурсион мақсадларда эмас, балки ер тагида табиат томонидан яратилган ўзига хос микро иқлимда даволаниш мақсадида фойдаланилади. Масалан, Алп тоғидаги олтин руда эски шахтасида (юқори температура ва намлиқда радон ингаляцияси) таклиф қилинади.

Туризм ва экскурсиянинг кенг тарқалган турларидан бири ғорларга ташриф бўлиб, факат Гречияда туристлар тамоша қилиши мумкин бўлган 3500 дан ортиқ ғорлар ва ундан ҳам кўпроқ томоша қилинмайдиган ғорлар мавжуд. Жуда улкан ғорлар Мексика, АҚШ, Жанубий Африка Республикаси, Россия ва бошқа мамлакатларда жойлашган, уларнинг катта қисмига хавфсизликни таъминлаш мақсадида осон бўлган залларга қисқа муддатли ташрифлар билан чегараланишади. Спортчи туристлар узоқроқ ва чукурроққа тушадилар, лекин бунинг учун тегишли тайёргарлик, куролланиш ва туристик гуруҳ кузатуви бўлиши керак.

Акваториялар - муҳим туристик ресурслардан ҳисобланади. Дунёда 50 млн. сув ости туризми ишқибозлари маска билан унча катта бўлмаган чукурликларда ва акваланг билан 70 м.гача бўлган чукурликда сузишади. Бундай саргузаштлар

ишибозлари учун сув ости дунёсини ўрганиш ҳақиқий ором ҳисобланади. Масалан, Қизил денгиз сув остида сузиш учун чексиз имкониятларга эга ва курортга келганлар учун кўнгил очишининг энг муҳим турларидан ҳисобланади.

Сув ости хазиналарини, қадимий ёдгорликлар ва чўккан корабларни қидириш ва тамоша қилиш туризмнинг энг муҳим туридир. Греция, Кипр, Италия, Туркия ва Ўрта ер денгизидаги бошқа мамлакатлар ўзининг ер ости хазиналаридан унумли фойдаланишади. Ўтмиш ёдгорликлари тўпланган сув ости ҳудудлари фаолиятини тартибга солувчи қўпгина ўзига хос миллий ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Миллий адлия қонунлари бўйича сув ости хазиналари ва буюмларини фақатгина тамоша қилишга рухсат берилган. Уларнинг жойини ўзгартириш ва олиб чиқиш таъқиқланади. Сув ости тириклик дунёсини томоша қилиш учун сув ости туристик кемалари ҳамда деярли барча денгиз туризми марказларида мавжуд бўлган турли кемалар қўлланилади. Махсус туристик сув ости кемалари Бермуда (Атлантика океанининг шимоли - ғарбидаги бир тўда (150 гача) маржон ороллардан иборат. Шимолий Америкадан 900 км шарқда. Буюк Британия мулки. Маъмурий маркази - Гамильтон шаҳри (Бермуда оролида). Ороллардан энг каттаси - Бермуда ороли бўлиб, у сўнгган сув ости вулқони чўккисидан иборат. Чўккининг баландлиги 79 метргача келади. Иқлими тропик сернам иқлим. Энг салқин ой - мартнинг ўртacha температураси 16,7 градус, энг иссиқ ой - августнинг температураси 26,7 градус. Дам олиш ҳудуди ҳисобланиб туризм ривожланган. Банан, цитрус ўсимликлар, гуллар экспорт учун етиштирилади. Испан денгизчи сайёҳи X. Бермудес томонидан 1522 - йилда кашф қилинган), Канар, Қизил денгиз ороллари, Испан курорт қирғоғи Коста Бравода бор. Умуман мутахасисларнинг баҳолашига кўра, бундай сув ости кемалари сони 30 га яқин.

Чўккан кемаларни тамоша қилиш - энг машҳур саргузашт турларидан бири. Фин кўрфазида викинглар (8 - аср охири ва 11 - аср ўрталарида Европа мамлакатларига денгиз йўли орқали савдо - сотик учун борган, қароқчилик ва босқинчилик юришлари қилган скандинавлар) ва швед - рус урушлари давридан иккинчи жаҳон уруши давригача бўлган турли вакилларга хос 5000 га яқин сув ости обьектлари аниқланган. Крест бурни атрофидаги Виборг райони алоҳида қизиқишига эга. У ерда бир вақтнинг ўзида курашда ҳалок бўлган 150 дан ортиқ швед кемалари топилган. Сув ҳарорати совуқлиги туфайли кемалар яхши сақланган. Фин қўлтиғи сувида (архив маълумотларига қараганда) биринчи фин авлиёси - авлиё Генрих ётибди. У 1720 - йили келтирилган ва ибодатхонанинг бошқа хазиналари билан бирга сувга бутунлигicha тушурилган. Тарихий қийматга эга бўлган шунга ўхшаш обьектлар Ладога кўли (Россия) сувида топилган. Бу ҳудудларда сув тагига тушишларни ташкил қилувчи маҳсус туристик фирмалар фаолият кўрсатади. Бир мавсумда туристлар миқдори 3000 га етади. Нархи юқориилиги туфайли кўнгил очишининг бу тури туризмнинг фойда юқори турига киради.

Туристларнинг ўзгармас, муқаррар талабларидан бири баҳайбат шаршаралар - Неагара (Шимолий Америкада - 51 метр баландликда), Анхель (ер юзидағи эң баланд шаршара - 1054 метр баландликда) ва Виктория (Жанубий Америкада - 120 метр баландликда) хисобланади. Неагара шу даражада ўзлаштирилганки, туристлар соатлар давомида унинг ёнида бўлишади. Қолган иккитасига ҳам бориш мумкин, лекин туризм инфратузилмаси яхши бўлмагани туфайли бу ерга ташриф буюрувчилар сони кам. Финландия Иматра номли жойда туристлар учун ҳафтасига ёки байрамларда очилувчи жуда гўзал шаршара мавжуд.

Мухим туристик ресурсларга ноёб сиғимли иншоотлар - эҳромлар, мақбаралар, ҳайкаллар, ибодатхоналар, меъморчилик анжомлари, парклар, музей коллекциялари ҳамда замонавий иншоотларнинг кўп қаватли бинолари ва бошқа катта гидротехник иншоотлар киради.

Шунингдек, қабрлар қандайдир даражада ғалати кўринса ҳам, барча асрлар давомида туризм нуктаи - назаридан ўзига тортувчи куч сифатида намоён бўлган. Мисрда қурилган минглаб эҳромлар фиръавнлар, сарой аъёнларининг қабрлари дидир. Мақбаралар эңг кўп одам келадиган обьектлар хисобланади, уларнинг баъзиларини меъморчилигининг ажойиблиги ва ҳажмининг баҳайбатлиги туфайли дунё мўъжизаларига киритилган.

Қадимги дунёning етти мўъжизаси

Дунё мўъжизаларига ноёб меъморий иншоотлар ва улкан ҳайкаллар киради. Улар қадимда яратилган бўлиб, бугунги кунда ушбу инсон тафаккури ноёб дурдоналарининг кўпчилиги эскирган ва бизгача афсона ёки ҳароба кўринишида етиб келган. Эътиборингизга уларни ҳавола этамиз:

1. Гиза эҳромларлари (Миср) - бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган бундай обьектлар ичida эң қадимиysi - Хеопс (дунёдаги эң катта) эҳроми бўлиб, у ҳозирги кунгача ўзининг монументаллиги ва ҳажмига кўра инсон ақли заковатининг ноёби ва ажойибларидан биридир. Эҳром эрамиздан 2500 йил аввал яратилган. У тамоша қилиш учун Мисрга келган барча туристларнинг асосий туристик кўргазма обьекти ҳисобланади. Эң катта ва машҳур эҳромлар Миср пойтахти Қоҳира атрофида Гиза деб номланувчи жойда жойлашган. Яна ўша жойда афсонавий жонзот сфинкснинг гигант статуяси жойлашган. Сфинкс - қадимги Мисрда гавдаси шерникига, боши одамниги ўхшатиб ишланган афсонавий жонзод ҳайкали, подшоҳ ҳокимияти тимсоли). У Хеопс эҳроми билан биргаликда Миср тимсолига айланган. Шуни айтиб ўтиш керакки, мисрликлардан бундай тузилишни греклар олишган ва қадимий Грецияда инсон боши билан шерни ифодаловчи статуялар мавжуд.

2. Семирамиданинг (осма) самовий боғлари - Вавилонда қурилган ва нафис меъморий шаклларини боғбончилик конструкциялари билан уйғунлаштирувчи ажойиб асар бўлган. Боғлар эрамиздан аввалги 800 - 600 йилларда Bobylonia пойтахтида Babylon Кир саройи деворлари чегараларида Sammu - ғamat маликага атаб Навуходоносор II томонидан қурилган (Вавилония пойтахти

қадимда жанубий Ироқ худудида жойлашган). Чиройли боғлар балконларга, бино ва айвонлар томи устига қурилиб, ўсимликлар дарёдан носос билан олинган сувдан суфорилган. Самовий боғлар классиклар томонидан түлиқ ва муфассал тасвирланган, турли хил расмлар бўлган, лекин улар сақланмаган.

3. Олимпдаги Зевс ҳайкали (Греция) - Хукмдорнинг таҳтда ўтирган улуғвор ҳайкали. У эрамиздан аввалги 430 - йилда қурилган бўлиб, грек ҳайкалтароши Phidias нинг иккита шедевридан биридир, унинг салобатли - узунлиги 12 м, бир қисми олтин рангли металл билан қопланган фил суюги ва қимматбақо тошлар билан безалган. Ибодатхона эрамизнинг 426 - йили бузилган. Хайкал бутун қолмаган, ҳатто нусхаси ҳам йўқ.

4. Артемида ибодатхонаси (Греция) - Артемида - Зевс ва Летонинг қизи. Аполлоннинг эгизак синглиси. Бошида ўқ - ёй, баъзан ярим ой ҳолатида тасвирланган. Бу ибодатхонани қурган Крез Лидиянинг энг сўнгги ҳукумдори эди. Лидия эса қадимги кичик Осиё, замонавий Туркия майдонидаги давлат бўлган. Крез ўзининг бойлигини кўз - кўз қилишни хуш кўрарди ва милоддан аввал 560 - йилда Эфес шаҳрида буюк ибодатхона қурди. Эфес шаҳри эса ибодатхонани қурилишидан 1000 йил аввал барпо этилган. Афсоналарга қараганда, бу шаҳарни барпо этганлар, Амазонкалик жангчи аёллар тўдаси бўлган. У аёллар Эфес шаҳрининг асосчилари. Крез ушбу ибодатхонани ой, ҳайвонлар ва ёш қизлар маъбудаси учун қурмоқчи бўлди. Ой маъбудасини юононлар Артемида деб атасалар, Римликлар Диана деб номлашган. Ибодатхона мармар ва энг машҳур тошлардан иборат бўлиб, 120 та мармар устунлардан қурилган, улкан устунлар 20 метргача етган. Мармар устунлар битгач, унинг устига мармар тош ясалган. Ибодатхона бутунлай қуриб бўлингач эса ўша даврнинг машҳур усталари унга ўз чизгиларини беришган. Ибодатхонанинг ўртасида Артемида ҳайкали бўлган. Бу ибодатхона энг йирик ҳисобланиб, кейинчалик Афинада қурилган Парфенон ибодатхонасига унинг ўлчамлари ўхшаб кетган. Артемида ибодатхонаси эгаллаган майдоннинг узунлиги 131 метрни, кенглиги 79 метрни ташкил этган.

Икки юз йил ўтганидан сўнг, яъни милоддан аввалги 356 - йилда ибодатхона ёниб кул бўлган. Бундай ёвуз ишни Геростат номли инсон бажарган. У бу иш билан фақат машҳур шахс сифатида тарихда из қолдирмоқчи бўлган холос ва бунга эришган ҳам. Яна қизиқ ҳолатни тарих бизга хадя қиласи. Ибодатхона ёкиб юборилган кун Искандар Зулқарнайннинг туғилган кунига тўғри келар экан. Йиллар ўтгач Искандар Эфес шаҳрини зиёрат қиласи, шу ерда Артемида ибодатхонаси билан қизиқиб қолади ва уни қайтадан қуриб таъмирлашга фармон беради. Фармон бажарилгач, ибодатхона асл кўринишини тикламаган бўлсада, лекин ўзининг дастлабки қиёфасига яқин келади.

Артемида ибодатхонаси милоддан аввалги III асрнча мавжуд бўлган, кейинчалик турли тўфонлар ва табиий оғатлар натижасида кўплаб зарар кўрган. Ибодатхонанинг қимматбаҳо буюмларини ўғрилар талаган бўлсалар, қолган қисми секин - асталик билан денгиз тўфонлари туфайли бузилиб кетган.

Хозирги кунда Эфес шаҳрида Артемида ибодатхонасидан фақатгина бир қанча мармар бўлаклари ва бир дона қайта тикланган мармар устун бор, холос. Қидиув ишларида топилган фрагментлар ва скульптураларнинг асосий қисми дунё музейларида, қисман Британ музейида сақланмоқда.

5. Halicarnassus мавзолейи, Anatolian Mausolus қабри - унинг синглиси ва беваси Artemisia фармонига кўра қурилган.

Мавзолей эрамиздан аввалги таҳминан 353 - 351 йиллар орасида меъмор Pythius ёки Pytheos томонидан қурилган ва энг машҳур тўрт грек ҳайкалтарошлари томонидан безатилган: Scopas, Bryaxis, Leochares ва Timotheus. Кичик Плинний томонидан ишланган мавзолей тавсифи маълум. Мавзолей томонлари 125 м бўлган квадрат шаклида бўлган. Бино 36 колонна билан ўралган. Бино томи устида 4 та мармардан қилинган гилдиракли от арава ўрнатилган. Мавзолей ҳайкалтарошлиқ фрагментлари Британия музейида сақланади. Мовзелейнинг бузилиш сабаби маълум эмас, Лекин эрамизнинг X - XV асрлари давридаги ер силкинишлари натижасида бузилган, - деган таҳминлар мавжуд. Бино бузилишидаги унинг элементлари ва ғиштлари маҳаллий бино ва иншоотлар қурилишида ишлатилган.

6. Родосснинг улуғвор ҳайкали (колосс) Colossus Rhodes - қуёш худоси Helios га атаб қурилган бу баҳайбат ҳайкал Rhodes шаҳридаги денгиз бўйида жойлашган. У эрамиздан аввалги 292 - 280 йилларда бронздан қурилиб, темир ва тошлар билан маҳкамланган. Ҳайкалнинг баландлиги 30 м ва у 12 йил давомида қурилган. У жуда кам вақт давомида мавжуд бўлган, эрамиздан аввалги 225 - йилда ер силкинишидан бузилган, унинг қолдиқлари эрамизнинг 653 - йилигача ўша ерда ётган. Эрамизнинг 653 - йили шаҳарни босиб олишганда ҳайкал бутунлай бузиб ташланган ва металл сифатида 900 туяга ортилиб олиб чиқиб кетилган.

7. Александриядаги Форсс маёки (Миср) - Птоломей II томонидан эрамиздан аввалги таҳминан 280 - йилда Pharos оролида қурилган. Қадимий дунёning энг машҳур маёки. Маёқ баландлиги 160 м. Александрия маёки ўз давридаги ноёб техник иншоот ҳисобланган. Иншоотнинг асоси квадрат, қолган қисмлари қаватма - қават саккиз бурчакли, маёқни учи эса айлана шаклидаги минора. Минора тепасига айлана токчада ёритгичга борилган. Маёқ ёкиб юборилган, қолдиги эса ер силкинишларида бузилган. Бизнинг кунгача эса фақат унинг тавсифи, расм ва чизмалари етиб келган. Маёқ иншоотининг бир қисми эрамизнинг XII асригача етиб келган, 1477 - йил мамлакат султони бино ғиштларини олиб, иншоотлар қурилишида ишлатишга фармон берган. Шундай маълумотлар борки, учинчи минг йиллик бошларида Миср ҳукумати маёқни дастлабки яратилган шаклида тиклашмоқчи ва унинг конструкциясини кучли сейсмик каркас билан ўзгартириб, ундан туристик диккатга сазовор жой қилишмоқчи.

Баъзи дунё мўъжизаларининг қадимги рўйхатларида юқорида айтиб ўтилган объектлардан биттасининг ўрнига Вавилон минораси ёки Форс шоҳи Cyrus

саройи киритилган. Дунё мўъжизаларининг бошқа рўйхатлари ҳам мавжуд, уларга ўрта асрларда яратилган обьектлар, ҳозирги замон иншоотлари ва қашфиётлари киритилган.

Дунё мўъжизаларига "Буюк хитой девори"ни киритиш адолатдан бўларди. Мустаҳкам қалъя девордан иборат улкан иншоот бутун мамлакат узра Хитойнинг шимолий қисмида шарқдан ғарбга чўзилган. Деворни қуриш эрамиздан аввалги таҳминан 250 - йил император Chuin Shin Huang Ti томонидан бошланган. Асосий ишлар эрамизнинг III асрига келиб тугаган. Муҳандислик нуқтаи - назаридан, бу иншоот Миср эҳромларининг барчаси кўшилиб олингандан унга сарфланган ишдан юқорида туради. Иншоотнинг аҳамияти ғарбий - шимолдан келадиган душманлар босқинидан сақланиш бўлган. Девор қурилишига узоқ давр мобайнида юз минглаб ишчилар иштирок этишган. Деворнинг узунлиги ҳар бир инсонни ҳайратда қолдиради. Деворнинг ҳақиқий узунлиги тўғрисидаги маълумотлар бир - бирига тўғри келмайди. Шундай маълумотлар борки, девор узунлиги 2150 миль (4500 км) деб кўрсатилади. Гиннес китобида иншоот узунлиги 6200 миль деб кўрсатилган (куриб битказилмаган қисмлар билан биргаликда). Девор баландлиги турлича 5 м. дан 10 м. гача, қалинлиги 10 м. гача. Девор устига йўлак қурилган ва унда юриш мумкин бўлган. Хитой сайёхи Lin Youdia 1990 - йил биринчи бўлиб девор устининг у бошидан бу бошигача пиёда босиб ўтган. Деворнинг яхши сақланган қисми Пекин (Бейджинг) шимолига 70 км жойдан ўтган ва машҳур туристик обьект ҳисобланади.

Шунингдек, машҳур ғорлар, қалъалар ва қасрлар ҳам туристик ресурслар таркибида киради. Машҳур ғорлар-ер ости бўшликлари қўриқлаш обьекти ҳисобланади, баъзан у ер ости сувлари фаолияти натижасида енгил эрувчи лойқали тузлардан (гипс, тош тузи, доломит, оҳак тош) ташкил топиб жуда катта хажмларда бўлади. Дунёдаги энг катта ғор АҚШнинг Кентукки штатида жойлашган Мамонт ғори ҳисобланади. У бир қатор сталактик заллар ва коридорлардан иборат, умумий узунлиги 530 км дан ортиқ. Ер юзасида энг чуқур ғорлардан Франциядаги Пьер - Сен - Мартен (чуқурлиги 1171 м) ва Берже ғоридир. Чуқур ғорларда, ер ости денгизларида ва кўлларда ўзига хос фауна ва флора топилган: баликлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар ва ҳашоратлар бўлиб, улар бутунлай қоронгуликда яшайдилар, кўришга қобил эмас, уларда кўзларнинг ўрнига мўйлари, оёқлари ривожланади. Баъзи ғорлардан тарихий одамлар турар жойлари, деворий расмлар топилган. Дунёдаги кўпчилик ғорлар туризмнинг энг машҳур обьектлари ҳисобланади ва давлат ҳимоясида бўлади.

Қалъалар

Машҳур туристик обьектларга давлат мулки ва қўриқланувчи худуд, - деб эълон қилинган ўрта аср қалъалари киради. Ўрта аср феодаллари, қироллар, султонлар, шоҳлар ва бошқа ҳукмдорлар яшаган истехком уй - жойлари ҳам

қалъалардир. Қалъа - қасрлар одатда етиб боришиң жойларга, тикка тепаликларга ва тоғларга курилған. Қалъалар атрофига ахоли түпленған ва у ерда яшовчилар душман келған пайтда қалъага яширинишған. Қалъалар узок ойлаб қамалға чидаган ва амалда уларға кириб бўлмаган. Вақт ўтиши билан алоҳида қалъалар катта шаҳарлар ва ҳатто пойтахтлар марказида жойлашиб колған.

Қалъалар архитектураси ва ички жойлашуви бўйича жуда ҳам турфа хилдир. XIV ва XV асрларда қалъалар ўзларининг ҳарбий аҳамиятини йўқотишишган ва борган сари сарой аҳли ва аристократлар саройларига айланишған. Қалъа иншоотларининг катта қисми бизгача хароба кўринишида етиб келған, лекин Испания, Германия ва Швейцариядаги сақланған ва қайта тикланған қалъалар асосан музей кўринишида ўрта асрларнинг жиҳозлар, картиналар, идиш - товоқлар, мебель ва интеръернинг ички элементларининг ажойиб коллекциялари билан жиҳозланған.

Қалъалар туристик дастурларнинг объектларидан бири ҳисобланади ва туристлар бажонидил уларға боришади. Энг машхур қалъалар Германияда, Швейцариядадир. Испания ва Францияда эса тарихий ёдгорликлар кўп миқдорда жойлашған. Франциянинг ажойиб, ноёб қасрлари буйича маҳсус туристик маршрут таклиф қилинади.

Польшада 20 дан ортиқ қалъа маълум. Кейинги вақтларда ҳарбий аҳамиятини йўқотган қалъалар ўрнига сарой характеридаги кўркам қасрлар курила бошлади.

Бавариядаги (Германия) Нойхшванштайн қасри ноёб ҳисобланади. Кўп минорали ушбу қасрнинг ташқи архитектураси Уолд Диснейга, Диснейленд типидаги барча тематик паркларга (Америка, Европа ва Японияда) эмблема қилиб қўйилған. Диснейленднинг афсонавий парклари яратишида прототип бўлиб хизмат қилған. Машхур қалъалар қаторига Виборг шаҳридаги қалъа (Россия) ва Финляндиядаги Нейшлот (Саванна) ларни қўшиш мумкин.

Хулоса

Туристик ресурслар туристик қизиқиши билан боғлиқ. Яъни, туристик ресурслар туристларда қизиқиши уйғотиши керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади. Қизиқиши объектларини туризм ташкилотчилари излаб топишлари керак.

Туристик ресурслар бўлсагина туризм амалга ошади. Уларсиз туризмни тасаввур этиш мумкин эмас. Ресурслар туризмнинг юрагидир. Туристик ресурслардан унумли ва мақсадли фойдаланиш лозим.

1 - илова

Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий ёдгорлик ресурслари

Ўзбекистон Республикаси туризм марказлари

Пойтахти Тошкент шаҳри. Иқлими - мўътадил, субтропик иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 447,4 минг кв. км., аҳолиси - 25 млн., тили - ўзбек, дини - ислом, пул бирлиги - Ўзбекистон сўми.

Ўзбекистон тарихи ва келажаги буюк давлат. Энг қадимги маданият дурдоналари. IX - XV асрлардаги маданий хаёт. Ўзбекистоннинг "Буюк ипак ўйли"даги марказий ҳудуд эканлиги.

Кўхна маданият марказлари: археология - Афросиёб, Варахша, Сополли тепа, Фаёз тепа, Шош тепа, Оқ тепа, Шоҳрухия ёдгорликлари; давлатчилик - Хоразм, Бақтрия, Сўғд, Кушон, Қанғ давлатлари; شاҳарсозлик - Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон, Тошкент, Кармана, Қарши кентлари; меъморчилик - Шоҳизинда, Занги ота, Баҳовуддин Нақшбанд, Шайҳ Ҳованди Тоҳур мажмуалари; Регистон, (Улуғбек, Тиллакори, Шердор), Кўкалдош, Бароқхон, Абдулқосим мадрасалари; Гўри Амир, Руҳобод, Бибихоним мақбаралари; масжидлар ва бошқа иншоатлар; хунармандчилик - санг (тош) тарошлиқ, заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлик, ганч ўймакорлик; санъат - адабиёт, мусиқа, рақс, ҳайкалтарошлиқ, миниатюра ва рассомчилик, ҳаттотлиқ, каштачилик ва бошқалар.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бунёд этилган меъморчилик ва шаҳарсозлик. "Буюк ипак ўйли"нинг қайта тикланиши. Алишер Навоий, Амир Темур, Бобур Мирзо, Аҳмад ал - Фарғоний, Алпомиш ҳайкалларининг, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал - Бухорий, Бурхонуддин ал - Марғиноний, Абу Мансур Мотурудий ёдгорлик мажмуаларининг, темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира майдони, Шаҳидлар хотираси хиёбони обидаларининг барпо этилиши ва уларнинг туризм марказлари сифатида намоён бўлиши.

Интерконтиненталь, Шератон, Ле Меридиан, Афросиёб

мехмонхоналарининг, Ҳайвонот боғи, Ақвапаркларнинг очилиши. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Андижон, Наманган, Фарғона, Марғилон, Жиззах, Гулистон каби шаҳарларнинг замонавий қиёфага кириши, улардаги меъморчилик биноларининг миллийлик хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 - йил 3 - ноябрда "Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги, 1993 - йил 23 - апрелда "1994 - йилда ўрта асрларнинг буюк олими Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида"ги, 1994 - йил 29 - декабрда "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги, 1996 - йил 3 - январда "Бухоро ва Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги, 1997 - йил 29 - апрелда "Ином ал - Бухорий таваллудининг хижрий - қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги, шу йили 27 - ноябрда "Аҳмад ал - Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги, шу йили 23 - декабрда "Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги, 1999 - йил 27 - декабрда "Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорларининг тарихий аҳамияти ва уларнинг туризм ишига қўшган улкан ҳиссаси.

Самарқанд вилояти ёдгорлик ресурслари

Самарқанд тарихи. Кўхна Афросиёб. Амир Темур ва темурийлар даврида маданий ҳаёт. Араб сайёхи ибн Баттутанинг Самарқандга ташрифи. Испан элчиси Луи Гонзалес де Клавихонининг Темур саройида бўлиши.

Самарқанд меъморчилиги: Шоҳизинда мажмуйи. Милодий 7 - асрда яшаган пайғамбаримизнинг амакиваччasi бўлмиш Қусам ибн Аббос 677 - йили шу ерда шаҳид бўлиб, дафн этилганлар. Мазкур ёдгорликлар мажмуйи унинг шарафига Шоҳизинда (Тирик шоҳ), - деб аталади. Унда асосан мелодий 9 - асрдан турли мақбаратлар қурила бошлаган. Амир Темур бу ерда гўзал бинолар - мақбаратлар бунёд эттирган. Араб сайёхи Ибн Баттута ҳам Шоҳизинда зиёратида бўлган. Мажмуйда Қусам ибн Аббос мақбарасидан ташқари Қозизода Румий, Ширинбека оға, Шоди Мулк оға, Туман оға, Туғли Текин, Амирзода, Уста Али, Амир Бурундуқ, Хўжа Аҳмад ҳамда шахси номаълум мақбаратлар, саккиз ёқли шийпон ва бошқа иншоотлар мужассам. Барча мақбаратлар 14 - 15 асрларга оид.

Гўри Амир мақбараси. Мақбара асли Темурнинг фармони билан набираси Муҳаммад Султон хотираси учун қурдирилган, лекин, орадан беш ой ўтгач, Темурнинг ўзи ҳам шу ерда дафн этилганлиги сабабли, Гўри Амир номини олган. Бу ерда Темур ва Муҳаммад Султондан ташқари, соҳибқироннинг ўғиллари - Шоҳруҳ ва Мироншоҳ, набираси Улуғбек, устози Мир Сайид Барака ҳамда Шоҳ Хўжа исмли шахси номаълум қабрлар мужассам. 1941 - йили июнь ойида Гўри Амир мақбарасида археолог комиссия қазишималар ўтказган.

Рухобод мақбараси. Шайх Бурхонуддин Сағаржий номи билан машҳур бўлган ушбу мақбара Амир Темур томонидан қурдирилган ва унинг маънавий

пири, - дейилади. 19 - аср маълумотларида унинг олдида масжид, минора, дарвозахоналар бунёд этилганлиги ёзилган.

Бибихоним масжиdi. Амир Темурнинг Ҳиндистонга зафарли юриши шарафида 1399 - йили гўзал маликаси Сарой Мулкхоним масжид қурдира бошлаган ва уни 1404 - йили тугаллаган. Масжид рўпарасида Бибихоним мақбараси ҳам мавжуд. 1941 - йилги археологик экспедиция ушбу мақбарани ҳам очган. Унда Бибихоним жасади Темур ва Улуғбек жасадлари каби мўмиёланган эди.

Регистон. Бу ерда учта ёдгорлик ансамбли мужассам:

Мирзо Улуғбек мадрасаси. 1417 - йили Улуғбек томонидан бунёд этилган. Ўз даврида илм - фан марказига айланган. Унинг меъморчилиги монументал пештоқлар, ён гумбазлар ва миноралардан иборат. Мадраса пишиқ бўлишига қарамай шимоли - шарқий минора пештоқдан қочиб, анча оға бошлаган, 1932 - йили минора тўғриланган. Мадраса жуда ҳам ҳашаматлидир.

Шердор мадрасаси. 1619 - 1636 йилларда Самарқанд шаҳри ҳокими Ялангтўшибий Баҳодир фармони билан қурдирилган. Регистондаги Мирзо Улугбек мадрасасининг қарама - қарши томонида жойлашган ва Улуғбек мадрасасининг меъморий услубини қайтарган. Унинг меъмори уста Абдулжаббордир. Мадраса диний олий ўқув юрти вазифасини бажарган. Унинг пештоқи алоҳида безаклар ва кошинлар билан безатилган. Пештоқдаги шерлар тасвири жуда жозибали. Шерларнинг охуга ташланаётган манзараси тасвирланган. Шерлар орқа фонида қуюш акс эттирилган. У одам қиёфасидадир.

Тиллакори мадрасаси. 1646 - 1647 йилларда қурилган бу бино ҳам Ялангтўшибий Баҳодир томонидан бунёд этилган. У Регистондаги меъморий ёдгорликлар композициясини симметрик тарзда тўлдиради. Ичидаги масжид ниҳоясига етмаган. Масжид марказий хонаси жозибали ва дамдабалидир. Барча хуснкор жилоларга тилла суви юргизилган. Шунинг учун уни Тиллакори, - деб аталади.

Улуғбек расадхонаси. Машҳур расадхона Чўпон ота тепалиги этагида, Обираҳмат ариғи бўйича қурилган. Бобур уни уч қаватли, усти сирли қилиб безатилган эди, - дея ёзган. Расадхона диаметри 46,40 метр, баландлиги камида 30 метр бўлиб, ичida катта асбоб ўрнатилган. Бу ерда қуёш, ой ва бошқа саёralар кузатилган. Уни археолог В.Л. Вяткин топган ва очган. Бузилиб кетган расадхонадан ҳозирда унинг ер остидаги қолдиғи қолган, холос.

Абу Мансур Мотурудий мақбараси. Унинг тўлиқ номи - Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал - Ханафий ал - Мотурудий ас - Самарқандийдир. У Самарқанднинг Мотуруд мавзесида 10 - асрда туғилган, ханафия масҳабининг яратилишида фаол иштирок этган. Унинг таълимоти Мувароуннаҳр, Туркия ва Ҳиндистонда кенг ёйилган. Қабри Чокардиза қабристонида. 2000 - йил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов фармони билан ёдгорлик қайта тикланди, гўзал зиёратгоҳга айланди.

Имом ал - Бухорий мақбараси. 9 - асрда яшаб, "ҳадис илмида амир ал - мўъминийн", - деган шарафли номга сазовор булган муҳаддисларнинг энг буюги ҳисобланадилар. Бобомиздан "Ал - жомеъ ас - сахих" дек асар бунёд бўлиб, унинг номини бутун ислом оламига танитди. Ул зот Бухоро шаҳрида таваллуд топғанлар. Зиёратгоҳ эса Самарқанд вилоятининг Челак туманидаги Хартанг қишлоғида жойлашган. Президентимиз фармони билан 1998 - йил буюк муҳаддиснинг ҳижрий - қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги кенг нишонланиб, унга ажойиб ёдгорлик мажмуйи бунёд этилди.

Хазрати Хизр масжида. Самарқандда қурилган биринчи масжид шу эканлиги ривоят қилинади. 19 - асрнинг ўрталарида қадимги масжид пойдеворига ҳозирги масжид ўрнатилган. Тиккалиқда жойлашган бу масжиднинг олди пешайвонли бўлиб, ҳашаматли. Хонақоҳ, дарвозахона, миноралардан иборат. Турли даврларда қурилган ва тикланган. Бош меъмори уста Абдулқодир Бокиевдир. Яхши ниятлар билан унга юқоридаги ном берилган.

Бухоро вилояти ёдгорлик ресурслари

Бухоро тарихи. Кўхна Варахша. Сомонийлар давлати. Шайбонийхон асос соглан Бухоро хонлиги. Савдо карvonлари, хунармандчилик, илм - фан ва маданиятнинг ривожланиши. Россия, Хитой, Хиндистон каби давлатлар билан савдо ва элчилик алоқаларининг олиб борилиши. Италиялик машҳур сайёҳ Марко Полонинг, инглиз сайёҳи Антони Женкинсон, рус элчиси Иван Хохлов, Борис Позухин, венгер сайёҳи ва олимни Херман Вамбериларнинг Бухорога ташрифи. Бухородан Россияга Қози Нўғай, Мулла Фаррух, Ҳожи Фаррух, Эрназар элчиларнинг элчи бўлиб боришлари. Бухоро темир йўлининг қурилиши.

Бухоро меъморчилиги:

Арқ. Унинг Сиёвуш томонидан илк бора қурилиши. 7 - асрда Бухоро ҳокими томонидан қайта тикланганлиги. Шайбонийлар даврида ҳозирги қиёфаси (ансамбль кўриниши)ни олиши. Обида 20 метр баландликда ва 4,2 гектар майдонни эгаллаган улкан иншоот бўлиб, кўп бурчакли, атрофлари кўрғон деворлари билан ўралган. Аркда ҳокимлар, хонлар ва амирлар истиқомат қилишган. Унда зарбхона, хазина, зинданлар бўлган.

Исмоил Сомоний мақбараси. Сомонийлар сулоласининг асосчиси Исмоил Сомонийнинг отаси қабри устига бунёд этилган бу ёдгорлик 9 - 10 асрларга мансубдир. У куб шаклида ва усти ярим шарсимон қуббали бўлиб, бурчаклари ҳам тўртта кичик қуббалардан иборат. Деворнинг қалинлиги 1,8 метр. Пишиқ ғиштдан қурилган. Кейинчалик Исмоил Сомонийнинг ўзи ҳам шу ерга дафн этилган.

Маҳоки Аттори масжида. 9 - 16 асрлар обидаси ҳисобланган ушбу масжид шаҳар марказидаги атторлар растаси ёнида жойлашганлигидан шундай ном олган. Тош устунга қурилган бу масжиддаги пештоқ ва таҳмонсимон эшик ўймакор ганч, ғишт, кошин, сополғишчалар билан безатилган. Жуда гўзал,

ўзига хос ёдгорлик ҳисобланади.

Чашмаи Айюб мақбараси. 12 - аср ёдгорлиги бўлган мазкур обида тўрттда бинодан иборат бўлиб, турли даврларда бунёд бўлган. У Айюб пайғамбар номи билан аталган. Айтишларича, қурғоқчилик йилларида пайғамбардан ёрдам сўрайдилар. Айюб эса ҳассасини ерга санчганда булоқ отилиб чиқкан. Шундан ушбу ном берилган. Ёдгорлик жарда, яъни булоқ оқиб турган жойда турибди. Темур бу ерда ҳам иккита бино бунёд этган. Тўрттала ёдгорликнинг ҳаммасида ўзига хос куббалар мужассам.

Намозгоҳ масжиди. Ушбу ёдгорлик 12- , 14- , 16 - асрларга тегишли бўлиб, гумбаз, нақшинкор пештоқ, меҳроб кошинлар билан безатилган.

Минораи Калон. Марказий Осиё ҳудудидаги энг баланд минора (46,5 метр) ҳисобланган ушбу минора 1127 - йилда қорахонийлардан Арслонхон ҳукмронлиги йилларида қурдирилган. Пишиқ ғиштдан терилган, ичидаги зинапояси 104 тани ташкил этади. Устида 16 дарчали мезона бор. Минорадан аzon айтилиб намозга чақирилган ва ундан душманни кузатишда ҳам фойдаланилган. Пойдеворининг чуқурлиги 10 метрдан ошади.

Сайфуддин Баҳорзий мақбараси. Бу ёдгорлик 13 - асрда яшаб ижод этган кишининг номи билан боғлиқ бўлиб, зиёратхона ва мақбарадан иборат. Кейинроқ мақбарага тақалиб катта пештоқ қурилган. Икки томонида иккита мезона мужассам.

Буён Қулихон мақбараси. Бу ёдгорлик Сайфуддин Баҳорзий мақбараси билан билан ёнма - ён жойлашган бўлиб, 14 - асрда Самарқандда ўлдирилган муғул хони чингизийлардан Буён Қулихон мозори устига бунёд этилган, икки хонали. Сағана кичик хонада. Ёдгорликнинг тўртта томонида устунлар бор. Мақбаранинг ички ва ташқи томони зангор, кўк, бинафша ранглар билан безатилган ва нақшинкордир.

Улуғбек мадрасаси. Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек ушбу мадрасани 1417 - йилда қурдирган. Улуғбек Гиждувон ва Самарқандда ҳам мадрасалар бунёд этган. Лекин, илк мадрасаси Бухородадир. У тўғри тўртбурчак шаклида. Унда ҳовли, пештоқ, дарсхона, масжид бўлиб икки қаватли. Устаси Исмоил Тоҳир ўғли ҳисобланади.

Масжиди Калон. Бу археологик қидирув маълумотларига караганда 12 - асрда қадимги иморат қолдиқлари устига 14 - 15 - асрларда курила бошланиб, 16 - аср бошларида таъмирланган. Жоме масжиди ҳисобланиб, Бибихоним масжидидан кейин катталиги жиҳатдан Марказий Осиёда иккинчи ўринда туради. Ёдгорликнинг қурилиш анъаналари темурийлар даврини эслатади. Унинг еттига эшиги бўлиб, асосий эшигининг ички ва ташқи томонлари айвонлар билан безатилган. Масжид 127 x 78 метр бўлиб, бир гектар майдонни эгаллаган. Ҳовлининг йўлаги 208 та устун тепасига қурилган 288 та қубба билан қопланган.

Мир Араб мадрасаси. 1530 - йилда қурилган бу мадраса тархи ҳудди Мирзо Улуғбек мадрасаси кабидир. Фақат дарсхона ўрнига мақбара жойлашган.

Мақбаранинг ичига Мир Араб дафн этилганлиги боис, унга шу ном берилган. Мир Араб асли яманлик шайх Абдуллоҳдир. Мақбарада унинг авлодлари ҳам жойлашган. У турли кошинлар, ганчлар билан безатилган. Обида икки қаватли бўлиб, хужралардан иборат.

Кўкаaldoш мадрасаси. Ёдгорлик Абдуллахон хукмронлиги йиллари (1578 - йил)да куриб битказилган бўлиб, Марказий Осиёдаги йирик мадрасалардан биридир. Унинг 160 та хужраси бор. Эшиги, пештоқ, айвончали болхоналар гўзал қилиб қурилган. Пештоқ кошинларида кўк, яшил ва оқ нақшинкор безаклар ўсимликларни тасвирлаган. Мадрасада ёзувчи Садриддин Айний яшаган ва ўқиган.

Кўш мадраса. Кўш мадраса дейилишига сабаб, иккита мадрасадан иборат. Бири Модарихон мадрасаси (1566 - йил), иккинчиси Абдуллахон мадрасаси (1588 - йил) дир. Булар ҳам Кўкаaldoш каби Абдуллахон даврида қурдирилган. Модарихоннинг хажми кичикроқ, безаклари оддий услубдадир. Абдуллахон эса серҳашам.

Бозор тоқилари. Шайбонийлар сулоласи давларида турли савдо тоқилари курилган: Тоқи саррофон (саррофлар - бир давлатнинг пулини иккинчи бир давлат пулига алмаштириб берувчи кишилар); Тоқи телпакфурушон (тепак, дўппи сотувчилар); Тоқи китобфурушон (китоб сотувчилар); Тоқи заргарон (заргарлик буюмлари тайёрловчилар ва сотувчилар). Буларнинг бари 15- асрга оид меъморий ёдгорликларимиздир.

Лабиҳовуз майдони. Майдон ўртасида 1620 - йили катта ҳовуз қазилиб, атрофлари синчлар билан мустаҳкамланган, ҳарсанглардан зинапоялар, мармардан тарновлар ишланган. Ҳовузнинг эни 36 метр, бўйи 45,5 метр, чуқулиги 5 метр бўлиб, унинг ғарбий томонида Нодир Девонбеги хонақоҳи (Лабиҳовуз масжиди), шарқий томонида Нодир Девонбеги мадрасаси, шимолий томонида Кўкаaldoш ва Эрназар элчи номли мадрасаси (сақланмаган) қад кўтарган. Бари обидалар 16 - 17 асрга оиддир.

Абдулазизхон мадрасаси. Ушбу ёдгорликни Бухоро хони Абдулазизхон 1652 - йилда Улуғбек мадрасаси рўпарасида қурдирган. Жуда дабдабали пештоқи бор. Унда Хитой аждари ва семурғ қушининг сурати акс этган. Меъмори Мимхокон ибн Хўжа Муҳаммадаминдир. Мадрасада иккита масжид бор.

Чор Минор. 1807 - йилда қурилган мазкур мадрасани халифа Ниёзқул мадрасаси ҳам, деб аталади. У меъморий мажмуйдан иборат. Яъни, айвонсимон масжид, бир қаватли мадраса, ҳовуз (ҳозирда кўмилган) ва мафтункор олд дарвоза. Ушбу дарвоза зангор ва кўк кошинлар билан безатилган 4 та баланд мезонали куббка шаклида қурилган. Мезаналар хусндор ва минорага ўхшайди, шу боисдан мадрасани Чор Минор дейилади. Унда Хиндистон масжидлари меъморчилиги анъаналари кўринади.

Болаҳовуз масжиди. Арк қаршисида 1712 - йилда қурилган. У хужралар ва 20 та баланд ёғоч устунлардан иборат, ҳашаматли айвондан ташкил топган.

Айвонлар 1917 - йилда қурилган.

Ситораи Моҳи Хоса. Мазкур сарой шаҳар ташқарисида, шаҳардан 4 км. шимолда мавжуд. Амир Аҳадхон 1892 - йилда эски саройни қурдирган. Шунингдек, бу ерда европа услубида янги мажмуа ҳам бунёд этилган. 6,7 гектарга эга боғи мавжуд. 1917 - йилда Амир Сайид Олимхон янги саройни рус муҳандислари Сокович ва Маргулислар, безакларини эса Уста Ширин Муродов раҳбарлигига қурдиради.

Хоразм вилояти ёдгорлик ресурслари

Қадимги Хоразм тарихи, археологияси, давлатчилиги, сънати, илм - фани, дини, хунармандчилиги.

Хива "Ичан қалъа" тарихий меъморчилик қўриқхона музейи: 1920 - йил 26 - апрелда собиқ Хива хони қабулхонаси биносида очилиб, дастлаб Хоразм Республика тарих - инқилобий музейи, 1924 - йилда Хоразм вилоят тарих - инқилобий музейи, 1970 - йилдан "Ичан қалъа" меъморчилик қўриқхонаси билан бирлаштирилиб, Хива "Ичан қалъа" тарих - меъморчилик қўриқхона - музейи", - деб аталган. "Ичан қалъа"га тўртта дарвозадан кирилган: Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза.

Меъморий обидалари:

Кўхна Арқ. Хиванинг қадимги қалъаси. Қалъа тарихи Хива тарихи билан боғлиқ. Унда 19 - асрда оид хон ва амалдорларнинг ховлилари, аслахахона, ўқ - дори тайёрлайдиган устахона, омборлар, ошхона, отхона, зиндон, қўчқор уруштириладиган майдон бўлган. Тўртта ховлидан ташкил топган.

Сайид Аловуддин мақбараси. 14 - асрда Сўфи Амир Кулол Нақшбанд томонидан устози шайх Аловуддин мозори устига қурдирган мақбара пештоқли, унда зиёратхона ва гўрхона мавжуд. Сағанага Сайид Аловуддиннинг вафот этган санаси (1303 - йил) битилган.

Уч авлиё мақбараси. 16 - асрда қурилган. Номаълум уч кишининг қабрлари мужассам. Пештоқи баланд, гумбазли катта хонаси бор. Бухоролик усталар кургани боис, Хива ёдгорликларидан ажралиб туради.

Араб Муҳаммад мадрасаси. 1616 - йилда Хива хони Араб Муҳаммадхон томонидан қурдирилган. Меъмори ким эканлиги номаълум. Тўртбурчак шаклида эмас, трапеция шаклида қурилган. Дарсхонаси бостирма устида. Гумбазли хонали.

Анушаҳон ҳаммоми. 1657 - йилда Оқ масжид ёнида Абдулғозихон томонидан ўғли Ануша Муҳаммад Султоннинг Карманадаги ғалабаси шарафига қурдирилган.

Хўжамбердигек мадрасаси. 1688 - йилда қурилган. Хужралар билан ўралган, дастлаб бир ҳовлили бўлган. Оллоқулихон мадрасаси қурилгач, Хўжамбердигек мадрасаси икки ҳовлили қилиб қайта бунёд бўлган.

Шерғозихон мадрасаси. Хива хони Шерғозихон Машҳад (Эроннинг шимоли - шарқий қисмидаги шаҳар)да қилган ғалабаси шарафига 1719 - 1728 йилларда қурдириган. Унинг рўпарасида Паҳлавон Маҳмуд мақбараси

жойлашган. Мадраса ҳовлиси ўртада, тўртбурчак шаклида, безаксиз, содда ва бир ва икки қаватли, хужралар, масжид, дарсхона бор. Пештоқи катта.

Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси. 18 - асрда Хива хони Муҳаммад Амин Иноқ (1770 - 1785) хукмронлиги даврида қурилган. Бир қаватли ҳовлида иккита айвон бўлиб, дарсхона, масжид, хужралар бор.

Жума масжиди. Масжиднинг ташқи кўриниши содда. Ички катта хонада 212 та устун бор. Безаклар 18 - 19 асрга таълуқли. Устунларнинг тўрттаси 10 - асрга оид. Шунингдек, 14 - асрга таълуқли устунлар бор. 18 - асрда масжид қайта таъмирланиб, баланд минора ҳам қурилган.

Боғбонли масжид. Буни ака - ука боғбонлар бунёд эттирган. Унинг томи гумбазли, икки устунли пешайвондан иборат. Меъмори Паҳлавон Қули бўлиб, 1809 - йилда қурилган. Баъзи безаклар 14 - асрга оид.

Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минораси. Хива хони Муҳаммад Аминхон томонидан 19 - асрда қурдирилган. Калта минор унинг ёнида жойлашган. Хоннинг ўлими минора қурилишини тўхтатиб қўйган. Шу боис, унинг бўйи 26 метрлигича қолиб кетган. Мадраса икки қаватли бўлиб, биринчи қаватдаги хужралар даҳлизли, иккинчи қаватдагилари айвонли.

Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси. 19 - асрда Хива хони Сайийд Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) томонидан қурдирилган. Кўхна Арк рўпарасида бўлиб, катталиги бўйича Муҳаммад Аминхон мадрасасидан кейин иккинчи ўринда туради. Унда ёзги ва қиши масжид, дарсхона, кутубхона, хужралар мавжуд. Олд қисми икки, қолганлари бир қаватли.

Паҳлавон Маҳмуд мажмуи. У гумбазли хонақоҳ, мақбара ва зиёратхоналардан иборат. 19 - 20 - асрларга оид. Дарвозахонадан кичик ҳовлига ўтилади. Қаршисида катта пештоқ, гумбазли хонақоҳ, мақбара, гарбида қориҳона, шарқида айвон, ҳовлида қудуқ мавжуд.

Ислом хўжа мадрасаси ва минораси. Исфандиёрхоннинг бош вазири Ислом хўжа ўз даврининг тараққийпарвар шахсларидан бири бўлиб, 1910 - йилда мазкур обида қурилишини амалга оширган. Шунингдек, у маҳаллий болалар учун мадраса ва минорадан ташқари мактаб, касалхона, почта, кўприк ва йўллар ҳам барпо этган. Уни хивалик уста Худойберган ҳожи қурган.

Оллоқулихон давридаги меъморчилик: Оллоқулихон Хива хони бўлиб, 19 - асрда яшаган. Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғли. Унинг даврида Карвон сарой, тим, мадраса, Тош ҳовли, Оқ масжид, Сайийдбой масжиди каби иншоотлар қурилган.

Оллоқулихон карвон саройи ва тими. Тўғри тўртбурчак шаклида, ҳовли ва икки қаватли хужрали. Карвон сарой ичкарисига икки гумбаз остидан ўтилади. Ҳовлида от - араваларга мол ортиш учун барча кулайликлар бўлган. Гумбазли тим карвон саройдан кейин қурилган.

Оллоқулихон мадрасаси. Хива хони Оллоқулихон томонидан 19 - асрда қурилган. Уни рўпарадаги Хўжамбердибек мадрасасига ўхшатиб ишланган ва шу боис, меъморчиликдаги усувлардан қўш мадраса бунёд бўлган. Мадраса

сунъий тепаликда қурилган. Ҳовлисидаги икки қаватли хужралар сони 99 та.

Тошховли. Оллоқулихон томонидан 19 - асрда қурилган. Аввал ҳарам, кейин меҳмонхона, арзоналар бунёд бўлган. Деворлари кошинли, ганч, ёғоч, тош ўймакорлиги мужассам 163 хонали. Унда хон оиласи яшаган, идоралар жойлашган, элчилар, арз билан келгандар кутиб олинган.

Оқ масжид. Уч тарафи айвонли. Яssi том устидаги гумбаз оппоқ бўлиб кўрингани учун шу ном билан аталади. Панжаралар ва эшиклардаги нақшлардан ташқари безаклари кўп эмас.

Матниёз Девонбеги мадрасаси. Ота дарвоза яқинида 19 - асрда қурилган мазкур ёдгорлик бир қаватли. Тўгри тўртбурчак шаклида. Дарсхона, масжид, хужралари бор.

Сайид Шоликорбой мажмуи. Савдогар Сайид Шоликорбой "Иchan қальъа" шарқий дарвозаси бўлмиш Полвон дарвоза ташқарисида 19 - асрда қурдирган. Мажмуа масжид, мадраса, айвон, минорадан ташкил топган.

Шунингдек, Хивада Қутлуғ Мурод Иноқ, Мусотўра мадрасалари, Полвон кори, Шайх Қаландар бобо, Абдал бобо каби миноралар мавжуд.

Қашқадарё вилояти ёдгорлик ресурслари

Қашқадарё тарихи. Кўхна манзилгоҳлар. Хўжа Илғор - Амир Темур таваллуд топган қишлоқ. Амир Темур ва темурийлар даврида илм - фан, меъморчилик, ободончилик. Испания элчиси Луи Гонзалес де Клавихонинг Темур саройига ташрифи.

Хўжа Илғор қишлоғи меъморий обидалари. Қишлоқ тарихи, ундаги масжид қолдиқлари ва қабристони. Амир Темурнинг "Полвон тоши". Татар гузар масжиди. Тошқўргон қишлоғи тарихи ва ундаги иккита масжид. Амир Темур "ғори". Тарағай қишлоғи. "Дунё тела".

Шаҳрисабз (Кеш) меъморчилиги: Оқсарой. Амир Темур ушбу обидани Хоразмни эгаллаш шарафига бунёд этган. Унда Хоразм усталари катта меъморчилик ишларини олиб боришган. У 1370 - 1404 йилларда қурилган. Оқсарой пештоқининг Марказий Осиё ёдгорликлари ичидаги энг йирик пештоқ эканлиги. Унинг равоқ оралиги 22,5 метр, минорасининг ҳозирги вайронга ҳолатидаги баландлиги 38 метр, пештоқ кенглиги 40 метрдир. У Ҳиндистондаги Тожмаҳалдан ҳам ҳуснкор бўлган. Хориж элчилари шу ерда қабул қилинган. Клавихонинг Оқсаройда бўлиши. Оқсарой дейилишига сабаблар: онасининг шарафига қурилганлиги. Оқлик ва поклик рамзи. Узоқдан оппоқ бўлиб кўриниши.

Доруссаодат мажмуйи. Бунинг маъноси баҳт - саодат уйидир. Мазкур обидани давлатмандлар саройи ҳам дейилади. Чунки, унда темурийлар хилхонаси жойлашган. Амирзода Жаҳонгир, Умаршайх мирзо ва Амир Темурнинг ўзи учун бунёд этган сағаналари, мақбаралари, Ҳазрати Ином масжиди ва мақбараси шулар қаторига киради.

Доруттиловат мажмуйи. Бунинг маъноси Қуръони Карим тиловат қилинадиган жойдир. Унда шайх Шамсуддин Кулол, Гумбази Сайидон ва

Тарағай Баҳодир (Амир Темурнинг отаси) мақбаралари ҳамда Кўк гумбаз масжиди мужассам. Шунингдек, Чорсу, ҳаммом, Малик Аждар ва Хўжа Мирҳамид масжидлари бор.

Қарши (Насаф) шахри ёдгорликлари: Кўк гумбаз масжиди. 16 - асрда Абдуллахон даврида қурилган. Кўк гумбаз дейилишига сабаб, ўз номидан кўриниб турибдики, гумбазнинг кўк рангда эканлиги. Бўйи 38 метр. Асосий хонақоҳ 8 x 8 метр. Тузилиши содда. Шунингдек, Қаршида кўприк, ҳаммом, Шермуҳаммад, Шарифхўжа, Хўжа Қурбон, Бекмир, Абдулазизхўжа мадрасалари; Кўргонча ва Загза масжидлари мавжуд.

Вилоятда яна қуидаги меъморий обидалар мужассам: Гузорда Оксарой; Китобда Хўжа Илим Кон хонақоҳи ва Башир ота мақбараси ҳамда бир масжид; Яккабоғда Ёдгор Валлома мадрасаси; Чирокчида Эски Лангар масжиди, Катта ва кичик хонақоҳлар; Қамашида Лангар ота масжиди ва мақбараси; Косонда Банди Кушон масжиди, Ҳусам ота мажмуйи, Кўрғон масжиди, Пўлоти масжиди - хонақоҳи; Касбидা Хўжа Карлик, Султон Мирҳайдар мажмуйлари, Пандрон, Тўра масжид масжидлари, Намозгоҳ, Сардоба, Қўшгумбазли мақбара; Жўйновдаги Айвон масжиди; Нишонда Ҳазрати Имом Мўйин ва Ковчинда Ҳазрати Шайх мажмуалари.

Сурхондарё вилояти ёдгорлик ресурслари

Сурхондарё тарихи. Археологик ёдгорликлари ва кўхна манзилгоҳлар: Тешик тош ғори, Мачай ғори, Зараутсой, Сополли тепа, Далварзин тепа, Хотин Работ, Айритом.

Сурхон меъморчилиги: Имом ат - Термизий мақбараси. Машҳур муҳаддис (ҳадис илми олим) лардан бири - Абу Исо Мухаммад ибн Савра ибн Мусо ибн ад - Даҳҳок ас - Сулламий ат - Термизий ҳоки устига бунёд этилган. Имом Термизий 9 - асрда яшаб, узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон (Эрондаги шаҳар), Ҳурсон (Эрондаги вилоят), Макка ва Мадинада бўлган. Илм ал - қироат, илм ал - баён, фикҳ, тарих ва энг асосийси ҳадис илмини пухта эгаллаган. Унга Имом ал - Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Сайид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Гайхон каби машҳур муҳаддислар устозлиқ қилишган. Унинг асаллари ичida "Ал - жомиъ" ("Жамловчи") асари машҳурдир. Унда пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим манбалар мужассам. Имом ат - Термизий мақбараси Шеробод туманининг Буғ қишлоғида жойлашган.

Ҳаким ат - Термизий мажмуйи. 9 - 11 - асрларда Шайх Абу Абдуллоҳ ибн Мухаммад ҳаким ат - Термизий қабри устига қурилган. Ичida оқ мармардан қабр тоши ва маҳорат билан безатилган меҳроб бор. Тошга ўйиб ўсимликлар тасвири солинган ва Қуръони Карим суралари битилган. Мажмуада мақбарадан ташқари масжид (11 - аср), хонақоҳ (15 - аср) мужассам.

Султон Саодат мажмуйи. 10 - 17 - асрларга оид. Термизлик саййидлар авлодлари дағн этилган мақбаралардан иборат. Мақбаранинг асосий пештоқи шарққа қаратилган. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналардан иборат.

Зурмала минораси. Термиздан 10 км. масофадаги 12 метрли минора бўлиб, шу хароба ҳолатида ҳам улуғвордир. Хом ғиштдан терилган. Минора эрамизнинг дастлабки йилларида қурилган.

Қирқиз кальяси. Мазкур хароба ёдгорлик Термиздан 6 км. масофада бўлиб, икки қаватли саройдир. Хордик чиқариш ва ёзги иссиқ кунларда сақланиш учун 9 - асрда қурилган. Биринчи қаватда 17 та катта хона, 3 та зал бор. Иккинчи қаватда ҳам ушбу режа такрорланган. Уни ўзбек халқининг 18 - асрдаги "Қирқиз" достони билан боғлиқлиги ҳақида ҳам фикрлар бор.

Жарқўрғон минораси. Жарқўрғон туманида 18 - асрда қурилган ушбу минора арча услубида пишиқ ғиштлардан терилган. Цоколи саккиз ёқли. Саккиз ёқнинг еттитаси юзасида токча ва ғиштдан терилган ёзувлар бор. Саккизинчи ёқнинг эшигидан айланма зинага чиқилади. Баландлиги 30 метрга яқин. Айланаси 17 метрга яқин, ғиштдан турли шакллар берилган.

Заровутсой қўриқхонаси. Термиздан 100 км. масофада. Кўҳитанг тоғида жойлашган. Ундаги 200 дан ортиқ суратлардан 30 га яқини яхши сақланиб қолган. Уларда ибтидоий кишиларнинг ов қилиш жараёни тасвиранган.

Тошкент шаҳри ва вилояти ёдгорлик ресурслари

Тошкент (Шош, Чоч) тарихи. Қанғ давлатчилиги. Археологик ёдгорликлари, илм - фани, хунармандчилиги, санъати. Савдогарлик. Тошкентнинг 4 даҳаси ва 12 дарвозаси. Мустақиллик йиллари қурилган маданий - майший иншоотлар.

Меъморчилик: Хўжа Аламбардор мақбараси. Хўжа Аламбардор (10 - аср) - Моварауннахрда исломни илк даъватчиларидан бўлган - Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал - Қаффол ал - Шошийнинг сафдоши аламбардор (байроқдор) шарафига қурилган. Унинг таҳмин қилинган қабри шаҳарнинг эски Бешёоч қисмида, Камолон дарвозаси ортида бўлиб, зиёратгоҳ мемориал мажмууга асос бўлган. Унинг ер ости чиллахонаси ҳозиргача сақланган. Хўжа Аламбардор мақбараси қабристоннинг марказида жойлашган.

Қаффол Шоший мақбараси. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал Қаффол аш - Шоший бўлиб, яшаган даври 10 - асрдир. Тошкентнинг етук олимларидан бири ҳисобланиб, шофиъия (сунийликдаги оқим) мазҳабининг ривожланишига катта хисса қўшган. Қуръон, ҳадис, шариат илми билимдони бўлган. Унинг "Одоб ул - қози" ("Қозо одоби") асари машҳурдир. Мақбара ҳалқ тилида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) дейилади. У 0,5 граммгача оғирликдаги қулф - калитларни ясаганлиги учун "Ал - Қаффол" ("Қулфчи") нисбати берилган. Унга атаб қурилган дастлабки мақбара сақланиб қолмаган. Гулом Ҳусайн номли меъмор кейинроқ уни қайта қурган. Эшикнинг тепасидаги китоба сақланиб қолган. Мақбаранинг ўртасида каттагина хона бор. 16 - асрда мақбара ёнида Бобохўжа мақбараси ҳам бунёд бўлган.

Шайх Зайниддин бобо Орифон мақбараси. Шайх Зайниддин бобо (13 - аср) асли Бағдод (Ироқ) лик бўлиб, у кишининг оталари Шаҳобиддин Орифон Бағдоднинг энг катта мутассавуфларидан бири бўлганлар. 1214 - йилда туғилган Зайниддин бобо кейинчалик Тошкентга кўчиб келганлар. Мазкур

мақбаранинг чиллахонасида ҳаёт кечириб, тасаввуф тариқатини ривожлантиришга ҳисса қўшганлар. Ривоят қилишларича, у киши Ҳости Имомда ётган Қаффол Шошийга жуда ихлосманд бўлган эканлар. Шу боис, ушбу мақбарадан Ҳости Имомга ер ости йўли бўлган экан. Мақбара соҳибқирон Амир Темур фармони билан қурилган, - дейилади.

Занги ота ҳимматий ёдгорлик мажмуи. Занги ота (13 - аср) нинг асл исмлари Ойхўжа ибн Тож Хўжадир. Занги (арабча сўз) ота дейилишига сабаб, у киши қора танли бўлганлар. Шунинг учун Занги ота нисбати берилган. Туркистон ислом оламида улуғ мутафаккир ва мутасаввуф донишмандлардан ҳисобланадилар. Устозлари Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), завжалари Анбар отиндир. Ул зот қўй боқиб ўстирганлари учун чўпонларнинг пири, - дейишган. Амир Темур ушбу обидани бунёд этган. Мажмуа дарвозахона, минора, масжид, мадраса, хонақоҳ, шийлон, ховуз, Анбар отин мақбараларидан иборат.

Чўпон ота мажмуи. Мазкур мажмуанинг қурилиши Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ (15 - аср). Кўйчивон чўпонлар ҳомийси Чўпон отага атаб қурилган. У масжид, мақбара, ҳужралар, дарвозахонадан иборат.

Шайх Ҳованди Тоҳур мажмуи. Мажмуада асосан учта мақбара бор: Шайх Ҳованди Тоҳур, Юнусхон, Қалдирғочбий.

Шайх Ҳованди Тоҳур мақбараси. Шайх 14 - асрда яшаб ўтган диний арбоблардан, илоҳиёт ва тариқат илми намоёндаларидан бири бўлиб, валиуллоҳ даражасига етган. Отаси Шайх Умар Боғистонийдир. Хўжа Аҳрор валий уларнинг қариндоши бўлган. Шайх мақбараси бир неча бор қурилган ва унча катта бўлмаган. Икки хонадан иборат: биринчи - катта хона 12 қиррали гумбазли зиёратхона; иккинчи - кичик хона 8 қиррали гумбазли гўрхонадир. Мақбарани ёнида иккита чиллахона бўлган. Уларни Хўжа Аҳрор қурдирган, атрофи мозор бўлган. Масжид ҳам бўлган. Мақбара 14 - 15 - аср обидасидир.

Юнусхон мақбараси. Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чифатойнинг наслидан ҳисобланади. 15 - асрда яшаб ўтган. У Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг отасидир. Яъни, Бобурга бува ҳисобланади. Тошкентнинг 1485 - 1487 - йилларидағи ҳокимиmdir. Мақбара Юнусхоннинг ўғли Аҳмадхон томонидан қурдирилган. Тархи тўғри тўртбурчақ, ўртасида хонақоҳ бўлиб, гумбазли. Залнинг бурчакларида икки қаватли ҳужралар бор. Гумбаз кейинчалик бузилиб кетган.

Қалдирғочбий мақбараси. Мақбара 15 - асрнинг биринчи ярмида бунёд бўлиб, ким томонидан қурдирилганлиги номаълум. Ривоятларга кўра, бу ерга Қалдирғочбий исмли қозоқ шаҳзодалардан ёки бийлардан бири дафн этилган. Кубик шаклидаги мақбара 12 қиррали пирамидалик гумбаз билан ёпилган.

Бароқхон мақбараси. Бароқхон (16 - аср) - шайбонийлар сулоласидаги хон бўлиб, ўз даврида Моварауннахрни бошқарган. Унинг номи билан танга пуллар зарб этилган. Ободончилик ишлари қилган. Хусусан, мадраса қурдирган. Ҳозир ушбу бинода Ўзбекистон мусулмонлари диний ишлари идораси жойлашган.

Кўкалдош мадрасаси. Ушбу мадраса 16 - асрга оид бўлиб, уни Тошкент хонларидан бирининг вазири Кўкалдош курдирган. Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Ҳислат каби шоирлар ушбу мадрасада бўлишган, яшашган, илм олишган. Мадраса Ўзбекистон мусулмонлари диний ишлари идораси тасарруфидадир.

Хофиз Кўҳакий мадрасаси. Хофиз Кўҳакий (16 - аср) - Султон Мухаммад Хофиз Тошкандий тарихчи, хуқуқшунос, таржимон бўлиб, Мирзо Улугбекнинг севимли шогирди Алиқушчининг набирасидир. У Ҳиндистонга 1528 - йили Бобур Мирзо ва 1569 - йили Акбаршоҳ хузурига элчи бўлиб борган. Ушбу ном билан мадраса қурдирган ва талабаларга илм ўргатган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, уни қайта тиклашга эришилди. Ҳозир масжид вазифасини ўтамоқда.

Абдулқосим Шайх мадрасаси. Абдулқосим (19 - аср) Тошкент шаҳрида маърифатпарварлик ишлари билан ном қозонган бўлиб, илми толибларга бепул илм ўргатган. Ушбу мадраса ҳам унинг томонидан бунёд бўлган. Ҳовлида гир айлана икки қаватли хужралар бор. "Ҳонақои Мўйи Муборак" ичидаги равоқли меҳроби тепасида араб тилида "Бу арк каби бинода Расулнинг латиф мўйи бор", - деб ёзилган сўзлар бор.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг миллий қаҳрамони - Амир Темур ва миллатимиз донишманди - Алишер Навоийга атаб ажойиб ҳайкаллар бунёд этилди.

Фарғона водийси ёдгорлик ресурслари

Водий тарихи. Археологияси, илм фани ва маданияти. Ҳунармандчилик ва савдогарлик.

Фарғона вилоятидаги меъморий ёдгорликлар.

Кўқон шаҳри бўйича:

Ўрда - Худоёрхон саройи. 19 - асрнинг иккинчи ярмида қурилган. 4 гектар майдонни эгаллаган. Дарвозахона пештоқига "Арки олий Сайид Мухаммад Худоёрхон" деб битилган. 100 га яқин хоналар бор. Асосан ғиштдан қурилиб зеб берилган.

Жоме масжиди ва минораси. 19 - аср бошларида Кўқон хони Умархон қурдирган. Унда хонақоҳ ва 98 ёғоч устунли айвон мавжуд. Масжид 97,5 x 25,5 метрга teng. Унинг ёнидаги минора 22 метр баландлиқда.

Камол қози мадрасаси. 19 - аср ўрталарида қурилган. Унда дарсхона, хужралар ва айвонли масжид бўлган.

Миён ҳазрат (Миён Аҳмад) мадрасаси. 18 - аср охирида қурилган.

Мадрасани хон хузурида маслаҳатчи лавозимида ишлаган Миён Аҳмад исмли киши қурдирган. Унда дарвозахона, хужра (дарсхона)лар, масжид, ховли ва миноралар бор. Муқимий шу мадрасада таълим олган.

Даҳмаи Шоҳон ва Модарихон даҳмалари. Бу иккала ёдгорлик ҳам 19 - асрга оид. Даҳмаи Шоҳон ҳазираси - Кўқон хонларининг қабристонидир. У қубба - пештоқли кириш йўлак, икки устунли масжид ва айвондан иборат. Модарихон "Хон онаси" ҳазирасида эса хонзода аёллар кўмилган. Мажмууда пештоқ,

гумбаз ва икки минора сақланиб қолган.

Норбўтабий мадрасаси. 18 - асрнинг иккинчи ярмида курилган. У бир қаватли ҳовлили бинодан иборат, тархи тўртбурчак. (52 м. x 72 м.). Тўрт бурчагида миноралар ишланган. Унда масжид ва дарсхона бор.

Гиштли масжид. Маҳалла масжиди бўлиб, 20 - аср бошларида курилган. Хонақоҳ ва айвондан иборат. Ихчам тархли ва гўзал қилиб безатилган.

Шунингдек, Мулкобод масжиди (20 - аср), Аюббой, Олимхон хожи, Абдураҳмон қози, Саъдихон қози номли 20 - аср бошларида курилган уйлар ҳам алоҳида тарихий қимматга эга.

Бувайда тумани бўйича:

Подшоҳ Пирим мажмуи. Унинг ўзагини Шоҳ Жалил даҳмаси ташкил этади. Шоҳ Жалил авлиё сифатида тан олинган. Мажмуа икки ҳовлидан иборат: 15 - асрга оид пештоқли - гумбазли дарвозахона ва 20 - асрга оид очик масжид. 15 - 16 асрга оид қабр ва даҳмалар.

Бўстонбува мақбараси. Бу ерда Шоҳ Жалилнинг отаси дафн этилган. Обида 15 - 16 - асрларга тегишли эканлиги аниқланган.

Биби Бувайда даҳмаси. Бу аёллар даҳмасидир. Унда шоҳ Жалилнинг онаси ва хотини қўмилган. Гумбазли икки хонадан иборат. Бувайда тумани шу ном билан сақланиб қолган.

Шунингдек, Риштон туманидаги Жаҳонобод масжиди, Хўжа Илғор масжиди, Корихона хонақоҳи. Олтиариқ туманидаги Халфа Тилло мажмуи (буларнинг бари 20 - аср бошларига оид); Марғilonдаги Пир Сиддик мажмуи, Хўжа мағиз мақбараси (буларнинг иккаласи 18 - асрға оид), Чақар масжиди (20 - аср), Сайид Аҳмадхўжа мадрасаси (19 - аср охiri), Туронбозор масжиди (19 - аср) ҳам тарихий аҳамиятга эгадир.

Андижон вилоятидаги меъморий ёдгорликлар.

Андижон шаҳри бўйича:

Жоме мажмуи. У мадраса, масjid ва минорадан иборат. Мадраса 19 - аср охирларида катта ва ҳашаматли қилиб курилган. Дарсхоналари ва ҳужралари бор. Икки қаватли. Тархи П шаклида. Масжид Фарғонадаги энг йирик обида ҳисобланади. Миноранинг баландлиги 32 метр.

Шунингдек, тумандаги савдогар Аҳмадбек ҳожи томонидан қурдирилган уй, Пахтаобод туманидаги Отақўзи мадрасаси (буларнинг иккаласи ҳам 20 - аср бошларида курилган), Наманган шаҳридаги Мулло Қирғиз мадрасаси (20 - аср), Ота Валихонтўра масжиди (20 - аср), Мавлонбува мажмуи (19 - аср), Хўжа Амин қабри (18 - аср), Наманган туманидаги Сирли масжид (19 - аср), Юсуфбой Ҳожи уйи (20 - аср), Косонсой туманидаги жоме масжид (18 - аср), Юсуфхон Эшон мажмуи (18 - аср), Тўракўрғон туманидаги Гойибназар мадрасаси (19 - аср), Чуст туманидаги Лутфулло Мавлоно мажмуи (20 - аср), Поп туманидаги Чодак мадрасаси, Бой Ҳамадоний мақбараси (19 аср) ҳам алоҳида тарихий, эстетик ва туристик эътиборга лойиқ.

Водийда Мустақиллик йилларда Аҳмад ал - Фарғоний, Бурхонуддин ал -

Марғиноний юбилейлари муносабати билан ўрнатилган ёдгорликлар, Андижондаги Бобур Мирзо хотирасига атаб курдирилган обидалар туризм марказлари сифатида қад ростлаб турибди.

Бошқа ҳудудлардаги ёдгорлик ресурслар

Кармана тарихи.

Кармана меъморий ёдгорликлари. Қосим шайх Азизон мажмуаси. 16 - аср ислом дини мутафаккирларидан бири - пири комил Қосим шайх Азизон бўлиб, Бухоро хони Абдуллахоннинг устози бўлган. Унинг тўрт томонидан қудук бўлган. Бу ерда масжид ҳам бор.

Мир Сайид Баҳром мақбараси. 10 - 11 - асрга оид бўлиб, уни самонийлар сулоласи вакилларидан бирининг қабри, -деб келинади. Мақбара пишиқ ғиштдан, гумбазли, тўртбурчак шаклидадир. Ўртада қабр, унинг ёнида иккита қабр тоши бор.

Работи Малик ва Сардоба. Буларни 11 асрда қораҳонийлар даврида Шамсулмулк Носир Ибн Иброҳим қурдирган. Мажмуа "Буюк Ипак йўли"да карвонсарой - меҳмонхона вазифасини бажарган. Амур Темур, Алишер Навоийлар ҳам бу ерда бўлишган.

Шунингдек, Кампир деволи, тарихий чорбоғ ва саройлар ҳам Кармана тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Асқаробод, Чоргарчорбоғ, Хончорбоғ, Жарчорбоғ, Гулчарбоғ, Боғлочин, Хайработ, Мирза чорбоғлар шулар жумласидандир.

Бухоро амири Абдулло Аҳмадхоннинг 1894 - 1910 йилларда яшаган уйи - Хончорбоғдадир. Чаргарчорбоғда эса Бухоро амирининг саройи (қароргохи) бўлган.

Жиззах - Самарқанд йўлидаги "Темур дарвозаси" ҳам туризм манзилларидандир.

2 - илова

Халкаро туризм марказлари

Европа мамлакатлари туризм марказлари

Буюк Британия. Пойтахти Лондон шаҳри. Иқлими - мўътадил денгиз иқлими. Давлат тузуми - парламентли монархия (қироллик). Майдони - 244,1 минг кв. км, аҳолиси- 58,5 млн. киши (1990 - йиллар охири), тили - инглиз, дини - христиан, пул бирлиги - фунт стерлинг. Тарихан таркиб топган ва миллий жиҳатдан ҳар - хил бўлган 4 маъмурий - сиёсий қисм (Англия, Уэльс, Шотландия ва унга ёндош ороллар Шимолий Ирландия)дан иборат. Йирик шаҳарлари: Лондон, Бирмингем, Глазго, Ливерпуль, Манчестер, Шеффилд, Лидс. Миллий байрами - Қиролича туғилган кун (июнь ойининг иккинчи ёки учинчи шанбаси).

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: Лондон. Букингемск саройи. Парламент

биноси. Авлиёлар собори. Миллий денгиз музейи. Британ денгиз соҳили курортлари. Бизнес туризм, маданий туризм. Хорижий туризмнинг асосан таътилларга, бизнес туризмга, қариндошлар ва дўстлар ташрифига (туризмнинг 50 %, шулардан 40 % таътиллар учун, 26 % бизнес туристлар учун) тегишли эканлиги. Хорижий туризм ривожланган. Бир йилда 12 млн. турист келиб кетишади. Икки - беш юлдузли отеллари. Масалан: ST James Coust****, Holiday Inn****.

Ўзбекистон - Буюк Британия муносабатлари. Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо - иқтисодий ҳамкорлик 1993 - йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Буюк Британияга қилган ташрифи чоғида имзоланган "Савдо - иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида", "Капитал қўйилмалар сарфланишини рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш хақида" ҳамда "Икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик тўғрисида"ги шартномаларга асосланади. "Бритиш Эйрвей" компанияси билан тузилган шартномага биноан 1992 - йил 31 - декабрдан бошлаб "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиация компаниясининг самолётлари ҳафтасига 4 марта Лондонга қатнаб турибди. 1994 - йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиация компанияси Буюк Британия транспорт департаменти билан келишиб, Тошкент - Манчестер - Тошкент ўртасида мунтазам рейслар бажариш ҳуқуқини олган. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки билан "Барклайз Банк" (салкам 32 млн. АҚШ доллари миқдорида) қўшма фаолият йўналиши сифатидаги кредитни "Сосъете Женерель" банки билан биргалиқда "Метрополь" меҳмонхонаси қурилиши учун 10 йил муддатга ажратди.

Франция. Пойтахти Париж шахри. Иқлими - мўътадил денгиз иқлими. Давлат тузуми - республика. Майдони - 551,6 минг кв. км., аҳолиси - 60,424 млн. киши (2004 - йил), шулардан 98 % французлар, тили - француз, дини - христиан (80 %) ва ислом (5 %), пул бирлиги - француз франки эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Йирик шахарлари: Париж, Марсель, Лион, Тулуса, Ницца, Нант, Страсбург, Бордо ва бошқалар. Миллий байрами - 14 июль - Бастилия ишғол қилинган кун (1789 - йил).

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: Париж. Лувр, Версал музейлари. Эйфел минораси. Д'орсэ вокзали заллари. Помпиду маркази. Диснейленд. Курортлар: Аркашон, Биариц, Лукана, Молиец, Сарнов, Палава, Камарг, Ла - Гранд - Мот, Сет, Мезе, Марсель. Ту кўлидаги сув спортининг ривожланганлиги.

Автомобиль йўлларининг яхши йўлга қўйилганлиги. Доимий рождество (Исо пайғамбарнинг туғилганига бағишлиланган христианлар байрами, милоднинг бошланиши) байрами. Курортлар, отел ва туристик лагерлар: Ривьери (йилига 35 млн. тур. кун), Париж (йилига 1,5 млн. тур. кун), Аквитания, Лангедск, Руссильон (ҳар бири йилига 6 млн. тур. кун). Икки - беш юлдузли отеллар. Масалан, Leonard de Vincy**, Panarama***.

Ўзбекистон - Франция муносабатлари. Франция қироли Карл VI де Валуа (14

- аср) ва Амир Темур давридаги савдо - иқтисодий ва маданий алоқалар. 1992 - йилда Францияда Ўзбекистон республикаси элчихонаси, 1995 - йилда Ўзбекистонда Франция элчихонасининг очилиши. Ўзбекистон Республикаси президенти И. А Каримовнинг 1993 - йилда Францияга ташрифи. Темурийлар санъати ва тарихини ўрганиш ҳамда ўзбек - француз маданий алоқалари ассоциациясининг "Темурид" журнали.

Германия. Пойтахти Берлин шаҳри. Иқлими - мўътадил денгиз иқлими. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 357 минг кв. км., аҳолиси - 82,160 млн. киши (1999 -йил), тили - немис, дини - протестант ва католик, пул бирлиги - Германия маркаси эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Йирик шаҳарлари: Берлин, Гамбург, Кёльн, Франкфурт - Майн, Дортмунд, Ганновер, Нюрнберг, Лейпциг, Дрезден, Дюссельдорф, Штутгарт, Мюнхен, Баден - Баден. Миллий байрами - 3 октябрь - Германия бирлашган кун (1990 - йил).

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: Шоп туризм учун асосан Польшадан, шунингдек, Англия, Франция, Швецария ва Япониядан ташриф. Германия Альп тоғи, Франция ва Ўрта денгиз соҳиллари йўналишида жойлашганлиги сабаб, транзит туризмнинг ривожланганлиги. Савдо кўргазмалари, конференцияларнинг яхши йўлга қўйилганлиги. Курортлари, шифобахш табиати, гўзал манзилгоҳлари, қадимий тарихи ва маданияти.

Ўзбекистон - Германия муносабатлари. 1993 - йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Германияга ташрифи. 1993 - йил Бонн шаҳрида Ўзбекистон элчихонасининг очилиши. 1995 - йил Штутгарт шаҳрида Линден - музейда "Ўзбекистон Буюк ипак йули мероси" кўргазмасининг очилиши.

Италия. Пойтахти Рим шаҳри. Иқлими - мўътадил денгиз иқлими. Давлат тузуми - республика. Майдони - 301,2 минг кв. км., аҳолиси - 57,679 млн. киши (2001 - йил), тили - италян, дини - католик, пул бирлиги - Италия лираси эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Йирик шаҳарлари: Рим, Милан, Неаполь, Турин, Генуя, Палермо. Миллий байрами - 2 июнь - Республика эълон қилинган кун (1946 - йил).

Сайёхлик йўналишлари ва турлари. Классик туризм - Рим, Ватикан, Неаполь, Помпей, Флоренция, Пиза, Венеция, Милан. Ҳар йили 30 млн. атрофида туристларнинг ташрифи. Тур. ресурслари: тоғлар, кўллар ва тарихий обидалар. Халқаро туризм марказларининг асосий қисми шимолий худудларда эканлиги ва унда Венетто шаҳрининг биринчи ўринда туриши (ҳар йили туристларнинг 20 %). Кейинги ўринларда Тоскано ва Альто - Адидже (ҳар бирига 13 %). Шоп тур. Рождество байрами, пляжлар, тоғ чанғисига мўлжалланган курортлар, анъанавий ошхоналар. Римдаги меъморий обидалар. Венеция шаҳридаги Сан - Марко собори, Флоренциядаги Санта Мария дель Фьоре собори, черковлар. Туристларнинг асосан қўшни давлатлар - Германия, Франция, Австрия, Швецариядан ташрифи ва уларнинг бир кунлик ёки транзит пассажирлар эканлиги. Рим, Флоренция ва Венеция каби шаҳарларга асосан АҚШ ва

Япониядан ташриф буюришилиги. Ҳар йили Италия меҳмонхоналари ва бошқа турар жойларда 60 млн. атрофида туристларнинг жойлашуви. Буларнинг 35 % хорижий туристлар эканлиги. 1 - 5 юлдузли отеллари.

Ўзбекистон - Италия муносабатлари. 1996 - йил Флоренцияда имзоланган "Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида" ги битим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1996 - ва 2000 - йилларда Италияга ташрифи. Туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликнинг йўлга кўйилиши.

Испания. Пойтахти Мадрид шаҳри. Иқлими - қуруқ субтропик иқлим. Давлат тузуми - қироллик. Майдони - 504,75 минг кв. км., аҳолиси - 40 млн. киши (2001 - йил), тили - испан, дини - католик, пул бирлиги - песета эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Жаҳон туризм марказларидан бири. Йирик шаҳарлари: Мадрид, Барселона, Валенсия, Севилья, Сарагоса, Бильбао, Малага. Миллий байрами - 12 октябрь - Испан Миллий Куни (1492 - йил).

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: Испанияга ҳар йили 52 млн. туристларнинг келиб кетиши ва 20 млрд. долларгача даромад бериши (АҚШ дан кейин 2 - ўрин). Туристларга 6 млн. кишининг хизмат қилиши. Каталония, Барселона, Лерида, Коста Брава, Валенсия, Мурсия, Андалусия, Риоха, Кастилья - Ла - Манча, Эстремадура, Мадрид. "Испания маданияти" мавзусидаги экскурсия: Малага, Гранада, Севилья, Мадрид, Толедо, Кордорадо, Коста - дель - Соль. Ўрта денгиз соҳилидаги Бенидорм, Салоу, Торремолинос курортлари, Балеар ороллари, пляжлари, миллий истироҳат боғлари, чанги станциялари, гольф ўйинлари, овчилик, от спорти. Отеллари. Масалан, Augusta Club***, Reymar****.

Ўзбекистон - Испания муносабатлари. 15 - асрда Кастилия қиролининг элчиси Клавихонинг Самарқандга Амир Темур салтанатига ташрифи. Мустақиллик йилларидаги савдо - иқтисодий ва маданий - маърифий алоқаларнинг кучайиши.

Греция. Пойтахти Афина шаҳри. Иқлими - субтропик иқлим. Европанинг жануби - шарқий қисмида жойлашган қадимий давлат. Давлат тузуми - парламентли республика. Майдони - 131,9 минг кв. км., аҳолиси - 10,6 млн. киши (2000 - йил), тили - грек, дини - православ, пул бирлиги - драхма эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Йирик шаҳарлари: Афина, Салоники, Патри. Миллий байрами - 25 март - Мустақиллик куни (1821 - йил).

Қадимий грек афсоналари, антик файласуфлар, театрлар, меъморий ва ҳайкалтарошлиқ ёдгорликлари.

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: тарихий аҳамиятга эга - Афина (Аттика), Пелопоннес, Фессалия, Эпир, Македония, Фракия. Кўплаб ороллар, пляжлар. Афинанинг қадимий маданияти ва тарихий ёдгорликлари. Афинадаги Парфенон меъморчилиги, Акрополь ва Ликабет тарихий тепаликлари. Перикл даври ёдгорликлари, авлиё Георгий черкови, Биринчи грек шоҳи Оттонинг собиқ саройи. Крит ороли - Зевс худоси ватани. Тарихий - маданий туризм мақсадида -

испанлар ва америкаликларнинг, оролларга эса немислар, англичанлар, шведлар ва голландларнинг ташрифи. Отеллар: Park *****, Titania****.

Ўзбекистон - Греция муносабатлари. 1992 - йил 16 - мартдан йўлга кўйилганлиги. 1995 - йил январдан ҳаво йўллар орқали ойига 2 марта Афинага самолётларнинг қатнови. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 - иили Грецияга ташрифи.

Туркия. Пойтахти Анқара шахри. Иқлими - асосан субтропик, баъзи худудларда Ўрта денгиз ва континентал иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 814,578 кв. км., аҳолиси - 69,6 млн. киши (2003 - йил), тили - турк, дини - ислом, пул бирлиги - лира. Йирик шаҳарлари: Истамбул, Анқара, Измир, Адана, Бурса, Газиантеп, Эски шаҳар, Кўня, Диёрбакир, Антalia, Эдирна. Миллий байрами - 29 октябрь - Республика куни (1923 - йил).

Туркия атрофини Қора, Мармар, Эгей, Оқ денгизлар билан ўралганлиги ҳамда Сурия, Ироқ, Эрон, Арманистон, Грузия, Болгария, Греция билан чегарадош эканлиги.

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари: Туркияning халқаро туризм марказларидан бири ҳисобланиши. Антalianing "Туркия курортларининг пойтахти" эканлиги. Соғломлаштириш туризми, тарихий туризм (Андиран дарвозаси). Бу йўналишда дам оловчиларнинг асосан Европа, Америка ва Яқин Шарқ мамлакатларидан ташрифи. Пляжларга алоҳида эътибор қаратилганлиги. 2002 - йил Туркияни 13 млн. хорижий сайёҳлар зиёрат қилгани ва туризмдан тушган даромад 10 млрд. АҚШ долларига етгани.

Помуккале - бу оламнинг саккизинчи мўъжизаси, - дейилиши. Унинг соғломлаштириш маркази ҳисобланиши. Қадимий иншоотларнинг мужассамлиги. Анқара - савдо маркази, музейлари. Догубоязит - Исҳоқпоша саройи. Истамбул - порти, истироҳат боғлари, Тўпкапа саройи, Султонаҳмад майдони ва мажмуйи, музейлари, Султонмаҳмуд кўприги. Трабзон монастри. Измирдаги қушлар макони. Дальян қояларидаги қабристонлар. Шоп - тур, диний туризм, яхта тур, маданий - тарихий туризм, рафтинг (ел урилган резина лодка) тур, жип тур, Аква парк. Отелларнинг кўплиги ва уларда сервиснинг олий даражада йўлга кўйилганлиги: Golden Lotus****, Club Marko Polo****.

Ўзбекистон - Туркия муносабатлари. 1992 - йил Туркияning Тошкентдаги элчинонаси, 1993 - йил Ўзбекистон Республикасининг Анқарадаги элчинонаси ваколатхонаси ва Истамбулда Ўзбекистон Республикасининг Бош консулхонаси очилганлиги. Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг 1991, 1994, 1997 - йилларда Туркияга бориши. Туркия президентлари Т. Ўзал ва С. Демирелларнинг Ўзбекистонга ташрифи.

Швейцария. Пойтахти Берн шахри. Давлат тузуми - федерал парламентли республика. Марказий Европадаги давлат. Иқлими - нам иқлим. Майдони - 41,3 минг кв. км., аҳолиси - 7,3 млн. киши (2002 - йил), тили - немис, француз ва итальян, дини - протестант ва католик, пул бирлиги - Швейцария франки. Муҳим шаҳарлари: Цюрих, Базел, Женева, Берн, Лозанна. Миллий байрами - 1

август - Конфедерация ташкил этилган кун (1291 - йил) бўлиб, 1899 - йилдан бери нишонланиши.

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: Церматт, Санкт - Мориц тоғли курортларидағи соғломлаштириш, альпинизм, тоғ чанғи туризми. Манзарали дарёлари. 57 % туризмнинг асосан ёз фаслида бўлиб ўтиши. Ҳар йили туризм орқали 13 млрд. Швейцария франки миқдорида даромад олиниши ва бу миллий даромаднинг 8 % ни ташкил этиши. Мамлакат аҳолисининг 14 % ини туризм соҳасида фаолият кўрсатиши. Берн Университети ва Санкт - Галлен иқтисодиёт мактабида туризм соҳасининг тадқиқ этилиши. 60 % хорижий туристларнинг отелларда жойлашиши.

Австрия. Пойтахти Вена шаҳри. Иқлими - мўътадил иқлим. Марказий Европадаги мамлакат. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 83,8 минг кв. км., аҳолиси 10 млн. киши, тили - немис, дини - католик, пул бирлиги - шиллинг эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Йирик шаҳарлари: Вена, Грац, Зальцбург. Миллий байрами - 26 октябрь - бетарафлик куни (1955 - йил).

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: Мамлакатнинг қишки спорт ўйинлари бўйича туризм маркази эканлиги. Халқаро туризмнинг асосан мамлакат тоғли қисми (фарб)да олиб борилиши. Ҳар йили 70 % меҳмонлар ўз таътилларини пойтахтдан олис, чекка провинцияларда - Ворарльберг, Тироль ва Зальцбергда ўtkазишлари. Асосий туристларнинг Германия, Нидерландия ва Англиядан ташрифи. Жами туристларнинг 80 % тур. кунларини шу мамлакатлар ҳисобига йўлга кўйилганлиги. Туризмнинг қизғин (пик) даврини ёзда - августда ва қишда - февралда бўлиши. Замонавий отелларга эга эканлиги.

Бельгия. Пойтахти Брюссель шаҳри. Иқлими - денгиз иқлими. Давлат тузуми - конституцион монархия (қироллик). Майдони - 30,528 минг кв. км., аҳолиси - 11 млн. киши (2000 - йил), тили - француз, дини - асосан католик, озгина қисми протестант, пул бирлиги - Бельгия франки эди, 2002 - йил 1-январдан бошлаб евро. Йирик шаҳарлари: Брюссель, Гент, Льеж. Миллий байрамлари: 21 июль - Қирол Леопольд I нинг Конституцияга содиқлиги ҳақида қасамёд қилган куни (1831 - йил) ва 15 ноябрь - Қирол сулоласи куни (1866 - йил). Европа иттифоқчиларининг ва бошқа кўплаб трансмиллий компанияларнинг бош оғисларини Брюссель шаҳрида жойлашганлиги. Мамлакатга асосан юқори мартабали амалдорлар, ишбилармонларнинг ташрифи.

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: тарихий - маданий ёдгорликлар бўйлаб саёҳат. Ўрта асрлар тарихи акс этган Антверпен, Брюгге ва Гент шаҳарларида жами тур. кунларнинг 85 % ини ўtkазилиши. Музейларга бой Антверпенда, шунингдек, олмос бизнесининг машҳурлиги. Умуман, мамлакатда асосан тарихий ва бизнес туризмнинг ривожланганлиги.

Ўзбекистон - Бельгия муносабатлари. 1993 - йил Брюссель шаҳрида Ўзбекистон элчихонасининг очилиши. 1996 - йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бельгия қироллигига бўлиши. Савдо -

иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши.

Нидерландия. Пойтахти Амстердам шаҳри. Иқлими - денгиз иқлими. Давлат тузуми - конституцион монархия (қироллик). Майдони - 41,5 минг кв. км., аҳолиси - 16 млн. киши (2002 - йил), тили - голланд, дини - протестант ва католик, пул бирлиги - гульден эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Йирик шаҳарлари: Амстердам, Роттердам, Гаага, Утрехт. Миллий байрами - 30 апрель (Қиролича куни).

Туризми: Амстердам, Роттердам ва Гаага шаҳарларида халқаро туризмнинг бизнес тури ривожланганлиги. Амстердам тарихий обидалари (тарихий туризм), унда Европанинг йирик денгиз порти мавжудлиги.

Люксембург. Пойтахти Люксембург шаҳри. Иқлими - мўътадил иқлим. Давлат тузуми - конституцион монархия (буюк герцог). Майдони - 2586 кв. км., аҳолиси - ярим миллиондан ортиқ киши (2001- йил), расмий тили - немис ва француз тиллари бўлсада, аҳолининг аксарият қисми Люксембург тилида сўзлашиши, дини - католик, протестант, яхудий. Пул бирлиги - Люксембург франки эди, 2002 - йил 1 - январдан бошлаб евро. Йирик шаҳарлари: Люксембург, Эш. Миллий байрами - 23 июнь - Буюк Герцог туғилган кун (1921 - йил).

Туризми: Люксембург Бельгия ва Нидерландия сингари туристларни қабул қила олмасада, мамлакат иқтисодий салоҳиятида туризмнинг учинчи ўринда туриши. Бизнес туризмнинг ривожланганлиги. Европа Иттифоқи банки штаб - квартираси ва қатор хорижий банкларнинг жойлашганлиги. Дам олиш учун туристларнинг асосан Арденнахга ташрифи.

Скандинавия мамлакатлари: Финляндия, Норвегия, Дания ва Швеция да бизнес туризм, эко туризм, тарихий туризм, маданий туризмнинг ривожланганлиги. Истироҳат боғлари, ўрмонларининг кўплиги, музейлари фаолиятининг яхши йўлга қўйилганлиги.

Шарқий Европа мамлакатлари: Чехия, Словакия, Венгрия, Польша, Руминия, Болгарияда иқлимининг мўътадиллиги. Балатон кўли атрофидаги бальнеологик курортлар, шифобахш ҳаммомлар. Хевиз иссиқ сув чиқарувчи кўл. Саunalар, балчиқли ванналар. Музейлар. Меъморий обидалар. Бизнес туризм, покедж тур (пляжда дам олувчилар учун)ларнинг ўзига хослиги.

Кипр. Пойтахти Никосия шаҳри. Иқлими - субтропик Ўрта денгиз иқлими. Давлат тузуми - республика. Кипр оролида жойлашган давлат. Майдони - 9251 кв. км., аҳолиси - 762,8 минг киши (2001 - йил), тили - грек ва турк тили, дини - православ ва мусулмон, пул бирлиги - Кипр фунти. Миллий байрами - 1 октябрь - Мустақиллик куни (1960 - йил).

Туризми: Курорт шаҳарлари - Тродос, Лимакол, Ларнак, Пафос. Мехмонхона хизматининг, бизнес туризм, пляж ва тоғ ҳудудларида дам олиш, маданий - маърифий туризмнинг яхши йўлга қўйилганлиги.

Америка мамлакатлари туризм марказлари

Шимолий Америка мамлакатлари туризм марказлари

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ). Пойтахти Вашингтон шаҳри. Иқлими - асосан континентал иқлим. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 9373000 минг кв. км., аҳолиси - 271,6 млн. киши (1999 - йил), тили - инглиз, дини - христиан, пул бирлиги - АҚШ доллари. Жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан бири. У 50 та штат ва Колумбия федерал округидан ташкил топган. Йирик шаҳарлари: Нью - Йорк, Чикаго, Лос - Анжелес, Филадельфия, Хьюстон, Детройт, Сан - Франциско, Вашингтон, Бостон, Даллас, Кливленд, Балтимор. Миллий байрами - 4 июль - Мустакиллик куни (1776 - йил).

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари: халқаро туризм марказлари асосан учта худуд (Флорида, Калифорния ва шимоли - шарқий штатлар)га таълуқли эканлиги. Қишида - спорт туризми, ёзда - денгиз бўйлари пляжлари. Нью - Йоркнинг замонавий маданият ва бизнес билан машҳурилиги. Пляж ва курорт шаҳарлари - Кейп - Код, Кейп - Хаттерас, Виржиния - Бич, Ошн - Сити, Уилдуд, Атлантик - Сити, Лонг - Айленд. Давлатманд туристларнинг хусусий пляжлардаги дам олишлари. Мен штати миллий истироҳат боғи. Флорида қишки дам олиш маскани. Атлантиканинг Флорида қирғоқларидаги Майами - Бичдан то Дейтон - Бичгача бўлган кўплаб курортлари, отеллари. Орландодаги диснейленд, Канаверал бурнидаги Космик тадқиқотлар марказининг машҳурилиги. Майами порти. Лос - Анжелес туристик маркази. Голливуднинг машҳур кино студияларига экскурсия. Диснейленд. Сан - Диего, Сан - Франциско, Лас - Вегас қимор бизнеслари. Гран - Кањон миллий истироҳат боғи. Техас пляжлари, тоғли - Вайоминг, Колорадо, Монтано штатларидағи рекреацион туризм. Кембридж, Оксфорд, Сарбон маданий туризми. Отеллар хизматининг олий даражада ривожланганлиги. Масалан, Шератон Аэропортда (Филадельфия) - бейсбол ўйинининг яхши йўлга қўйилганлиги. Нью - Йорк, MGM (Лас - Вегас) отеллари.

Ўзбекистон - АҚШ муносабатлари. 1996 - йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг АҚШ га расмий ташрифи. 1997 - йилда АҚШ президентининг рафиқаси Хиллари Клинтоннинг республикамизга ташрифи. 1999 - йилда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида товар айланмаси 282 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Канада. Пойтахти Оттава шаҳри. Иқлими - мўътадил континентал иқлим. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 9971 минг кв. км., аҳолиси - 31,59 млн. киши (2001 - йил), тили - инглиз ва француз, дини - христиан, пул бирлиги - Канада доллари. Йирик шаҳарлари: Монреаль, Калгари, Торонто, Ванкувер, Виннипег, Гамильтон. Миллий байрами - 1 - июль - Канада куни (1867 - йил).

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари:

Онタрио, Квебек, Альберта провинциялари туризм марказлари. Англия, Франция, Германия ва Япониядаги қариндошлар ва дўстларнинг қисқа таътилларда, якшанба кунлари автомобиллардаги саёҳати. Пляж туризм. Отеллар. Халқаро порт. Аэропортлар. Ўрмонлар.

Оттава халқаро аэропорти, музейлари, миллий санъат маркази, Онтарио орқали транс - Канада йўллари, Буюк кўллардаги кемалар қатнови.

Альбертанинг Эдмонтон марказий майдони, нефт бизнеси, темир йўллари, Эдмонтон - Фэрбенкс автострадасининг Аляска (АҚШ) билан боғланиши. Ванкувер порти. Монреаль Нафис санъат музейи. Меъморий ёдгорликлари, черковлар.

Ўзбекистон - Канада муносабатлари. 1996 - йилдан амалга оша бошлади. 1999 - йил якуни бўйича мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 15,68 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Мексика. Пойтахти Мехико шахри. Иқлими - тропик, шимолда субтропик иқлим. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 1958,2 минг кв. км., аҳолиси - 101,9 млн. киши (2001 - йил), тили - испан, дини - католик, пул бирлиги - песо. Йирик шаҳарлари: Мехико, Гвадалахара, Монтеррэй, Леон, Сьюдад - Хуарес. Миллий байрами - 16 сентябрь - Мустақиллик куни (1810 - йил).

Туризм: бир кунлик эккурсияларнинг чегара шаҳарларида Калифорния (АҚШ) билан чегарадош Тиуана шаҳрида (дам олувчилар учун) олиб борилиши. Совғалар савдоси, қимор бизнеси. Узоқ муддатга келган туристларнинг денгиз соҳилларида, тарихий обьектларда бўлиши. Асосий туристларнинг америкаликлар ва европаликлар эканлиги. Туризмнинг давлат ғазнасини тўлдиришда иккинчи ўринда туриши ва меҳнат бозоридаги етакчилиги.

Коста - Рика. Пойтахти Сан - Хосе шахри. Иқлими - субэкваториал иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 51,1 минг кв. км., аҳолиси - 3,77 млн. киши (2001 - йил), тили - испан, дини - католик, пул бирлиги - колон. Йирик шаҳарлари: Сан - Хосе, Лимон, Турриальба. Миллий байрами - 15 сентябрь - Мустақиллик куни (1821 - йил).

Туризми: Асосий даромад манбаи - туризм ва тропик мевалар, кофе, какао экспортидан эканлиги. Коста - Риканинг Лотин Америкасидаги энг бой мамлакат эканлиги. Кордильера тоғларидаги манзаралар. Орхидей манзаралари. Ёғингарчиликнинг кўплиги. Қовурилган бананлар, ананас печенъелар. Туризмнинг қишда авж олиши. Сан - Хоседаги пляжлар, чангальзорлар, миллий истироҳат боғлари, замонавий отеллар.

Жанубий Америка мамлакатлари туризм марказлари

Аргентина. Пойтахти Буэнос - Айрес шахри. Иқлими - тропик, субтропик, мўътадил иқлим. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 2767 минг кв. км., аҳолиси - 37 млн. киши (2001 - йил), тили - испан, дини - католик, пул бирлиги - песо. Йирик шаҳарлари: Буэнос - Айрес, Росарио, Кордова, Ла - Плата, Санта - Фе, Тукуман.

Туризми: маҳаллий халқ - ҳиндуларнинг меъморий ёдгорликларини сақлаб қолганлиги. Буэнос - Айресдаги Миллий Конгресс биноси, ибодатхонаси ва хукумат саройи "Каса Росада" ("Пушти уй"), Кордовадаги Компания черкови, музейлари, музейлари ва халқаро аэропорти, отеллари.

Бразилия. Пойтахти Бразилия шаҳри. Иқлими - экваториал иқлим. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 8512 минг кв. км., аҳолиси - 164 млн. киши (2001 - йил), тили - португал, дини - католик, пул бирлиги - крузейро. Йирик шаҳарлари: Сан - Паулу, Рио - де - Жанейро, Белу - Оризонти, Ресифи, Порту - Алегри, Салвадор, Форталеза, Куритиба, Белен, Бразилия, Кампус, Нитерой, Манаус. Миллий байрами - 7 сентябрь - Мустакиллик куни (1822 - йил).

Туризми: Рио - де - Жанейро шаҳрининг табиий гўзаллиги, Корковадо тоғи, пляжлар, Итамарати саройи. Отеллар ва клублардаги карнаваллар. Экзотик тур, ибодатхоналар. Белен шаҳридаги Мира театри. Отеллар: Sheraton*****, South American****.

Осиё мамлакатлари туризм марказлари

Бирлашган Араб Амирликлари. Пойтахти Абу - Даби шаҳри. Иқлими - куруқ тропик иқлим. Давлат тузуми - федерация. Майдони - 83,6 минг кв. км., аҳолиси - 3 млн. киши (2001 - йил), тили - араб, дини - ислом, пул бирлиги - дирҳам. Миллий байрами - 2 декабрь - Мустакиллик куни (1971 - йил).

Туризми: 1971 - иили етти амирликлардан ташкил топган давлат: Абу Даби, Дубай, Шаржа, Аджман, Умм ул - Қайвайн, Раъс уль - Хайма, Ал - Фужайра туризм марказлари. Йилнинг хоҳланган вақтида қуёшнинг чиқиб туриши, олий даражадаги отеллар, мўъжизавий пляжлар, арzon баҳодаги савдо, чўл саёҳати, сув спорти турлари, жиноятчиликнинг озлиги - туризм учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги. Отеллар: Дубайдаги - Корал Бич, Сима, Гранд, Шарждаги - Нова Парк.

Япония. Пойтахти Токио шаҳри. Иқлими - мўътадил, субтропик ва тропик иқлим. Тинч океани оролларида жойлашган. Давлат тузуми - конституцион монархия (император). Майдони - 377,8 минг кв. км., аҳолиси - 127,8 млн. киши (2004 - йил), тили - япон, дини - синтоизм ва буддизм, конфуцийлик ва даосизм, пул бирлиги - иена. Йирик ороллари: Хоккайдо, Хонсю, Секоку, Кюсю. Йирик шаҳарлари: Токио, Осака, Йокохама, Нагая. Миллий байрами - 23 декабрь - император туғилган кун (1933 - йил).

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари. Осиё, АҚШ ва Европадан бизнес туризм, кўплаб шаҳарлардаги аэропортлар, меҳмонхоналар. Дзёмон маданияти, будда ибодатхонаси, Нара шаҳридаги Якусидан монастири, Хорюдзи ибодатхонаси. Никко шаҳрининг табиий гўзаллиги, маданий - тарихий обидалари. Нантай тоғидаги қадимий вулқон қолдиқлари. Ринно - дзи будда ибодатхонаси, авлиё Футара - сан зиёратгоҳи. Шаҳарнинг "Муқаддас шаҳар", - деб эълон қилинганлиги. Ҳайвонот дунёси. Отеллари. Ошхоналаридағи ажойиб таомлари. Балиқ овлаш. Кэгон шаршараси, тоғ гуллари. Киотодаги Рёандзи тош боғи, ибодатхоналари. Касима шаҳридаги табиий гўзаллик, пляжлар. Окинава шаҳридаги "Бусана Террас Бич" курорти, аъло баҳоли отеллари, аэропорти, эко туризм (Ириомотэ оролида), балиқ овлаш, ҳунармандчилик, музейлар. Асука қишлоғи қадимий будда ибодатхоналари, мақбаралар, тош ҳайкаллар,

хайқалтарошлиқ, велосипед туризми.

Ўзбекистон - Япония муносабатлари. Япониянинг биринчи пойтахти Нара шаҳридаги Хорудзи ибодатхонаси хазинасида 8 - асрга оид Самарқанд ва Тошкентда тайёрланган осори - атикалар, 9 - 10 асрларга оид уд мусика асбобининг сақланиши. Афросиёбдан топилган (12 - асрға оид) японларнинг нафис чинни идишлари. 1880 - йилнинг ёзида япон дипломати Ниси Токудзиронинг ўлкамиз бўйлаб саёҳат қилиши ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва Фарғона водийсида бўлиши. Хусусан, Бухорода амир Музаффар билан учрашиши. 1886 - йилда унинг "Туркистон саёҳатномаси" китобининг япон тилида чоп этилиши. 19 - аср охири ва 20 - аср бошларида Ўрта Осиёга Ясумаси Фукусима, Кадзуо Отани, Масажи Иноуэ, Зуичо Тошибина каби япон тадқиқотчиларининг саёҳат қилиши. 1992 - йилда Япониянинг Тошкентдаги элчихонаси, 1996 - йилда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасининг очилиши. Ўзбекистон республикаси президенти И. А. Каримовнинг 1994 - ва 2002 - йилларда Японияга ташрифи.

Корея республикаси. Пойтахти Сеул шаҳри. Иқлими - муссонли иқлим. Давлат тузуми - парламентли республика. Майдони - 98,48 минг кв. км., аҳолиси - 47, 904 млн. киши (2001 - йил), тили - корейс, дини - буддизм, конфуцийлик, қисман христианлик, пул бирлиги - вон. Йирик шаҳарлари - Сеул, Пусан, Тэчжон, Инчхон, Кванжу, Ульсан. Миллий байрамлари: 15 август - Корея озодлиги куни (1945 - йил) ва 3 октябрь - Давлатга асос солинган кун.

Туризми: Сеулдаги Хёнмётхал ибодатхонаси, 8 дарвозали шаҳар девори қолдиқлари, Кёнбоккун саройи мажмуйи, Вонгак ибодатхонаси пагодаси, музейлари, Олимпиада ўйинлари қишлоғи, бизнес туризм, аквариум, таътилларда Япониядан дўстлар ва қариндошлар ташрифи. Халқаро аэропорти ва отеллари.

Ўзбекистон - Корея республикаси муносабатлари. Ўзбекистон республикаси президентининг 1992, 1995, 1999 - йиллардаги Корея республикасига ва Корея республикаси президентининг 1994 - йилдаги Ўзбекистонга ташрифи.

Хитой. Пойтахти Пекин шаҳри. Иқлими - муссонли иқлим. Дунёдаги энг қадимий миллатлардан ва давлатлардан бири эканлиги. Давлат тузуми - Халқ республикаси. Давлат ҳокимиятининг Олий органи - Бутун Хитой халқ вакиллари Кенгаши. Майдони - 9,6 млн. кв. км., аҳолиси - 1 млрд. 292 млн. 750 минг киши (2003 - йил), тили - хитой, дини - буддизм, даосизм, конфуцийлик, пул бирлиги - юань. Йирик шаҳарлари: Пекин, Шанхай, Тянь - цзинь, Люйда, Ухань, Чунцин. Миллий байрами - 1 октябрь - Республика эълон қилинган кун (1949 - йил).

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари: Хитой инсоният цивилизациясининг қадимий маданият бешикларидан бири бўлганлиги сабаб, асосий туристларнинг шу мақсаддаги ташрифи. Археологияси, меъморчилиги. Хэтао, Яншао, Луншань - ибтидоий маданият манзилгоҳлари. "Буюк ипак йўли" объектлари, динлари, давлатчилиги, санъати, хунармандчилик марказлари, чинни идишлари,

ипак матолар. Пекинда Император саройи Гугун музейи, Тянь Тань ибодатхонаси, Буюк Хитой девори, Ёзги Император саройи, Мин сулоласи даври ер ости қабрлари, Зоопарки, парклари, аквариум. Шанхай порти, Юйфослар ибодатхонаси, "Шарқ марвариди" телеминораси, Юйюань парки, музейи, Акванариум, қирғоқлари, пионерлар саройи. Лоян тош гори, Дэнфен шахридаги Шаолинь монастирига экскурсия. Гунфу таълимоти. Урумчи "Хун Шан" парки, "Нан Шан" яйлови, 3 - 4 юлдузли отеллари. Гонконг йирик порти, савдо, молиявий ва туризм маркази. Шоп тур, маданий (опера, театр) тур. Истироҳат боғлари, от спорти, фестиваллар. Океанариум. Макао туризм маркази. Туристларнинг Гонконг орқали катерларда ташрифи. Казино ўйинлари.

Ўзбекистон - Хитой муносабатлари. Хитой элчиси Чжан Цяннинг қадимий Фарфона (Давань) давлатига келиши (мил. ав. 128 - йил). Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг 1992, 1994, 1999, 2000 - йилларда Хитойга сафари.

Ҳиндистон. Пойтахти Дехли шаҳри. Иқлими - муссонли иқлим. Давлат тузуми - федератив республика. Майдони - 3,3 млн. кв. км., аҳолиси - 1 млрд. 49,5 млн. киши (2002 - йил), тили - ҳинди ва инглиз, дини - ҳиндуийлик (индуизм), пул бирлиги - рупия. Йирик шаҳарлари: Дехли, Калькутта, Бомбай, Аҳмадобод, Жайпун ва бошқалар. Миллий байрами - 26 январь - Республика куни (1950 - йил), 15 август - Мустақиллик куни (1947 - йил).

Сайёҳлик ўёналишлари ва турлари: Дехли Шоҳжаҳонобод меъморий обидаси намуналари, Лал - Қила мажмуйидаги бобурийлардан қолган мармар саройлар, Марварид масжид, Жума масжид, Ҳумоюн мақбараси, музейлари, амфитеатри, байрамлари, киноси, рақси, мусиқаси, Палам халқаро аэропорти, Агра Тожмаҳали, Гоа таомлари, пляжлари, беш юлдузли отеллари, Ганг дарёсидаги Варанаси (Банорас) шаҳри диний анъаналари, Жайпур Жал Маҳал кўл саройи, шаҳар саройи, музейи, филлар фестивали, бизнес туризм, Мадрас пляжи, ибодатхоналари, музейлари, Бхубанешвар ибодатхонаси. Шунингдек, мамлакатдаги Ҳимолай тогига пиёда тур, альпинизм тур, денгиз туризми. Тоғли шаҳар - курортлар: Кулу, Манали, Симла, Наинитал, Масури. Кашмир, Панҷоб, Жамма штатлари муқаддас қадамжолари, табиий - экзотик туризм, тоғ туризми, рафтинг тур, чанғи туризми, туялар билан саёҳат. 26 - январда Республика кунининг нишонланиши. Калькутта музейлари, гольф клублари, Мумбай (Бомбай) қалъаси, боғлари, музейлари, шунингдек, бошқа штатлардаги ғорлар, ибодатхоналар, пляжлар, мазали таомлар, филлар.

Ўзбекистон - Ҳиндистон муносабатлари. 1992 - йил Тошкентда Ҳиндистон консулхонаси, 1994 - йил Дехлида Ўзбекистон элчихонасининг очилиши. Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг 1991, 1994, 2000, 2005 - йилларда Ҳиндистонга сафари.

Сингапур. Пойтахти Сингапур шаҳри. Иқлими - тропик муссонли иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 640 кв. км., аҳолиси - 4,45 млн. киши

(2002 - йил), тили - малайя (давлат тили), хитой, тамиль, инглиз (расмий тил), аҳолисининг 76 % дан ортиғи хитойлар, 15 % малайялар, 7 % Хиндистон, Бангладеш, Покистондан келганлар ташкил этади. Шу боис, малайялар ислом динига, хитойлар буддизмга, конфуцийликка эътиқод қиласидилар, пул бирлиги - Сингапур доллары. Йирик шаҳарлари: Сингапур, Журонг. Миллий байрами - 9 август - Миллий кун (1965 - йил).

Туризми: Сингапур Европа мамлакатлари учун жуда қизиқарли туризм маркази эканлиги: этник, маданий ва бизнес туризм. Хорижий туристларнинг 60 % Осиёдан, 15 - 19 % Европадан, 12 % Австралия ва Янги Зеландиядан, 6 % АҚШ дан.

Индонезия. Пойтахти Жакарта шаҳри. Иқлими - экваториал иқлим. Давлат тузуми - унитар республика. Майдони - 1904,6 минг кв. км., аҳолиси - 228,4 млн. киши (2001 - йил), тили - индонезия, дини - ислом, пул бирлиги - Индонезия рупияси. Йирик шаҳарлари: Жакарта, Сурабайя, Бандунг, Семаранг, Медан. Миллий байрами - 17 август - Мустақиллик куни (1945 - йил).

Туризми: туризм - биринчидан, ишчи ўринларини таъминлаш ва иккинчидан, хорижий сармояларни киритиш асосида йўлга қўйилганли. Туризмни хорижий валюта тушуми бўйича нефть, газ, ёғоч, текстил маҳсулотларидан кейин бешинчи ўринда туриши. Асосий туристларнинг жанубий Корея ва Тайвандан ташрифи. 82 % туристларнинг дам оловчилар эканлиги.

Тайланд. Пойтахти Бангкок шаҳри. Иқлими - суб экваториал иқлим. Давлат тузуми - конституцион монархия (қироллик). Майдони - 514 минг кв. км., аҳолиси - 62,4 млн. киши (2002 - йил), тили - тай, дини - буддизм, пул бирлиги - бат. Йирик шаҳарлари - Бангкок, Чиангмай, Чонбури. Миллий байрами - 5 декабрь - қирол туғилган кун (1927 - йил).

Туризми: тарихий, маданий, этник ва пляж туризмнинг йўлга қўйилганлиги. Бангкоқдаги шоҳ саройи ва будда ибодатхонаси, ювелир фабрикаси, Сафари парки. Паттайадаги "Кобра ферма" - даволаш - сайёҳлик маркази, акваланг билан сузиш, миллий боғи, меъморий ёдгорликлари, филлар билан чанглазор (жуングли)га саёҳат, Ко - самег оролидаги миллий қўриқхона, маймунлар билан шоу. Экзотикаси. Отеллари: Manohra*****, Palace*****.

Филиппин. Пойтахти Манила шаҳри. Давлат тузуми - республика. Иқлими - экваториал иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 300 минг кв. км., аҳолиси - 84,526 млн. киши (2002 - йил), тили - тагал (пилипино) ва инглиз, дини - христиан (90 %), ислом (10 %), пул бирлиги - песо. Йирик шаҳарлари: Манила, Кесон - Сити, Себу, Давао, Сан - Фернандо. Миллий байрами - 12 июнь - Мустақиллик куни (1898 - йил).

Туризми: Филиппин Испан мустамлакачиларидан мерос бўлиб қолган меъморчилик обидалари туфайли тарихий туризм манзили ва экотуризм. Асосий талабгор туристлар давлатлари - АҚШ ва Япония.

Малайзия. Пойтахти Куала - Лумпур шаҳри. Иқлими - экваториал тропик иқлим. Давлат тузуми - конституцион монархия. Майдони - 332,8 минг кв. км.,

аҳолиси - 22,2 млн. киши (2001 - йил), тили - малайя, дини - ислом, пул бирлиги - ринггит. Йирик шаҳарлари: Куала - Лумпур, Жоржтаун, Ипох, Жохор - Бару. Миллий байрами - 31 август (1957 - йил).

Туризми: Малайзия дунё цивилизацияси ва динининг барчасини мужассам эта олган мамлакат эканлиги. Шарқ экзотикаси, пляжлар, тропик чангальзорлар, шаршаралар, сифатли отеллар. Куала - Лумпурдаги индуист ибодатхонаси, исломий масжидлар. Шоҳ саройидаги миллий байрамлар. Диксон портида дам олиш. Пенанг оролидаги экзотика, қушлар боғи "Санвэй Лагун" сув парки, "Темплера" парки, Пинанг оролидаги "Кек Лок Си" будда ибодатхонаси, Ланкави ороли. Concoloe **** отели.

Мальдив Республикаси. Пойтахти Мале шаҳри. Иқлими - экваториал иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 298 кв. км., аҳолиси - 310,7 минг киши (2001 - йил), тили - мальдив, дини - ислом, пул бирлиги - Мальдив рупияси. 2000 та кичик маржон ороллардан иборат эканлиги. Миллий байрами - 26 июль - Мустақиллик куни (1965 - йил).

Туризми: Соф пляжлар, кокос ва банан пальмаси, Ҳинд океанинг сувлари. Ороллардаги сув остида сузуви ҳаваскорлар учун имкониятларнинг етарли эканлиги. Турли рангдаги балиқлар. Экзотик табиат. Сувлардаги 4 - 5 юлдузли турли комфорт отеллар. Ишбилармонларнинг дам олиш туризм маркази. Мале яқинидаги халқаро аэропорт.

Исройл. Пойтахти Куддус (Иерусалим) шаҳри. Иқлими - субтропик иқлим. Яқин Шарқдаги мамлакат бўлиб, ғарбий Осиёда, Ўрта денгизнинг жануби - шарқий қирғоқларида жойлашган. Давлат тузуми - республика. Майдони - 14,1 минг кв. км., аҳолиси - 5,938 млн. киши (2001 - йил), расмий тили - иврит ва араб, дини - иудаизм (яхудийлик) ва ислом, пул бирлиги - шекель. Йирик шаҳарлари: Тель - Авив, Хайфо, Куддус (ғарбий қисми), Рамат - Ган. Миллий байрами - Мустақиллик куни (1948 - йил) - яхудийлар тақвимига кўра, бу байрам ҳар йили ҳар - хил кунда келиши мумкин. Масалан, 2001 - йилда 26 апрелга тўғри келган.

Сайёхлик йўналишлари ва турлари: диний (ислом, христиан, иудаизм), тарихий туризмнинг ривожланиб, жами зиёратчи - туристларнинг 20 % ини ташкил этиши. Тур. йўналиш: Куддус - Тверия - Вифлием - Назарет - Яффа - Тель -Авив - Ўлик денгиз. Тель - Авив мамлакатнинг энг катта, туризм ва иқтисоди ривожланган маданий маркази эканлиги. Ундаги Хайфа порти, музейлари, дунё олмос биржаси маркази. Натания - курорт шаҳри. Эйлат курортидаги пляж туризми. Отеллари: Zion***, Kikarzion**** (Куддус).

Ўзбекистон - Исройл муносабатлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исройлга 1998 - йилдаги расмий ташрифи.

Мальта. Пойтахти Валлетта шаҳри. Иқлими - Ўрта денгиз иқлими. Ўрта денгиздаги кичик давлат. Давлат тузуми - конституцион монархия. Майдони - 396 кв. км., аҳолиси - 394 минг киши (2001 - йил), тили - мальта, инглиз, дини - католик, пул бирлиги - Мальта фунти. Йирик шаҳарлари: Валлетта, Биркиркара,

Хамрун, Работ, Виктория. Миллий байрамлари: 31 март - Озодлик куни (1979 - йил), 21 сентябрь - Мустакиллик куни (1964 - йил) ва 13 декабрь - Республика куни (1974 - йил).

Туризми: тарихий ва маданий ёдгорликлари, мўъжизавий пляжлари, акваланги, яхта туризми. Отеллар: Patricia Hotel***, Radisson Bay Point Hotel *****.

Саудия Арабистони. Пойтахти Ар - Риёд шахри. Иқлими - шимолда субтропик, жанубда тропик, қуруқ кескин континентал иқлим. Осиёнинг жануби - ғарбидаги давлат. Ислом мамлакати. Давлат тузуми - абсолют теократик монархия (қироллик). Майдони - 2,25 млн. кв. км., аҳолиси - 23,5 млн. киши (2002 - йил), тили - араб, дини - ислом, пул бирлиги - динор. Йирик шаҳарлари: Ар - Риёд, Жидда, Макка, Мадина. Миллий байраси - 23 - сентябрь - Подшоҳлик эълон қилинган кун (1932 - йил).

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари: мамлакатнинг маъмурий жиҳатдан тўрт вилоятга бўлиниши: Хижоз (маркази Макка шахри), Асир (маркази Абха шахри), Нажд (маркази Ар - Риёд шахри), Шарқий вилоят (маркази Даммом шахри). Мусулмон дунёсидаги муқаддас зиёратгоҳлар: Макка, Мадина, Жидда шаҳарлари. Ислом оламидаги 5 - руҳн ҳисобланган Ҳаж амали учун зиёрат қилиниши. Шунингдек, Умра зиёрати. Макка шаҳрининг Каъбаси, замзам кудуғи, масжидлари. Савдогарлик, хунармандчилик. Ҳажга келгандар учун маҳсус кийимлар (ихром), тасбех, атирлар, замзам суви учун идишлар, жойнамозлар савдолари. Замонавий отеллари, юксак сервис хизматлари. Халқаро аэропортлари. Макка автомобиль йўлларининг Ар - Риёд ва Жидда шаҳарлари билан боғланиши. Мадина шаҳридаги шаҳар аҳолисининг Макка халқи сингари савдо - сотиқ билан шуғулланиши. Мамлакатнинг дунёдаги Ҳаж ва Умра зиёрати - туризми ривожланган ягона давлат эканлиги.

Ўзбекистон - Саудия Арабистони муносабатлари. 1992 - йил ноябрь ойида Жиддада Ўзбекистон Республикаси консулхонаси, май ойида Ар - Риёдда элчихонаси, 1997 - йил март ойида Тошкентда Саудия Арабистони элчихонаси очилганлиги. 1996 - йил январ ойида "Ўзбектуризм" М.К.нинг "Ал - Марва" ширкати билан туризм ва авиачипталарни сотиш тўғрисида битим имзолаганлиги.

Африка мамлакатлари туризм марказлари

Миср Араб Республикаси. Пойтахти Қоҳира шахри. Иқлими - тропик континентал иқлим. Давлат тузуми - демократик социалистик республика. Майдони - 1001,4 минг кв. км., аҳолиси - 69,5 млн. киши (2001 - йил), тили - араб, дини - ислом, пул бирлиги - Миср фунти. Йирик шаҳарлари: Қоҳира, Искандария, Порт - Саид, Исмоилия, Танта, Сувайш, Ал - Мансура, Даманхур, Ал - Маҳаллат - ул - Кубро. Миллий байрами - 23 июль - Инқилоб куни (1952 - йил)

Сайёҳлик йўналишлари ва туризм: Мисрнинг инсоният цивилизацияси қадим маданият марказларидан бири эканлиги. Тарихий, диний туризм: Бавит, Водий

Натрун, Сўхож саҳроларидағи христиан монастирлари, Нил шарқий кирғокларидағи Фустат қалъаси, Гиза фиръавнлари, эхромлари, Амир масжиди, Ибн Тулун масжиди, Аль - Азхар масжиди, Қоҳира музейидаги Тутанхамоннинг олтин никоби, Симбелдаги дунёдаги йирик очиқ осмон остидаги музей, мадрасалар, Хатшепсит ибодатхонаси, 2 - 5 юлдузли отеллари. Масалан, Intercontinental *****.

Ўзбекистон - Миср Араб Республикаси муносабатлари. 1992 - йил январда Миср Араб Республикаси делегациясининг Ўзбекистонга, 1992 - йил декабрда Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг Мисрга ташрифи.

Тунис. Пойтахти Тунис шаҳри. Иқлими - шимолда субтропик, жанубда тропик иқлим. Шимолий Африка марказидаги кичик араб давлати. Давлат тузуми - республика. Майдони - 164,2 минг кв. км., аҳолиси - 9,8 млн. киши (2002 - йил), тили - араб, дини - ислом, пул бирлиги - Тунис динори. Йирик шаҳарлари: Тунис, Сфакс, Сус, Бизерта, Қайруван. Миллий байрами - 20 март - Мустақиллик куни (1956 - йил).

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари: энг шимолий қисми (Кал Бон) дан Сицилиягача (140 км) ва Тунисни бемалол автобусларда экскурсия қилиб чиқиши мумкин эканлиги. Ўрта денгиз соҳилидаги пляжлари. Август - энг иссиқ, январь - энг совуқ ойлар. Май - июнь, сентябрь - октябрь энг баҳмал мавсум эканлиги. Туризм: сув спорти турлари, катара маран, яхта туризм, туя ва жипда сайдир. Пойтахт марказидаги Зитун масжиди ва шарқ бозори, дунёдаги қадим Рим мозаика (мозаика - қадама (терма) нақш ва шундай нақш ишлаш санъати) суратлари экспозициялари жамланган Бардо музейи, машҳур саркарда Ганнибал туғилган Карфаген шаҳри, унинг салобатли бинолари харобалари, 50 минг тамошабин сиғадиган амфитеатри, император Антонийнинг жамоат терм (ҳаммом) лари. Рассомлар, шоир ва ёзувчилар учрашадиган табиати гўзал Сиди Нурайшад шаҳарчаси. Отеллари: Royal azur*****, Marhaba***.

Ливия Араб Республикаси. Пойтахтлари - Триполи ва Бингози шаҳарлари. Иқлими - тропик иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 1759,5 кв. км., аҳолиси - 5,2 млн. киши (2001 - йил), тили - араб, дини - ислом, пул бирлиги - Ливия динори. Йирик шаҳарлари: Триполи, Бингози. Миллий байрами - 1 сентябрь - Инқилоб куни (1969 - йил).

Туризм: асосан, тарихий туризм ривожланган. Триполитания, Сабрит театр биноси, отеллари, халқаро аэропорти.

Янги мустақил давлатлар туризм марказлари

Белоруссия. Пойтахти Минск шаҳри. Иқлими - континентал, денгиз иқлими. Давлат тузуми - республика. Майдони - 207,6 минг кв. км., аҳолиси - 11 млн. киши (2001 - йил), тили - белорус ва рус, дини - христиан. Йирик шаҳарлари: Минск, Гомель, Витебск, Могилёв, Гродно, Бобруйск, Брэст. Миллий байрами - Мустақиллик куни (3 июль).

Туризми: асосан, тарихий туризм ривожланган. Полоцкдаги София собори, Спас - Ефросиньевск ва Благовещенск ибодатхоналари, Каменец минораси,

Крева, Лида, Туров, Новогудок қалъалари. Гродно, Мир, Несбижадаги күрғонлар. Мехмоналар ва халқаро аэропорти.

Болтиқ бўйи республикалари. Иқлими - денгиз иқлими билан континентал иқлим ўртасида.

Латвия. Пойтахти Рига шаҳри. Давлат тузуми - республика. Майдони - 64,589 минг кв. км., аҳолиси - 2,385 млн. киши (2001 - йил), тили - латиш, дини - христиан, пул бирлиги - лат. Йирик шаҳарлари: Рига, Даугавпилс, Лиепая, Елгава, Юрмала. Миллий байрами - 18 ноябрь Латвия республикаси эълон қилинган кун (1918 - йил).

Туризми: Ўрта аср кўргонлари, ибодатхоналари. Пётр черкови, Елгавадаги паркли сарой ансамбли. "Уч ака - ука" ансамбли, Тарих музейи, метрополитени. Туристлар учун эртакнамо тор кўчалари. Сигулда Миллий парки. Машхур Юрмала. Сигулда, Лиепая, Кемери, Балдоне курортлари. Пляж туризм, теннис кортлари, Рундаль саройи.

Литва. Пойтахти Вильнюс шаҳри. Давлат тузуми - республика. Майдони - 65,2 минг кв. км., аҳолиси - 3610 минг киши (2001 - йил), тили - литва, дини - христиан, пул бирлиги - лит. Йирик шаҳарлари: Вильнюс, Каунас, Клайпеда, Шяулей. Миллий байрами - 16 февраль - Литва давлати қайта тикланган кун (1918 - йил).

Туризми: Вильнюс - Нерис ва Вильния дарёларининг туташган ерида жойлашган ва ЮНЕСКО таркибига киритилган тарихий шаҳар. Миноралари, ўрта асрга оид йўл ва кичик кўчалари. Авлиё Анна черкови. Тракан этнографик ва тарих музейи, Каунас Рим - католик черкови, музейлари, Клайпеда порти, музейлари, Шаулей авлиё Пётр ва Павл черковлари.

Эстония. Пойтахти Таллин шаҳри. Давлат тузуми - республика. Майдони - 45,1 минг кв. км., аҳолиси - 2,5 млн., тили - эстон, дини - христиан.

Туризми: Кичик қалъа ва черковлари. Тарихий "Tall Herman" минораси. Болтиқ бўйи республикаларига хос тарихий, диний, маданий, пляж, соғломлаштириш туризмлари, меҳмонхоналари, халқаро аэропортлари.

Россия. Пойтахти Москва шаҳри. Иқлими - асосан мўътадил иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - дунёдаги энг катта мамлакат. Куруклиқдаги чегараси - 22125,3 км, денгиз чегараси - 38807,5 км, аҳолиси - 145,3 млн. киши (2002 - йил), тили - рус, дини - христиан, пул бирлиги - рубль. Йирик шаҳарлари: Москва, Санкт - Петербург, Нижний Новгород, Новосибирск, Самара, Екатеринбург. Миллий байрамлари: 12 июнь - Суверенитет ҳақида декларация қабул қилинган кун (1990 - йил), 7 ноябрь - келишув ва иноқлик куни (1996 - йил), 12 - декабрь - Россия Конституцияси куни (1993 - йил).

Сайёҳлик йўналишлари ва турлари: Москва Кремли, Коломенскдаги Вознесений черкови, Василий Блаженний ибодатхонаси, Оружейная палата, тош ибодатхоналар, мусулмон масжидлари, Москва метрополитени, Москва дарёси кўприклари, музейлари, Пётр саройи, Третьяков галареяси, черковлари, монастирлари. Қуий Новгород, Тула, Коломна, Зарайск, Смоленск, Серпухов

кремллари. Санкт - Петербургнинг дунёдаги гўзал шаҳарлардан бири ҳисобланиши. Петропавловск қалъаси мажмуйи, Давлат Эрмитажи. Умуман, Россиядаги тарихий, диний, маданий ва дам олиш туризми. Рождество (Исо пайғамбарнинг туғилганига бағишлиланган христианлар байрами, милоднинг бошланиши), пахса байрамлари билан боғлиқ сайд - саёҳат, таълим, спорт - соғломлаштириш ва ёшлар туризми, денгиз, дарё туризми, шоп тур, бизнес тур, автомобиль туризми. Халқаро аэропортлар, замонавий меҳмонхоналар.

Ўзбекистон - Россия муносабатлари. Соҳибқирон Амир Темурнинг зарбалари остида Олтин Ўрда давлатининг барҳам топиши ва Россиянинг озод бўлиши. 1464 - йилда Русь давлати ўз элчисини Ўрта Осиёга юбориши. 1490 - йилда Султон Ҳусайн Бойқаро элчиларининг Москвага келиши. Кейинги йилларда савдо - иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг 1999, 2001, 2004 - йиллардаги Россияга, Россия президенти В. Путиннинг 2000, 2003 - йиллардаги Ўзбекистонга келиши.

Украина. Пойтахти Киев шаҳри. Иқлими - мўътадил, континентал иқлим. Давлат тузуми - республика. Майдони - 603,7 минг кв. км., аҳолиси - 48,4 млн. млн. киши (2002 - йил), тили - украин, дини - христиан, пул бирлиги - гривна. Йирик шаҳарлари: Киев, Харьков, Одесса, Днепропетровск, Донецк, Запорожье, Кривой Рог, Львов.

Туризми: Ялтанинг қора денгиздаги порт ва курорт шаҳри эканлиги. Машхур Крим (Ялта) ва Одесса курортлари, санаторийлари, соборлари, тош қалъаси, саройлар, католик черковлари, ибодатхоналари, ҳайкалтарошлиги.

Кавказ республикалари туризм марказлари. Иқлими - субтропик, мўътадил иқлим.

Арманистон. Пойтахти Ереван шаҳри. Давлат тузуми - демократик республика. Майдони - 29,8 минг кв. км., аҳолиси - 3,412 млн. киши (2002 - йил), тили - арман, дини - христиан - монофисий, пул бирлиги - драм. Йирик шаҳарлари: Ереван, Гюмри, Ванадзор. Миллий байрами - 24 сентябрь - Мустақиллик куни (1991- йил).

Туризми: Тигранет шаҳри Гарни қалъаси. Рипсиме, Аван, Эвартноц Ахтамар қасрлари, монастирлари ва черковлари.

Грузия. Пойтахти Тбилиси шаҳри. Майдони - 69,7 минг кв. км., аҳолиси - 5411минг киши (2002 - йил), тили - грузин, дини - православ, католик, протестант. Мухим шаҳарлари: Тбилиси, Кутаиси, Сухуми, Батуми. Миллий байрами - 26 май - Мустақиллик куни (1991 - йил).

Туризми: Жвари, Проми, Ошки эҳромлари, ибодатхоналари. Мухети собори, Гелат монастири, Давид Гарежа ғор - монастири. Сухуми ва Батумидаги бальнеологик курортлар.

Озарбайжон. Пойтахти Боку шаҳри. Давлат тузуми - республика. Майдони - 86,6 минг кв. км., аҳолиси - 8,2 млн. киши (2002 - йил), тили - озарбайжон, дини - ислом, пул бирлиги - манат. Йирик шаҳарлари: Боку, Сумгait, Мингечаур, Ганжа, Ленкоран, Нахичеван.

Туризми: Чироф қалъа, Мингечаур ибодатхонаси, Ширвоншоҳлар саройи, Табриздаги Зангори масжид.

Марказий Осиё республикалари туризм марказлари. Давлат тузуми - республика. Иқлими - кескин континентал, қурғоқчил иқлим.

Тожикистон республикаси. Пойтахти Душанбе шаҳри. Майдони - 143,1 минг кв. км., аҳолиси - 6578,5 минг киши (2002 - йил), тили - тоҷик, дини - ислом, пул бирлиги - сомоний. Йирик шаҳарлари: Душанбе, Хӯжанд, Кӯргон тепа, Кулоб, Хоруг, Норақ, Қайроқкум. Панҷакент шаҳристони. Миллий байрами - 9 сентябрь - Мустақиллик куни (1991 - йил).

Туркманистон республикаси. Пойтахти Ашҳобод шаҳри. Майдони - 488,1 минг кв. км., аҳолиси - 4,7 млн. киши (2002 - йил), тили - туркман, дини - ислом, пул бирлиги - манат. Муҳим шаҳарлари: Ашҳобод, Туркманобод, Тошховуз, Мари, Туркманбоши. Миллий байрами - 27 октябрь - Мустақиллик куни (1991 - йил). Қадим археологик ёдгорликлари, Султон Санҷар, Фаҳриддин Розий, Султон Такаш мақбаралари.

Қирғизистон республикаси. Пойтахти Бишкек шаҳри. Давлат тузуми - суверен, унитар давлат, демократик республика. Майдони - 199,9 минг кв. км., аҳолиси - 5 млн. 12 минг киши (2002 - йил), тили - қирғиз, дини - ислом, пул бирлиги - сом. Муҳим шаҳарлари: Бишкек, Ўш, Жалолобод, Тўқмоқ, Ўзган. Миллий байрами - 31 август - Давлат мустақиллиги куни (1991 - йил).

Жалолобод бальнеологик курорти, Ўш, Арслонбоб, Иссик кўл тур базалари.

Қозоғистон республикаси. Пойтахти Остона шаҳри. Давлат тузуми - бошқарувнинг президентлик шаклидаги унитар давлат. Майдони - 2724,9 минг кв. км., аҳолиси - 15 млн. киши (2005 - йил), тили - қозоқ, дини - ислом, пул бирлиги - тенге. Шаҳарлари ва тарихий ёдгорликлари: Олма ота, Туркистон, Чимкент, Жамбул, Қарағанда, Сайрам, Ўтрор, Аҳмад Яссауи, Темирлановка билан боғлиқ манзилгоҳлар. Буларнинг туризм учун аҳамияти. Миллий байрами - 16 декабрь - Мустақиллик куни (1991 - йил).

Ўзбекистон республикаси. 1 - иловага қаралсин.

Таянч иборалар

- туристик қизиқиши
- туристик ресурслар
- туризм объектлари
- акваториялар
- ғорлар, қалъа ва қасрлар

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Туристик қизиқиши деганда нимани тушунасиз?
2. Туристик ресурсларни айтиб беринг.
3. Туризм объектлари деганда нимани тушунасиз?
4. Акватория нима?

5. Туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақида фикрингиз қандай?
6. Ўзбекистонда мавжуд тур ресурсларини санаб утинг.
7. Сиз билган туристик қизиқиш объектлари қаерда бор?
8. Хорижий тур ресурсларидан қайсиларини биласиз?
9. Тур маршрутларини тузишда тур ресурсларининг аҳамияти қандай?
10. Туристик ресурслар республикамизнинг қайси шаҳарларида кўпроқ?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасини иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 - йил 23 - мартағи "Маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш ҳақида"ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача булган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 2001 - йил 30 - апрелда қабул қилган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 21 - августда қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги қонуни
6. Биржаков М. Б. Ведений в туризм. Санкт - Петербург. 2000 г.
7. Trevel Guide Uzbekistan - Tashkent: National Company Uzbekturizm. 2003.
8. Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action. WTO. 2004.

13 - боб. Экология ва туризм

13. 1. Экология ва туризмнинг ўзаро алоқадорлиги
13. 2. Туризм экологияси ва экологик туризмнинг ўзига хос хусусиятлари
13. 3. Миллий парк ва заҳираларнинг экотуризмда тутган ўрни

13. 1. Экология ва туризмнинг ўзаро алоқадорлиги

Маълумки, бутун дунёда "2002 - йил - экотуризм йили", - деб эълон қилинди. Бу албатта, бежиз эмас. Негаки, ҳозирги кунда экологик муаммолар етарли бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш дунё ҳамжамияти олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Экология - ушбу тадқиқотимиз обьектида кишилик жамиятининг ўзаро муносабатлари, унинг туризм ва атроф муҳитдаги фаолияти тўғрисидаги фан сифатида қаралади.

Жамият ривожланиши ҳозирги босқичининг характерли хусусиятларидан бири атроф - мухит ифлосланишини техноген омилларининг ортиши бўлиб, бу фавқулодда ҳолатларда биринчи навбатда туристик ресурсларнинг экологик кризисига олиб келади. Экологик вазиятнинг зўрайиши бутун дунёда муаммо даражасидаги ҳолатдир.

Бугунги кунда долзарб вазифалардан бири табиий мухитни сақлаш масалаларини ҳал қилишга янгича йўналишларни ишлаб чиқишидир. Бундай ёндашувни комплекс даражада мураккаб ижтимоий - иқтисодий ва экологик тизим сифатида қаралиши мухимдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда етакчи ўринни туризм эгаллайди ва бунинг асосий сабаблари қуидагилардан иборат:

1. Туризм дунё хўжалигида динамик ривожланаётган тармоқларидан биридир. У жаҳон миллий ялпи маҳсулотида самарали ўрин эгаллайди, жаҳон инвестицияларининг 7% ни ўзига жалб қилган ҳолда катта миқдорда янги ишчи ўринлари яратиши кўп мамлакатларда солиқ тушумларининг мухим моддаси ҳисобланади.

2. Туризм замонавий давлат иқтисодиётининг барча мухим бўғинларига, ривожланган жамият ҳаётининг барча томонларига таъсир кўрсатади. Туризм иқтисодиётни таркибан қайта қуришни ва ижтимоий тараққиёт устувор алмашувининг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

3. Туризм чуқур ижтимоий вазифаларни бажаради. У ўзининг ҳозирги ривожланиш босқичида биринчи навбатда маълум бир ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилади.

Туризмнинг ижтимоий масалалари қуидагиларда белгиланади:

- а) истеъмолчиларни кенг хизмат тармоқлари орқали номоддий неъматлар билан таъминлаш;
- б) аҳолининг умумтаълим, маданий, ижтимоий даражасини шакллантириш;
- в) миллатлараро, давлатлараро этник гурухлар, шахслар ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш;
- г) истеъмолчиларнинг дам олиши, ҳаётий кучларини тиклаш, саломатлигини таъминлаш;
- д) жамият узоқ муддатли манфаатлари билан аҳолининг алоҳида гурухлари манфаатларини келиштириш, шу жумладан ёқимли экологик, ижтимоий - маданий мухитни сақлаш.

13. 2. Туризм экологияси ва экологик туризмнинг ўзига хос хусусиятлари

Ижтимоий ҳаётнинг экологик жараёнида туризмнинг роли масаласи кўрилганда туризм экологияси ва экологик туризм тушунчаларини ажратиб олиш лозим. Туризмнинг экологик ёки ноэкологик характеристи унинг атроф мухит, яъни атмосфера, сув ресурслари, тупроқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига таъсири даражаси билан ўлчанади.

Таъсир соф нарса кўринишида ёки шовқин, электромагнит, радиактив

кўринишида бўлиши мумкин. Туризм экологияси тушунчаси ўз ичига атроф - муҳитни ҳимоя қилиш ва тиклашнинг аниқ чора - тадбирларини олади.

Шунинг учун туристик рекреацион ресурслар туризмнинг муваффақиятли ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади ва унинг салбий таъсири бошқа тармоқ корхоналарига нисбатан камроқдир.

Юқоридагилардан кўринадики, туризм экологияси деганда ушбу тармоқнинг атроф - муҳитга кенг миқёсдаги таъсири тушунилади.

Экологик туризм - табиий туризмнинг инсонларни бирлаштирувчи илмий - тадқиқот мақсадларидағи турларидан биридир. Унда туристларнинг қизиқишилари атроф - муҳит табиати ва уларни сақлаш билан олиб борилмоғи керак. Туризмнинг ушбу турида қўриқланаётган табиат худудлари алоҳида ўрин тутади. Шундай қилиб, экологик туризм - қатъий маҳсус турдаги, илмий - тадқиқот мақсадларидағи хизмат туридир.

Экотуризмни ўтказиш (амалга ошириш) даги имкониятлар

Экотуризмни ўтказиш имконияти - бу маълум бир туристик обьектни маҳаллий ресурсларга ортиқча зарар келтирмаган ва аҳолига ижтимоий - иқтисодий муаммолар келтириб чиқармаган ҳолатда максимал миқдордаги юклашлиқдир.

Баъзи мамлакатлар ва жойлар туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Масалан: Канаар ороллари (Атлантика океанидаги ороллар гурухи. Испания таркибидаги муҳтор вилоят), унда доимий яшайдиган аҳоли сонига нисбатан 10 баробар кўпроқ туристларни қабул қиласди. Андорра (Франция билан Испания оралиғидаги, европанинг жануби - ғарбидаги давлат. Пимринейлар ярим оролида жойлашган) давлатини мисол қилсак, ҳар йили у ерда 12 млндан ортиқ туристлар, ўртача 2 - 4 кун муддат билан дам олишади. Аҳолининг асосий ҳаёт тарзи, меҳмонларга жой бериш, таом тайёрлаш, эртадан кечгача туристларга қўнгилочар тамошалар уюштириш билан ўтади. Бундан йигирма йил олдин ушбу тоғли Пиринейлар водийси қашшоқлар билан банд бўлган бўлса, бугунги кунда эса (туризм ҳисобига) европанинг бой мамлакатларидан бири ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, экотуризмни ўтказиш имкониятини 3 та асосий турга бўлиш мумкин:

1. Экологик ўтказиш имконияти - бу бирор - бир обьект ёки жойининг қабул қилиш даражаси бўлиб, ундан ортиб кетиши экологик жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келади.

2. Туристик ижтимоий ўтказиш имконияти - бу туристик обьект жойининг қабул қилиш даражаси бўлиб, ундан ортиғи туристларнинг сафардан оладиган таъсуротларини ёмонлашувига олиб келади.

3. Маҳаллий ижтимоий ўтказиш имконияти - бу туристларни қабул қилиш даражасининг шундай чегараси, ундан ортиғи маҳаллий маданият, маҳаллий аҳоли ва туристлар ортасидаги муносабатларни ёмонлашувига олиб келади.

Шундай қилиб, ўтказиш имконияти худуддаги ресурсларни сақлаш ва

туристик объект ёки жойнинг қайта тикланишини таъминлайдиган чегарадир.

Худуднинг ресурс имконияти - бу жамиятнинг ҳаёт фаолиятини барча жабҳаларини қамраб олувчи тушунчадир.

Оламшумул инсонпарварлик нуқтаи - назардан қараганда, уни алоҳида иқтисоднинг экологик ва ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олиш зарур. Унинг бир қисми тўғридан - тўғри худуднинг туристик ресурсларига, иккинчи қисми минтақадаги туризмни ривожлантириш омилларига тегишилдири.

Туризм учун туристик рекреацион ресурслар биринчи даражали аҳамиятга эга. Булар туристик бизнесни ривожлантириш жараёнининг пойдевори ҳисобланади. Туристик рекреацион ресурслар туристик маҳсулот яратиш учун инсон томонидан яратилган табиий ва сунъий обеъктлар мажмуасидир.

Туристик ресурслар минтақада туризмни ривожланиш хусусиятларини белгиланган ҳудудда инвестиция сиёсати йўналишларини белгилашда туристик маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошланғич манбаъ ҳисобланади.

13. 3. Миллий парклар ва захираларнинг экотуризмда тутган ўрни

Худудларни ўзлаштириш тадбирлари жараёнида уларни табиатан биринчи ҳолатдаги қўринишини, алоҳида маданий ва тарихий қийматга эга бўлган ёдгорликларни ушбу мамлакат ҳамда бутун инсоният учун сақлаб қолиш керак. Шу мақсадда, деярли барча давлатларда қўриқлананаётган худудлар эълон қилиниб, у ерларда барча хўжалик фаолиятлари чекланган. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ривожланиши қўллаб - қувватланади, куруқлик ва сув ҳавзаларидаги жойлар белгиланади.

Миллий парклар, бошқа захиралар - обектлар табиатни муҳофаза қилиш воситаси ва уни молиялаштириш манбаъси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Аммо, кўп ҳолларда парклар ва ҳудудлар ушбу мамлакат бюджети ёки халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилади. Бунинг учун туризмни тартибга солиш ва режалаштириш, обьект ёки ҳудуддан туризм мақсадида фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Табиий туризм ва экотуризм табиатга нисбатан хўжалик фаолияти етиб бормаган обьектлар билан белгиланади.

Бундай туризмнинг мақсади ва услуби - ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда ушбу ҳудудда жойлашган ҳар қандай маданий ёдгорликларни, хоҳ эски, хоҳ замонавий бўлсин уларни кузатиш ва ўрганишдан иборат.

Табиий туризм туризмнинг бошқа турларидан табиий муҳитга камроқ таъсири билан ажralиб турари ва кенг тармоқли хизмат қўрсатишга муҳтож эмас.

Экотуризм услугининг қамрови одатдагидан кўра кенгрок бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганишга илмий ёндашув, табиат қўйнига саёҳат, масалан, дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш билан ўрганишни биргаликда амалга оширилади.

Кўриқлананаётган худудлар ташки қисмининг кенг тарқалган шакларидан бири миллий паркларни яратиш бўлиб ҳисобланади. Парклар экотуризм сезиларли даражада, инсонлар хўжалик фаолияти натижасида ўзгартирилмаган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бошланғич кўринишини сақлаб қолган, геоморфология ва атроф - муҳитни ўзига хос қизикиш уйғотадиган чиройли ландшафт ерларда ташкил қилинади. Парклар давлат юқори органлари томонидан ёки улар билан келишилган ҳолда ҳалқаро ташкилотлар, масалан ЮНЕСКО қарори билан ташкил қилинади.

Хулоса

Ҳозирги экологик муаммолар мавжуд бўлган пайтда аҳолининг ушбу туризм туридан фойдаланишлари ва уни ташкил этиш ҳам осон иш эмас. Экологик туризм аввало экоресурслар мавжуд худудларда ташкил этилади. Бунинг учун табиий - иқлим ресурслари - океан, денгиз, дарё ва қўллар, сунъий сув ҳавзалари, чўл ва қумликлар, тоғлар ва улардаги шаршараю ғорлар, кир - адирлар, қўриқхона ва боғлар бўлиши лозим. Энг асосийси, Оллоҳ ато этган ушбу табиат ресурсларини авайлаб - асрар, улардан туризм ва инсоннинг бошқа эҳтиёжлари учун оқилона фойдаланиш керак. Бу ишда туристик ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юқланади.

Экология ва туризм ажралмас тушунчалардир. Негаки, инсоният дам олиш ниятида аввало шундай табиат билан боғлиқ жойларга боради ва ўзининг хордиини чиқаради. Мамлакатимизда экологик тоза худудлар кўп. Улардан унумли фойдаланиш, керак бўлса бизнес ҳам қилиш керак. Экологияга зиён етказмай туризмни ташкил этиш - бу асосий масаладир.

Таянч иборалар

- Экология
- Туризм экологияси
- Экологик туризм
- Экоресурслар

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Экология нима?
2. Экология ва туризм деганда нимани тушунасиз?
3. Табиий - иқлим ресурслари ҳақида нималарни биласиз?
4. Туризм экологияси нима дегани?
5. Экологик туризм ҳақидаги фикрингиз қандай?
6. Ўзбекистонда экотуризмни амалга ошириш мумкин бўлган худудлардан қайсилари сизга маълум?
7. Ҳозирда экологик кризис ҳолатига келиб қолган худудлардан намуналар

- келтиринг?
8. Экотуризмни амалга ошириш муаммолари қайсилар?
 9. Миллий парк ва захиралар ҳақидаги фикрингизни ифодалаб беринг?
 10. Экотуризмнинг қандай турлари мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора -тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 - йил 23 - марта даги "Маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш ҳақида"ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 - йил 30 - апрелда қабул қилган "Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августда қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.
6. Основы туристской деятельности (Учеб. пособие). Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 г.
7. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000 г.
8. Trevel Guide Uzbekistan - Tashkent: National Company Uzbekturizm. 2003.
9. Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action.WTO. 2004.

14 - боб. Миллий парк ва резервациялар

14. 1. Миллий парк ҳақида тушунча
14. 2. Миллий парк ва резервацияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг туризмга дахлдорлиги

14. 1. Миллий парк ҳақида тушунча

Худудларнинг ўзгартирилиши дастлабки табиатнинг озгина қисмини бўлса

ҳам сақлаб қолиш муаммосини, ҳамда маълум бир мамлакат, жамият ёки бутун инсониятнинг маданиятидаги маданий - тарихий қадриятларини ифодаловчи инсон томонидан яратилган объектларни сақлаш муаммосини келтириб чиқарди. Бунинг учун дунёning деярли барча давлатларида қуруқлик ва сув майдонларида маълум бир участкалар ажратилган ва қўриқланувчи худудлар, - деб эълон қилинган. Бу ерларда инсоннинг хўжалик фаолияти қатъий чекланган, ўсимлик ва ҳайвонот олами ривожланишини қўллаб - кувватлаш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилган ҳамда инсон томонидан яратилган объектларни сақлашдаги фаолиятдан ташқари барчаси таъкиқланган.

Туризм хўжалик фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва алоҳида қўриқланувчи худудларда қатъий назорат қилинувчи ҳажмда режали амалга оширилади.

Миллий парклардаги ва бошқа қўриқланувчи резервация ва объектлардаги фаолият ўз - ўзини молиялаш воситаси ва манбаи, табиатни қўриқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин, кўпинча парк ва худудлар ушбу мамлакат бюджетидан молияланади ва миллий таъсир зонасидан ташқарида жойлашган бўлса халқаро ташкилотлар томонидан молияланади. Бунинг учун туризмни тартибга солиш ва бошқариш, худуд ёки объектни рўйхатга киритиш кўрсаткичларига амал қилиш лозим.

Табиий туризм ёки экотуризм дейилганда табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирилмаган жойларидаги туризми тушунилади. Бунда туризмнинг мақсади ва усули - ўсимлик ва ҳайвонот оламини, ушбу ҳудудда жойлашган барча тарихий, замонавий, маданий қадриятларни кузатиш ва ўрганишдан иборат. Табиий туризм туризмнинг бошқа турларидан табиий муҳитга кучсиз таъсири билан фарқланади ва кенг ривожланган инфратузилмага муҳтоҷ бўлмайди. Лекин, америкалик экотуристлар беш юлдузли отелларда тунашни хуш кўришади. Экотуризм усуллари қамрови жуда кенг бўлиб, уларга ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги табиий ҳолатларни ўрганишда илмий ёндашувдан

тортиб табиатга номунтазам сарфларгача кириши мумкин.

Қўриқланувчи ҳудудни ташкил этишнинг энг кенг тарқалган шакли миллий боғларни яратиш ҳисобланади. Парклар шундай жойларда ташкил қилинадики, у ерларда экотуризм сезиларли таъсирга учрамаган ва инсон хўжалик фаолияти натижасида ўзгармаган бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот олами дастлабки кўринишда сақланган ва алоҳида қизиқиши ўйғотадиган ҳамда ўзига жуда чиройли ландшафтлар мавжуд бўлган ҳудудлар бўлиши керак. Парклар давлатнинг юқори органлари қарори ва келишувига биноан халқаро ташкилотлар, масалан, ЮНЕСКО қарорига биноан яратилади.

Бундай қарорларга асосан ажратилган ҳудудларда, яъни миллий парк деб эълон қилинган ҳудудларда хўжалик фаолияти, табиий ресурсларни эксплуатация қилиш, фойдали қазилмалар қазиб олиш, аҳоли қўчиб келиши таъқиқланади. Бир вақтнинг ўзида белгиланган назорат қилинувчи чегараларда илмий мақсадларда паркка кириш ҳамда эстетик роҳатланиш мақсадларида туристларга келиб кетишига руҳсат берилади. Бундай ҳудудларга туризм жуда катта миқдорларда даромад келтиради. Масалан, Руанда миллий боғида ғорларни томоша қилишга келган туристлар йилига 1 млн. долларгача даромад келтиришади. Галапагос оролларида (Эквадор) миллий боғ йилига туризмдан тушувчи бевосита даромад кўринишида 700 минг долларгача олади. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, Кения миллий боғида ҳар бир ер 27 минг АҚШ доллари, филлар тўдаси 600 минг доллар туризмдан даромад келтиради. Бу ракамлар шуни изоҳламоқдаки, ушбу ҳайвонлар тириклигида, овчилар ўлжасига айланишига нисбатан бир неча маротаба кўп даромад келтиради, шунинг учун улар узоқ яшайди. Ушбу адолатли шиор Африка миллий боғлари ишчилари орасида машхур.

Қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- илмий қўриқхона, қатъий илмий мақсадларда қўлланилувчи қўриқланадиган ҳудуд, масалан, ҳайвонот оламининг ноёб вакиллари сақланган

Галапагос ороли;

- миллий парк, фан, маърифат, дам олиш мақсадларида миллий ёки халқаро аҳамиятга эга бўлган машҳур табиий ва ландшафт ҳудудларни ҳимоя қилиш учун яратилади. Тижорат фаолияти, фойдали қазилмалар қазиб олиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ишлари таъқиқланган. Турли мамлакатларда жойлашган 300 дан ортиқ катта миллий паркларни ҳимоя қилиш мумкин. Масалан, Канадада Banff миллий парки машҳур бўлиб, унга 1885 - йил асос солинган, худуди 6400 кв. км., нина баргли ўрмон билан қопланган. Унда кийик, тоғ эчкиси, кенг шоҳли қўй, икки юзга яқин қушлар яшайди;

- табиат эсдаликлари, табиий ёки инсон яратган маданий - тарихий диққатга сазовор жой ва объектларни сақлаш учун яратилган. Булар қаторига Гиза эхромларини ва дунёнинг бошқа қисмларидаги тарихий ёдгорликларни киритиш мумкин;

- ёввойи ҳайвонлар қўриқхонаси, ҳайвонларнинг алоҳида турлари, биологик жониворлар гурухини сақланиб қолиш учун ташкил этилади;

- қўриқланувчи ландшафт (манзара), алоҳида муҳим элементларнинг гормоник бир - бирига мувофиқ бўлган ва ноёб ҳолатларни ташкил этувчи табиат ландшафтларини сақлаб қолиш учун ташкил этилади. Ландшафтда қурилиш, яъни йўллар, иншоотлар, саноат объектлари, электр узатув линиялари қуриш таъқиқланади. Бундай ҳудудлар одатий турмуш тарзи ва ушбу районнинг иқтисодий фаолияти чегарасида туризм ва дам олиш шаклида ижтимоий фойдаланишга топширилган. Лекин, қўпинча ландшафт ноёб иншоотлар билан безалади, масалан, кўприклар, улар инсоният ақлининг соғ мўъжизаларини ўзларida ифода қилишади. Қадимийларидан қуйидагиларни айтиш мумкин: Италия, Испания ва Португалиядаги рим акведук (осма қувур)лари, ҳозирги кунда улар туристик марказ ландшафтларининг ажralmas қисмига айланган. Улар қаторига яна The Bay Bridge кўпригини киритиш мумкин. Сан - Франциско кўрфазидан ўтган кўприк, уни баъзан "Сан - Матео кўприги" - San

Mateo Bridge деб ҳам аташади. У 1963 - йили қурилган ва АҚШда энг узун ва чиройли кўприк ҳисобланади, узунлиги 13 км;

- антропология - табиат билан уйғунликда яшовчи ва унинг ресурсларидан анъанавий фойдаланувчи маҳаллий аҳоли ҳаётининг табиий шароитларини муҳофизв қилиш учун яратилади;

- кўп томонлама фойдаланувчи бошқариладиган ҳудуд (бошқарилув ресурсли ҳудуд) табиий ресурслар, ҳайвонот дунёси, рекреацион салоҳиятини барқарор ривожлантириш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида яратилади. Бундай парклар қитъаларнинг турли қисмларида қурилган ва баъзан жуда катта ҳудудни эгаллайди.

14. 2. Миллий парк ва резервацияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг туризмга даҳлдорлиги

Энг машҳур миллий парклар

Миллий парклар - ажойиб табиат обьектлари (шаршара, гўзал ландшафт, орол ва ҳ. к.) бўлган резервация, ҳудуд ёки акваториялардир. Миллий парк деб эълон қилинган баъзи ҳудудлар тарихий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Масалан, тарихий миллий кўриқхоналар. Булар машҳур кишилар ва арбоблар ватани, ҳарбий тўқнашув ёки муҳим тарихий ҳодиса бўлиб ўтган жойлар бўлиши мумкин.

Дунёдаги биринчи миллий парк - Йеллоустон паркидир, у 1672 - йили АҚШда ташкил этилган. Миллий паркларни яратишнинг иккинчи ташаббускори - Канада бўлиб, у ерда 1885 - йил Banff миллий парки ташкил этилди. Серқоя тоғларининг шарқий ёнбағридаги 10 кв. миль (26 кв. км) ҳудуд миллий парк, - деб эълон қилинган. Ҳозирги кунда бу парк 6400 кв.км дан ортиқроқ жойни эгаллайди. Парк ҳудудида бир нечта музлик ва кўллар бор.

Одатда миллий парклар давлатнинг юқори органлари томонидан ташкил этилади. Шу кунгача ер юзида 3500 дан ортиқ миллий парклар мавжуд бўлиб, улардан 2600 таси катта парклар ҳисобланади ва халқаро аҳамиятга эга - БМТ

рўйхатига киритилган. Дунёдаги энг катта парклар: Banff, Kaziranga, Corbett, Serengeti, Tsavo, Gagady, Kruger. Миллий парклар давлат ёки бир нечта давлатлар ҳимоясида сақланади.

Миллий паркларни ташкил этиш ва қўллаб - қувватлаш бўйича кўпгина шартномалар тузилган. The Yondon Convention for the Protection of African Fauna and Flora 1933 - йили қабул қилиниб, Африка ва дунёнинг бошқа минтақаларида миллий парклар ташкил этилиш жараёни бошлаб юборилди. The Pan American Convention on Nature Protection 1942 - йилнинг май ойида кучга кирган ва бир нечта мамлакатларни бирлаштирган (АҚШ, Гватемала, Венесуэла, Сальвадор, Гаити, кейинроқ эса - Доминикан республикаси, Мексика, Эквадор, Аргентина, Никарагуа, Перу ва Бразилия қўшилган). Бу битимдан кўзланган мақсад ер ва сув, шунингдек, табиатнинг маҳаллий ресурсларини, айниқса, йўқолиб кетаётган ноёб ҳайвонлар ва қушларни, Перу Чангальзоридаги кам сонли аҳолининг табиий ҳаётини муҳофаза килишдан иборат. The International Union for Conservation of Nature and Natural Resources (IUCN) 1948 - йил Fontainebleau, Францияда тузилган. Иттифоқнинг асосий мақсадлари - худуддаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишни режалаштириш, илмий, илмий - тадқиқот ва маданий фаолият юритишdir. 1958 - йил бу ташкилот БМТ га миллий паркларни яратиш ва қўллаб - қувватлашни назарат қилиш ҳакида таклиф киритган. Шу йили Миллий парклар бўйича БМТнинг Халқаро Комиссияси ҳам тузилган.

1962 - йил Сиетлда миллий парклар бўйича биринчи Жаҳон конференцияси ўтказилди, унда 70 дан ортиқ мамлакатлар вакиллари иштирок этди. 1969 - йили Дехлида бўлиб ўтган IUCN нинг Ўнинчи Бош Ассамблеясида Миллий паркларнинг умумий концепцияси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ:

Миллий парк - нисбатан катта музофот ёки ҳудуд бўлиб,
- бир ёки бир нечта экотизимга инсон ва унинг хўжалик фаолияти таъсирида мухим ўзгартиришлар киритилмаган бўлиши;

- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзига хос ажралиб туриши, ҳудуд эса илмий қизиқишига эга бўлиб, қўриқланиши ва ўрганилиши;
- маҳаллий табиат ландшафтлари ўзининг табиий гўзаллиги билан ажралиб туриши;
- мамлакатнинг тегишли ва муҳтор ҳукумати ҳудудда экологик, геоморфологик ёки эстетик хусусиятларни сақлаб қолиш мақсадида уни ҳўжалик томондан ўзлаштирилишини таъқиқловчи ёки чегараловчи чораларни кўриши;
- уларга ташриф буюриш фақат таништирув, илмий, таълимий ва маданий мақсадларда бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

БМТ ва ЮНЕСКО га аъзо мамлакатлар 1972 - йили миллий парклар тўғрисида Иккинчи Бутунжаҳон Конвенциясини қабул қилишди. Ҳозирги кунда таҳминан 70 та давлат ушбу конвенцияга амал қилади. Деярли барча миллий паркларда инсон ҳўжалик фаолияти қатъий чегараланган бўлиб, фақатгина туризм фаолиятини ташкил этиш ёки табиатни минимал қўллаб - қувватлаш, ҳайвонлар миқдорини тартибга солиш ва ҳ. к.ларга йўлга қўйилади. Ландшафт (манзара) лар ва гўзал ноёб табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инсон аралашувидан ҳимоя қилинган ва табиий ҳолда сакланади. Баъзи қўриқхоналарга ҳатто туристлар кириши ҳам таъқиқланган. Миллий паркларнинг катта қисми туризмда кенг қўлланилади, лекин туристлар қатъий белгиланган маршрутларда, проводники махсус автомобилларда юришади, кемпингларда ётиб қолишлиги ташкил этилади.

Африка миллий парклари

Африкада миллий паркларни тузиш жуда долзарб. Браконьеरлар - ўғринча овчилар ҳайвонларни ҳимоя қилувчи маҳаллий қонунларни тез - тез бузиб туришади, вақти ҳушлик ва фойдани қувиб ноёб ҳайвон ва қушларни аёвсиз киришади. Африка мамлакатлари ҳукуматлари томонидан тирик табиат музейлари ва лабораториялари бўлиб хизмат килувчи катта қўриқхоналар ва

миллий парклар қурилган. Энг катта парклар қаторига Заир паркларини киритиш мумкин: Salonga, Upemba, Maiko ва Virunga. Замбияда бегемотлар ва қора каркидонларнинг катта миқдорига эга бўлган Kafue парки ташкил этилган. Hwange миллий парки Зимбабве да жойлашган бўлиб, 1927 - йили резервда турган ва фақат 1949 - йили юридик мақомига эга бўлган. Парк худудининг учдан бир қисми ташриф буюрувчиларга очик, қолган қисмига табиатнинг дастлабки кўринишини сақлаш мақсадида киритиш таъқиқланган. Танзаниядаги Serengeti миллий парки дунёга ўзининг кўп миқдордаги wildebeests, zebras ва gazelles подалари билан машҳур. Лекин, энг катта Африка миллий парки Кениядаги Tsavo дир. Марказий Кенияда Aberdare ва Kruger миллий парклари яратилган бўлиб, уларда Африканинг энг катта ҳайвонлари филлар, бегемотлар, оқ каркидонларнинг бутун тўдаси табиий шароитларда яшайди. Миллий филлар қўриқхонаси Addo Elephant да сувда маҳсус минора қурилган бўлиб, у ердан туристлар кечкурун филларнинг сув ичишини томоша қилишлари мумкин. Уганданинг Kabalega парки (Murchison шаршараси ёнида) нинг асосий қисмини саванна эгаллаган. Унинг баъзи қисмлари чангальзор, бир қисми Нил қирғоғида папирус ўсимликлари билан қопланган. Африканинг бошқа йирик миллий парклари - Малидаги Baoule, Ботсванадаги Gemsbok, Намибиядаги Namib Desert / Naukluft (Жанубий - Гарбий Африка) ва Марказий Африка Республикасидаги Manovo - Gouna - St. Floris.

Осиё ва Австралия парклари

Осиё мамлакатларидан Японияда табиатга жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлинади. Японияда кўп миқдорда миллий парклар мавжуд бўлиб, улар ичida энг машҳури ва тан олингани - Фудзияма тоғидаги миллий тимсол ҳисобланувчи вулқон конуси - Fuji -Hakone - Izu. Денгиз аквапарки Seto - Naikoi забт этувчи seascapesга эга. Ўчган вулқонлар оғзини кўрувчилар учун Akan парки ҳам машҳур. Chubu - Sangaku парки Япониянинг энг юқори тоғ чўққилари - Alps ни ўз ичига олади. Кўпгина муқаддас ибодатхоналарини ўз ичига олган

Love1y Nikko парки ҳам тоғли ҳудудда жойлашган.

Хинди斯顿да ҳам бир нечта миллий парклар ташкил этилган бўлиб, улардан энг машхури Ҳимолай тоғи яқинидаги Corbett парки ҳисобланади, Паркда ноёб ҳайвонлардан - йўлбарс ва қоплонлар яшайди. Шри - Ланкадаги Gal Oya парки катта ҳовуздан иборат. Унда филлар ва қоплонлардан ташқари қушлар дунёсининг ноёб вакиллари кўп миқдорда мавжуд.

Австралия миллий паркларнинг кенг тизимига эга. Улар ичида энг машхури Gagadu парки бўлиб, унда йирик тумсоҳ питомники (питомник - ҳайвонлар парвариш қилинадиган, кўпайтириладиган, қўриқланадиган жой) мавжуд. Мазкур паркда туристларни жалб қилиш учун питомникнинг биноси тумсоҳ шаклида қурилган дунёда ягона бўлган отели билан машхур. Тош бармоклар машхур Водийси ва узунлиги бир километрга яқин бўлган баҳайбат тошли тўлқин шаклидаги ажойиб қоя Австралия жанубидаги Perth туристик маркази яқинида жойлашган. Янги Зеландияда эса учта парк энг машхурлари ҳисобланади: Tongariro, Egmont ва Fiordland.

Европа парклари ва резервациялари

Буюк Британия миллий парклари давлат мулки ҳисобланади. Уларга Lake District, Peak Distrikt ва Yorkshire Dales ни киритиш мумкин. Уэлсъдаги Snowdoniya ва Brecon Beacons парклари ўз ичига минглаб акр (акр - Англия ва Шимолий Америкада 0,4047 гектарга teng ер ўлчови) тепаликлар, кўллар, ўрмонларни олади. Шотландиядаги энг катта парк Cairngorm National Nature Reserve Британ оролларида жойлашган. Унинг ҳудудида ноёб турдаги флора ва фаунага эга бўлган 64000 акр (26000 гектар) ер эгалланган. Cairngorm Mountains - Британ оролларидағи энг баланд тоғ ҳисобланади.

Швейцариянинг Альпдаги миллий парки 42000 акр (17000 гектар) ҳудудни эгаллаган. Альп тоғидаги бошқа катта парк Италияга тегишли - Gran Paradiso дир. Франциянинг энг катта миллий парки - La Vanoise деб номланган. 1969 - йил гарбий Германия 2 та миллий паркни эълон қилган - Berchtesgaden ва

Bavarian Forest. Ушбу 2 та йирик паркка қўшимча равишда Германия қонун билан ҳимоя қилинувчи резервация ёки қўриқхона характеристидаги 80 га яқин паркларга эга. Европа халқаро парклари 1969 - йил эълон қилина бошланган бўлиб, улардан биринчиси Люксембург ва Германия ҳудудида ташкил этилган парклар ҳисобланади.

Лотин Америкаси миллий парклари

Лотин Америкасида парклар табиатни дастлабки кўринишида сақлаш ва вахшиёна эксплуатациядан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган. Улардан энг биринчилари қаторида 1934 - йил бунёд этилган Галапагос оролларидаги (Эквадор) парки бўлиб, унда тошбақаларнинг ноёб турлари, шунингдек, сувда ва қуруқликда яшовчи бошқа жониворлар мавжуд. Juan Fernandez ороли Чилига тегишли миллий паркдир. Аргентина Nahuel Huapi миллий парки чиройли кўллар билан бир қаторда Анд тоғ тизмасининг этагида 2 миллион акр худуд (800000 гектар)ни эгаллайди. Дунёда тенги йўқ Игуасу (Iguazu) шаршааси ҳам Аргентино - Бразилия чегарасидаги қўриқланувчи худуд, - деб эълон қилинган. Бразилиядаги Rio de Janeiro дан унча узокда бўлмаган Organ Mountains National Park 1939 - йили ишга тушурдилган. Мексикада ҳам жуда кўп миллий парклар мавжуд, улардан машхурлари Guerrero штатидаги Cacahuamilpa ғори, Michoacan тоғи ва бошқалар. Резервацияларга тарихий қишлоқлар ҳам киритилган. Масалан, Taxco ва San Miguel de Allende - испан мустамлака меъморчилигини сақлаб қолган миллий ёдгорликлар, шулар жумласидандир. Венесуэла миллий парки - Canaima дунёдаги энг баланд шаршара Angel Falls билан машхурдир.

АҚШ миллий парклари

АҚШ да 5000 га яқин миллий парклар ёки унга тенглаштирилган худудлар мавжуд. Булар қайсиdir президент туғилган ферма, ҳарбий жанг бўлиб ўтган жой (N.B.: National Battlefield), тарихий парк ёки иншоот (N.Mem.: National Memorial - миллий мемориал), табиий резервациялар, масалан, Гранд Каньон, кўлли ўлкалар худуди (N.L.: National Yakeshore) ва бошқалар. Миллий парк, -

деб соҳиллар, кўллар, чиройли жойлар, қадимги темир йўллар ва бошқа жуда кўп объектлар эълон қилинган. Уларнинг барчаси давлат ҳимояси остида ва туристик мақсадларда фаол қўлланилади. Шунинг учун АҚШнинг ички туризми ташқи туризмдан қолишмайди. Мамлакатда кўриш қизиқарли бўлган жойлар туристларга, аввало, ўз мамлакати фуқароларига доимо тайёр туради.

Парклар турларда туристик кўргазма обьекти сифатида кенг қўлланилади, уларда одатда махсус туристик инфратузилма, отеллар, ресторанлар, транспорт линиялари мавжуд бўлади. Дунё миллий боғлари тўғрисидаги ахборот (туризм мақсадида фойдаланиладиган) Халқаро Туристик Ташкилотлар томонидан чоп этилган. Guidelines; National Park and Protected Area for Tourism WTO, Spain, 1992 анг./фр./исп.

Тематик парклар

Тематик паркларга аттракционлар парки ёки бошқа предметга йўналтирилган парклар киради. Масалан, Псков вилоятида Пушкин тоғлари номидаги Пушкин кўриқхонаси (Россия), кўнгилочар тематик паркларига классик мисол - Диснейленд (ҳамда Диснейворт, Евродисней ва бошқалар). Ундан ташқари дельфинария, океанариум, зоопаркларнинг турли хиллари ва бошқа кенг омма, туристлар, болалар ва катталарга аталган турли хил кўнгилочар парклар киради.

Диснейленд

Disneyland - Колифорния (АҚШ) да жойлашган ажойиб тематик болалар парки. У қизиқарли мультфильмлар асосчиси Уолт Дисней - Walt Disney мультфильмларини мотиви асосида ишланган кўп миқдордаги аттракционларни ўз ичига олади. Дастрраб Диснейленд 1954 - йил Калифорния штатининг Акахайма шаҳри (АҚШ)да йирик ўйинчоқ шаҳар, кўнгилочар томоша ва атракционга тўла қилиб қурилган ва бутун дунёга машҳур бўлган. Ўзининг ноёб стили, шакли ва штампига эга бўлган ҳамда ҳажмига кўра ишониб бўлмайдиган даражада катта шоу - саноатни ташкил қилувчи ва 40 йилдан узоқроқ эксплуатация қилувчи махсус компания Walt Disney Company ташкил этилган.

1960 - йилдан бери Диснейленд акцияларининг 100 % Walt Disney Production компаниясига тегишли, кейинчалик унинг номи Walt Disney Co. га ўзгартирилган. Парк худудида кўллар, анхорлар, темир йўллар, моделлаштирилган шаҳар ва чангалзорлар, ғорлар ва тоғлар мавжуд. Ҳакиқий мавжуд бўлган ва фантастик ҳайвонларнинг харакатланувчи моделлари ўрнатилган, мунтазам равишда актёрлар минглаб эртак ва тарихий қаҳрамонлар кастюми ва ролида томоша кўрсатишиади. Туристларга хизмат кўрсатувчи бутун индустря яратилган, отелларнинг ўзи 26 тадир (фақат Калифорнияда), кўпгина ресторонлар, транспорт тармоқлари, спорт иншоотлари, сузиш бассейнлари, тенис кортлари, гольф ва крекет майдонлари, от, пони ва велосипедларда учиш учун йўлкалар ҳамда қишида конькида учиш йўлкалари қурилган. 1971 -йилга келиб Диснейленд 100 миллион ташриф буюрувчиларга хизмат қилган.

Бутун дунё бўйича ҳар бир туристга нархга кириш ва шоуда қатнашиш учун чиройли паспрот берувчи, ўнлаб ихтисослашган турларни амалга оширувчи маҳсус туристик агентлик мавжуд. Ажойиб Disneyland Hitelgan паркка иштирокчиларни нодир (рельс) йўл бўйлаб олиб боради.

1971 - йил Флорида штатининг Орландо шаҳри (АҚШ)да аналогик томоша маркази - Walt Disney Word (75 кв. км) қурилган. Кейин аналогик парк Токиода қурилган (1983 - й.). Булар ниҳоятда катта ютуққа эришиш натижасида амалга оширилган.

1992 - йил Европа (Париж)да Евродисней яратилган. У 2000 гектар ҳудудда жойлашган (40 та катта аттракцион, 6 та йирик отель коттежлардан иборат поселка (шаҳар типидаги қишлоқ)ни ўз ичига олади). Анъанага кўра аттракционлар тематик йўналишга эга: fantasyland - болалар мультфильмлари мотивига кўра, Arontierland "Ёввойи Гарб" - ковбой бурчаги, adventureland замонавий - Голливуд фильмни мотивига кўра саргузаштлар, space mountains - фантастика, star war - уруш (жанг) ва х. к. Паркда кўпгина аттракционлар қурилган, жумладан, Америка тоғлари, ракетада ойга учиш, капитан Немо ер

ости кемаси, ваҳима хоналари ва бошқалар. Парк атрофида 5 та станцияли темир йўл ўтади. Ясама кўлларда қадимий ғилдиракли кемада ҳамда қайиқларда сузиш мумкин. Кўпгина қалъалар, қасрлар, кўприклар, шаршаралар, тонеллар, горлар қурилган. Индиана Жонс саргузаштларида аравада учиш учун маҳсус аттракцион мавжуд. Парк бўйича нормал экспурсия 8 - 9 соатни ўз ичига олади. Ташриф буюрувчиларга кўпгина кафелар, музқаймоқ ейиш шаҳобчалари, миллий стилдаги ресторанлар қурилган. Паркка ҳар йили 10 - 11 млн. атрофида турист ташриф буюради.

Америка парклари яхши қадимий ҳудудларда жойлашган ва туристлар унга бутун йил давомида самарали келиб кетишиади. Европа парки аттракционларни ташкил этиш ва уни тўлдириш нуқтаи - назардан қишида қийналади, лекин яхши маркетинг натижасида 1994 - йил фойдали бўлди. Шуни айтиб ўтиш керакки, 1993 - йил Францияда парк заар билин ишловчи корхона бўлган (1993 -йил заарлар 113 млн. долларни ташкил этган). Шу боисдан, паркка кириш билетларини баҳоси 20 % га пасайтирилди, бир вақтнинг ўзида янги аттракционлар очилди. Келувчилар оқими 30 % га кўтарилиши ҳисобига бир йилда паркка 9 млн. киши ташриф буюрган - паркка эксплуатация қилишдан тушган фойда таҳминан 100 млн. долларни ташкил этган.

Парклар ёшларидан қатъий назар бутун дунёдан туристлар келиб - кетишининг ўзгармас объектидир. Уларга келувчиларнинг умумий сони бир йилда 1 млрд. кишидан ортади. Тематик паркларда халқаро классдаги замонавий техника ютуғидан фойдаланиб қурилган ва аналогларга эга бўлмаган 55 та йирик аттракцион қурилган. Аттракционлар техник воситалар, ҳисоблаш техникаси, қўғирчоқ - роботлар ҳамда актёрларнинг катта қисмидан фойдаланишни бир - бирига уйғунлаштиради.

Парклар худуди жуда катта, уни босиб ўтиш ва ҳар бир аттракционда иштирок этиш учун камида бир ҳафта керак бўлади. Парклардаги байрам - шоу кун бўйича узлуксиз давом этади. Анъянага кўра ҳар куни барча эртак

каҳрамонлари иштирокида бир нечта шоу ўйналади: Disney Festival Magic ва Disney All star Magic. Машхур фильмлардан оригинал трюкларни бажарувчи каскадёрлар грухси ишлайди. Паркда мисли қўрилмаган катта миқдорда совғалар ва ўйинчоклар сотилади, улар машхур дисней қаҳрамонлари Микки Маус сичқони ва х. к. га стиллаштирилган. Одатда дунёнинг турли томонидан келган туристлар паркда 2 - 3 кун бўлишади (стандарт тур икки тунаш), лекин 7 кун давомийликка эга бўлган турлар ҳам бор.

Диснейлендларда бир йил олдин ёзилган ўзларининг хусусий Calendar of eventsу бор. Режалаштирилган, миллий байрамларга тўғри келувчи байрамлар, фирма байрамлари, роджество байрамлари, янги йил, қишки, пасха, сув, июнь карнавали, фейерверклар, автомобиллар киради ва бошқа байрамлар ўтказилади. Булар туристларнинг қўшимча миқдорини жалб қиласди. Паркда нафақат ўйин куни ва аттракционлар мавжуд, у ерда тизимлаштирилган мактаблар мавжуд, таълим дастурлари ўтказилади Youth Programm (10 - 15 ёшли болалар учун, 6 соатдан 3 та дастур) ва Adult Yarniy Advetures Programm, 8 катта ёшдаги болалар ва катталар учун иккита дастур, уч кунлик семинарлар - Management Seminare (шоу - бизнеснинг назария ва амалиёти) ва Educator Seminar - катталар учун. Болаларни жалб килиш учун имтиёзлар белгиланган 18 ёшгача бўлган паркка ота - оналари билан келган болалар, Диснейленд отелларида яшаш учун 100 % ли скидка олишади.

Бизнес нұктай - назардан Диснейленд ўзларини шоу - бизнесга бағищламоқчи бўлган мутахассислар ва кишилар учун ажойиб мактаб хисобланади. Туризмнинг ушбу саноат гигантида маркетинг қабуллари, меҳмонхона иши ва туризмни ташкил этиш; туристик индустря ва аттракцион саноатнинг барча тизимлари ва воситалар йиғиндиси тушунилади. Айнан мана шу обьектда Диснейлендга қўшилган барча корхоналар ва ташкилотларнинг мақсади, сиёсати, сервис даражаси, молия ресурсларининг марказланишида бўйсунишнинг самарадорлиги кўрсатилган ва бусиз супер қиммат турувчи

корхона ақлга түғри келмас эди. Диснейленд тимсоли билан ҳар қандай нарса, ҳар кайси отель ва хар қандай хизмат паркка даромад келтиради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Диснейленднинг тимсоли - баланд минорали чиройли афсонавий қасрdir. Бу қасрнинг прототипи бўлиб, Бавариядаги реал мавжуд бўлган ва ҳақиқийсига жуда ўхшаган кетадиган ноёб Нойшванштейн қасридир. Дисней ушбу қасрни сотиб олиб, қисмларга ажратиб, Америкага олиб кетишни хоҳлаган, лекин маҳаллий ҳокимият бунга қарши чиқишиган ва режиссиёрлар немис обликини тақорорланувчи ўзларининг америкача қасрини ўйлаб топишга түғри келди. Паркларни кўриш учун нархлар нисбати ўртача, moderato синфидағи отелларнинг кўпчилиги гурухий ва даврий скидкаларга эга. Барча учта нарх учун характерли бўлган фақат Диснейлендга тегишли бўлган туристик агентликлар томонидан ташриф буюриш учун бир нечта дастурлар ишлаб чиқилган ва фаол сотилади: All inclusive PacKades, Classik Pakades - Ciassik plan, Food'n Fin Card, Specialired - катталар учун барча талабларга мос келувчи дастурларни тузишда ўзига хос хусусиятлари эса аниқ маълумотларни ҳар бир парк алоҳида ва ҳар йили нашр қиласидан Vacation Paclages каталогларидан олиш мумкин. Туристик маҳсус Travel Agents Reference Guide ахборот тўпламлари мавжуд.

Америка ҳамда қисман Токио ва Париж тематик паркларининг эгаси, шоу - саноат супергиганти - халқаро синфдаги компания - Walt Disney бўлиб, унга учта йирик кинокомпания, мусиқавий ва телевизион компаниялар, нашриёт ва туристик фирмалар, отеллар киради. Сўнгги кашфиёт - машхур парк аттракционлари ва бошқа енгил аттракционлар ўрнатилган иккита йирик круиз кемасини сувга чиқариш. Бу гигантлардан биттаси - Disney Magis болали туристларга мослаштирилган бўлиб, 24000 пассажирга мўлжалланган.

Хулоса

Маълумки, миллий парклар ва резервациялардан ҳам туризм ишида ресурс сифатида фойдаланилади. Улар худудларининг катталиги, табиий соғлиги

билин мухим аҳамиятга эга. Ажойиб ва машхур парклар ва ғорларни туристларнинг маданий дам олишида ўзига хос хусусияти мавжуддир. Туризмнинг катта даромад кўришида уларнинг ўрни бекиёсдир. Лекин, хорижий мамлакатларда бу тажриба ўрнак бўларли бўлсада, бизда бу иш ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Қўриқхоналарга тур фирмаларга рухсат олиш қийин масала. Ҳатто сиёсий аҳамиятга эга, балки қандайдир маънода тўғридир. Булардан мустасно, республикамиизда хам шундай ажойиб худудлар мавжуд. Фақат келгусида улардан унумли ва мақсадли фойдаланиш лозим.

Таянч иборалар

- Миллий парк
- Резервация
- Қўриқхона
- Ландшафт

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Миллий парк, - деганда нимани тушунасиз?
2. Резервация нима?
3. Табиий қўриқхоналарни биласизми?
4. Республикаиздаги қайси паркларни биласиз?
5. Парклардан қандай қилиб туризм мақсадларида фойдаланиш мумкин?
6. Туристик йўналишлар ишлаб чиқишида миллий парк ва резервацияларнинг роли қандай?
7. Қўриқланувчи худуд, - деб нимага айтилади?
8. Ландшафт деганда нимани тушунасиз?
9. Дунёдаги машхур миллий паркларни биласизми?
10. Африка, Осиё, Австралия, Европа, Лотин Америкаси ва АҚШ миллий паркларидан намуналар келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 - йил 23 - мартдаги "Маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш ҳақида"ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 - йил 30 - апрелда қабул қилинган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Конуни.
5. Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action.WTO. 2004.

15 - боб. Туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш

15. 1. Саёҳат давомида туристларнинг ҳаётига таъсир этувчи омиллар
15. 2. Туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш чора - тадбирлари

15. 1. Саёҳат давомида туристларнинг ҳаётига таъсир этувчи омиллар Атроф - муҳит таъсири

Атмосфера босимининг тушиши, ёғингарчилик, ҳаво намлиги, ҳаво ҳароратининг юқорилиги ёки пастлиги - атроф - муҳит таъсири омиллари ҳисобланади.

Турни ташкил қилишда қулай фаслни танлаш, туристик тадбирларни амалга ошириш учун қулай кунларни, туристик йўналиш учун трассани мақсадга мувофиқ холда танлаш, об - ҳаво ва шарт - шароитларини ҳисобга олиш, ёғингарчиликдан бекиниш учун жой бўлиши керак. Биноларни кондиционер, автоматик назорат ва сигнализация билан таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган ҳатар ва кутқариш чора - тадбирлари ҳақида

туристларни вақти - вақти билан огоҳлантириш лозим.

Туристга берилган таърифдан маълумки, у бошқа бир жойга ёки мамлакатга саёҳат қиласи. Айниқса, энг ҳатарли омиллар туристнинг бошқа иқлим минтақасига, яъни одатдаги яшаш шароитидан фарқли ўлароқ бошқа жойга боришидан юзага келади. Туристик саёҳат қисқа бўлғанлиги сабабли, ҳамма вақт ҳам туристнинг организми борган ердаги об - ҳаво шароитларига ўргана олмайди.

Маҳаллий вақтнинг тўғри келмаслиги сабабли турист яхши ухлай олмайди ва ўзини ёмон ҳис қиласи, экскурсияларда маълумотларни яхши эсда олиб қола олмайди ва унга «қизил кўзлар» деган таъриф ҳам берилади. Об - ҳавоси иссиқ бўлған жойга борганда организмга иссиқ ҳаво таъсир қиласи. Масалан, агар Истроилда ёзда маълум бир миқдорда сув ичилмаса (кунига 5 литргача), унда организм сувсизланади ва оғир оқибатларга олиб келади.

Шунинг учун тур яхшилаб ишлаб чиқилиши ва туристнинг жисмоний ҳолатини ҳисобга олиши, туристни ортиқча зўриқтирмаслик ва унга жой шароитларига мослашиш учун маълум бир вақт (ва албатта дам) ҳам бериш керак.

Жисмоний толиқишиш, асабий ва руҳий омиллар

Турист 1000 АҚШ долларига йўлланма сотиб олиб, сарфлаган пулига яраша дам олишни ҳоҳлайди. Лекин, кундалик ҳаётда эс - ҳуши жойида бўлган одамлар кунига бёш марта денгизда чўмилмайди, сакрамайди ва унча кўп югурмайди, иссиқда кўп соатли экскурсияларга ҳар куни боравермайди, эрталабгача ашула айтиб, рақсга тушмайди, ҳар - хил ва ўрганилмаган овқатлар истеъмол қилмайди. Баъзан туризмда организм зўриқади, масалан, кўп экскурсиялар, тоққа чиқиш, денгиз ва узоқ муддатли автобус экскурсиялари. Булар жисмоний жиҳатдан бақувват одамларга мўлжалланган, яъни қисқа муддатли зўриқишиларни кўтара оладиган одамларга. Қариб қолган кишилар, ёш болалар, соғлиғи ёмон бўлган, сурункали касали бор одамлар, шунингдек баланддан қўрқадиган ва денгиз чайқалишини кўтара олмайдиганлар шифокор билан маслаҳатлашиши ва эҳтимол бу турдаги сафар ва турларга боришдан бош тортиши керак бўлади. Айрим турларга туристларни қабул қилишда туристлардан соғломлиги хақида маълумотнома талаб қилиниши керак.

Йўналишни ташкил қилишда одамларнинг маълумот қабул қилиш қобилиятини ҳисобга олиш керак, дам олиш учун уларга бўш вақт бериш ва мустақил ўзлари туристик ресурслар билан танишишларини таъминлаш керак. Ишни, туристларни жойга етказиш жадвалини ва тадбирларнинг кетма - кетлигини ҳар бир сониягача яхшилаб режалаштириш керак.

Туристларнинг бир меъёрдаги ҳаёт тарзини таъминлаш учун зарур ва етарли вақт оралиқларини обдон ҳисобга олиш керак (масалан, уйқу, овқатланиш, гигиеник, майший ва санитар эҳтиёжлар). Экскурсия ишининг оғирлигини белгилашда туристларнинг интеллектуал қобилиятини, туристлар

гурухининг психофизик тайёргарлигини, ҳамда уларнинг анъаналарини, урф - одатларини, динини ҳисобга олиш ҳам мухим ўрин тутади.

Биологик омиллар

Юқумли касалликлар ва овқатдан захарланиш - жуда хавфли ҳисобланади. Тропик иқлим минтақасида жойлашган мамлакатларда тарқалган юқумли касалликларга қарши бошқа иқлим минтақасидан келган туристларнинг бу ерда тарқалган хавфли юқумли касалликларга қарши иммунитети етарли булмайди. Сариқ касал, безгак, тиф ва бошқа касалликларни юқтириб олиш хавфи вужудга келади. Бунинг олдини олиш учун ҳар - хил профилактик тадбирлар ўтказилади, туристларни эмлаш ва маҳсус шифокор руҳсатномасини олиши зарур бўлади. Бундай руҳсатномасиз мамлакатга киритилмайди (баъзи ҳолларда уларга авиачипта ҳам сотилмайди). Бундай талаблар кўпроқ Африка, Жанубий Америка ва Жанубий Осиё мамлакатларига борилганда жуда мухим ҳисобланади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқумли худудлар харитасида, сариқ касаллигини юқтириб олиш хавфи бор давлатлар жумласига Греция киритилган, холера касаллиги бор худудларга Поволжье ва Одесса худуди киритилган. Туристларга умумий овқатланиш муассасаларидан ташқаридаги озиқ - овқат, маҳаллий савдо шаҳобчаларидан сотиб олинган, ишлов берилмаган, ҳом маҳсулотларни ва айниқса кўчада сотиладиган озиқ - овқат маҳсулотларини ейиш тавсия этилмайди. Овқатдан захарланиш оқибати - одатда жуда ҳам оғир бўлади.

Ҳашаротларнинг, ҳатарли ҳайвонларнинг чақиши - хавфни юзага келтиради. Бу хавф аҳоли яшаш жойидан ташқарига - чангальзорлар, ўрмонларга уюштирилган экскурсияларга борилганда янада ёмон оқибатларга олиб келади. Об - ҳавоси иссиқ мамлакатларда сув ҳавзаларида чўмилиш мумкин эмас, пляжда хатарли инфекцияни юқтириб олиш мумкин.

Шахсий хавфсизлик ва хавфсизлик буюмлари

Туристларга ўғриларнинг тажовуз қилиш ҳоллари тез - тез учраб туради. Улар фирибгарларнинг, кўча ва чўнтак ўғриларининг диққат марказида бўлишади. Шунингдек, туристлар террористлар учун қулай хужум қилиш обьектлари ҳисобланадилар.

Рио - де - Жанейро (Бразилия)да палиция вакиллари туристларга уларнинг вазифалари рўйхатини тақдим этади. Бу рўйхатда: туристларга ёлғиз сайр этиш, кўриқланаётган пляж ва худудлардан икки квартал узокқа кетиш, тақинчоқлар такиши (узуклар, зираклар, занжирлар), кўп пул олиб юриш, пулни меҳмонхона хонасида қолдириш, сумкаларни ерга қўйиш, фотоаппарат ва видеокамераларни столга қўйиш тавсия этилмайди.

1998 - йили рус туристларидан энг замонавий шовқинли пляжда ўғрилар 400 АҚШ долларини олиб қўйишган. Бошқа бир ҳолатни оладиган бўлсак, меҳмонхонага кираётган туристнинг қўлидан видеокамерасини бир ўғри олиб қўяди, турист қаршилик кўрсатганида, уни пистолётда отиб қўяди ва кўздан фойиб бўлади.

Испанияда туристлар мавсуми келганда, ўғрилар туристларни талашади. Туристлар Ўрта Ер денгизи атрофида жойлашган курортларга боришганда, улар кредит карта ёки йўл чипталаридан фойдаланишмайди, балки ўзлари билан катта микдорда накд пул олиб боришади. Шунинг учун ҳам бу ерда меҳмонхоналарни тунаш кенг ёйилган.

Россияда ҳам бундай ишлар бўлиб туради. Ҳатто шаҳарларнинг марказларида ҳам туристлар тўла хавфсизликда бўлмайди. Бутунжаҳон йўл кўрсатгичи (WORD TRAVEL GUIDE 96-97 COLUMBUS PRESS LONDON нашриёти) да қуидагича ёзилган:

Москва ва Санкт - Петербургнинг марказий кўчаларида ёш ўсмирлар гурухи туристларнинг пулинини ва фотоаппаратини олиб қўйишади, поездларда юкни ўриндиқ тагига яшириш тавсия этилади, акс ҳолда улар юкларини ўғирлатиб қўйишлари мумкин. 1998 - йил Санкт - Петербург - Таллин йўналишидаги поездда кечкурун ёпилган купъеда юқори сифатли финча дипломат ўғирланади. Чехия рус туристларининг таланиши ҳақида оммавий ахборот воситасидан фойдаланади.

Террористлар ўзларининг ҳаракатлари учун туристлар гурухини, алоҳида туристларни ва транспорт воситалари (самолёт, автобус)ни танлашади. Россияда 1996 - йили корейс туристларидан иборат автобус Москва Кремль девори ёнида террористлар томонидан қўлга олинади ва бутун дунё 9 соат давомида гаровга олинганларни қутқариш учун қилинган мардларча ҳаракатлар ҳақида репортажларни телевизорда кузатишган. Яҳшиямки, ҳамма гаровга олинганлар қутқарилади.

Ҳар бир туристга қўриқчи ёллаб бўлмайди, лекин хавф ҳақида огоҳлантириш, жамоат жойларида ўзини тутиш қоидалари, транспорт воситаларида паспорт, пуллар ва қимматли нарсаларни сақлаш қоидалари, хатар юз берган ҳолларда қилинадиган суғурта хизматларининг мавжудлиги кўпгина кўнгилбузарликларни олдини олади.

Хатарли нурланиш ва кимёвий омиллар

Ультрабинафша нурланиши, радиоактивлик даражасининг юқори бўлиши - жуда ҳам кўп учрайдиган омиллар ҳисобланади. Ультрабинафша нурланиш хавфи бор ҳолларда (қуёшдан қуийш, иссиқ уриши) туристларни огоҳлантириш керак ҳамда уларга хатарли ҳудудга боришганда шахсий ҳимоя воситалари (қуёш нурига қарши кўз ойнаклар, ҳимояловчи крем, мазъ ва кийимлар)ни ишлатиш тавсия этилади. Бу тоғларга уюштирилган сафарларда, тоғ - чанғи ва сув саёхатида ҳам кенг тарқалган.

Радиация даражаси юқори бўлган ҳудудларга туристик йўналишларни уюштириш мумкин эмас. Япониялик кўпгина туристлар доимо ўзлари билан радиация даражасини кўрсатувчи маҳсус датчиклар олиб юришади ва радиация даражасини юқорилигини сезишка, туристик йўналишларни тўхтатишлари ҳам мумкин.

Жойларнинг инсон организмига таъсир қилувчи кимёвий омиллари ҳам

бўлади (масалан, захарловчи, оғриқ пайдо қилувчи). Йўналишни ташкил қилиш вақтида бундай омиллар бор йўқлигини текшириш керак. Сув таркибида, айниқса, ичимлик суви таркибида, ҳаво, тупроқ, озиқ - овқат маҳсулотлари таркибидаги заарли моддалар устидан назорат ўрнатиш керак. Шунингдек, кимёвий таъсири паст бўлган йўналиш трассаларини, йўлда дам олиш жойларини, ухлаш учун жойларни, овқатланиш учун ва дам олиш жойларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Жойларда дезинфекция ишларини қўллаш керак.

Ёнғин хавфи

Курилиш меъёрлари ва қоидаларига доимо риоя қилиш керак. Шунингдек, туристларнинг ҳимояси учун обьект ва муассасаларда ёнғин хавфининг олдини оладиган қўлланмаларга ҳам эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ташиш босқичидаги хавф ва хатарлар

Саёҳатда туристларни ташиш жуда ҳам хатарли бўлган босқич ҳисобланади, чунки транспорт воситалари жуда катта хатар манбаларидир. Ташиш турларининг ҳаммасида хавфсизлик энг асосий масала бўлишига қарамасдан, нохуш ҳодисаларнинг кўпи ташиш босқичида содир бўлади. Автобусларнинг аварияга учраши, темир йўл поездларини (энг замонавий линиялар ҳам) рельслардан чиқиб кетиши (1998 - йили Германияда юқори тезлик билан ҳаракат қиласиган поезд рельсдан чиқиб кетган ва бу оғир оқибатларга олиб келган. 2006 - йилнинг август ойида Мисрда бир - бирига қарама - қарши йўлга чиққан поездларнинг тўқнаш келиши натижасида юзлаб одамлар вафот этди ва жароҳатланди), денгиз кемаларининг чўкиши, ҳамма маркадаги самолётларнинг ерга ёки денгизга қулаши мумкин. Техник ёки табиий носозликлар фалокатларни келтириб чиқаради, лекин бундай ҳоллар террористларнинг иши деб белгиланмайди. Ҳар ҳафта бутун жаҳон ҳам аянчли ҳодисалар билан бирга ўн ва ўндан ортиқ одамлар ўлими билан тугаётган фалокатларни эшишиб ларзага келади. Лекин, бундай ҳодисалар ташиш ҳажмининг кам фоизини ташкил этади. Агар бундай бўлмагандан ҳеч ким бирор бир ерга бормасди, хавфдан кўркиб уйда ўтирас эди. Бундан ташқари, ҳар бир турист саёҳатга отланаётганда, албатта, у билан ҳеч нарса содир бўлмайди, - деб ҳисоблайди.

Ҳар бир транспорт турида йўловчиларни ташиш қоидалари мавжуд ва шу билан бирга йўловчи ва уларнинг юкларини суғурталовчи институтлар ташкил этилган. Ҳаво ва денгиз, автомобиль ва темир йўлларида ташиш ҳақида Бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Бунда хавфсизлик қоидалари асосий ўринни эгаллайди.

Белгиланган қоидаларни туристлар томонидан бузилиши

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, туристлар ўрнатилган қоидаларни бузишади ва бунинг натижасида ёмон вазиятларга тушиб қолишади. Экскурсияларда эътиборсизлик туфайли гурухдан қолиб кетишади, хатарли

парвозларда иштирок этадилар, тўлқин кучли бўлган ҳолларда ҳам денгизда чўмилишади. Туристларга бир ўзлари ёки йўл кўрсатувчисиз бориш тавсия этилмаган худудларга, кўнгил очар муассасаларга боришади, маҳаллий аҳоли билан муомилада бўлишади ва турли касалликларни юқтириб олишади.

15. 2. Туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш чора - тадбирлари

Туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш чора - тадбирлари ҳақида гапирганда, аввало, Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида белгилаб берилган моддаларга диққатни қаратмоқ лозим. Айниқса, қонуннинг 18 ва 19 моддаларида бу ҳақда аниқ кўрсатмалар берилган. Жумладан, 18 - модда "Туристларнинг хавфсизлиги кафолати", - деб номланиб, унда шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикаси худудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора - тадбирлар ишлаб чиқадилар".

Ушбу моддаларни шарҳлайдиган бўлсак, дарҳақиқат, ҳар бир давлат ўз худудида туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун кафолат беради. Бунда туристларга етказиладиган ҳар қандай - жисмоний, моддий ва маънавий зарар бўймаслиги керак. Турист эркин, сиёсий бўхронлардан ҳоли, борилган мамлакат ички ишларига аралашмайдиган сайёҳдир. Ҳозирги вақтда туристларни террористлар томонидан гаровга олиш, уларни қўрқитиш ва турли заарлар етказилишини оммавий ахборот воситалари томонидан эшишиб турамиз. Бу каби салбий ҳолатларни олдини олиш ва уларга карши қўрашиш, чора - тадбирлар ишлаб чиқиш ҳар бир давлатнинг олдида турган муҳим сиёсий вазифадир.

Форс - мажор ҳолатлари рўй берганда ҳам давлат кафолати энг муҳим масала бўлиб қолади. Зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий оғатлар олдини олиш ва муҳим тадбирлар кўриш лозим.

Сиёсий аҳамиятга молик вазиятларда, хусусан, чегара худудларидаги туристик марказларга туристларни киритиш ёки киритмаслик ҳам ўта нозик масаладир. Масалан, Афғонистон билан чегарадош бўлган Термиз шахрига археологик ёки меъморий мақсадларда уюштириладиган саёҳатларни таъқиқлаб қўйиш фақат Ўзбекистон хукуматининг ваколатига киради. Чунки,

бу масала сиёсий аҳамиятга эгадир. Турист ҳаёти дахлсиз бўлиб, у албатта ҳимояга муҳтож. Бунда давлат энг асосий вазифани бажариши керак. Ҳудди шундай ҳолатларни ҳар бир чегарадош давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Ўзбектуризм" МК ваколатли давлат органи сифатида алоқадор давлат ташкилотлари билан биргаликда; шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз худудларида туристик йўналишларда; туристик корхона ва ташкилотлар эса ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда туристларни ҳимоя қилиниши ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўз дастурларини ишлаб чиқиб, унинг бажарилиши устидан назорат олиб боришлари лозим.

Қонуннинг 19 - моддаси "Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари", - деб номланиб, унда "туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- туристларнинг сафарда хавф - хатардан ҳоли бўлишлари учун шарт - шароитни, сафар, сайр, экспурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлашлари;
- туристларга жароҳатланиш ва баҳтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл - йўриқ беришлари, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти - ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;
- туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;
- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;
- автомобиль, тоғ, чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа маҳсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишилари ва амалга оширишлари шарт.

Туристик саёҳатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирав - қутқарув хизматлари билан шартномалар тузадилар. Қидирав - қутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади", - дейилган.

Таянч иборалар

- Хавфсизлик чоралари
- Атроф - муҳит таъсири
- Жисмоний толикиш
- Моддий - маънавий зиён

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Туристларнинг ҳаётига таъсир этувчи омиллар деганда нимани тушунасиз?
2. Туристлар ҳаётига атроф - муҳит қай тарзда таъсир этади?
3. Жисмоний толиқищ, асабий ва рухий омиллар қайсиilar?
4. Биологик омиллар нима дегани?
5. Шахсий хавфсизлик ва хавфсизлик буюмлари деб нималарни тушунасиз?
6. Нурланиш ва кимёвий омиллар қандай?
7. Ёнгин хавфини таърифлаб беринг?
8. Туристларни ташишдаги хавфсизлик чора - тадбирлари ҳакида нималарни биласиз?
9. Туристлар томонидан хавфсизлик қоидалари қай тарзда бузилади?
10. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан нима дейилган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 - йил 27 - июлдаги "Ўзбектуризм" МКни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора -тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 - йил 15 - апрелдаги "2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августда қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.
5. Основы туристской деятельности (Учеб.пособие). Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 г.
6. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000 г.
7. Бгатов А.П. Туристские формальности. Учебное пособие. 2004.
8. Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства. Учебное пособие. ГРИФ. 2004.

16 - боб. Туристик сұғурта

16. 1. Сұғурта ҳакида тушунча
16. 2. Туристик сұғурта ва унинг турлари

16. 1. Сұғурта ҳакида тушунча

Суғурта ўз моҳияти жиҳатидан фаолиятнинг алоҳида соҳасидир. Бахтсиз ходиса, табиий оғат, иш билан шуғулланган кишиларнинг эҳтиёт чораларини кўрмаганлиги ва бошқа сабаблар туфайли зиён қўрилиши мумкин. Бу ҳилда зиён қўрилганда муҳофаза қилишнинг анча самарали ва зарур шакли бор, бу - суғуртадир. Суғурта иқтисодий муносабатлар таркибига киради ҳамда маҳсус маблағ фондини яратиш тадбирларини ўз ичига олади. Мазкур маблағ фондидан эса турли воқеалар юз берганда, агар бу воқеалар хусусида суғурта шартномасида ўзаро келишиб олинган бўлинса, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва зиён қўрган томонга ёрдам бериш мақсадида фойдаланилади.

Ижтимоий фаоллик ва иш фаолияти ғоятда авж олган ҳозирги шароитда суғуртанинг зарурлигига шак - шубҳа йўқ, чунки суғурта турмуш ва фаолиятнинг турли жабҳаларида рўй берадиган зарап кўришлар ўрнини жадал қоплашнинг энг қулай воситасидир. Масалан, бундай ҳодисалар ишлаб чиқариш жараёнида, маҳсулотни ташиш ва ундан фойдаланишда, транспортда бахтсиз ҳодисаларга дуч келишда, турли хил табиий оғатлар оқибатида рўй бериши мумкин.

Суғурта фаолияти маҳсус қонунлар воситасида аниқ белгилаб қўйилади. Одатда суғурта жараёнлари акциядорлар компаниялари томонидан амалга оширилади. Суғурта шартномавий муносабат ҳисобланиб, томонлардан бири ўзига етказилган зарап учун шартномага кўра ҳақ ундириб олади. Суғурта шартномаси суғурта қилувчи билан суғурта қилинувчи ўртасидаги битим бўлиб, у суғурта қилишнинг мазкур тури шартларига мувофиқ ҳар икки томон ўртасидаги мажбуриятни тартибга солиб туради. Бошқа шартномалар каби суғурта шартномасида ҳам томонларнинг ўзаро розилиги ва қонуний хуқуқини ифодаловчи муайян шартлар бўлиши зарур.

Юридик қучга эга бўлган суғурта шартномасини тузишдан аввал, бошқа ҳамма шартномаларда бўлгани каби қўйилган шартларни қабул қилиб, шартнома тузиш ҳақидаги таклифга берилган розилиқ (оферт акцепти) ёки суғурта қилувчининг таклифига суғурта қилинувчининг розилиги бўлиши шарт. Суғурта компаниясининг суғурта шартномасида назарда тутилган мажбурияти у вакил қилган агентнинг шу хусусдаги оғзаки тасдиғи билан дарҳол кучга кириши мумкин, чунки бу агент одатда ишонч хуқуқига эга. Шартнома меморандум шаклида агент томонидан расмийлаштирилади, бу вақтинчалик хужжат ҳисобланади. Ана шу хужжатга кўра суғурта компанияси зиммасига хужжат расмийлаштирилишдан то суғурта полиси (суғурта қилдирилганлик тўғрисидаги хужжат) берилишига (ёки уни беришдан воз кечишига) қадар бўлган давр учун суғурта жавобгарлиги юклатилади. Бу ҳилдаги меморандум вақтинчалик суғурта гувоҳномаси деб аталиши мумкин. Суғурта қилишнинг бу босқичида суғурта қилинувчининг оғзаки розилиги кифоядир. Аммо, шунга қарамай, суғурта қилинувчи ҳар ҳолда кейинчалик бирон - бир ишқал чиқмаслиги учун тегишли хужжат берилишини талаб қилмоғи лозим. Суғурта

шартномаси ёзма равиша битилган расмийлаштирилган битим бўлиб, у сугурта полиси деб аталади. Суғурта полиси икки хил: қиймати кўрсатилган полис ёки очик полис бўлиши мумкин. Қиймати кўрсатилган полисда суғурта тўловининг ҳажми ва у қайси муддатда тўланиши аниқ - равshan кўрсатилади (агар шартномада бошқа шартлар қўйилмаган бўлса). Очик полисда эса суғурта шартларига кўра суғурта ҳақи етказилган зарар ҳисоб - китоб қилинганидан сўнг тўланиши қайд этилади. Қиймати кўрсатилган полисга ҳаётни суғурта қилиш мисол бўлса, очик полисга эса автомобилларни суғурта қилиш мисол бўла олади.

Турли фалокатли ҳоллар сабабли, суғурталаш таклиф этилади. Суғурталанган шахсларга бундай ҳолларда ёрдам кўрсатилади ва харажатларнинг ҳаммаси ёки айрим қисмини суғурта компанияси ўз зиммасига олади. Ривожланган мамлакатларда яшайдиган кишилар ўз ҳаётларини суғурта қиладилар. Россияда аҳоли тиббий суғуртага эга. Ҳозирги кунда Россияликлар фақат Россия худудида текин хизматдан фойдаланадилар. Бу имконият факат Россия фуқароси учундир. Хорижий давлатлар фуқаролари тиббий хизмат доирасидаги келишувларга қараб даволанадилар. Масалан, Россияда Буюк Британия фуқаролари учун ва хорижга чиқувчи фуқаролар учун ҳам келишувга асосан бундай имкониятлар бор. Бу суғурта тиббий хизмат ҳаражатларини тўсатдан касал бўлганда, баҳтсиз ходисага учраганда ва ҳаётини тўлиқ химоялашда хизмат қилади.

Шунингдек, депозит суғурта таклиф қилинади. Бу саёҳатга маълум сабабга кўра чиқа олмаслиқда, виза олмагандан, юк йўқолгандан, шахсий пуллар ёки кредит карта йўқолгандан, гурухдан қолиб кетилганда ва бошқа ҳолларда хизмат қилади. Туристлар учун жароҳатланиш юқори бўлган ҳолларда, масалан, тоғ спортида, чўл туризмида, сув ости ва устидаги туризмларда алоҳида суғурта тури ишлатилади.

Туризм суғуртаси мажбурий эмас. Агар турист бораётган жойда бу нарса қонун билан белгиланган бўлса, унда бу суғурталар мажбурий ҳисобланади. Франция, Германия ва АҚШда тиббий хизмат суғуртаси мажбурий ҳисобланади. Туристлар учун ва бошқа суғурталанган кишилар учун алоҳида халқаро хизмати - emergency services лар мавжуд. Бу хизматга зарурат туғилганда телефон орқали хабар берилади ва оператор кимга ва қаерга мурожаат этишни айтади ёки авария ҳолларида операторнинг ўзи керакли жойга хабарни етказади.

Суғурта хизмати кенг тарқалган Россияда бирорта турист хорижга суғурталашсиз чиқмайди. Ривожланган мамлакатларда ҳаётни суғурталаш оддий ҳолга айланган.

16. 2. Туристик суғурта ва унинг турлари

Ўзбекистон Республикаси "Туризм тўғрисида"ги Қонунининг 20 - моддаси

"Туристларни суғурта қилиш", - деб номланиб, унда: туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади, - дейилади.

Бирор жойга ёки мамлакатга қатновчи турист маҳаллий аҳолига қараганда кўпроқ ноқулай омилларга дуч келади. Шунинг учун аввалам бор туристнинг соғлиги суғурталанади. Кейин эса мол - мулки суғурталанади. Туристнинг бир кунлик туристик суғуртаси ўртacha бир ярим долларга тўғри келади. Дунёдаги туристлар сони таҳминан ярим миллиард деб олиниб, саёҳат 5 - 7 қун давом этса, туризмнинг суғурталаш соҳасида айланётган маблағи ҳажмини баҳолаш қийин эмас. Туризм ривожланган мамлакатларда маҳсус тезкор хизмат гурухлари ташкил этилган бўлиб, туристга бирор кор ҳол бўлса у телефон орқали ўзининг шахсий номерини айтади ва унга зарур бўлган ёрдам кўрсатилади. Туризм статистикасига қараганда, суғурта тўлаш ҳолати ҳар бир 100 та туристнинг биттасига тўғри келади. Шу ўринда таъкидлб ўтиш керакки, туристлар билан рўй берган ҳар қандай ҳолатлар суғурта компанияси томонидан тан олинмайди ва унга суғурта пули берилмайди.

Ҳозирги вақтда туризм соҳасида суғурта тизими 10 дан ортиқ суғурта хизматини таклиф этади. Шулардан энг муҳимларига тўхталиб ўтамиз:

1. Шахсий суғурта. Инсоннинг ҳаёти, сиҳат - саломатлиги, меҳнат қобилияти ана шу суғурта муносабатларининг обьекти ҳисобланади. Бунга куйидагилар киради:

- ҳаётни суғурта қилиш;
- бахтсиз ходисалардан суғурта қилиш;
- тиббий ҳаражатлар ва касаллик юзасидан суғурта қилиш.

2. Мол - мулкни суғурта қилиш. Турли хил моддий бойликлар суғурта муносабатлари обьектига киради. Масалан:

- денгиз суғуртаси, шу жумладан юкларни, кемаларни ва ҳоказоларни суғурта қилиш;
- ёнгиндан ва бошқа хавф - хатардан (табиий оғатдан) суғурта қилиш;
- бузиб кириш йўли билан ўғирлик қилишдан, бошқа ёвуз ният билан ёки ғайри қонуний йўл билан учинчи шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатлардан суғурта қилиш;
- автомобиль транспорти воситаларини суғурта қилиш;
- техникавий хавф - хатардан (қурилиш - монтаж ишларидаги ва ҳоказо хавф - хатардан) суғурта қилиш;
- ойна синишидан суғурта қилиш ҳамда суғуртанинг бу борадаги бошқа маҳсус турлари;
- ижара ишларини суғурта қилиш ҳамда суғуртанинг бу борадаги бошқа турлари.

3. Масъулиятни суғурта қилиш. Етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича зиммага олинган масъулият бу суғурта муносабатларининг обьекти

хисобланади.

Бунга қуйидагилар киради:

- иш билан таъминловчиларнинг масъулиятини суғурта қилиш;
- умумфуқаро масъулиятини суғурта қилиш;
- автомобиль хўжалиги соҳасида ишловчи фуқаролар масъулиятини суғурта қилиш;
- ишонч ва кафиллик масъулиятини суғурта қилиш.

Шуни ҳам айтиш керакки, фақат тижорат ишларининг ўзида 200 дан ортиқ суғурта турлари мавжуддир.

Хулоса

Мазкур мавзу ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда суғурта ҳақида умумий маълумот, суғурта фонди, суғурта шартномаси, хорижий давлатлардаги суғурталаш тизими, туристик суғурта ва унинг турлари (шахсий суғурта, мол - мулкни суғурта қилиш, масъулиятни суғурта қилиш), Ўзбекистон республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туристик суғурталаш ҳақидаги модда ҳақида фикрлар билдирилади. Ўйлашимизча, Ўзбекистонда ҳам туристик суғурта хорижий давлатлар каби юксак даражага кўтарилади.

Таянч иборалар

- Туристик суғурта
- Суғурта фонди
- Суғурта шартномаси
- Туристик суғурта турлари

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Суғурта ва туристик суғурталаш, - деганда нимани тушунасиз?
2. Суғурта фонди нима?
3. Суғурта шартномаси қай тарзда тузилади?
4. Туристик суғурта турларини айтиб беринг?
5. Шахсий суғурта ҳақида нималарни биласиз?
6. Мол - мулк суғуртаси нима учун керак?
7. Масъулиятни суғурта қилиш нима дегани?
8. Хорижий давлатларда туризм суғуртасининг ўрни қандай?
9. Ўзбекистон республикасида туристик суғурталашни қандай тасаввур қиласиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикасиниг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.

2. И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида. - Т., Ўзбекистон, 1995.
3. Ж. Рўзиев. АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар. -Т., Фан, 1991.
4. М. Биржаков. Введение в туризм. С. Пб.: Издательский Торговый дом. -М., Герда, 2000.
5. Бгатов А.П. Туристские формальности. Учебное пособие. 2004.
6. Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства. Учебное пособие. ГРИФ. 2004.

17 - боб. Туристик хужжатлар

17. 1. Туристик фирмадаги услубий таъминот
17. 2. Асосий туристик хужжатлар мажмуаси

17. 1. Туристик фирмадаги услубий таъминот

Туроператор томонидан ташкил қилинган туристик маҳсулот (тур), унинг фирмадаги мажбурий услубий таъминотини назарда тутади. Услубий таъминот маҳсус технологик таъминот тайёрлов кўринишида бўлади, унда бутун тур ёзилади, яъни, турни ишлаб чиқаришда туристларга кўрсатиладиган барча хизматлар баён этилади. Бу эса фирмадаги ишчиларни аниқ, оператив ва хатосиз ишлашлари учун керак, шу билан бирга турни ҳар доим назорат қилиш, уни ривожлатириш, юксалтиришга хизмат қиласди.

Турни технологик хужжатлаштириш йиғмаси ва мундарижаси меъёрий хужжатлар билан белгиланган. Тур ва унинг технолик хужжатлари меъёрий талабларга жавоб бериши шарт ва истеъмолчи ҳуқуқига қаратилган бўлиши керак. У тур маҳсулотни сертификациялаш давомида кузатилади. Технологик тур ёки йўналиш туристик папканинг ичida бўлади.

Ҳар бир турда технологик хужжатлар тўплами бўлиши шарт ва улар куйидагилардан иборат бўлади:

1. Туристик саёҳатнинг йўналиши бўйича технологик харита;
2. Туристик саёҳат йўлланмасига қисқача ахборот варака (бланка)си ("Тур йўлланма" ТУР - 1 шаклидаги одатий йўлланма варакаси). Бу ҳақда 17. 2. мавзуумизда алоҳида тўхталиб ўтамиз;
3. Брон (бандлаш) варакаси;
4. Мижоз - турагент ўртасидаги шартнома варакаси;
5. Йўналишнинг ахборот - информацион матни (автобус турлари учун);

6. Турнинг технологик хусусиятлари ёзмаси (буортма бериш муддати, транспортга буортма, билетлар, эксперсиялар, меҳмонхоналар ва овқатланиш жойларини бандлаш; йўналиш бўйича транспорт қатнови графиги, кутиш ва транспорт алмаштириш мумкинлиги ва ҳоказо);

7. Йўналиш бўйича маълумот (справочный) материаллари;

8. Турист учун мўлжалланган реклама варианtlари ва буклетлари;

9. Прайс лист (каталоглар). 17. 2. мавзуимизда тўхталиб ўтамиз.

Автомобиль турларида Ўзбекистон транспорт вазирлиги тасдиқлаган йўналиш жадвали ва хизмат қўрсатиш технологиясидан ташқари автобуснинг техник маълумотлари, километраж ва автойўл хусусиятлари, автойўлдаги таъкиқлаш ва чегаралаш, йўл ёқасида дам олиш ва овқатланиш шаҳобчалари, сантўхташ ва ҳоказолар тўғрисида автомобиль йўналиши паспорти (хорижий турларда йўл харакат варагаси) тузилади.

17. 2. Асосий туристик хужжатлар мажмуаси

1. Туристик саёхатнинг йўналиши бўйича технологик харита - турдаги кўргазмали, энг керакли маълумотлар ва ахборотлар мажмуасидир. Баъзи ҳолларда йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари ва туристик хизматга қараб маълум бир пунктлари қолдирилиши мумкин. Шунингдек, у туристик корхоналарнинг йўналиш бўйича ҳақиқий имкониятини кўрсатади ҳамда назорат қилиш ва уни кузатишга имконият яратади.

2. Туристик саёҳат йўлланмасига қисқача ахборот варага (бланка)си туристик саёҳат йўлланмаси ёки ваучернинг ажралмас қўшимчаси бўлиб, у туристларга мўлжалланган йўналиш бўйича ўзида зарурӣ ва қўшимча малумотлар бўлинмаларига эга бўлади.

Ахборот варагаси қўйидаги маълумотларни сақлайди:

- туристик саёҳат қўриниши ва тури, саёҳат пайтидаги хизмат дастурининг асосий мажмуаси, йўналишнинг узунлиги ва вақти, унинг (поход) бўлими, поход категорияси ва бошқа маълумотлар бўйича кўрсатма;

- саёҳат трассаси ёзуви, тўхташ шаҳобчаси, тўхташ вақти ва хар бир хизмат шаҳобчасидаги жойлашув шароитлари (бино тури, хонадаги жойлар сони, унинг сантехник жиҳозлари);

- саёҳат ҳудудининг қисқа ёзуви (эътиборга лойиқ жойлари, жой рельефининг хусусиятлари ва ҳоказо), хар бир шаҳобчасидаги хизмат кўрсатиш дастури;

- қўшимча тўловга кўрсатиладиган хизматлар мажмуи;

- спорт иншоотлари, майдонлар, авто тўхтов жойлари, йўловчи йўллари, сув ҳавзалари, атракционлар, болалар ўйнаш майдончалари (хонаси), кутубхона, кинозал ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ва қисқа характеристикаси;

- туристик саёҳат бошланадиган туризм ташкилотининг манзили ва унга етиб бориш манзили;

Кўшимча маълумотлар мажмуасига турнинг йўналиши бўйича қуидагилар киради:

ёш бўйича чегирмалар, ота - она ва бола, оилавий қабул ҳақида маълумот; походли тур саёҳат бўйича маҳсус маълумот;

- маълум тур ёки йўналиш спицификаси ва хусусиятлари бўйича маълумот ва тавсиялар.

"Тур йўлланма" ТУР - 1 шаклидаги туристик йўлланма қатъий ҳисоб асосидаги варақа бўлиб, мижозга бўлажак тур ҳақида тўла маълумот бериб, маълум реквизитлар мажмуаси йиғмаларидан иборат бўлади. Бу йўлланма шакли одатий бўлиб, у тур корхоналарга йўлланмаларни кўпайтирганда уларни тўлдириш имкониятини яратади ва бошқа зарурий маълумолар билан тўлдирилади. Бу аниқ ҳисоб китобли варақа бўлиб, аҳоли билан нақт пул ҳисоб - китобида касса машиналарсиз амалга оширилиши мумкин. Йўлланма ёзилган (берилган) куни ва уни сотилган куни уни бухгалтер ҳисоб -китоб счёт(ракам)ларида кўрилади. Йўлланма берилганда йиртилган талони тур маҳсулотнинг сотилганлиги ҳақидаги маълумотни ва кунини тасдиқловчи хужжат сифатида қолади ва ҚҚС (кўшилган қиймат солиғи) бўйича енгилликлар кўлланишига асос бўлади. Нақт пул билан ҳисоб - китоб қилинганда йўлланма асоси (корешог) бошқа хужжатлар билан сақланади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китобларда корхонада берилган йўлланма асослари ва сақланиши ташкил қилиниши шарт. Йўлланмаларинг солиқ инспекциясида қайд қилиниши ва унинг номерланиш қоидаси қонун томонидан белгиланган.

3. Брон (бандлаш) варақаси тур операторга туристик маҳсулотни ташкиллаштириш учун турист ёки туристлар гурухининг вакили бўлган кишининг аниқ буюртмасидир. У дастлабки шартнома сифатидаги келишув сифатида ёзма равишда расмийлаштирилади.

4. Мижоз - турагент ўртасидаги шартнома варақасининг асосий мажбуриятига қуидагилар киради:

- тур оператор (сотувчи) ҳақида, туризм фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензия ҳақида, корхонанинг хуқуқий манзили ва банк реквизитлари ҳақидаги маълумотлар;

- туристик маҳсулотни сотиш учун зарур ҳамда турист (харидор) ҳақида маълумот;

- қабулдаги тур оператор (сотувчи ҳамкори), шу жумладан, лицензия, хуқуқий манзили, банк реквизитлари ва алоқа телефонлари ҳақида маълумот;

- туристик маҳсулотнинг истеъмолчилар хусусиятлари, ташриф дастури ва саёҳат йўналиши, туристларнинг хавфсизлик шароитлари ва туристик маҳсулотнинг сертификацияси;

- саёҳатни бошланиш ва тугаш санаси ҳамда вақти, унинг давомийлиги;

- туристларни кутиб олиш, кузатиш ва ҳамрохлик қилиш тартиблари;

- томонларнинг хуқуки, мажбурияти ва жавобгарлиги;

- туристик маҳсулотнинг чакана нархи ва уни тўлаш тартиби;

- гурӯҳдаги туристларнинг энг кам (минимал) миқдори;
- гурӯҳ йиғилмаганлиги сабабли, саёҳат бўлмаслигини туристга етказиш вақти;
- шартномани ўзгартириш ва тугатиш шартлари, бу саволлар бўйича келиб чиқкан низоларни мувофиқлаштириш ва заарларни қоплаш тартиби;
- турист томонидан даъво хати тур оператор ёки тур агентга туристик маҳсулотнинг сифати бўйича шартнома муддати тугаганидан кейин 20 кун ичida ёзма равишда тақдим этилиши керак ва тақдим этилган кундан 10 кун ичida қониқтирилмоғи лозим.

Шартноманинг бошқа шартлари томонларнинг келишувига асосан аниқланади. Калкуляция, ёки тур нархининг ҳисоб - китоби, брон (бандлаш) варақасида кўрсатилган усул бўйича чиқарилади. Бунда тур нархи ҳар қайси алоҳида хизмат тан нархини кўшиб ва меъёрий белгиланган фойда (у тур оператор учун умуман 15 - 20 % тур таннархини ташкил этади) фоизи кўшиш билан чиқарилади. Йўналиш ёзмаси эркин шаклда ёзилиб, йўналиш бўйича менежер, мутахассислар ва гидларнинг ишини енгиллаштириш учун, ҳамда тур агент билан қилинган шартномага илова сифатида ахборот варақасига қўшимча қилинади. Йўналиш ҳаракат графиги жадвал кўринишида тузилиб, ҳар бир келиш ва жўнаш санаси ва вақти кўрсатилади.

5. Йўналишнинг ахборот - информацион матни (автобус турлари учун). Йўналиш харита - жадвал йўналишли ҳамда халқасимон бўлиб, йўналишларнинг йўли якқол кўрсатиш учун тузилади.

6. Турнинг технологик хусусиятлари ёзмаси транспортга буюртма бериш муддати, чипта, музейларга экспурсия, меҳмонхоналарда жойни бандлаш, овқатланиш ҳамда виза, сугурта тузиш қоидалари ва муддатлари, транспорт алмаштириш, кутиш, қабул пайтидаги гидларнинг ёки хорижий намоёндаларнинг иши ва ҳоказолар ҳақидаги эслатмадир.

Ишни енгиллаштириш учун кўрсатиладиган хизматалар рўйхати бўйича маҳсус бланк (варақа)лар тайёрланади. Бунинг ҳаммаси шу турни ўтишини назорат қилувчи хизматчиларни оператив ишлаши учун зарур.

Туристлар учун эслатма матни алоҳида зарурий ҳолларда тузилади, масалан, маҳсус турлар ташкил қилишда (саёҳат, спорт анжомлар бўйича, саёҳат вақтида хавфсизликни ҳамда соғлиқни сақлаш ва ҳоказолар) ёки туристларни эпидемик мамлакатларга йўналтирилганда тузилади. Хавфли инфекция (халера, вабо, безгак, юкумли касалликлар) хафви бор мамлакатга бораётган ҳар бир туристга тур оператор имзоси ва тур фирманинг муҳри босилган эслатмалар берилади. Бундай эслатмаларни туристларда бўлиши аэропортлардаги божхона назорати пайтида текширилади.

7. Йўналиш бўйича маълумот (справочный) материаллари - турнинг хусусиятларини ёритувчи ҳар - хил справочниклар, буклетлар, транспорт ҳаракати жадвали, музейлар ишлаши, меҳмонхоналар манзили ва уларга бориш йўли ва бошқа маълумотлардир.

8. Туристлар учун мўлжалланган реклама варианлари ва буклетлари саёҳат бўйича тур оператор ҳақидаги маълумот ва имкониятлар рекламаси (зарурӣ реквезитлар кўрсатилган ҳаракат йўналиши бўйича тизимлаштирилган реклама).

9. Прайс лист. Ҳар қайси тур оператор ва компания учун прайс лист энг зарурӣ хужжатлардан бири ҳисобланади. Тур агентлар билан ҳамкорликдаги муваффақиятлар кўп жиҳатлар билан ундаги ахборот қанчалик аниқ ва саводли ёзилганлигига боғлиқ бўлади. Прайс лист, варақалар, буклетлар, каталоглар кўринишида бўлиши мумкин (кенгайтирилган нархлар мажмуаси). Ҳар қандай вазиятда ҳам бу туристик хизматлар нархи ҳақидаги ахборотdir.

Варақаларда ахборот қисқа ёзилади, нархлар эса қисқа вақтга кўрсатилади.

Кенгайтирилган нарх тавсияси ҳажмли нашр (каталоглар, буклетлар) кўринишида бўлиб, нафақат турнинг таклиф қилинадиган мавсумий нархлар рўйхати, балки тавсия ва аниқловчи характерга эга ахборот, турни расмийлаштириш учун зарур хужжатлар рўйхати, виза ва бандлаш хужжатлаштириш қоидалари (бандлаш варағини қўшимча қилиш билан), авиа учишлар жадвали, автомобилларнинг ижараси шартлари ва нархлари тўғрисида маълумот ва отелларнинг хусусиятлари, маълумотлар йиғилмасидир.

Хулоса

Мазкур мавзуда туристик хужжатлар масаласининг баъзи томонлари ёритилади. Туристик фирмадаги услубий таъминот маҳсус технологик хужжатлар кўринишида мужассамлаштирилган бўлиб, у турнинг тўла ёзмаси (описание), туристларга кўрсатиладиган хизмат, унинг ишлаш жараёнлари ва хизматларидан иборатdir. Бу фирма ходимларини аниқ ва оператив ишлашлари ҳамда тур мажмуасини доимо назорат қилиш, уни бажарилиши ва такомиллаштирилиши учун керак. Тур технологик хужжатлари мажмуаси ва таркиби меъёрий хужжатларда кўрсатилган бўлади. Ҳамма технологик хужжат "тур папкаси"га жамланади. Бу тур операторнинг шу мажмууда тўхтовсиз ишлаши учун хизмат қиласи ва туристик маҳсулотнинг мослашувчанлик тамойилига риоя қилиши учун ҳамда ҳар бир фирма ишчиси қайси бир сабаб билан йўқ бўлганда йўналиш менеджерини осонгина ва сифатли алмаштириш учун хизмат қиласи.

Таянч иборалар

- Туристик хужжатлар
- Туристик фирмадаги услубий таъминот
- Асосий туристик хужжатлар мажмуий
- Тур технологик хужжатлар тўплами

Назорат ва мuloҳаза саволлари

1. Туристик ҳужжатлар деганда нимани тушунасиз?
2. Туристик фирмадаги услугбий таъминот нималардан иборат?
3. Асосий туристик ҳужжатлар мажмуйи ҳақидаги фикрингиз қандай?
4. Тур деб нимага айтилади?
5. Турнинг технологик ҳужжатлари тўпламида нималарга эътибор берилади?
6. Йўналишнинг технологик харитаси нима?
7. Туристик саёҳат йўлланмасидаги ахборот ва рақаси нима?
8. Мижоз - турагент ўртасидаги шартнома ҳақидаги фикрингизни ифодалаб беринг?
9. Туристлар учун зарурый ҳолларда (масалан, эпидемия ҳудудлари учун) тузиладиган эслатма матни нима учун керак?
10. Реклама варианtlари ва буклетлари ҳақида нималарни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августда қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.
2. Основы туристский деятельности (Учеб. пособие). Составитель Ильина Е.Н. -М.: Советский спорт, 2000 г.
3. Биржаков М.Б. Введение в туризм.Санкт - Петербург, 2000 г.
4. Гуляев В.Г. Правовое регулирование туристической деятельности. -М.: 1998 г.
5. Г.Назарова , М.Мирзаев. Туризм хукуки. Талкин. -Тошкент, 2003 й.
6. Tourism and Poverty Alleviation - Recommendations for Action.WTO. 2004.
7. Rural Tourism in Europe: Experiences, Development and Perspectives.WTO. 2004.

Хулоса

Мазкур ўқув қўлланмага якун ясад шуни айтиш мумкинки, "Туризм асослари" фани мутахассислик фанларининг дебочаси - алифбосидир. Биз ушбу фанда туризм фаолиятида эндиғина бошланадиган ва учрайдиган масалаларни - мавзуларни, ҳатто тушунчаю атамаларни ўрганиб чиқишига ҳаракат қилдик. Хусусан, туризм тушунчалиси ва унинг тарихи масаласи - бу жуда катта ва долзарб аҳамиятли мавзудир. Инсоният тарихи, саёҳати, дам олиши - ушбу мавзунинг асосини ташкил этади. Ўтмишда минглаб одамлар турли мақсадларда ўзга ҳудудларга бориб, саёҳатчи деган номга мушарраф бўлганлар. Бунга тарих гувоҳ. Қанчадан - қанча саёҳатлар, экспедициялар, кўчиб юришлар, савдогарлик, зиёратчилик тарихи манбаалари туфайли улар ҳақида маълумотга эга бўламиз. Халклар ўтмиши, меросидан эса унга ажойиб жавобларни оламиз.

Бирон - бир адабиёт йўқки, унда шу сингари маълумотлар тўлиқ ҳолда берилган бўлсин. Биз ҳам имкони қадар ўрганиладиган масалаларга ўтмишдан манбаалар излаб топишга ҳаракат қилдик.

"Туризм асослари" фанини ёритиш жараёнида туризмнинг мақсадларига алоҳида аҳамият қаратдик. Чунки, мақсадсиз туризм бўлмайди. Уни ўрганиш мухим масала ҳисобланади. Шунингдек, туризмнинг ташкилий тузилиши ва асосий категориялари мавзуси мазкур фан нуқтаи - назаридан қаралгандা лозим бўлган мавзулар қаторига киритилди. Ички ва халқаро туризм, режали ва ҳаваскор туризм, якка ва гурухли туризм ҳақида машғулотлар олиб боришга ҳам эътибор қаратилди.

"Туризм асослари" фанида туризм турлари ва асосий кўринишлари мавзусига ўзига хос тарзда ёндашилди. Туризмнинг қандай турлари бор, - деган саволга ушбу мавзудан жавоб олишимиз мумкин. Унда республикамизда туризмнинг асосан қайси турлари равнақ топганлиги баён этилади.

Ўқув қўлланмада турист тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳам ҳаракат қилинган.

Маълумки, туризм фаолияти қатор соҳалар билан биргалиқда ташкил этилади. Масалан, меҳмонхоналар, ресторанлар, транспорт ва бошқалар. Туристик индустря мавзусида ушбу масалалар ўрганилишига эътибор берилган.

Биламизки, республикамизда туризм инфратузилмаси буткул юқори даражага эришмаган ва бу жараён доимий жараёндир. Қўлланмада бу ишга алоҳида ёндашилган.

Ўқув қўлланмада туристик хизматлар мавзусига алоҳида ўрин ажратилган. Туризм турли хизматлардан ташкил топади : ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш ва бошқалар. Бу энг мухим мавзуларимиздан биридир.

Турист саёҳати давомида борилган жойда бирон - бир совға сотиб олади. Бу туристик товарлар мавзусида акс эттирилган.

Туризм бозорида туристик (тур) маҳсулот сотилади. Мазкур тур маҳсулот тушунчаси нимани англатади ва тур маҳсулотни янгилаш жараёнлари ҳақида нималарни билишимиз кераклиги ҳам ўқув қўлланмадан жой олган.

Шуларни алоҳида такъкидлаб ўтиш керакки, туристик ресурслар бўлмаса, туризм ҳам бўлмайди. Тур ресурслар - туризмнинг юраги, қон томиридир. Табиий иқлим, тарихий - маданий, майший ресурслар шулар жумласидандир. Булар-ни эътиборга олиб туристик ресурслар мавзуси киритилган.

Шунингдек, ўқув қўлланмада экология ва туризм, миллий парк ва резервациялар, туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш, туристик суғурта, туристик хужатлар мавзуларини ҳам имкони қадар ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Ўйлаймизки, "Туризм асослари" ўқув қўлланмаси мутахассислар учун мухим манбаа бўлиб қолади ва келгусида янгиланишда давом этади.

Атамалар луғати

1. Туризм - жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий - амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоги билан бир йил маддатга жўнаб кетиши.
2. Турист - Ўзбекситон республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс.
3. Туристик фаолият - саёҳат ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият.
4. Экскурсия фаолияти - туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диккатга сазовор жойлар ва бошқа обьектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамрохлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми.
5. Туристик ресурслар - тегишли ҳудуднинг табиий - иқлим, соғломлаштириш, тарихий - маданий, маърифий ва ижтимоий - майший обьектлари мажмуи.
6. Туристик фаолият субъектлари - белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар қўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар.
7. Туристик индустря - туристик фаолиятнинг туристларга хизмат қўрсатиши таъминловчи турли субъектлари (мехмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи.
8. Тур - муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат.
9. Туристик хизматлар - туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот -реклама хизматлари қўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар.
10. Туристик гурух раҳбари - туристик фаолият субъектининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга ҳамрохлик қилувчи, туристик хизматлар қўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс.
11. Гид (экскурсия етакчisi) - тур қатнашчиларига туристик хизматлар қўрсатиш шартномаси доирасида экскурсия -ахборот, ташкилий йўсиндаги хизматлар ва малакали ёрдам қўрсатувчи жисмоний шахс.
12. Лицензия - туристик фаолиятни амалга оширишга бўлган хукуқни тасдиқловчи маҳсус руҳсатнома.
13. Сертификат - туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян

стандартга ёки бошқа меъёрий хужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжат.

14. Туристик йўлланма (ваучер) - туристнинг ёки туристлар гурухининг тур таркибига киравчи туристик хизматларга бўлган хуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи хужжат.

15. Туристик индустря (саоат) - туристларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш субъектлари.

16. Туризм инфратузилмаси - иншоотлар мажмуи, йўллар, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, суғурта, банк ва бошқа тармоқлар.

17. Туристик товарлар - туристик совғалар, харидлар.

18. Туристик (тур) маҳсулот - туризм жараёнида амалга ошириладиган хизматлар ва ҳаражатлар йиғиндиси.

19. Туристик суғурта - туристларнинг ҳаётини мажбурий суғурталаш.

20. Туристик (тур) йўналиш - туристларни туризм фаолиятини амалга оширишлари учун олиб борилган йўналиш.

Европа ва Россия ўқув адабиётлари таҳлили

"Туризм асослари" ўқув қўлланмасини ёритиш жараёнида М.Б. Биржаковнинг "Введение в туризм", И.Б. Власова, И.В. Зорин, Е.Н. Ильинарнинг "Основы туристской деятельности" каби адабиётлардаги мавзулар таҳлил этилди. Хусусан, Россия туризм тизими, туризм атамалари ўрганилди ва ўринсиз, республикамизга тўғри келмайдиган томонлари ёритилмади. Ижобий томонларидан таржималар қилиниб, намуналар келтирилди.

Тавсия этиладиган адабиётлар **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003. -36 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисидаги" қонуни. //Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: Адолат, 2000. - б.131 - 140.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 - йил 2 - июндаги "Буюк Ипак йўли"ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида"ги фармони. //Халқ сўзи, 1995. 3 - июнь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбектуризм" МКни ташкил этиш тўғрисида"ги фармони. //Халқ сўзи, 1992. 28 - июль.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 - йил 8 - августдаги "Туристик ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш түғрисида" ги қарори. // Халқ сўзи, 1998. 9 - август.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

6. Каримов И. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. // Халқ сўзи, 2006. 25 - февраль.

7. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006. 11 - февраль.

8. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005. 9 -декабр.

9. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005. - 92 б.

10. Каримов И. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 160 б.

11. Каримов И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб хисоблашар эди. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 62 б.

12. Каримов И. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 318 б.

13. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 2000. - 350 б.

V. Дарсликлар

14. Алиева М.Т., Умаржанов А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Молия, 2005. - 339 б.

15. Алиева М.Т., Салимова Б.Х.. Мехмонхона менежменти. Дарслик. - Т.: Молия, 2005. - 275 б.

16. Кабушкин Н. И.. Менеджмент туризма. - М.: Новое знание, 2005. - с. 644.

17. Биржаков М.Б. Введение в туризм. - СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2004, - 444 с.

18. Елизаров Ю. Ф. Экономика организаций. Учебник - М.: Экзамен, 2005 - 496 с.

19. Одинцов А.А. Менеджмент организаций. Введение в специальность. Учеб. пособ. - М.: Экзамен, 2004, - 397 с.

20. Козырев В.М., Зорин И.В., Сурин А.И. и др. Менеджмент туризма. Экономика туризма. Учебник (серия менеджмент туризма) (ГРИФ). - М.: Финансы и статистика, 2004. - 253 с.

21. Александров А.Ю. Международный туризм. Учеб. Изд. Гриф. Мо. - М.: аспект. Пресс, 2004. - с. 400

22. Сенин В.С. Организация международного туризма. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 400 с.
23. Гуляев В.Г. Правовое регулирование туристской деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 304 с.
24. Янкевич В.С. Маркетинг в гостиничной индустрии и туризме. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 415 с.
25. Валдайцев С.В., Воробьев П.П. Инвестиции. Учебник. - М.: ТК Венби, издательство Проспект, 2003. - 300 с.
26. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 107 с.
27. Medlik, Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality. Printed and bound in Great Britain by Biddles Ltd -3rd ed, 2003. - 256 p.
28. Brassington, F. and Pettit, S. Principles of Marketing. 2nd ed, Prentice-Hall, 2002. - 255 p.
29. Wright, L.T. and Crimp, M. The Marketing Research Process. 5th ed., Financial Times/Prentice-Hall, 2002. - 240 p.
30. Richard Sharpley and David J. Telfer, Tourism and Development: Concepts and Issues, Printed and bound in Great Britain by Cambrain Printers Ltd. 2002. - 300 p.
31. Middleton, Victor T.C., Marketing in travel and tourism. Printed and bound in Great Britain by MPG books Ltd, Bodmin, Cornwall -3rd ed., 2001. - 350 p.
32. Stephen J Page, Paul Brunt, Graham Busby and Jo Connell, Tourism: a modern synthesis, Printed in Italy by G. Canale & Co 2001. - 240 p.
33. Villas F., Béchamel L. International Tourism. An Economic perspective. Chippenham, 2001. - 400 p.

VI. Ўқув қўлланмалар

34. А. Бекмуродов, М. Болтабоев, Б. Амонбаев, М. Тошхўжаев. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 1 - қисм. Макроиктисодий сиёсат ва иқтисодий ислоҳатлар. Т.: ТДИУ. - 2005, 59 б.
35. А. Бекмуродов, Р. Хакимов, Б. Сафаров, Г. Захидов. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 2 - қисм. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатлар ва фермерлик ҳаракати. Т.: ТДИУ. - 2005, 66 б.
36. А. Бекмуродов, С. Сатторов, Ж. Тўраев, К. Солиев, С. Рўзиев. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 3 - қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожи - давр талаби. Т.: ТДИУ. - 2005, 66 б.
37. А. Бекмуродов, Р. Тоғиев, Х. Курбанов, М. Алимардонов. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 4 - қисм. Молия ва банк тизимидағи ислоҳатлар самараси. Т.: ТДИУ. - 2005, 62 б.
38. А. Бекмуродов, Ш. Тоиров, Э. Махмудов, М. Исаков, Н. Тўраев. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 5 - қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат савдо ва инвестициялар оқимлари. Т.: ТДИУ. - 2005, 62 б.

39. Алиева М.Т., Хўжаев Ў.Х., Норчаев. А.Н. Туризм ривожланишини прогнозлаш. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ. - 2006. - 214 б.
40. Ирматов М.М., Алиева М.Т. ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. - Т.: Молия, 2005. -167 б.
41. Алиева М.Т., Хўжаев Ў.Х. Халқаро туризмда сармоя сиёсатни шакллантириш. - Т.: Молия, 2005. - 210 б.
42. Мирзаев. Р. Солнце путешествует по миру чтобы рассеять. - Т.: Ипак «Шарқ», 2005. - 230 с.
43. Мирзаев Р. Туристические жемчужины Узбекистана. - Т.: Ипак «Шарқ», 2005. - 38 с.
44. Алиева М.Т., Мирзаев М. ва бошқалар. Туризм ҳукуки. Ўқув қўлланма. - Т: Талқин, 2003. - 245 б.
45. Косолонов А.Б. Теория и практика экологического туризма. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 253 с.
46. Жукова. М.Ж. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 288 с.
47. Жукова М.Ж. Индустрия туризма: менеджмент организаций. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 200 с.
48. Ушаков Д.С. Технология выездного туризма. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 240 с.
49. Сапожникова. Е.Н. Страноведение. Теория и методика туристского изучения стран. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 240 с.
50. Александров А.Ю. Международный туризм. Учебное пособие для ВУЗов. - М.: Аспект Пресс, 2004. - 470 с.
51. Юрьев А.П. Планирование туризма. Учебное пособие. - Донецк, 2004. - 288 с.
52. Дурович А.П. Маркетинг в туризме. Учебное пособие 3 - е изд., стереотип., (ГРИФ). - М.: Финансы и статистика, 2004. 496 с.
53. Воронкова Л.П. История туризма и гостепримства. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 304 с.
54. Чудновский А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрией туризма. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 437 с.
55. Здоров А.Б. Экономика туризма. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 266 с.
56. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.
57. Дурович А.П. Реклама в туризме. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 254 с.
58. Соколова М.В. История туризма. Ученое пособие. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 352 с.
59. Travel Guide Uzbekistan - Tashkent: National Company Uzbekturizm 2003. - 10p.

60. Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey D. The Travel Industry. 3d. Wdit. - New York John Wiley Sons Ine. 2003. - 250 p.
61. Lundberg D., Krishnamurthy M. - Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Ine. 2003. - 210 p.
62. Hospitality, Tourism and heisure Management: Issues in Streegy and Culture. London, 2003. - 265 p.
63. Opperman, Martin and Kye - Sung Chon. Successful Tourism Management: Fundamentals of Tourism - New Delhi: Sterling Publish. Private LTD., 2002. - 258 p.
64. Tourism, Crime and International Security Issues / md. By Abraham Pizam and Yoe / Mans Fold. Chichester; John Wiley Sons, 2001 - 269 p.
65. Bonifase, Priseilla. Managing Quality Cultural Tourism - London, 2001 - 223 p.

VII. Илмий манографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар

66. Перспективы развития международного туризма. Материалы V - Международной научно - практической конференции студентов и молодых ученых. - Донецк. 2002.
67. Туристик фаолиятда солик муаммолари ва уларни тартибга солиш. Халқаро илмий - амалий анжуман. -Т.: 2002.
68. Халқаро бозорда миллий туризм. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2001. № 1 - 2.
69. Халқаро туризмнинг Испания иқтисодиётидаги аҳамияти. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2001. № 7 - 8.
70. Халқаро туризм иқтисодий ривожланиш воситаларидан бири. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2001. № 11 -12.

VII. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

71. Мирзаев. Р. Солнце путешествует по миру чтобы рассеять тени. - Т.: Ипак «Шарқ», 2005. - 236 с.
72. Мирзаев. Р. Туристические жемчужины Узбекистана. - Т.: Ипак «Шарқ», 2005. - 86 с.

VIII. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

73. Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Тошкент, 2006.
74. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Номзодлик диссертацияси. - ТДИУ, 2004. - 120 б.
76. Хакимов Д.С. Ўзбекистонда миллий туризм моделининг шаклланиши. 2005. - 107 б.
77. Ибобеков Ф.Б. Ўзбекистонда туризм индустрясининг ривожлантириш истиқболлари. 2005. - 96 б.

IX . Илмий - амалий анжуманлар маърузалари тўплами

78. Алиева М.Т. Развития индустрии туризма. «Международные Плеха-

новские чтения», 19 апреля РЭА. им. Г.В. Плеханова, 2006.

79. Алиева М.Т. Развитие инфраструктуры туризма в Узбекистане. Материалы VII - Международной научно -практической конференции студентов и аспирантов. Донецк, 2004.

80. Норчаев А.Н. Tourism as a dynamic branch of the economy of Uzbekistan. Материалы VII - Международной научно -практической конференции студентов и аспирантов. Донецк, 2004.

81. Норчаев А.Н. The Uzbek model of tourism. Материалы VII - Международной научно - практической конференции студентов и аспирантов. Донецк, 2004.

82. Норчаев А.Н. Туризм индустрияси менежменти. Республика илмий - амалий анжуман. - Т.: 2003.

83. Алиева М.Т. Тенденции развития туризма в Узбекистане. «Пятнадцатые международные Плехановские чтения», 27 апреля РЭА.им. Г.В.Плеханова. 2002.

X. Газета ва журналлар

84. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. № 2, 2004.

85. «Туркистан» газетаси. 2003.

XI. Статистик маълумотлар тўпламлари

86. Tourism: 2020 vision, Madrid, 1997, 21 р.

XII. Интернет сайтлари

[www.peugeotfa.ru <http://www.peugeotfa.ru>](http://www.peugeotfa.ru) - цены услуг

www.bashexpo.ru - выставки, конференции

[www.interunion.ru <http://www.interunion.ru>](http://www.interunion.ru) - туристские ассоциации

www.world-tourism.org - Всемирная туристская организация

www.wttc.org - Всемирный Совет по путешествиям и туризму

[www.interunion.ru <http://www.interunion.ru>](http://www.interunion.ru) - туристские ассоциации

www.world-tourism.org - Всемирная туристская организация

www.tag-group.com - Консультативная группа по вопросам туризма (TAG)

www.e-tours.ru - деловые туры, выставки, конференции

www.travel-library.com - Электронная библиотека путешествий

www.uzbektourism.uz - Ўзбектуризм МК

XIII. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари

87. Алиева М., Норчаев А. Туризм менежменти. Электрон дарслик. 2005

88. Алиева М., Қутлимуратов Ф. Туризм иқтисоди. Электрон дарслик. 2005

89. Алиева М. Туризмда сармоя сиёсати. Электрон дарслик. 2005.

XIV. Битирув малакавий ишлари (бакалавриат учун)

90. Аққулов А. "Испанияда халқаро туризм ривожланиши ва унинг иқтисодиётга интеграциялашуви". 2005 й. - 85 б.

91. Сидиков С. "Ўзбекистон Республикасида туроператор фаолиятини

ривожлантириш". 2005 й. - 97 б.